


# ДОНИШМАНДЛАР ТУҲФАСИ

*РУБОИЙЛАР*



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2009

Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди

Такризчилар:  
Султонмурод ОЛИМ, Сайфиддин РАФИДДИНОВ,  
филология фанлари номзодлари

Қадим ул-айёмдан халқимизнинг азиз-авлиёларга эътиқоди баланд бўлиб, уларнинг номларини ҳамиша юрагининг тўрида асраб келган, сермазмун ҳәётини ибрат намунаси билиб, ҳикматли сўзларини ёд айтиб юрган. Ушбу тўплам мусулмон Шарқида машҳур Боязид Бистомий, Абулҳасан Харақоний, Бобо Кўхий, Абусаид Абулхайр, Носир Хисрав, Абдуллоҳ Ансорий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмади Жом, Муҳаммад Фаззолий, Аҳмад Фаззолий, Айнулқуззот Ҳамадоний, Ҳаким Санойи, Абдулхолиқ Фиждувоний, Низомий Ганжавий, Нажмиддин Кубро, Маждиддин Бағдодий, Фаридиддин Аттор, Шаҳобиддин Суҳравардий, Сайфиддин Боҳарзий, Бобо Афзал, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Розий, Фахриддин Ироқий, Азизиддин Насафий, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Ҳожа Али Ромитаний, Носир Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Камол Ҳўжандий, Ҳофиз Шерозий, Шоҳ Нематуллоҳ Валий, Абулвафо Ҳоразмий, Ҳусайн Ҳоразмий, Қосим Анвор, Яъқуб Чархий, Ҳожа Исмат Бухорий, Имодиддин Насими, Ҳаёлий Бухорий, Абдураҳмон Жомий, Шайх Баҳоий, Имло Бухорий, Шавкат Бухорий каби ана шундай 100 дан ортиқ донишманд зотлар, машҳур валийлар ва мутасавиф шоирларнинг маънавий-ахлоқий муаммолар ва инсоний камолот масалалари, ҳақиқий ва мажозий ишқ тараннуми ўзининг юксак бадиий талқинини топган, диний, тасаввуфий ва дунёвий илмлар асосидаги кенг ва чукур фикр-мушоҳадалар ҳамда кўп йиллик ҳәётий тажрибадан келиб чиққан мақол ва ҳикмат даражасидаги панд-насиҳатга йўғрилган теран маъноли, бадиий баркамол руబойларини ўз ичига олади.

ISBN-978-9943-01-502-9

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2009

## ТАРИҚАТ ВА ШЕҮРИЯТ

Маълумки, Мұхаммад алайхиссалом — Оллоҳнинг сүнгги расули. Пайғамбаримиз оламдан ўтгач, ислом дунёсига у зотнинг ноиблари бўлмиш халифалар раҳнамолик қилдилар. Халифалардан кейин эса одамларни ҳидоят йўлига бошлаш Ҳақ таоло ўзининг хос кишилари сифатида танлаган<sup>1</sup> авлиёлар (Худога яқин кишилар, Оллоҳнинг дўстлари) зиммасига тушди. Бу вазифани улар энди то қиёматга қадар бажаришлари лозим бўлади. «Киши юлдузларга боқиб тўғри йўлни хатолардан ажратиб олганидек, валийларга қараб ҳам мақсадига етишади»<sup>2</sup>, — дейди бу ҳақда Жалолиддин Румий. Донишманд шайх ва валийларнинг асрлар мобайнида жамият ҳаётида раҳнамолик ролини ўйнаб келганлари, ҳукмдорларнинг сабаби шунда. Чунончи, соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида: «... машойихлар, сўфийлар Худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшишиб, кароматлар кўрдим, мўъжизаларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим»<sup>3</sup>, — деб лутф этган эди.

Оллоҳнинг дўстларию пайғамбарларнинг ворислари бўлмиш шайху авлиёлар бизда бир неча ўн йиллар мобайнида бир ёқлама талқин этиб келингани каби кишиларни зулм-зўрликка бош эгишга, тақдир ҳукмига бўйсунишга тарғиб этмаганлар, балки улар, аввало, инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун қайғурганлар, жамиятнинг поклиги учун курашганлар. Ҳалқни эзгу ишларга рафбатлантириб, ножӯя хатти-ҳаракатлардан қайтарганлар. Ўз навбатида, ҳукмдорларга ҳам насиҳатлар қилиб, улар томонидан содир этилажак

;

<sup>1</sup> Султон Валад. Маориф // Комил инсон ҳақида тўрт рисола (Н. Комилов таржимаси). — Тошкент, 1997. 88-бет.

<sup>2</sup> Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (У. Абдуваҳоб таржимаси). — Тошкент, 1997. 114-бет.

<sup>3</sup> Темур тузуклари. — Тошкент, 1996. 84-бет.

адолатсизликларнинг олдини олишга уринганлар. Масалан, раз-  
навийларнинг адолатсизлиги ва зулми ҳаддан ошгани сабабли  
Хурсоңдаги Абусаид Абулхайр бошчилигидаги сўфиёна оқим  
мамлакатга салжуқийлар қўшинларининг кириб келишларига ёрдам  
берган. Хурсоңдаги яна бир сўфиёна мактаб раҳнамоси Абдуллоҳ  
Ансорий амир-амалдорларнинг адолатсизликларига чек қўйиш  
мақсадида салжуқийлар салтанатининг вазири Низомулмулкка  
номалар ёзган. Нажмиддин Кубро бошчилигидаги кубравия тариқати  
намояндлари Чингизхоннинг Хоразмни истило қилишини бирмунча  
кейинга сурғанлар — Чингизхон бир неча марта элчилар юбориб,  
буюк шайхнинг Хоразмни тарк этишини сўраган, лекин у бу так-  
лифни рад этиб, муридлари билан шаҳар мудофаасига отланган —  
жанг майдонидан унинг жасадини топғанларида қўлига мўғул  
аскарларидан бирининг сочини маҳкам сиқиб олган экан<sup>1</sup>. Ёки Шайх  
Маждиддин Бағдодийни олайлик. «Тангри наздида энг маъқул жиҳод  
золим подшоҳга айтилган ҳақ сўздир»<sup>2</sup>, — деган ҳадисга амал қилиб,  
Муҳаммад Хоразмшоҳни тўғри йўлга солишга урингани учун уни  
Амударёга чўқтирадилар. Темурийлар даврида мамлакат сиёсий ҳаётida  
нақшбандия шайхларининг нуфузи баланд бўлган. Чунончи,  
нақшбандия тариқатининг пири комили Хожа Убайдуллоҳ Ахрор  
Валий ҳар куни ҳукмдорлар ва уларга қарашли амир-амалдорларга  
мактублар ёзар ва раият билан боғлиқ у ёки бу масалани ҳал қилиб  
беришни сўрар эди. Ҳалқ орасида катта нуфузга эга бўлган шайхнинг  
сўзини ерда қолдиролмаган ҳокимлар мазкур муаммоларни тезда  
ижобий ҳал қилиб берганлар<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам тариқат шайхлари  
ҳаёти ва фаолияти ҳамиша ибрат намунаси бўлиб келган, ижоди эса  
юксак маънавий-тарбиявий аҳамият касб этган.

Рубоийни шеъриятнинг фалсафий жанри, дейишади. Лекин  
рубоийда фалсафийликнинг чуқурлашуви унда тасаввуфий тоя-  
ларнинг ишланиши билан боғлиқ<sup>4</sup>. Чунки тасаввуф пайдо бўлгунга  
қадар рубоий, асосан, ҳалқ оғзаки ижодининг етакчи жанрларидан  
бири эди. Шайх-шоирлар уни ўз таълимотларининг асосларини  
тушунтириш ва кенг омма орасига ёйиш воситаси қилиб олиш билан

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўрта Осиё ҳалқлари ҳурфикрлилиги тарихидан. — Тошкент, 1990. 112—113-бетлар.

<sup>2</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. — Тошкент, 1990. 18-бет.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. — Тошкент, 1994. 69-бет.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳаққул И. Шарқ шеъриятининг воҳид қуёши. // 333  
рубоий. — Тошкент, 1991. 3-бет.

рубоййни сўз санъатининг довруғдор жанрларидан бирига айлантирилар.

Тасаввуфга оид адабиётлардан маълум бўлишича, рубоий айтмаган тариқат пири йўқ ҳисоби. Фаридиддин Атторнинг «Мухторнома»сида 3000 га яқин, Жалолиддин Румий девонида 1994 та, Авҳадиддин Кирмонийнинг рубоийлар тўпламида 1807 та, Камолиддин Исоил ижодида 867 та, Ҳаким Саноий адабий меросида 537 та, Бобо Афзалда 483 та, Авҳадий Марофийда 180 та, Фахриддин Ироқийда 165 та рубоий мавжуд. Абдуллоҳ Ансорийга 2000 дан зиёд, Абусаид Абулхайрга 720 та, Сайфиддин Боҳарзийга 650 та рубоийни нисбат берадилар. Шайх-шоирлар ижодида рубоийнинг қанчалик катта ўрин тутганини шундан ҳам билса бўлади.

Маълумки, тасаввуф таълимоти инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбиясини асос қилиб олди ҳамда ўз тараққиёти давомида уни олий муқаммалликка етказиш йўллари, босқичлари ва қоидаларининг бутун бошли бир мажмуини ишлаб чиқдики, унга амал қилган сари киши ўзидағи қусурлардан қутула, янгидан-янги фазилатлар касб эта боради. Шайх-шоирларнинг рубоийлари эса айни шу комиллик дастурининг шеърий ифодасидир. Бу рубоийларда комил инсон мартабасига етишиш шартлари ва йўллари, унинг мақом ва даражалари кўрсатилган, бунинг киши ўзидағи қайси ижобий хусусиятларни ривожлантириб, қайси салбий нуқсонлардан ҳалос бўлиши лозимлиги баён этилган, комил инсоннинг ҳаёт ва фаолият тарзи, иймон-эътиқоди, ахлоқий принциплари, муҳаббати, ўй-кечинмалари, ҳис-туйгулари, аҳвол-руҳияси, тавба-тазаррулари, қисқаси, унинг оддий одамдан комил инсон даражасига юксалиш жараёни, бу йўлдаги қувончу ташвишлари, ранжу маشاққатлари ўз аксини топган. Бир бутун ҳолида бу рубоийлар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра ҳам Ҳақ, ҳам ҳалқ ризосига эришган комил инсон ҳақидағи улкан достондир. Оллоҳга итоат ва ибодат, ота-онага ҳурмат, суюкли ёрга садоқат, Ватангга, туғилган тупроққа муҳаббат, фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаш, диний ва дунёвий илмларни эгаллаш, касб-хунар ўрганиш, яхши тарбия олиш, умум манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйиш, эл-юргу хизматига ҳамиша шай туриш, ҳалқнинг оғирини енгил қилиш, бева-бечораларга ёрдам қилиш, ҳалол, пок, тўғри бўлиш, ҳаром-харишдан узоқ юриш, ҳиммат, саховат, шижоат, матонат, қаноат, меҳнатсеварлик, нафсга, ҳирсу ҳавасга қул бўлмаслик, беозорлик, хушмуомалалик, хоксорлик, аҳдга вафо қилиш, фақат эзгулик деб яшаш сингари гуманистик ғоялар тарғиб этилган, одоб, ҳаё, мардлик, олийжаноблик, ростгўйлик,

инсоф, адолат, камтарлик, фидойилик каби эзгу инсоний фазилатлар улуғланган, аксинча, одамийлик шаън-шавкатини ерга урадиган зулм-зўрлик, адолатсизлик, бироннинг ҳақини ейиш, риё, кибр, зинокорлик, хиёнат, баҳиллик, ҳасадгўйлик, хусумат, туҳмат, ёлғончилик, қўрқоқлик, эътиқодсизлик, бекорчилик, текинхўрлик ва бошқа ношойиста одатлар қораланган бу рубоийларни илгари сурган гояси, ифодалаган маъносига кўра муайян тартиб билан жойлаштириб чиқса, комил инсоннинг ўзига хос шеърий ахлоқ кодекси пайдо бўлади.

Машҳур мутасаввиф шоир ва донишманл Фаридиддин Атторнинг ёзишича, Куръони карим ва ҳадиси шарифдан кейин етук шайхлар ва улуг авлиёларнинг сўzlари туради ва ладуний (илоҳий) илмнинг ботини, моҳиятини ташкил этади<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам «Авлиёнинг шеъри, энг аввало, тафсири Қуръондир», — дейди Султон Валад. Бинобарин, шайх-шоирлар рубоийларида Оллоҳ ҳамди, пайғамбар наъти, исломий аҳкомлар тарғибию сўфиёна гоялар ташвиқи етакчи ўрин тутиши бежиз эмас. Бундай рубоийлар диний ва тасаввуфий ўтитларнинг назмий талқинлари бўлиб, шайх-шоирлар ижодида асосий ўрин тутади. Лекин шайх-шоирлар фақат исломий ва тасаввufий мавзулардагина қалам тебратиб қолмай, ранг-баранг инсоний туйғу-кечинмалар, азалий ва абадий ҳаётий қадриятлар тасвирида ҳам маҳорат кўрсатгандар, хусусан, маънавий-ахлоқий мавзу — одам боласи табиатидаги уни тўғри йўлдан ҷалғитадиган, тубанлик ҷоҳига судрайдиган қусурлар, салбий иллатларни танқид қилиш ва инсонни камолотга эриштирадиган, уни шарафлайдиган эзгу хислат-фазилатларни улуғлаш бу рубоийларнинг ўқ илдизини ташкил этади. Улар ижодида ҳаётий тажрибалар асосида яратилган тириклик моҳияти, ғанимат дамларнинг қадрига етиш, умрни қадрлаш ва бошқалардан баҳс этувчи рубоийлар ҳам кўп учрайди. Шарқ панднома адабиётининг асосий қисми ана шундай донишманд зотлар ҳиссасига тўғри келиши бежиз эмас.

Маълумки, панд-насиҳат қанча ихчам ва ёрқин ифодаланса, шунча таъсирчан ва жозибадор бўлади. Айни жиҳатдан, рубоий ҳикматли сўzlар, фалсафий мазмунни ифодалашга жуда кўл келди: бу ихчам ва лўнда шакл шоирларга катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган турли-туман ўтитларни унга маҳорат билан сингдириш имкониятини яратди, рубоий кўплаб ривоят-нақллар

<sup>1</sup> *Фаридиддин Аттор.* Тазкират ул-авлиё (М.Кенжабек таржимаси). — Тошкент, 1997. 4-бет.

орқали қиссадан ҳисса чиқаришга йўналтирилган бутун-бутун панднома достонлар ўрнини муваффақият билан босди. Шунинг учун таниқли шарқшунослар И. Брагинский ва Д. Комиссаровлар: «Рубоий — бутун бир ҳаёт, чек-чегарасиз инсоний кечинмалар тўрт мисрага жо бўладиган ўзига хос мўъжаз санъат асари»<sup>1</sup>, — деб ёзган эдилар.

Катта кўламдаги бу рубоийлар мумтоз адабиёт ривожи ва бадиий тафаккур тараққиётига кучли таъсир ўтказган ва Шарқ сўз санъатининг олтин фондидан жой олган. Е.Э. Бертельс айнан сўфий шоирлар мўғуллар ҳукмронлиги даврида форс адабиётининг энг гўзал анъаналарини сақлаб қолиб, XIV—XV асрларгача етказганлари, шу тариқа Ҳофизнинг ўлмас ғазаллари ва Абдураҳмон Жомийнинг ранг-баранг жанрдаги асарлари каби мумтоз намуналар билан жаҳон адабиётини бойитиш имкониятини яратганларини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Ушбу тўплам Шарқнинг машхур мутафаккир ва авлиёлари, тасаввуфда ўз мактабини яратган йирик тариқат пирлари, тарихда катта из қолдирган донишманд шайхлар, ижодида ирфоний руҳ ва мазмун кучли бўлган таниқли мутасаввиф шоирлар рубоийлари асосида тартиб берилди. Албагта, улардан қай биридан юзлаб ё минглаб, қай биридан эса биргина рубоий етиб келган, холос. Бунинг устига, кўплаб рубоийлар бир неча муаллифга нисбат берилади — биз бундай сайёр рубоийларни аниқлаб, матн ости ҳаволасида кўрсатиб бордик. 100 дан ортиқ мутасаввиф шоир қаламига мансуб 1800 га яқин рубоийнинг бир ерга тўплангани, ҳар бир муаллифнинг ҳёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот келтирилгани, 600 дан ортиқ арабий-форсий сўзлар ва тасаввуфий тимсол-тушунчаларга изоҳ берилгани жиҳатидан мумтоз сўз санъати ва тасаввуф адабиёти бўйича ўзига хос мажмуя характеристига эга бўлган мазкур тўплам ислом маърифати ва тасаввуф ҳақиқатларига ташна кенг ўқувчилар оммасининг бу борадаги эҳтиёжларини муайян даражада қондиришига хизмат қиласи, деб ўйлаймиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди

<sup>1</sup> Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература (Краткий очерк). — Москва, 1963. С. 33.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. — Москва, 1965. С. 53.

# БОЯЗИД БИСТОМИЙ

(801—875)

Шарқ дунёсида машхур тариқат пири, тайфурия силсиласи асосчиси Боязид Тайфур ибн Исо Сарушон ал-Бистомий Эроннинг Бистом шаҳрида туғилган. Ривоят қилишларича, у 300 донишманддан сабоқ олган, 113 пирга хизмат қилган. Устозларидан бири Жаъфари Содик бўлиб, унинг ҳузурида 7 йил таҳсил кўрган. Нишопур, Рай, Ҳамадон, Ироқ, Шом ва Арабистонга сафар қилиб, Жаъфари Содик, Зуннун Мисрий, Жунайд Бағдодий, Аҳмад Ҳадравия, Абуҳафс Ҳаддод, Яҳҳе Муоз, Шақиқ Балхий каби таниқли тариқат пирлари билан яқин алоқада бўлган. Тасаввуф тараққиётида катта роль ўйнаган бу буюк сўфий «Султон ул-орифин» («Орифлар султони») ва «Бурҳон ул-муҳаққиқин» («Таҳқиқ аҳли ҳужжати») фахрий унвонлари билан улуғланган. Жунайд Бағдодий: «Боязид бизнинг орамизда фаришталар ичидаги Жаброил кабидир», — деб лутф этган экан. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») тазкирасида ёзишича, Боязид намоз қилганида Оллоҳ таоло кўркуви ва шариат хурматидан ҳатто кўксининг сүяклари нола қилар экан<sup>1</sup>.

Боязид Бистомий тасаввувнинг илмий асосланиши, фано ва тариқат тушунчалари талқинига катта ҳисса қўшган. Жумладан, Ҳаққа етиш учун тариқат босқичларини босиб ўтиш шарт, деган талабни у биринчи бўлиб қатъий қилиб кўйган. Боязид «сукр» — «мастлик» гоясини илгари суради. Унинг уқтиришича, сўфий зикр пайтида ўзини унугтиб, Худонинг ишқида маству мустафрақ бўлади. Бундай ҳолатни у фано деб атади. Ўзлигини унугтан — фанога эришган сўфий илоҳий сифатларни қабул қилади. У ўз таълимотида илоҳий (лоҳут) ва инсоний (носут) руҳни, яъни маънавий ва моддий ибтидони ўзаро бирлаштиришга интилган. Шунинг учун уни «хулул» — Худо билан бирлашиб-қўшилиб кетиш гоясини даъво қилишда айблашган. Шундай фикрлари ва Мансур Ҳалложнинг «Аналҳақ» —

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат // Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд. — Тошкент, 2001. 48-бет.

«Мен — Ҳақман» деган сўзларини эслатувчи ҳол илҳоми билан айтган «Субҳони, субҳони мо аъзам уш-шаъни» («Мен шарафланганман, менинг шаъним ниҳоятда баланд») деган сўзлари учун у етти марта туғилган шаҳри Бистомдан қувиб чиқарилган. Шунда у: «Бу қандай яхши шаҳарки, ёмони менирман», — деб киноя қилган экан.

Комил инсон ҳақидаги илк фикрлар ҳам унинг тасаввифий қарашларида илгари сурилган эди.

Боязид Бистомийнинг бир қанча сўзлари машҳур бўлиб, тилдан-тилга ўтиб келади. Жумладан: «Вафот этганидан кейин жаҳаннам эшигида туриб, унга маҳкум қилинганларнинг ўрнига ўзини ўтга ташлаб, уларнинг жаннатга киришига восита бўлмайдиган муриддан безорман!» Шунингдек, «Ўзингдан ўтдинг — етдинг», деган фикри ҳам машҳур.

Қабри Эроннинг Бистом шаҳрида бўлиб, муқаддас зиёратгоҳ-лардан саналади.

Боязид Бистомийнинг бирор китоби бизгача етиб келмаган. «Китоб ал-нур мин калимоти Абул Тайфур» («Абул Тайфур сўзларидан нур олган китоб»), «Шатҳиёти Боязид Бистомий» («Боязид Бистомий шатҳиётлари») каби маноқибларда буюк шайхнинг сўзлари, у ҳақидаги нақл, ҳикоят ва ривоятлар ўрин олган.

Нажмиддин Комилов, Ҳамидjon Ҳомидий, Садриддин Салим Бухорий, Икромиддин Остонақулов каби ўзбек олимлари Боязид Бистомий ҳаёти ва фаолияти, қарашларини ўёки бу даражада ўрганишган. Ҳамидулла Болтабоев унинг «Шатҳиёт» асаридан парча таржима қилган.

## 1

Ишқинг сени ўлдириди орифу<sup>1</sup> омни<sup>2</sup>,  
Маҳв айлади<sup>3</sup> савдойинг ҳар эзгу номни.  
Май рангли лабинг<sup>4</sup> завқи<sup>5</sup> чиқормиш, кўргил,  
Бу савмаадан<sup>6</sup> Боязиди Бистомни.

<sup>1</sup> Ориф — маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон, Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

<sup>2</sup> Ом — омма, ҳалқ.

<sup>3</sup> Маҳв айлаш — йўқ қилиш, ўчириш.

<sup>4</sup> Лаб — сўфиylар истилоҳида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда туттилади.

<sup>5</sup> Завқ — ишқ қақмоғи қақнаган лаҳзада соликнинг Ҳақни мушоҳада қилишдаги илк ҳолат ва даражаси.

<sup>6</sup> Савмаа — насронийлар ибодатхонаси, черков.

Бизнинг йўлимиз ишқ ичра бадномликлир,  
 Куйганлар аро насибамиз хомликдир.  
 Нокомлигимиз<sup>1</sup> ёр дилининг коми<sup>2</sup> экан,  
 Дил коми ҳамиша энди нокомликдир.

Дил дер: «Бу ғамим маҳрами ҳеч жон бўлмас,  
 Ҳар кимга бу сўзни англаш осон бўлмас.  
 Мендай киши бу жаҳонда кофир бўлса,  
 Бас, ер юзида бирор мусулмон бўлмас»<sup>3</sup>.



<sup>1</sup> Ноком — мақсадига етмаган, бечора, маҳрум.

<sup>2</sup> Ком — 1) оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак.


<sup>3</sup> Абу Али ибн Сино ижодида ҳам шу мазмундаги рубойй мавжуд.

# АБУЛҚОСИМ БИШР ЁСИН

## (вафоти 991)

Алишер Навоийнинг маълумот беришича, Шайх Абулқосим Бишр Ёсин шайхларнинг донишмандларидан ва авлиёларнинг улуғларидан бўлган. Машхур тариқат пири, орифлар султони Абусаид Абулхайрнинг устози — унинг буюк шайх бўлиб етишишини башорат қилган ва унга йўл-йўриқ кўрсатган. Бир куни Абусаиддан: «Оллоҳ билан сұхбатлашишни хоҳлайсанми?» — деб сўрайди ва унинг: «Нега энди хоҳламас эканман?» — деган жавобини эшитиб: «Қачон хилватда бўлсанг, мана бу рубоидан бошқа нарсани ўқима», — дейди<sup>1</sup>. Мана, ўша рубоий:

Бир дам сени кўрмасам, қарорим йўқдир,  
Лутфу карамингдан сира зорим йўқдир.  
Айланса-да ҳар туки танимнинг тилга,  
Шукринг адо этгали мадорим йўқдир<sup>2</sup>.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 206—207-бетлар.

<sup>2</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

# АБУЛАББОС ҚАССОБ

## (XI аср)

Ўз даврининг донишмандларидан бўлган Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим Абулабbos Қассоб Омулий Нишопур мадрасаларида таҳсил олиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Табарий қўлидан табаррук хирқани кийган. «Гарчи у зоҳирий билимларга таважжуҳ қўлмасада, аммо барча билимларни тез ўрганиб, шу соҳа бўйича ўзгаларга дарс айта оларкан. Хусусан, исломшуносликда беназир устод даражасига етган»<sup>1</sup>. Риёзат, каромат, фаросат ва нафосат бобида тенгсиз бўлиб, Абулҳасан Харақонийнинг муршиди эди. Абусаид Абулхайр билан баҳсу мунозара қилиб турган. Саховат ва жавонмардликда<sup>2</sup> замонасининг ягонаси бўлган<sup>3</sup>.

Кўзнинг кўзига кўз қўйиб олгандик шод,  
Шундан яшадик ҳеч нимани қўлмай ёд.  
Тушгач у жамол савдоси бошга, энди  
Кўздан-да, кўришдан-да бўлибмиз озод.



<sup>1</sup> Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. — Тошкент, 2004. 76-бет.

<sup>2</sup> Жавонмардлик (*Футувват*) — X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Ҳурсонда ҳалқнинг оғирини енгил қилиш, золим ҳукмдорларга қарши курашиш, ушшган ҳолда элу юртни ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида ҳалқ ичидан чиқсан турли касб-хунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. Бу тоифа жавонмардлар, фатиyllар, ахйлар, айёрлар деб ҳам юритилган.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 201—202-бетлар; Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 76-бет.

# АБУЛҲАСАН ХАРАҚОНИЙ

(вафоти 1034)

Шайх Абулҳасан Харақоний мусулмон оламида машҳур тариқат пири ва мутасаввиғ шоир ҳисобланади. У Ҳасрнинг иккинчи ярмида Қумиснинг Харақон қасабасида дунёга келиб, камбағал оиласдан бўлғанлиги туфайли чўпонлик ва деҳқончилик билан машғул бўлган. Ўз даврининг комил пирларидан бўлган Шайх Абулаббос Қассоб қўлида тарбияланган. Таҳсилни ниҳоясига етказиб, иршод олганидан сўнг бир умр тасаввуф билан шуғулланган. Ўз илми, иқтидори, хулқи, эзгу ишлари билан йигитлигига ёқ эл оғизга тушган Абулҳасан Харақоний кўплаб муридлар тарбиялаб етиштирган. Ўз даврининг буюк инсонлари, жумладан орифлар сultonи Абусайд Абулхайр, шайх ур-раис Абу Али ибн Сино, машҳур шоир ва мутафаккир Носир Ҳисрав, ҳатто Султон Маҳмуд Фазнавийлар уни зиёрат қилиб, файзли суҳбатидан баҳраманд бўлишган. Ҳусусан, Абулҳасан Харақоний ва Абусайд Абулхайр ўзаро яқин муносабатда бўлишган. Абусайд унинг хонақоҳида олти ойлаб қолиб кетган. Шунинг учун ҳам у: «Мен оддий гишт эдим, Харақонга боргач, гавҳар бўлиб қайтдим», — деб лутғ этган экан. Шайхулислом Абдуллоҳ Анзорий бир неча йил унинг хизматида бўлган. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Фаридиддин Ағторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарларида ва бошқа манбаларда Абулҳасан Харақоний ҳақида маълумотлар келтирилади. Чунончи, Навоий ёзди: «Оти Али бинни Жаъфар. Ўз рўзгорининг<sup>1</sup> ягона ва гавси<sup>2</sup> эрди. Вақтнинг қибласики, замонида риҳлат анга эрди. Шайх Абулаббос Қассоб айтиб эрдики, (бизнинг бу бозорчамиз Харақонийга ўтади). Риҳлат ва зиёрат анинг вафотидан сўнгра Харақонийга эврулди»<sup>3</sup>.

Барча буюк шахслар каби Абулҳасан Харақонийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам афсонаю ривоятларга кўмилган. Чунончи, унинг Боязид Бистомий руҳидан тарбия топғанлиги айтилади. Харақондаги улуғлар мозорини зиёрат қилишга келган Боязид Бистомий: «Бу ердан буюк бир зотнинг ҳиди келяпти, унинг номи Али, куняси Абулҳасан бўлади», — деб Харақонийнинг туғилишини 170 йил бурун башорат қилган экан. Ўз навбатида, Абулҳасан йигитлигига 12 йил давомида Боязиднинг мозорини зиёрат қилиб, Оллоҳдан унинг руҳи поки орқали мадад қилишини сўраган экан.

<sup>1</sup> Рўзгор — 1) дунё, олам; 2) давр, замон.

<sup>2</sup> Гавс — дунёни идора этадиган валийлар жамоаси — рижол ул-ғайблар тоифасига мансуб авлиё.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 209-бет.

Абулҳасан Ҳарақонийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар, ҳикматли сўзлари ва шеърларидан намуналар «Нур ул-улум» («Илмлар нури») китобида жамланган. Бу китоб шайхнинг шогирдлари томонидан тартиб берилган. Тасаввуфга оид тазкира ва маноқибларда ундан парчалар келтирилган. Муридларнинг саволларига шайхнинг жавоблари тарзида яратилган ўн қисмдан иборат ушбу китобда тасаввуф таълимотининг кўплаб назарий ва амалий масалалари ўз ифодасини топган. Ҳарақонийнинг ҳар бири қўйма ҳикмат каби жаранглаган сўзлари унинг донишманд зот эканлигидан далолат беради. Асрлар давомида тасаввуф назариётчилари сўфиийлик таълимотининг ўёки бу масалаларини тушунтиришда бу жавоблардан фойдаланиб келганлар. Шайх-шоирга нисбат бериладиган рубоийлар унинг шеърий таъби ҳам баланд бўлганлигидан далолат беради.

## 1

Ёр мастиману бодаю<sup>1</sup> жомдан<sup>2</sup> озод,  
Ёр сайдиману<sup>3</sup> донаю домдан озод.  
Мақсад менга ёр Каъбаю бутхона<sup>4</sup> аро,  
Йўқса мен у ҳар икки мақомдан озод.

## 2

Билмасмиз азал сирини на сену на мен,  
Тақдир ёзувин бирини на сену на мен.  
Биз сўзлашамиз парда аро — у тушса,  
Сақлай оладирмиз уни на сену на мен<sup>5</sup>.

## 3

Яхши шер ила жанг айламоқдан ҳар кез  
Фақр<sup>6</sup> ханжаридан агарда қилсанг парҳез.  
Ёлғиз кишилар ҳиммати мисли эгов,  
Гар кесмас ўзи, кесгучини қилгай тез.

<sup>1</sup> *Бода* — май, шароб, маест қилувчи ичимлик. Бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастилик илоҳий маърифатдан ҳузурланишини, маънавий завқ дарёсига гарқ бўлишни билдиради.

<sup>2</sup> *Жом* — қадаҳ, пиёла, коса. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносида келади.

<sup>3</sup> *Сайд* — ов, шикор.

<sup>4</sup> *Бутхона* — бутпарастлар ибодатхонаси. Тасаввуфда лоҳут олами, яъни вахдати кулл кўзда тутилиб, аҳадият зотининг мазҳарияти маъносида ҳам келади.

<sup>5</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайр ва Умар Хайёмларга ҳам нисбат берилади.

<sup>6</sup> *Фақр* — тариқатнинг тўртингчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа муҳтоҳ бўлиш.

Хақ хукмига қарши нега афғон<sup>1</sup> қилайин?  
 Ҳаддим қани то хилофи фармон қилайин?  
 Бўлса яна юзта нуридийдам, барини  
 Шундай кун учун йўлида қурбон қилайин!<sup>2</sup>

## 5

Дарвеш<sup>3</sup> элининг бор-йўғи ошуфта<sup>4</sup> қўнгил,  
 Бу тоифанинг ҳар нафаси Ҳаққа далил.  
 Бу тоифадан чўчима, юз бош кетса,  
 Кўрмайди киши ўргада бир қўлни-да, бил.

## 6

Кўнглимдаги бор фикру ўю андиша,  
 Ёр ёди билан боғлиқ эрур ҳамиша.  
 Ёр ёди билан ўша чунон бўлмиш гарқ,  
 Ўзга нима унда тута олмас гўша.

## 7

Сенга мажусий<sup>5</sup> санам агар ёр бўлмас,  
 Бутга<sup>6</sup> сиғинишдан унга ҳеч ор бўлмас,  
 Кимнинг белида агарда зуннор<sup>7</sup> бўлмас,  
 Ошиқлар<sup>8</sup> аро унга талабгор бўлмас.

## 8

Ҳар кўрганида ёрни бўлар чоғ бу кўзим,  
 Гар кўрмаса бир дам ёши ирмоқ бу кўзим.  
 Бас, ёрни кўриш учун керак кўз менга,  
 Кўрмас эса кўр бўлсин-е мутлоқ бу кўзим!

<sup>1</sup> Афғон — фифонлар, фарёдлар, нолалар; овоз, садо, бонг.

<sup>2</sup> Накл қилишларича, Ҳарақонийнинг бир ўғли бўлиб, душманлари уни қурбон ҳайити куни ўлдиришибди. Нуридийдаси дафнидан сўнг у Оллоҳга муножот қилиб, ушбу рубоини ўқиган экан.

<sup>3</sup> Дарвеш — тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишилаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

<sup>4</sup> Ошуфта — ошиқ, мубтало, гирифттор, девона.

<sup>5</sup> Мажусий — оташпараст, ўтпараст.

<sup>6</sup> Бут — санам; мажозан: гўзал маҳбуба.

<sup>7</sup> Зуннор — насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида гайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор — ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

<sup>8</sup> Ошиқ — илоҳий жамол ва камолга ошуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.

# БОБО КҮХИЙ

(933/34 — 1050/51)

Бобо Күхий Бокувий Шерозий озарбайжон мумтоз адабиётининг илк намояндаларидан ҳисобланади. Бу машхур мутасаввиф шоир ҳақидаги маълумотлар жуда оз бўлиб, унинг номи илк бор Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» асарида учрайди. Уламо оиласида туғилиб, бошлангич саводини отаси қўлида чиқаради. Ўша давр анъанаисига кўра, билимини ошириш учун саёҳатга чиқиб, кўплаб номдор олимур орифлар суҳбатига мусассар бўлади. Шерозда кўп йиллар яшаб, калом илмининг асосчиси Абулҳасан Ашъарийнинг муриди Абу Абдуллоҳ Ҳафиф қўлида таҳсил олади.

Машхур тасаввуф олими ва тариқат пири Абдураҳмон Суламий вафотидан кейин 1030 йили Нишопурдаги хонақоҳ раҳбарлигига тайинланиши унинг тасаввуфдаги мақоми ниҳоятда баланд бўлганлигини кўрсатади. Лекин у тезда хонақоҳни тарк этиб, Шерозга қайтади ва шаҳарни ўраган тонгнинг бир горида хилват тутади. Бобо Күхий (Тоғлик Бобо) лақабини олиши шундан<sup>1</sup>.

Ҳофиз Шерозий унинг руҳидан мадад сўраб, бир кеча мозорида ухлаб қолгани ва уни туш кўриб, оқ фотиҳа олганидан кейин машхур шоир бўлиб кетгани ривоят қилинади<sup>2</sup>.

Бобо Күхийнинг «Девон»и тасаввуф шеъриятининг шаклланиш босқичлари ва унинг истилоҳлар тизимини тадқиқ этиш учун муҳим манба сифатида қимматли. Е.Э. Бертельс тасаввуфий тимсоллар VIII — IX асрларда шакллана бошлагани ва Бобо Күхий девонида ўзининг такомилига етгани ҳақида ёзади<sup>3</sup>.

## 1

Ишқ оташилиз иш бўлади хом, эй дил,  
То куймас экан, ҳосил эмас ком, эй дил.  
Парвонаю шам<sup>1</sup> каби кечакундуз ён,  
Ёр юзию<sup>2</sup> сочи<sup>3</sup> тонг или шом, эй дил.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Рзакулизаде С.Д. Мировоззрение Баба Кухи Бакуви. — Баку, 1978. С. 3 — 35.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Очилов Э. Сўз сеҳргари // Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. — Тошкент, 2006. 5—6-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. С. 56 — 60.

# АБУСАИД АБУЛХАЙР

(967 — 1049)

Абу Фазлуллоҳ ибн Абулхайр Мұхаммад ибн Аҳмад Меҳнавий Хуросондаги Ховарон вилоятининг Шарқда машҳур Меҳна қишлоғида туғилади. Унинг сўфийлик йўлига киришига отаси сабаб бўлган. Асли касби атторлик эканига қарамай, Абулхайр тасаввуф аҳлини дўст тутар ва уйида сўфиёна мажлислар уюштиради. Бундай мажлислар уларнинг доимий иштирокчиси бўлган Абусайдни Ҳақ ошиғига айлантиради.

Зеҳни ўткир ва тиришқоқ Абусайд 11 ёшида ёқ хушвовоз ҳофизи Куръон, зукко шеър муҳлиси сифатида тилга тушади. У Куръон ҳофизлигини Хуросоннинг машҳур қориларидан Абу Мұхаммад Энозий, қалом илмини эса муфти ва адаб Абусайд Энозийдан ўрганади. У 30 минг байт арабча шеърни ёд билар, ўқиган китобларини шарҳлаб ва тушунтириб беришда тенги йўқ эди. Кейин Марвга бориб, Абу Абдулло Ҳазрий ҳузурида араб тили ва ислом асосларидан таҳдил олади. Унинг вафотидан сўнг Абу Бакр Қаффол ёнида беш йил давомида фикҳни ўрганади. Шу даврда шеър ёзиши ҳам бошлайди. 22 ёшида Марвда Абу Али Шабуий қўлида «Саҳиҳи Бухорий»ни<sup>1</sup> хатм қиласди. 30 ёшида Сарахсга бориб, замонасининг буюк алломаси Абу Али Зоҳирдан шариат асослари, тафсир санъати бўйича таълим олади. Унинг илмларни чанқоқлик билан тез ўзлаштираётганини кўрган ва бекиёс истеъодига ишонган устоз уч кунлик сабоқни бир соатда берар эди<sup>2</sup>.

Абусайд Абулхайрга «қабул назари» Шайх Абулқосим Бишр Ёсиндан тушган: у Абусайднинг келажагини башорат қилиб, «олам анинг била тирилгусидур»<sup>3</sup>, деган эди. Сўнг Сарахса Шайх Абулфазл Ҳасан Сарахсийга мурид бўлиб, ундан тариқат одобини ўрганади. Устозининг даъватига кўра Нишопурга бориб, ўз даврининг машҳур олими Абдураҳмон Суламий қўлида диний илмларини камолга етказиб, иршод даражасини олади<sup>4</sup>. У шайхлик хирқасини Шайх Абулаббос Қассоб Омулий қўлида кияди.

Илмини камолга етказгач, ўз хонақоҳини очиб, муридлар тарбиясига машғул бўлади. Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож каби

<sup>1</sup> Саҳиҳи Бухорий — Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») китоби.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Абу Саҳыт Абул Хайр: его жизнеописание и творчество. — Ашгабад, 1999; Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 85 — 88-бетлар.


<sup>3</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 207-бет.

<sup>4</sup> IX—XVII асър туркмен эдебиятынын шахырлары. Справочник (Чапа тайярлаян С. Дурдыев). — Ашгабад, 1967. 11—12-бетлар.

Бир коса қизил майни чунон истайман,  
 Тутса уни ёри меҳрибон истайман.  
 То биргаман май, газак билан лутфи сабаб,  
 Бир бўса<sup>4</sup> у лабдан бегумон истайман.

Бизни яратиб азал куни<sup>5</sup> ошику масти,  
 Қилди то абад<sup>6</sup> кунигача бодапараст<sup>7</sup>.  
 Бас, ошику масти майпараст кўрсанг агар,  
 Айб этма, насиба шу экан рўзи аласт<sup>8</sup>.

Ҳар қайда кўриб қонли кўнгилни сўрсам,  
 Ҳурлар сочига асир у, деб, бир ўрсам.  
 Ҳар икки жаҳонда танҳо бўлган зотни  
 Пок кўзида ҳурларни, ажаб йўқ, кўрсам.



<sup>1</sup> Шам ва парвона — тасаввуф шеъриятидаги машҳур тимсоллардаги шам — илоҳий ишқ, парвона — ошиқ, тимсоли бўлиб келади.

<sup>2</sup> Юз — тасаввуфда илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чехраса ирфон кашфи ҳам кўзда тутилади.

<sup>3</sup> Соч — тасаввуф шеъриятида моддий дунё тимсоли бўлиб келағ узунлиги — дунёйвиш ҳою ҳавасларнинг чек-чегарасизлиги, қалинлиги чилик ташвишларининг сон-саноқсизлиги, ҳалқалиги — нафс бандаллини овлаш учун тузоққа ўхшатилади ва ҳоказо.

<sup>4</sup> Бўса — ботиний файз ва жазба маъносида келади.

<sup>5</sup> Азал куни — яратилишнинг ибтидоси.

<sup>6</sup> Абад куни — қиёмат куни.

<sup>7</sup> Бодапараст — майхўр.

<sup>8</sup> Рўзи аласт — Худо одамларнинг тақдирини муайян қилган яратиб азал.

машхур тариқат пирларини ўзига устоз санағ, уларнинг анъаналарини давом эттирган Абусаид Абулхайрнинг ўзи ҳам юзлаб шогирдлар етиштиради. Улар орасида «Абу Али Фарюмадий, «хужжат ул-ислом» Мұхаммад Фаззолий, Озарбайжонда 400 хонақоҳ құрдирған Абу Наср Ширвоний»<sup>1</sup> сингари ислом ва тасаввуф оламида машхур арбоблар бор. Абу Али ибн Сино билан бир неча бор учрашиб, сұхбатлашған.

Нақл қилишларича, бири — зоҳирий (дунёвий), иккинчиси — ботиний (илоҳиј) илмларда тенгсиз бўлган бу икки улуғ зот бир-бирининг овозасини эшитиб, Нишопур шаҳрида учрашадилар. Олим ва Шайх сұхбати уч кеча-кундуз давом этади. Шундан кейин шогирдлари Ибн Синодан: «Шайх ҳақидаги фикрингиз қандай?» — деб сұраганларида: «Ҳар неники, мен билсам, у ҳис қиласи», — деб жавоб беради. «Аллома ҳақидаги фикрингиз қандай?» — деб муридлари Абусаидга мурожаат қилғанларида эса: «Ҳар неники, мен ҳис қилсам, у билади», — дейди<sup>2</sup>.

Абусаид Нишопур ва Омул шаҳарларида ҳам бир муддат яшаб, ҳалқни Ҳақ йўлига ҳидоят қилған, оташин ваъзлар ўқиб, минглаб муҳлислар ортирган.

Султон ул-орифин деган шарафли унвонга сазовор бўлган, Абусаид Абулхайр, Шайх Абусаид Меҳнавий (кўпгина адабиётларда Майҳаний) номлари билан мусулмон оламида шуҳрат қозонган бу улуғ инсон Меҳнада вафот этган. Унинг қабри устига салжуқ султонлари томонидан тикланған мақбара ҳозир ҳам мавжуд — маҳаллий аҳоли «Мона бобо мозори» деб аташади.

Нақл қилишларича, Абусаид Абулхайр нафақат донишманд, балки яхшигина таъби назми бор, ўзи дилкаш ва сұхбати ҳузурбахш киши бўлган. Эронда унинг 720 рубойиси ва пароканда шеърларини ўз ичига олган «Суханони манзуми Абусаид Абулхайр» тўплами<sup>3</sup> ҳамда шайхнинг сўзлари ва ҳолатлари баёни, у ҳақдаги ҳикоятлар асосида тартиб берилган «Асрор ут-тавҳид» номли икки жилдли маноқиб нашр этилган<sup>4</sup>. Хусусан:

Ҳавро ба назораи ниғорам саф зад,  
Ризвон ба ажаб бимонду каф бар каф зад.

<sup>1</sup> Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 86-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳазратқулов М. Тасаввуф. — Душанбе, 1998, С. 32—33.

<sup>3</sup> Қаранг: Суханони манзуми Абусаид Абулхайр (Бо тасҳеху муқаддимаю ҳавошию таълифоти Саид Нафисий). Чопи шашўм. — Техрон, 1998.

<sup>4</sup> Қаранг: Асрор ут-тавҳид фи мақомоти шайх Абусаид (Толиф Мұхаммад бин Мунаvvар бин Абусаид бин Тоҳир бин Абусаид Майҳаний). Муқаддима, тасҳеху таълифоти Мұхаммадризо Шафейи Кадканий. Чопи чаҳорўм. Иборат аз ду жилд. — Техрон, 1998.

Он холи сияҳ бар он рух мутраф зад,  
Абдол зи бим чанг дар Мусҳаф зад<sup>1</sup>, —

рубойиси шоирга фавқулодда шуҳрат келтирган. Бу рубоийни Амир Темур ҳам ёд билган. Мазкур рубоий шарҳига бағишлаб Сайид Нематуллоҳ Валий уч рисола ёзган. Амир Сайид Қосим Анвор, Шайх Озарий ва Ҳожа Аҳрор Валий ҳам унга маҳсус рисола бағишлаганлар<sup>2</sup>.

## 1

Оlam сири то ҳануз ечилмай келади,  
Бу бебаҳо дур ҳамон тешилмай келади.  
Ҳар бир киши ақли борича сўз айтар,  
Ҳақ моҳияти лекин очилмай келади<sup>3</sup>.

## 2

Сен теша каби ўйлама ўзингни фақат,  
Ё ишни қилиб, қолма қуруқ ранда сифат.  
Сен аррадан ол сабоқ ҳаёт мактабида:  
Ярмини ўзингга олу ярмини узат!<sup>4</sup>

## 3

Келтирди фалак қанча баҳору кузни,  
Алмаштириб ўрнини кеча-кундузни.  
Номард қўлига бериш учун дунёни  
Мардларни териб, ер қаърига киргизди...

## 4

Хушбўй ҳидига мушк<sup>5</sup> ила анбарни<sup>6</sup> гадо  
Килгувчи у сочинг кечা, эй нозик адо,  
Тушди оёғинг остигаю қилди нидо:  
«Бошдан-оёғим бошдан-оёғингга фило!»

<sup>1</sup> Сұханони манзуими Абусайд Абулхайр. С. 30. Маъноси: «Хурлар нигоримни кўриш учун саф тортилар. Ризвон (жаннат эшикоғаси) ҳам ҳайратланиб, қарсак чалиб юборди. У қора хол (маҳбуба) юзларига парда тортганида абдол (Худонинг хос бандалари, яқинлари) қўркувдан Куръонга чанг солди».

<sup>2</sup> Қаранг: Валихўжаев Б. Ҳожа Аҳрор тарихи. — Тошкент, 1994. 75-бет.

<sup>3</sup> Бу рубоий Абу Наср Форобийга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> Бу рубоий Аҳмади Жом ва Мавлоно Касирийларга ҳам нисбат берилади.

<sup>5</sup> Мушк — охулардан бир турининг киндигига ҳосил бўладиган қора ранги хушбўй модда. Мушк берадиган охулар Хўтн, Хитой ва Ҳиндистонда яшайди.

<sup>6</sup> Анбар — кўпроқ Ҳинд ва Тинч уммонларидаги анбар балиғи (кашалот)нинг ошқозони ёки ичагига ҳосил бўладиган мумсимон кулранг ва хушбўй модда; мажозан: маҳбубанинг муаттар сочи.

Майдон кенгу аммо марди майдон йўқдир,  
 Мард аҳлида ҳозир шавкату шон йўқдир.  
 Зоҳирлари гарчи авлиёга ўхшаш,  
 Ботинларида заррача иймон йўқдир.

Тасбех ўтириб, умрни зое қилма,  
 Май истаю дунё деб югурма-елма.  
 Дединг: «Нима тухфа келтирай ул дўстга?»  
 «Келтир нима келтирансангу бедард келма!»

Бўлмас сира бизда дилки, хуррам бўлгай,  
 Шодлик ўзи биз тарафда-ку кам бўлгай,  
 Ҳар шодлиги дунёни магар юз очса,  
 Келгунча етиб бизга ўшал ғам бўлгай.

Кўнглимни у ўтли сўзлари олдилар-ей,  
 Ҳам зулфлари, оҳу кўзлари олдилар-ей.  
 Дерлар менга: «Дил бердинг уларга не учун?»  
 «Мен берган эмасман, ўзлари олдилар-ей!»

Ёрдан сўрадим боисини ҳижронни,  
 Бул бўлди жавоби менга ул жононни:  
 «Мен кўзинг эрурман, йўқ ажаб, кўрмасанг-ей,  
 Мен жонинг эрурман, киши кўрмас жонни».

Маҳшар<sup>1</sup> куни ҳамма йигилар бир ерда,  
 Ажр<sup>2</sup> олиш хавфи ҳар аёлу эрда.  
 Кафтимга қўйиб ишқини пешкаш<sup>3</sup> этаман,  
 Менга: «Қани тухфанг?» — дегани тақдирда.

<sup>1</sup> *Maҳshar* — қиёмат куни барча ўлганлар тирилиб, сўроқ учун тўпланадиган жой.

<sup>2</sup> *Aжr* — ҳақ, мукофот, эваз, бадал. Бу дунёдаги амаллар учун охиратда бериладиган мақом ва мартабалар.

<sup>3</sup> *Peshkaш* — тортиқ, инъом, эҳсон.

## 11

Хеч битта ғами фурқати<sup>1</sup> жононча эмас,  
Ҳар қанча ёмон дарди-да ҳижронча эмас.  
Қандоқ кечайин жоним эсанг, мушкул, ахир,  
Дунёни бирор-бир бойлиги жонча эмас<sup>2</sup>.

## 12

Кўп эзгу сўзим, аммо амал йўқ менда,  
Бу ҳолимдан ор лоақал йўқ менда.  
Осон гапириш мудом, қилиш мушкулдир,  
Осон кўпу мушкул-чи, азал йўқ менда.

## 13

Дунё ғаму дард манзилидир, билгайсан,  
Йўқ фойдаси ҳар қанча дилинг тилгайсан.  
Ҳар куни бирор дўст фироғида куйиб,  
Ҳар лаҳза бирор дўстга видо қилгайсан...

## 14

Бўлсин десанг давлату дунё ҳамкор,  
Сендан кишига етмасин асло озор.  
Хеч қўрқма ўлимдану ема ризқ ғамини,  
Ҳар иккиси ўз вақти билан бўлгай ёр.

## 15

Бу дунё вафо қилмас бир арпага ҳам,  
Минглаб киши ошиқ унга аммо ҳар дам.  
Душман билар Оллоҳ ўзига дунёни,  
Ҳақ душманидир дунёни севган одам!<sup>3</sup>

## 16

Дил то бу жаҳон ташвишидан хур бўлмас,  
Жисеминг садафида<sup>4</sup> ҳеч қаҷон дур бўлмас.  
Бош косасини тўлдиради нафсу ҳаво,  
Энди унга бошқа нарса манзур бўлмас.

<sup>1</sup> *Фурқат* — айрилик, жудолик, ҳижрон.

<sup>2</sup> Бу рубоий Нахлавон Махмудга ҳам нисбат берилади.

<sup>3</sup> Бу рубоий Фаридиддин Атторга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> *Садаф* — ичидা гавҳар етиладиган ҳуққа.

Дил боғлама: дунё тубану кони ҳавас,  
Топтайди уни асли азал нокасу кас<sup>1</sup>.  
Минг жазмани бор бу маъшуқани нетасан?<sup>2</sup>  
Ул ёрни тила, бир сеники бўлгаю бас!

Дўзахда агар зулфини қўлда тутаман,  
Жаннат аҳлининг ҳолидан ор этаман!  
Ёрсиз мени жаннатга қилишса таклиф,  
Жаннатни бошимга ураманми — нетаман?!

Ким бошидан ишқ ичра жудо гар бўлмас,  
Ошиқлик иши унга муқаррар бўлмас.  
Ҳам ёрнию ҳам бошни агар истар эсанг,  
Ҳар иккиси ҳеч қачон мұяссар бўлмас!

Ҳар кимсаки, қўл тортмаса зулм — ваҳшатдан,  
Маҳшарда у мосуво<sup>3</sup> эрур шафқатдан.  
Эй йўлтусар, охиратда бу сен тўсган  
Йўллар сени ҳам тўсгуси ҳақ жаннатдан.

Каъбада хаёлинг этса банд бегона<sup>4</sup>,  
Тоат бари фиску Каъбадир бутхона.  
Гар дилда Ҳудою манзилинг майхона<sup>5</sup>,  
Кечгай бу гуноҳингни ўзи жонона.

Очди ўша дилбарим ниқоб бир ёқдан  
Ҳам тонг кўтарди-ку ҳижоб<sup>6</sup> бир ёқдан,

<sup>1</sup> *Kas* — киши, одам.

<sup>2</sup> Тасаввуп шеъриятида минг ошиқли маъшуқа дейилганда дунё кўзда тутилади.

<sup>3</sup> *Mosuvvo* — жудо бўлган, айрилган.

<sup>4</sup> *Бегона* — тариқат йўлига қадам кўймаган, сайру сулукни ўтмаган киши.

<sup>5</sup> *Майхона* — шавқу завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади. Пири муршиднинг хонақоҳи. Ҳақ толиблари тўпландиган жой ҳам тушунилади.

<sup>6</sup> *Ҳижоб* — парда. Тасаввупда Ҳақ ва банда, ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги монеликка ишора.

Мансур<sup>1</sup> маърифат<sup>2</sup> баҳри<sup>3</sup> наҳанги<sup>4</sup> гүё,  
Тан пахтасидан жон чигитин қылди жудо.  
Келтирганида тилга «Аналқақ» сўзини,  
Мансур йўқ эди унда, бор эрди Худо!

Кўнглимиз ғаминг билан тўлиқдир, эй дўст,  
Дардинг туну кун бизга рафиқдир<sup>5</sup>, эй дўст.  
Мен кўнгли синиқларни севарман, дебсан,  
Бизнинг-да шу кўнглимиз синиқдир, эй дўст.

Мақсад йўли — Каъба, чалгима ўнг-сўлга,  
Майхона десанг, тушарсан ўзга йўлга.  
Майхона йўли валекин андоқ обод,  
Чайқалмай ўтар қадаҳ-да қўлдан-қўлга.

Хоҳ шодману хоҳ қайгуда — ёдинг дилда,  
Ўлтирасуму турсам эзгу номинг тилда.  
Ёдингга мен андоқ чулғанибман, эй дўст,  
Кўрмайди кўзим ўзгани бу манзилда.

Ёшга тўла кўзларимга уйқу йўламас,  
Дардим — висолинг орзусидан ўзга эмас.  
«Уйқунгда кўрарсан — кўзни юмсанг», — дерлар,  
Ҳеч кимса vale: «Уйқунг ўзи борми?» — демас.

Мойилмизу май ичишга, тақво дилда,  
Дунёга берилгаймизу уқбо<sup>6</sup> дилда.  
Дунё ила дин сира келишганми, ахир?  
Бас, бўлган эмас на дин, на дунё дилда!<sup>7</sup>

<sup>1</sup> Мансур — машҳур сўфий Мансур Ҳаллоҳ (858 — 922). «Аналқақ» — «Мен — Ҳақман» дегани учун ваҳшиёна бир тарзда ўлдирилган.

<sup>2</sup> Маърифат (Ирфон) — Оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм.

<sup>3</sup> Баҳр — денгиз, уммон, катта дарё.

<sup>4</sup> Наҳанғ — катта балиқ, акула.

<sup>5</sup> Рафиқ — 1) дўст, қадрдон; 2) маҳбуба, севгили; 3) сирдош, ҳамдард.

<sup>6</sup> Уқбо — охират.

<sup>7</sup> Бу рубоий Шайх Баҳоийга ҳам нисбат берилади.

Эй хожа, ўлим хаёли ғам келтиргай,  
 Ўртаб у кўнгилни, кўзга нам келтиргай.  
 Юз марта ҳаётни ўйлаган қул бир бор  
 Балки эсига ўлимни ҳам келтиргай...

Ҳақ тоатисиз биҳишт<sup>1</sup> умидин тутма,  
 Дин хотамисиз<sup>2</sup> мулки Сулаймон<sup>3</sup> кутма.  
 Гар икки жаҳон розилигин истарсан,  
 Ҳеч битта мусулмон дилини ранжитма.

Маълум эди сенга то яралишга қадар  
 Қандоқ бўлиши аслида фарзанди башар<sup>4</sup>.  
 Бас, банда гуноҳи бандадан эрмас, Эгам,  
 Ул банда қиласар ҳар нени амр этсанг агар.

Бегонанинг ишқи дилини тутди ватан,  
 Деб ҳеч мени ёзғирмасин ул сарви суман,  
 Чунки ҳали остонасининг тупроғи  
 Қайноқ жигарим қонларининг тафти билан!

Ёнган куни оламда муҳаббатнинг ўти  
 Маъшуқадан ошиқ куйиш илмин ўқиди.  
 Ул дўст тарафидан келди бу сўзу гудоз<sup>5</sup>,  
 Шам ёнмаса, парвона сира куймас эди.

Оҳ-нола чекиши — фақирга бор иш бу кеча,  
 На сабр намоёндиру на хуш бу кеча.

<sup>1</sup> *Биҳишт* — жаннат.

<sup>2</sup> *Хотам* — узук.

<sup>3</sup> *Сулаймон* — шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-ҳисобсиз бўлган. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми — Исми аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сеҳрли узутига нақш қилинган. Бу узук воситасида у нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инсу жинсларга, табиат ҳодисаларига ҳам ҳукмими ўтказа олган.

<sup>4</sup> *Башар* — инсон, одам.

<sup>5</sup> *Сўзу гудоз* — ёнишу куйиш (эриш); ғаму алам, дарду фусса.

Ўтган кеча ёр багишилаган бир дамлик  
Шодликка товон тўлаш билан хуш бу кечади.

## 40

Келгил яна, хоҳ баланду пастсан, келгил,  
Кофири, мажусий, бутпарастсан<sup>2</sup>, келгил.  
Ҳеч бўлма умидсиз бу улуғ даргоҳдан,  
Минг марта магар тавба ушатсанг, келгил.

## 41

Осон неча минг Каъбани обод айлаш,  
Мушкул vale бир кимса дилин шод айлаш.  
Лутф ила бир озодни қул этмоқ мушкул,  
Осон vale мингта қулни озод айлаш.

## 42

Соқий<sup>3</sup>, бўла қол, қадаҳни сун<sup>4</sup>, ўлгайман,  
Қўл май қадаҳидан олса тин ўлгайман.  
Ҳар кимсани паймонаси<sup>5</sup> тўлса — ўлгай,  
Паймонам агар бўшаса, мен ўлгайман.

## 43

Ишқ сўзини ҳар дамки, қулоққа илдим,  
Жону дилу кўзни фам тифида тилдим.  
Ошику маъшуқни икки деб ўйлар эдим,  
Ул иккиси бир экан — ўзимдан билдим.

## 44

Билгилки, тириклик бир умр дўст ила хуш,  
Кўп эрса-да жабри, бирибир, дўст ила хуш.  
Дерлар тилагинг биҳиштми, дўст дийдори?  
Фофилдир улар, биҳишт, ахир, дўст ила хуш!

<sup>1</sup> Бу рубоий Камолиддин Исмоил ва Жалолиддин Румийларга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> *Бутпараст* — бутга сажда қиливчи.

<sup>3</sup> Соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Мұхаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз багишилайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, гайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

<sup>4</sup> Сунмоқ — қўймоқ, узатмоқ, чўзмоқ.

<sup>5</sup> Паймона — қадаҳ, май косаси.

## 45

Севгиси унинг бўлди бало бошимга,  
Ҳеч ажрамас — ўхшайди қариндошимга.  
Қочмоққа уринсам ғамидан — ҳар гўшада  
Тоф-тоф ғами пешвоз чиқади қошимга.

## 46

Бул чархи фалак кўзимга сенсиз тордир,  
Ҳижрон юки остида дилим абгордир<sup>1</sup>.  
Умримни узайтириб, хижил қисмат ҳам,  
Жонимни олиш эса ажалга ордир.

## 47

Ошуфта юзимдан туну кун зар ёғади,  
Ёш ўрнига кўздан ўт саросар<sup>2</sup> ёғади.  
Ишқингнинг алангасида ёндимки чунон —  
Севгимни булутидан самандар<sup>3</sup> ёғади!

## 48

Исёнларимиз агарчи саҳро-саҳро,  
Бир хасча эмас лутфи қошида аммо.  
Гуноҳларимиз бўлса-да кема-кема,  
Ғам йўқ, сабаби: раҳмати дарё-дарё.

## 49

Гоҳ худди фаришта ҳазрати инсонман,  
Гоҳи еб-ичишдан ортмаган ҳайвонман,  
Гоҳ енгади шайтон — соҳиби исёнман,  
Бу турфа феълимдан ўзимам ҳайронман.

## 50

Мендан сўради бир киши: «Маъшуқанг ким?»  
Тутдим ўша нозли санам исмини шу зум.  
«Қандай яшаяпсан бу каби ёр қўлида?» —  
Деб йиглади ҳолимга ўшал зот юм-юм.

## 51

Умринг самари бошдан-оёқ макру фириб,  
Ҳеч нолима, ўтсанг-да мудом қайғу чекиб.

<sup>1</sup> Абгор — аҳволи хароб, ноchor.

<sup>2</sup> Саросар — бошдан-оёқ, бутунлай.

<sup>3</sup> Самандар — афсонага кўра олов ичиди туғилиб, олов ичиди яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор.

Бўлма сира мағур ўзинга — аслинг, ахир,  
Тупроғу ҳавою суvu ўтдан-ку, ҳабиб!

## 52

Эй Тангри, назар айла бу саргардонга,  
Лутфингни кам этма ошиғу ҳайронга.  
Сен қилмишими қараб мукофот берма,  
Ҳиммат ярашар сенинг каби Раҳмонга!!

## 53

Гар мадрасада сен энг билимдон бўлсанг,  
Ҳар даврада зўр, дониши<sup>2</sup> даврон бўлсанг,  
Бу илм ила ишқ мактабида, тонг йўқдир<sup>3</sup>,  
Ёш бола каби ожизу нодон бўлсанг.

## 54

Хаста бу кўнгил давосини билгайсан,  
Ўтли юрагим сазосини<sup>4</sup> билгайсан.  
Нетдим яшириб, гуноҳга ботган кишининг  
Саркаш<sup>5</sup> дили муддаосини билгайсан.

## 55

Ошиқ кеча-кундуз ўйлагай севганини,  
Маъшуқ қизитар нозу<sup>6</sup> карашма фанини<sup>7</sup>.  
Биз айбу гуноҳ қиласиз, сен лутфу карам,  
Ҳар ким қилади-да қўлидан келганини.

## 56

Бул умр баҳор эрка елига қолсин!  
Бул дийдами — тоғларни селига қолсин!  
Шундай яшаким, кўз юмсанг, ҳайрат қўлини  
Тишламак иши башар элига қолсин!

<sup>1</sup> Раҳмон — Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: ўта меҳрибон.

<sup>2</sup> Дониш — билим, маърифат.

<sup>3</sup> Тонг йўқ (Тонг эмас, Нетонг) — ажаб эмас.

<sup>4</sup> Сазо — жазога сазовор.

<sup>5</sup> Саркаш — ўжар, қайсар.

<sup>6</sup> Ноз (Ишва, Истиғно, Гамза, Карашма) — маъшуқанинг ошиққа илтифот қилиши, ишқ йўлида куч бағишлиши.

<sup>7</sup> Фан — 1) илм, хунар, санъат; 2) ҳийла, найранг.

# НОСИР ХИСРАВ

(1004 — 1088)

Машхур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Носир Хисрав (Тўлиқ исми Абумуъиниддин Носир Хисрав ал-Қубодиёнй) Қубодиёнда ўзига тўқ хонадонда дунёга келиб, бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олади. Кейин илмини камолга етказиш учун Марв ва Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттиради. Математика, астрономия, фалсафа, тарих, адабиёт, қалом, мусиқа, география, тиббиёт ва бошқа фанларда ўз даврининг ягонаси бўлган қомусий олим бўлиб етишади.

Носир Хисрав Маҳмуд Фазнавий ва унинг ўғли Масъуд саройида миrzалик қилган, солиқ маҳкамасини бошқарган. Салжуқий ҳукмдорлардан бирининг саройида ҳам бир муддат ишлаган. У 40 ёшида сафарга отланиб, етти йил (1045—1052) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ мамлакатларини кезиб чиқади. Саёҳатлари вақтида адолатли ҳукмдорлар туфайли осойишта ва фаровон шаҳарларни кўрган шоир кейинчалик ўз асарлари орқали одил подшоҳ ғоясини илгари суради.

Мисрда уч йил яшаб, фотимиylар<sup>1</sup> тариқатига киради ва исмоилийлар<sup>2</sup> маслагини қабул қиласди. Фотимиylар бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб, уни 12 жазира (орол)га бўлган эдилар. Носир Хисрав Ҳурсон бўйича жазира бошлиғи — ҳужжат этиб тайинланади (У қатор шеъларида Ҳужжат тахаллусини ҳам қўллаган. Лекин баъзилар уламо ва ҳукамо билан баҳслашганда далилу ҳужжатлари мустаҳкам фозил киши бўлганлигидан Ҳужжат лақабини олган, дейдилар). Maxsus топшириқ билан Балхга қайтгач, бу ерда исмоилийлик ғояларини қизгин тарғиб-ташвиқ қила бошлайди. Унинг бу ҳаракати сунний мазҳабидаги уламолар ва салжуқий ҳукмдорларга ёқмай, уни шиалик ва кофирилкда айблаб, ўлимга ҳукм қилишади.

<sup>1</sup> *Фотимиylар* — исмоилий халифалар сулоласи. Жаъфари Содиқнинг Исмоил деган ўғли орқали ўзларини Али ва Фотима авлоди деб ҳисоблаганлар (Қаранг: Ислом. Энциклопедия. — Тошкент, 2004. 253-бет).

<sup>2</sup> *Исмоилийлар* — шиалик ичча вуҷудга келган оқимлардан бири. VIII аср ўргаталирида пайдо бўлиб, X—XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. IX аср иккинчи ярмидан бу таълимот тарафдорларини қарматиylар деб атай бошлаганлар. Уларнинг фаол даъватлари туфайли Шимолий Африкада Фотимиylар халифалигига асос солинади. X аср охирида Мағриб, Миср, Сурия, Фаластин, Ҳижозда исмоилийлар ҳокимияти ўрнатилади (Қаранг: Ислом. Энциклопедия. — Тошкент, 2004. 124—125-бетлар).

Шундан сўнг у Бадахшондаги ҳазрати Сайид қишлоғидаги Юмғон дарасини макон тугиб, қолган 25 йиллик умрини шу ерда ўтказади. Бадахшоннинг ўша вақтдаги ҳокими Али ибн Асад исмоилия мазҳабини қабул қилгани учун шоирни ўз ҳимояси остига олади. Унинг даъватлари натижасида бу ерда исмоилийлар жамоаси вужудга келади ва улар асрлар давомида ўз эътиқодларига содик қоладилар.

Носир Хисрав мақбараси шимолий Афғонистондаги Кўчча дарёсининг ўнг қирғогида — тоғ тепасида жойлашган Ҳазрат Сайид қишлоғида. Улуғ шоир ва мутафаккир мақбараси асрлар давомида муқаддас зиёратгоҳлардан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Мозори Шоҳ Носир» деб аталади. Тожикистонда кўплаб мактаб, кўча, маҳалла ва жамоа хўжаликлари буюк аллома номи билан юритилади.

Носир Хисрав «Сафарнома», «Зод ул-мусофирин» («Мусофириларнинг йўл озуқалари»), «Важҳи дин» («Дин чехраси»), «Саодатнома», «Рўшноинома» («Маърифат китоби»), «Хон ул-ихвон» («Дўстлар дастурхони»), «Бўстон ул-уқул» («Ақллар бўстони»), «Далил ул-мутаҳайирин» («Ҳайратда қолганлар далили»), «Жомеъ ул-ҳикматайн» («Ҳикматлар йигиндиси»), «Рисола дар жавоби 99 саволи фалсафий» («99 фалсафий саволга жавоб рисоласи»), «Кушойиш ва раҳойиш» («Ечилиш ва қутулиш») каби кўплаб шеърий ва насрый асарлар яратган. У форс-тожик ва араб тилларида икки девон ҳам тартиб берган бўлиб, араб тилидаги девонининг тақдирни ҳозиргача номаълум. Шоирнинг қасида, ғазал, қитъя ва рубоийларини ўз ичига олган 12 минг мисрадан иборат форсий девони эса Эронда бир неча марта чоп этилган.

Дунёвий илмларни чуқур ўзлаштирган Носир Хисрав тафаккур одами, ҳур фикрли киши бўлган. Оlam ва Одам моҳияти тўғрисида ақл воситасида фалсафий фикр юритган. Дунёнинг номукаммалиги, инсон табиатининг ноқислиги хусусида «Худо билан мунозара» деган шеър ҳам ёзган. Ижоди орқали кажрафткор фалак, адолатсиз замон, жоҳил ва манфаатпаст кишиларни танқид қилиб, меҳнаткаш дехқонни, косибу ҳунармандни, илм соҳибларини улуғлаган, инсоний камолотга даъват қилган. Унинг ҳур фикрлари ўзидан кейинги ижодкорлар, жумладан, Умар Хайёмга кучли таъсир кўрсатган. Асарларининг теран фалсафий фикрларга бойлиги, ҳикмат ва донишмандликка омухталиги, сермазмун маънавий-аҳлоқий панд-насиҳатлари туфайли Шарқ мамлакатларида Носир Хисрав номига эҳтиром юзасидан Ҳаким номини кўшиб айтадилар.

Абдураҳмон Жомий таъбири билан айтганда, «шеър илмларида моҳир ва ҳикмат фанларида комил»<sup>1</sup> бўлган Носир Хисрав ҳаёти ва ижоди асрлар давомида ўзбек халқи орасида ҳам машҳур бўлган. Шоиру олимларимиз унинг асарларидан баҳраманд бўлганлар, таъсирангандар, унга ўз муносабатларини билдиргандар. Чунончи, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да у ҳақда ёзади: «Багоят муртоз киши эрмиш. Кўхистон аҳли боштин-аёқ онинг муридиидирлар ва Шоҳ Носир Хисрав била таъбир қилурлар. Зоҳир улумин хейли кўрган эрмиш ва ботин илмин даги риёзат жиҳатидан ҳосил қилғондур, аммо бу тоифанинг (яъни тасаввуф аҳлининг — Э.О.) анинг мазҳабида таънлари бор ва бу таън гёё «Рўшноинома»сида мазкур бўлғон абёти жиҳатидиндурки, ҳукм мазҳаби равишида воқеъ бўлудбур»<sup>2</sup>.

Носир Хисравнинг қатор шеърлари, «Саодатнома» маснавийсидан парчалар, «Сафарнома» асари форсий адабиёт билимдонлари бўлмиши Мунирхон Муинзода, Шоислом Шомуҳамедов ва Гулом Карим сингари забардаст мутаржимлар томонидан ўгирилиб, ўзбек китобхонларига етказилди.

## 1

Доира каби жаҳонни қамраб олсанг,  
Ё нуқта каби бир ерда тек қолсанг,  
Циркулдек оёқдан иборат бўлсанг ҳам,  
Қисмат чизигидан ўзга йўл йўқ, билсанг.

## 2

Эй ёр, қилиб ишқинг ёдгор келтирдик,  
Ўзни қадамингга хору зор келтирдик.  
Ногоҳ дилимизга дардинг қилди нузул<sup>3</sup>,  
Жонни сенга қилгали нисор келтирдик.

## 3

Ер буржига<sup>4</sup> бу чарху фалак солди қирон,  
Поклашни бу дунёни ният қилди чунон<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Абдураҳмон Жомий. Баҳористон (Ш.Шомуҳамедов таржимаси). — Тошкент, 1997. 76-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 475-бет.

<sup>3</sup> Нузул — тушиш, иниш.

<sup>4</sup> Бурж — 1) қўёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири; 2) чўққи, юқори нуқта; 3) ўрин, жой, манзил.

<sup>5</sup> Чунон — шунча, шундай, шу қадар, роса.

Кўк авжига етказиб мақомингни сенинг,  
Ер қаърига тиқди душманингни беомон.

4

Чарх айланишига қилмагайман парво,  
Ҳақ берса-берар бировга молу дунё.  
Бир куни Худованди карим шамширидан  
Ҳар қанчаки ришта бўлса, қолмас асло.

5

Оллоҳ — жавҳар<sup>1</sup>, нақшу нигормиз<sup>2</sup> баримиз,  
Бир давру замондан ёдгормиз баримиз,  
Қаттолу Зуҳал<sup>3</sup>, биз-чи, шикормиз<sup>4</sup> баримиз,  
Ҳирсу таманинг кўйида хормиз баримиз.

6

То зотни<sup>5</sup> қўйиб, аҳли сифотмиз<sup>6</sup> баримиз,  
Ақл кўзимизу суфраи<sup>7</sup> зотмиз баримиз,  
Бир дурни тешиб, аҳли мамотмиз<sup>8</sup> баримиз,  
Гар кетса сифат айни ҳаётмиз баримиз.



<sup>1</sup> Жавҳар — 1) гавҳар; 2) асос, моҳият; 3) нодир, ноёб; 4) ҳаёт.

<sup>2</sup> Нақши нигор — нақшу сурат.

<sup>3</sup> Зуҳал — Сатурн саёраси. Ўтмиш мунахжимларининг ақидасича, Зуҳал баҳтсизлик белгиси ҳисобланади.

<sup>4</sup> Шикор — ов.

<sup>5</sup> Зот дегандा тасаввуф аҳли Мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни абадий ва азалий Ваҳдатнинг моҳиятини тушунгандар.

<sup>6</sup> Аҳли сифот — Оллоҳнинг сифат ва хусусиятларини таҳқиқ ва мушоҳада қиласидиган кишилар. Сифот — сифатлар. Илоҳий зотнинг аёнлашуви, унинг қулрат ва хусусиятлари. Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан инсон ҳам шу сифатлардан иборат.

<sup>7</sup> Суфра — дастурхон.

<sup>8</sup> Аҳли мамот — ўликлар, марҳумлар.

# АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ

(1006 — 1088)

Пири Ҳирот ва Шайхулислом номлари билан катта шұхрат қозонған забардаст тасаввуф олимі, фақіх<sup>1</sup> ва адіб Абуисмоил Абдуллоҳ ибни Абулмансур Мұхаммад Ансорий Ҳиравий Ҳирот ва Нишопур мадрасаларыда фиқх<sup>2</sup>, тафсир, ҳадис, адаб илмларини ўрганған. Жұмладан, фиқхны имом Шариф Марғазий, ҳадисни Абулфазл Мұхаммад Жорудий, тафсирни Хожа Яхе Аммор хузурида ўқиган.

Үн түрт ёшидан саёшатга чиқиб, Эрон ва Хурсоннинг Балх, Нишопур, Тус, Бистом ва бошқа шаҳарларида бир мұддатдан яшаган. Райдә Бобо Кўхий ва Абулҳасан Харақоний, Нишопурда Абусаид Абулхайр каби машхур орифлар мұлоқотига етишган ва шундан сүнг тасаввуф йўлига кирган<sup>3</sup>. Хусусан, Боязид Бистомий издоши бўлган Абулҳасан Харақоний билан учрашуви «унинг ҳаёти ва тафаккурида ўчмас из қолдириган. Сўнгра у Ҳиротга қайтиб, таълим бериш билан шуғулланган ҳамда мўтазилий<sup>4</sup> ва ашъарийларга<sup>5</sup> қарши фаол мунозаралар олиб борган. Шайхулислом унвонига сазовор бўлган Ансорий ал-Ҳиравий умрининг охирида кўз нуридан ажраб, Ҳиротда вафот этган. Юсуф ал-Ҳамадоний Ансорий ал-Ҳиравийнинг энг буюк издошларидан саналиб, яссавийлик ва хожагон тарикатлари мана шу зотга бориб тақалган»<sup>6</sup>.

Абдуллоҳ Ансорийнинг араб ва форс-тохик тилларида кўплаб асарлари мавжуд: «Муножот», «Рисолай дилу жон» («Дил ва жон ҳақида рисола»), «Ганжнома», «Қаландарнома», «Канз ул-соликин» («Соликлар хазинаси»), «Зод ул-мусофирин» («Сайр қилувчиларнинг йўл озиғи»), «Ҳафт ҳисор» («Етти қалъя»), «Сад майдон» («Юз майдон» (мақом маъносида), «Носоек» («Насиҳатлар»), «Мұхаббатнома», «Табақот ус-сўфия» («Тасаввуф мақомлари»),

<sup>1</sup> *Фақіх* — шариат ҳукмларини мұкаммал билган, фиқх билан шуғулланувчи киши.

<sup>2</sup> *Фиқх* — ислом дини қонун-қоидалари тўғрисидаги илм.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тохик. Жилди 1. — Душанбе, 1988. С. 161.

<sup>4</sup> *Мўтазилийлар* (арабча — ахралиб чиққан) — VIII асрда вужудга келган исломдаги оқимлардан бири. Асосчилари Восил ибн Ато ва Амир ибн Убайд. Мўтазилийлар ақл-идроқни илоҳиёт асоси деб эътироф этган, тасаввуфни инкор этишга уринган, ўзларини яккахудолик (тавҳид) ва адолат (адл) тарафдорлари деб атаган (Қаранг: Ислом. Энциклопедия. 171—172-бетлар).

<sup>5</sup> *Ашъарий* — каломнинг асосий йўналишларидан бири. Унга Абулҳасан Али ибн Исмоил асос солған. Уларнинг дунёқарашыда ақл диний анъана — нақлдан устун қўйилади (Қаранг: Ислом. Энциклопедия. 35-бет).

<sup>6</sup> Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. 30-бет.

«Манозил ус-сойирин» («Сайр қилувчиларнинг манзиллари») ва бошқалар. Араб тилида б минг байтдан ортиқ шеър ёзган, қатор рисолалар яратган. Жумладан, Абубакр Мұҳаммад Калободий Бухорийнинг машхур «Таарруф» («Танишув») номли тасаввуфга оид асарига шарқ ёзган. Насрий асарлари ичидә келган 2000 та рубойини унга нисбат берадилар. Бундан ташқари, ғазал, қытъя ва бошқа жанрларда ҳам қалам тебраттан.

Ўзидан кейинги форс-тожик адабиётiga қучли таъсир кўрсатган: дидактик достончилик, сажъли наср ва тасаввуфий шеъриятнинг шаклланиши ва тараққиётини унинг номи билан боғлайдилар. Юсуф ва Зулайхо қиссанини «Анис ул-муридин ва шамс ул-мажолис» («Муриллар дўсти ва мажлислар қўёши») номи билан насрга солган ҳамда 14 мажлисадан иборат мазкур асарида тасаввуф рамзларини бадиий шаклда достоннинг асосий образлари воситасида баён қилган. Бу йўл кейинчалик Ҳаким Саноий ва Носир Хисрав каби забардаст сўз санъаткорлари томонидан муваффақият билан давом эттирилди<sup>1</sup>.

## 1

Нафсингни агар қилиб нишон кетгайсан,  
Ўзингни хароб этиш томон кетгайсан.  
Боқ ўзингга: кимсану қаердан келдинг?  
Англа: не қиласану қаён кетгайсан?

## 2

Ишқингда сенинг бедилу<sup>2</sup> бежон бўлдим,  
Зулфинг каби кўйингда паришон бўлдим.  
Йўқ, йўқ, бу — хато, аслида ишқ қувватидан  
Кечдим икки дунёдан жонон бўлдим.

## 3

Ҳар кимки, тавоғ айласа ишқ манзилини,  
Ишқ ханжари бир кун тилар унинг дилини.  
Ишқ дафтариға битинг бу ҳикмат гулинини:  
Бошдан кечар ошиқ ўтгали ишқ йўлинини!

## 4

Кўлдан кеча келмаганди бир иш зинҳор,  
Бугун эса мен туфайли қизғин бозор,  
Ўтсам-кетсам эртага билмай асрор<sup>3</sup>,  
Яхши эди келмасам жаҳонга минг бор.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди I. С. 161—162.

<sup>2</sup> Бедил — дилини бой берган, дилсиз, ошиқ, мубтало.

<sup>3</sup> Асрор — сирлар, яширин нарсалар.

Ишқ йўлига кирсанг, батамом дард бўласан,  
Хоксору заиф мисоли бир гард бўласан.  
Кам нарсани орзу қилган мард бўлади,  
Кам нарсани орзу айла то мард бўласан.

Ишқингда гаҳи маству гаҳи хор бўламан,  
Ёдингда гаҳи йўғу гаҳи бор бўламан.  
Бу мастлигу хорликда қўлим тутмасанг-ей,  
Бир йўла дилу жондан безор бўламан.

Фам чеккали бўлди жигарим эш менга,  
Олдимдаги йўл қўркуви ташвиш менга.  
Тавҳид<sup>1</sup> майига сира етолмайди дилим  
Нафс илони то урап экан ниш менга.

Мен осий<sup>2</sup> бандаман, ризойинг қани?  
Қоп-қора дилим — нурү зиёйинг қани?  
Жаннатни менга тоат учун бахш этсанг,  
Бу олди-сотди-ку — атойинг қани?!<sup>3</sup>

Дил мақсади, жоннинг орзуси бўлгай ишқ  
Ҳам мангу ҳаёт тарозуси бўлгай ишқ.  
Ишқ асли Хизр<sup>4</sup> умрини боқий этган,  
Бас, мангу ҳаётнинг улгуси бўлгай ишқ.

<sup>1</sup> *Тавҳид* (*Ваҳдат*) — Оллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги. Бу тушунчага кўра борлиқ ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси — намоён бўлишидан иборат. *Тавҳид майӣ* (*Ваҳдат майӣ*) — Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май. Ривоятга кўра, Муҳаммад алайхиссалом мэроҳ кечаси Оллоҳ таоло ҳузуридаги илоҳий майдан тотган эканлар.

<sup>2</sup> *Осий* — гуноҳкор, итоатсиз, исён қилувчи. У куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик гуноҳларига қарамай, мўмин-мусулмон саналади ва чин дилдан тавба қилса, гуноҳлари кечирилади.

<sup>3</sup> Бу рубоий Умар Ҳайёмга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> *Хизр* — оби ҳаёт — тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор ва ошиқлар ҳомийси ҳисобланади.

Дил мулкида ишқдан ўзга шоҳ бўлмасин-ей!  
 Бизнинг сиримиздан эл огоҳ бўлмасин-ей!  
 Кўлим ҳеч узилмасин узун зулфингдан,  
 Ишқинг ғами кам дилимда, оҳ, бўлмасин-ей!

## 11

Орзунг шу агар: замон аро фард<sup>1</sup> бўласан,  
 Дин йўлида яна соҳиби дард бўласан.  
 Қилгил туну кун мард кишилар хизматини,  
 Мардлар ёнида юрсанг агар мард бўласан!

## 12

Ҳар лаҳза юзинг шамига парвона бўлай,  
 Жонимни бериб, ошиқи девона бўлай.  
 Бир кун бу қафасдан учсам, шоҳбоздек<sup>2</sup>  
 Шоҳ ёнига қайтай яна — шоҳона бўлай.

## 13

Мард элни қўйиб, чеккага урмас ўзини,  
 Ё катта тутиб эл ичра юрмас ўзини.  
 Кўз қорачигидан ибрат олса арзир:  
 У ҳаммани кўрар, аммо, кўрмас ўзини<sup>3</sup>.

## 14

Ҳақни таниса ҳар киши, жонни на қилар?  
 Фарзанду аёлу хонумонни<sup>4</sup> на қилар?  
 Девона<sup>5</sup> бўлиб, икки жаҳонни унутар,  
 Девона киши икки жаҳонни на қилар?

## 15

Ё Раб<sup>6</sup>, менга пок дилу хабардор жон бер,  
 Тун оху саҳар кўз ёшини чандон<sup>7</sup> бер.

<sup>1</sup> *Фард* — ёлғиз, якка, танҳо.

<sup>2</sup> *Шоҳбоз* — шоҳ қуши, лочин.

<sup>3</sup> *Бобо Афзалда* ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

<sup>4</sup> *Хонумон* — уй-жой, тирикчилик воситалари.

<sup>5</sup> *Девона* — ишқа ошиқу ҳайрону саргашта бўлган ва сулукка мансуб киши.  
 Ошиқнинг мағлубияти ҳам девоналиқ дейилади.

<sup>6</sup> *Раб* — Худо, Парвардигор. Ё *Раб* — эй Худо.

<sup>7</sup> *Чандон* — кўп, анча, зиёда; кўпинча, узоқ муддат.

Аввал мени йўлингга солиб, бехуд<sup>1</sup> қил,  
Сўнг топгали ўзлигимни<sup>2</sup> вақт, имкон бер.

## 16

Берма менга боқий умру шон-шавкатини,  
Дунёни сафою ишрату неъматини,  
Дил орзуларини, яна жон роҳатини,  
Топсам менга бас розилигинг давлатини.

## 17

Мен охиратимни ҳар куни ёд этаман,  
Ҳар лаҳза гуноҳларим учун дод этаман.  
Фамгин бўламан гарчи гуноҳ қўрқувидан,  
Лутфига умид қилиб, дилим шод этаман.

## 18

Ошиққа на бу дунё, на у дунё ҳавас,  
Ҳар иккиси ёр дийдоридан афзал эмас.  
Дунёда менга бўлмаса-бўлмас қибла,  
Менга ўша маъшуқ кўйининг қибласи бас.

## 19

Ҳақ йўлида асли икки Каъба ҳосил:  
Оллоҳ уйи бўлса бири, иккинчиси — дил.  
Дилларни зиёрат қил қўлингдан келса,  
Минг Каъбадан ҳам бир дилни афзал бил!<sup>3</sup>

## 20

Кам қанча жамолингта десак мадху сано<sup>4</sup>,  
Бўлсин дилу жону кўз — бари сенга фидо,  
Дилдан бўламиз ҳар нима қилсанг-да ризо,  
Гар жон тиласанг-да, бўлгуси сенга раво.

## 21

Бир томчи сувдан У бино қилди мени,  
Сайлаб ўзига, аҳли ризо қилди мени,

<sup>1</sup> *Behud* — ақлу ҳушини йўқотган, маёт, ихтиёrsиз. Тасаввуфда ўзидан бехабар, ошиқдик ва мастилик мақомидаги киши.

<sup>2</sup> *Ўзлик* — инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо йўлидан чалғитади.

<sup>3</sup> Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> *Сано* — мадх, мақтов, таъриф.

Халқ ичра муносиби ато қилди мени,  
Бу барчасига йзираво қилди мени.

## 22

Келтирди фироқ таъна-маломатни менга,  
Кўрсатди бу эл турфа аломатни менга,  
Ҳеч қўймади айрилиқ саломатни менга,  
Шу дунёда кўрсатди қиёматни менга.

## 23

Эй ошиқ умид ниҳоли, бўл мевага фарқ,  
Эй ой, қилақол бевафолик буржини тарк,  
Эй дўст висоли тонги, урсанг-чи барқ,  
Эй ҳижрон зулмат туни, кўрсатма турқ.

## 24

Ҳажрингда ишимда йўқ тартибу низом<sup>1</sup>,  
Аччиқ туюлар ширину пишган эса хом,  
Кўнглимда агар бўлса-да минг орзую ком,  
Номингиз уларнинг бари бўлгуси ҳаром.

## 25

Кўзим мени(нг) лиммо-лим дўст сувратидан,  
Мен розиман кўзимни(нг) кўриш қувватидан,  
Йироқман уларни фарқ этиш ниятидан,  
Бир-бирига айланишди ишқ қудратидан.

## 26

Йўлингда сенинг чоҳ узра чоҳ тушмишдир,  
Шундан тоат ўрнига гуноҳ тушмишдир,  
Йўқ айби сира агарда моҳ<sup>2</sup> тушмишдир,  
Бизнинг қисмат асли сиёҳ<sup>3</sup> тушмишдир.

## 27

Кунлар ҳавасинг пардаи бекорлик эмиш,  
Тунларда ғаминг ҳужрай бедорлик эмиш,  
Ҳажринг сабаби аслида ғамхорлик<sup>4</sup> эмиш,  
Савдонг эса сармояи ҳушёрлик эмиш.

<sup>1</sup> Низом — интизом, тартиб.

<sup>2</sup> Моҳ — 1) ой; 2) гўзал, маҳбуба.

<sup>3</sup> Сиёҳ — қора, қоралик, қоронғилик.

<sup>4</sup> Ғамхор(а) — ғамхўр, меҳрибон, мунис.

## 28

Бу мендаги ҳар аъзо сенинг коринг<sup>1</sup> учун,  
Бу икки қулоқ қабули гуфторинг<sup>2</sup> учун,  
Бу икки кўз наззорай<sup>3</sup> рухсоринг<sup>4</sup> учун,  
Жону дилу дин садқаи дийдоринг учун.

## 29

Бизнинг тилимиз битта эмасдир бегумон,  
Бор дўзаху жаннатдан ҳам ўзга макон,  
Озоданасаблар жони бир ўзгача жон,  
Пок жавҳари ўзга кондан олинган, аён.

## 30

Озору жафою ҳийладир хўйи<sup>5</sup> унинг  
Ошиқ қонини тўкишга ўч кўйи унинг.  
Ҳар куни жафо қиласу сўнг узр айтар,  
Узри сочидан таралган хуш бўйи унинг.

## 31

Ҳар кимники, бандалик қарори бўлгай,  
Эл яхши-ёмонига не кори бўлгай?  
Сен бандамисан, бандалигингдан қолма,  
Хожадир у, кимнинг ихтиёри бўлгай.

## 32

Ой юзли санам менга бугун меҳмондир,  
Бу жону дилим бошдан-оёқ қурбондир.  
Йўқ дилда муаммо, барча ташвиш жондир,  
Жонимни берай, у садқаи жонондир.

## 33

Юз минг жоннинг роҳати биргина даминг,  
Ҳар бир дил шод бўлса агар унда ғаминг.  
Икки кўзим равшани, билсанг, санамо,  
Кўрмокликда қоп-қора у зулфи ҳаминг.

<sup>1</sup> *Кор* — 1) иш, меҳнат, ҳаракат; 2) таъсир.

<sup>2</sup> *Гуфтор* — 1) сўз, гап; 2) гапириш, сўзлаш.

<sup>3</sup> *Наззора* — қарашиб, назар солиш, томоша қилиш.

<sup>4</sup> *Рухсор* — юз, чехра.

<sup>5</sup> *Хўй* — одат, феъл, табиат, характеристер.

Ожизлигидан оёқ талабгоринг эмас,  
Сен ўйламаки, дилим гирифторинг эмас,  
Саргашта<sup>1</sup> бу жоним-да харилоринг эмас.  
Ё икки кўзим маҳрами дийдоринг эмас.

Афсуски, дилором дилим олди-кетди,  
Аҳдини бузиб, фироққа солди-кетди.  
Қўлга киритарман дилу дилбарни яна,  
Аммо кўзим қон ичидаги қолди-кетди.

Кўйингда девона бўлсан, ҳеч бок<sup>2</sup> йўқ,  
Борми сира ишқ этаги, унда чок йўқ?  
Дунёда топилмайди бир озод ошиқ,  
Бошида бало шамолидан то хок<sup>3</sup> йўқ.

Бошимда менинг йўқ ўзганинг савдоси,  
Кўнглимни-да йўқ бир ўзгага парвоси.  
Олмайди ўзингдан ўзга кўнглимдан жой,  
Бўлмас дил ўзингдан ўзганинг маъвоси.

Ишқ аввалида оҳ-фифонимдан батамом  
Ҳамсояга бўлди тунлари уйқу ҳаром,  
Ошган сари ишқ оҳ-нола кам бўлди мудом,  
Ўт олса аланга, тутун этмайди давом.

Дедимки: дилим сенга яқин бўлмоқчи  
Ҳам лойики шукру офарин бўлмоқчи.  
Сидқимга гумон айлама, эй жони жаҳон,  
Бор орзу сенга етиш учун бўлмоқчи.

Умрим бўйи вақтим менинг ҳар туну кун  
Ул ёр хаёли билан ўтди бутун.

<sup>1</sup> Саргашта — сарсон, овора; саргардон; паришон.

<sup>2</sup> Бок — 1) кўрқинч, хавф, ваҳм; 2) зарар; 3) андиша, парво; 4) ажаб.

<sup>3</sup> Хок — тупроқ.

«Мажрух бўлибсан, — деди, — мунча не учун?»  
«Ишқ фатҳи<sup>1</sup> талаб қилди шуни, эй нозанин!»

## 41

Эй дил, кишилардан сира ёрлик тилама,  
Хар шох соя бермайди — деворлик тилама,  
Иzzат қаноатдаки, хорлик тилама,  
Иzzатни азиз тут, сира зорлик тилама.

## 42

Эй зоҳиди худбин, сен эмас маҳрами роз,  
Кибру тама омили сенга рўза, намоз,  
Ишингни намоз эмас, ниёз<sup>2</sup> этгуси соз,  
Пуч барча намоз бўлмас экан сидқу ниёз.

## 43

Эй фазли менга ҳомию ёр, қўлим тут,  
Бўлдим ўз-ўзимдан безор, қўлим тут.  
Гоҳ тавба қилиб, гоҳи яна синдираман,  
Сендан бу бари, эй Бирубор<sup>3</sup>, қўлим тут.

## 44

Ё Раб, дили поку жони огоҳ бергил!  
Тунда йиги, тонгда оташин оҳ бергил!  
Аввал мени ишқинг йўлида бехуд қил,  
Бехуд бўлгач, Ўзинг сари роҳ<sup>4</sup> бергил!

## 45

Ё Раб, мени ишқинг майидан сармаст<sup>5</sup> эт,  
Ишқинг домига бир йўла банду баст<sup>6</sup> эт,  
Ишқингдан ўзгани бекиймат, паст эт,  
Ўзингта мени муносибу пайваст<sup>7</sup> эт.

## 46

Қилгуси гуноҳларим мени хору хижил,  
Ёмон сўзу ёмон феълим бунга далил.

<sup>1</sup> Фатҳ — 1) забт этиш, эгаллаш; 2) ғалаба, зафар.

<sup>2</sup> Ниёз — эҳтиёж, муҳтоҷлик; илтижо, ёлвориш; аташ, назр қилиш.

<sup>3</sup> Бирубор — ягона, доимий, мавжуд; Тангри.

<sup>4</sup> Роҳ — йўл.

<sup>5</sup> Сармаст — маст, сархуш.

<sup>6</sup> Бандубаст — асир, гирифткор.

<sup>7</sup> Пайваст(а) — боғланган, уланган, туташ.

Етказ менга файл олами құдсийдан<sup>1</sup> то  
Ботил<sup>2</sup> бу хаёлларга мени бегона қил.

#### 47

Ё Раб, мени ҳеч зору паришон құлма  
Хам ёту яқинларга нигорон<sup>3</sup> құлма.  
Эл миннатисиз етказ Ўзинг ризқимни,  
То бандалар эшигіда сарсон құлма<sup>4</sup>.

#### 48

Бұлсам-да шаҳарнинг энг таниқли ринді<sup>5</sup>,  
Бошимда гуноҳлар тоги минди-минди.  
Ё Раб, мени қувма эшигингдан, токи  
Бир йўла жаҳонга расво бўлмай энди.

#### 49

Ҳар дардки, кўнглимни менинг тарк этгай,  
Ўрнига унинг бошқаси дарҳол етгай,  
Бошдан яна дил унга кўнникмай нетгай,  
Куйганга етишса ўт у куйгай-кетгай.

#### 50

Эй Худо, најот йўлини кўрсат менга,  
Мұхтожман ҳар икки ҳаётимда сенга.  
Бор айбу гуноҳларимни сен афв айла,  
Шарманда бўлиб бормай маҳшар кунга...

#### 51

Бўлсин манзил ҳамиша майхона менга,  
Бўлсин дунё ташвиши бегона менга.  
Ишқинг билан айла мени масту сархуш,  
Ақлу ҳушдан қолмасин нишона менга.

<sup>1</sup> Олами құдсий — илоҳий олам.

<sup>2</sup> Ботил — 1) бузук, бўш; 2) бехуда, ноҳақ, асоссиз, нотўғри.

<sup>3</sup> Нигорон — интизор, муштоқ.

<sup>4</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>5</sup> Ринд — шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган хурфиксали, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Ринд ахли илоҳий жазава чоғида омма қабул қылмайдиган нозик маънолар ва чукур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машхур бўлганлар.

Дил орзусининг ортидан елса ғофил —  
Ким, умри дарахтидир унинг беҳосил.  
Нафси йўлида ўғирса юз Ҳақдан ким,  
Беҳуда ўтибди бор ҳаёти, ботил.

Мен мастиңг эмишман — маю жомдан озод,  
Бир қуш қабиман донаю домдан озод.  
Бутхонаю Каъбадан мурод сен менга,  
Мен йўқса бу ҳар икки мақомдан озод.

Фазл этсанг агар, икки жаҳондан йўқ бок,  
Адл этсанг агар, бўлгум бир йўла ҳалок.  
Ҳар кун дерман юз бора: «Эй холиқ<sup>1</sup>! пок,  
Бир сиқим хокман — не қила олгай хок?»

Ёр дардини берсин хоҳу хоҳ роҳатини,  
Ёрдан нима келса хуш — бил ишқ одатини.  
Яхшию ёмон билан ишинг бўлмасин-ей,  
Ёр розилигида англа дил давлатини.

Дунёталабо, бу нафсинг ўзингга тузоқ,  
Үқботалаб<sup>2</sup>, тушдинг ҳақиқатдан узоқ.  
Мавлоталабо<sup>3</sup>, дилингда дардинг бўлса,  
Ҳар икки жаҳонда сен музаффарсану<sup>4</sup> ток.

Дўст хизматида иззату ҳурмат топасан,  
Ҳақ сирини, қилсанг унга хизмат, топасан.  
Faflatни қувар — қирқ туну кун чилла<sup>5</sup> ўтири,  
Бир бой ҳазина — илму ҳикмат топасан.

<sup>1</sup> Холиқ — Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: яратувчи.

<sup>2</sup> Үқботалаб — охиратни талаб қилувчи.

<sup>3</sup> Мавлоталаб — Худони талаб қилувчи.

<sup>4</sup> Музаффар — голиб.

<sup>5</sup> Чилла — сўфий ёки муриднинг якка ўзи алоҳида хона (хужра)да, одамлардан яшириниб, қирқ кун давомида тоат-ибодат қилиши.

Сайёра экан ишқ — унга манзил бизмиз,  
Бу доирада нұқтаи мушкул бизмиз.  
Үқишиң бедил ошиқтар қиссасини,  
Бу қиссада әнг ошиқи бедил бизмиз.

Юз йиллаб агар ўт ичра ёнсам музтар<sup>1</sup>,  
Осон менга күйдирувчи бу ўт аксар.  
Нокас киши бирлан сира суҳбат тутма,  
Нокас киши суҳбати ўлимдан баттар.

Ёмғир томчисидан-да күп менда гунох,  
Бошимни уятдан күтаролмайман, ох.  
Овоз келдики: «Фам ема, эй банды,  
Гар сенда гунох күп, менда кенгдир даргох».

Мен айтишаман ҳар тонгда сен ила роз,  
Дилдан эшигингда қиласын арзу ниёз.  
Бас, бандаларинг миннатисиз айла-да соз  
Бечора бу банданг ишин, эй банданавоз!<sup>2</sup>

Боққа кирсам, күйи тушар ёдимга,  
Гул сочи — хүшбүйи тушар ёдимга.  
Сарв<sup>3</sup> соясида агар ўтирасам бир дам,  
Сарвдек мавзун<sup>4</sup> бўйи тушар ёдимга.

Сендан, биласанми, ишқ нима истайди?  
Тарк эт деб нафсу ҳавони қистайди.  
Очилгай эди муқаддас ислом эшиги,  
Нафс бандини ҳар кимки уза билсайди.

<sup>1</sup> *Музтар* — ночь, ноилож.

<sup>2</sup> *Банданавоз* — бандаларига ғамхўрлик қилувчи, шафқатли, меҳрибон.

<sup>3</sup> *Сарв* — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дараҳт. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг келишган зебо қадди-қоматини сарвга нисбат берадилар

<sup>4</sup> *Мавзун* — гўзал, чиройли, келишган.

Шодлик нима? Ишқингда унудим зинҳор,  
Хотиржам бўл — ушалди орзунг, дилдор.  
Қонимни тўкишни истасанг, осон бу,  
Васлингни мен истайману бу кўп душвор<sup>1</sup>.

Ишқ оташида жонимни ул<sup>2</sup> қилайнин,  
Жон сеникидир — сенга фидо зуд қилайнин.  
Ишқингда куйиб бўлса адо бир жоним,  
Юз жон яна тадбир ила мавжуд қилайнин.

Сен боис бўлмас эсанг, эй жони жаҳон,  
Инсон бу харобазорни қилмасди макон.  
Бир лаҳза тушида кўрса ҳажрингни қачон,  
Оlam ўту сув ичра қоларди бегумон.

Ошкор айла — ҳар нима асрар дилимиз,  
Бўлсин яқин олам элига манзилимиз,  
Қорилмиш азобу ғамга суву гилимиз<sup>3</sup>,  
Борми дилу гилдан ўзга бир ҳосилимиз.

Кўп қиссаи ишқингда сенинг мушкуллар,  
Биз биргамизу ўргада кўп манзиллар.  
Кўп орада гарчи ғову монеликлар  
Ёдингни қилар диллару зикринг тиллар.

Иzlайди сенинг йўлингни жумла олам,  
Йўл қўрқуви кўпчиликни ўлдиргай ҳам,  
Ўн тўрт кунлик ойни қилибсан мулзам,  
Йўлингда кўрармиз шоҳликни ҳар дам.

<sup>1</sup> Душвор — қийин, мушкул, оғир.

<sup>2</sup> Ул — Ҳиндиштон ва Бирмада ўсадиган новдалари қаҳваранг ва хушбўй дарахт.

Хушбўй ҳид таратиши учун уни манқалга солиб тутатадилар.

<sup>3</sup> Гил — тупрок, лой, балчиқ.

Ялт этди-ю ўтди кўздан тимсоли,  
Умримни басар этди бу тимсол фоли.  
Офтобдек аниқ-тиниқ кўринган эди у,  
Қолди кўзда муҳрланиб шу ҳоли.

Бўйнингда бирор ҳаққи агар қолгусидир,  
Оллоҳга етиш йўлига ғов солгусидир.  
Ким қилча бирорнинг ҳақини еса бугун,  
Эрта у жаҳаннамдан жой олгусидир.

Ишқ ичра чин ошиқни(нг) харобдир жони,  
Кетмас сира кўзи ўнгидан жонони,  
Ошиқ шу қадар ёр ишқининг ҳайрони,  
На дўзаху на жаннат унинг дармони.

Иzlар Сени ким, Сен каби танҳо бўлгай,  
Ёт айбу гуноҳга, хулқи аъло бўлгай.  
Васлинг майдан ичгуси шундай кишиким,  
Дардингни чекишига лойифинг то бўлгай.

Бир мартагина биз сари ҳам келса бўлар,  
Бор қанча гўзал ишларимиз — солса назар.  
Гул истар эсанг, тиконидир жонга хатар,  
Топса эди дил висолидан кошки хабар.

Сен кўрган у дил ҳоли ўзга бу замон,  
Сув тўла у ҳовуз энди бўлди тўла қон,  
Йўқ мевага кон у боғдан ному нишон,  
Тарк айлади бизнинг боғни оби равон<sup>1</sup>.

Одоб бўлар инсонга камолот бешиги,  
Очилмади ҳар гадога одоб эшиги.

---

<sup>1</sup> Оби равон — оқар сув.

Одоб афзал подшоҳлик давлатидан,  
Одоб асли тожлар ичра буюги.

77

Ҳар лаҳза кўзим гўзал жамолингни тилар,  
Ҳар лаҳза дилим шавқи висолингни тилар.  
Шундай кишига бағишила ўзни туну кун  
Ҳам туши, ҳам ўнгига хаёлингни тилар.

78

Ёр хусни боғидан бир эшик очдилар-ей,  
Оlam эли изтиробга тушдилар-ей,  
Эҳ, қанча киши жонларидан кечдилар-ей,  
Ишқи майидан то қатра ичдилар-ей.

79

Дунё ғамидан дил то бегона бўлмас,  
Ишқинг ўқига токи нишона бўлмас,  
Ҳар икки жаҳон дарди равона бўлмас,  
Ҳеч ҳам ўша лойиқи жонона бўлмас.

80

Дийдор этаги агар фақирга ёрдир,  
Үлим менга баҳту саодатча бордир.  
Ишқинг кўйининг гадосидирман ҳарчанд,  
Сенсиз яшамоқ жаҳонда менга ордир.

81

У яхши-ёмонинг яхшиликка йўйгай,  
Дардингни гапирмасанг-да билгай-қўйгай.  
Сен — бечора бандаю, У — шафқат соҳиби,  
Билгай ўзи: хоҳи ўлдирав, хоҳ суйгай.

82

Дарвеш, қани, бор, Ҳаққа ибодат айла,  
Лутф-эҳсони шукрини ҳар соат айла.  
Неъматта эришган, эй бадавлат инсон,  
Шукронай неъмат этиб, тоат айла.

83

Ҳар кимники дўст тутишару маст этишар,  
Оlamни оёғи остида — паст этишар,  
Йўқлигини борлиққа пайваст этишар,  
Ёр васли шаробидан сармаст этишар.

Лутф айла Ўзинг, қилма паришон бизни,  
Ҳарчанд ўрамиши гуноҳи исён бизни.  
Зотинг — ғанию<sup>1</sup> биз — муҳтож, Ўзингдан —  
Ўзгасига қилма зору нолон бизни<sup>2</sup>.

Кўш зулфига не бағишлий, токи ул ёр  
Бечора бу ошиқ сари келгай бир бор.  
Куйган жигаримни қошига қўйгай эдим,  
Куйган жигару мушк азал дўст, ҳамкор.

Фазлинг ила барча мушкулим осон қил,  
Лутфинг ила дардимга менинг дармон қил.  
Мен — зору ҳақиқир, бас, бир нима қилма умид,  
Сен — шоҳсан улуғ, шунга қараб эҳсон қил<sup>3</sup>.

Ё Раб, мени ишқинг майдан хуммор<sup>4</sup> қил,  
Ишқингда мени хоҳи йўғу, хоҳ бор қил,  
Ишқингдан ўзга нимадан безор қил,  
Ишқинг домига бир йўла гирифтор қил.

Дедим: «Санамо, боқ менга — жононим ўзинг,  
Сендан сира кўз узмасман — жоним ўзинг.  
Жоним чиқади агар мени тарқ этсанг,  
Эй жону жаҳон, куфру<sup>5</sup> иймоним ўзинг».

Ошиқ аҳли тунда туриб роз қилади,  
Ёр эшигу томи узра парвоз қилади.  
Ҳар қайдади эшиқ бўлса, ёпарлар тунда,  
Ёр ошигини тунлари ҳамроуз<sup>6</sup> қилади<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Ғаний — бой, бадавлат; эҳтиёжсиз, муҳтож эмас.

<sup>2</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>3</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> Хуммор — пири комил ва муршиди восилга ишора.

<sup>5</sup> Сўфийлар дунёвий боғлиқлар, ваҳдатдан жудоликни куфр леб ҳисоблайдилар.

<sup>6</sup> Ҳамроуз — сирдош, яқин дўст.

<sup>7</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

Сувратда агар Мусою<sup>1</sup> Ҳорун<sup>2</sup> бўлсанг,  
Ҳатто ўша Жаброилга<sup>3</sup> уйғун бўлсанг.  
Сувратдаги зуҳду<sup>4</sup> тақвонинг фойдаси йўқ,  
Сийратда<sup>5</sup> агар Язиду<sup>6</sup> Қорун<sup>7</sup> бўлсанг.

Дардингни чекиб, тадбири дармон қилмам,  
Зулфингни севиб, орзуи иймон қилмам.  
Жононим, агар жон тиласанг, хуш бўлгай,  
Жононим учун андишай жон қилмам<sup>8</sup>.

Кўнглимдаги бор майлу таманно<sup>9</sup> сенсан,  
Бошимдаги бор оғриғу савдо сенсан,  
Ҳар қанча ҳаётга боқмайин, кўргайман:  
Сенсан бугуну эрта-да танҳо сенсан!<sup>10</sup>

Эй ой, чиқиб келдингу тобон<sup>11</sup> бўлдинг,  
Кездингу фалак узра хиромон бўлдинг.  
Ёримга кўзинг тушди-ю, ҳайрон бўлдинг,  
Ногоҳ қуий индингу пинҳон бўлдинг.

Ўтди бутун ёнимдан у сарви равон<sup>12</sup>,  
Мум солиб оғзига, қилиб юзни ниҳон.  
Офтоб юзини тўсса-да ҳар қанча булат,  
Офтоб нуридан бебаҳра қолмайди жақон.

<sup>1</sup> *Мусо* — яхудийлар пайғамбари.

<sup>2</sup> *Ҳорун* — Мусонинг акаси.

<sup>3</sup> *Жаброил* — исломдаги тўрт фариштадан бири: Ҳудо билан пайғамбарлар ўртасида элчилик қиласи.

<sup>4</sup> Зуҳд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш.

<sup>5</sup> *Сийрат* — одат, хислат, феъл-автор, табиат.

<sup>6</sup> *Язид* — умавия сулоласига мансуб араб халифаларидан бири.

<sup>7</sup> *Қорун* — Мусо алайхиссалом даврида яшаган, ҳад-хисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шаҳе. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва хасислик тимсоли ҳисобланади.

<sup>8</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>9</sup> *Таманно* — истак, умид; мақсад.

<sup>10</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>11</sup> *Тобон* — порлоқ, равшан, дураҳшон, ёрқин.

<sup>12</sup> *Сарви равон* — юрувчи, хиром этувчи сарв, яъни чиройли юришли маҳбуба.

Гоҳо ўз тийнатимга тушгай назарим:  
 Мендан баттар борми экан битта-ярим?  
 Ўзликдан ўтиб, етса Ҳаққа сафарим,  
 Арш узра бўлар эди руҳи жилвагарим.

Ишқ оташида ошиқ кўнглимни ёқ,  
 Кўнглим ичидан сўнгра бу жонимга боқ.  
 Қошимга келар бўлса ўшанда мъашуқ,  
 Соч барчасини хокипойига<sup>1</sup> шу чоқ.

Сен деб дилим ичра баҳсу жанглар бордир,  
 Юз товланишу ҳолату ранглар бордир.  
 Фофил элининг таънасидан ишқингда  
 Жонимда неча номусу нанглар бордир.

Мехрингни алишмам узугига Жамнинг,  
 Васлингни домига Исои Марямнинг<sup>2</sup>.  
 Минг Боги Эрамга<sup>3</sup> бермагум ишқингни,  
 Дардингни-да айшига икки оламнинг.

Хавфим шуки, ишқи аро расво бўламан,  
 Фол очсан агар: хоч билан ошно бўламан.  
 Ул ёр мени деб агар мусулмон бўлмас,  
 Мен ўзим унинг ишқида тарсо<sup>4</sup> бўламан.

Ҳар лаҳза ҳазин дилимга ёдинг ҳамдам,  
 Бир лаҳза ёдингиз яшай олмасман ҳам.  
 Ёдингни қилиб мен туну кун оҳ чекаман,  
 Бошимга ғаминг ёстиқ бўлди, эркам.

<sup>1</sup> Хокипой — оёқ ости тупроғи.

<sup>2</sup> Марям — Исо алайҳиссаломнинг онаси.

<sup>3</sup> Эрам — афсонавий гўзал bog. Ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан уни Ямандаги Од қавми ҳукмдори Шаддод барпо қилган эмиш.

<sup>4</sup> Тарсо — насроний, христиан. Сўфийлар наздига нафси амморани маҳв этиб, нафси ҳамидага эришган ориф инсон.


## ДАРВЕШ МУҲАММАД ЧАРГАР

Кароматли авлиёлардан эканлиги нақл қилинади. Чунончи, бир куни Ҳирот жоме масжидида кўзи илиниб, қўлидаги кўзаси қийшяди ва ундан сув оқа бошлайди. Масжид ходими масжидни булғаяпти деган хаёлда уни шунақангি дўппослайдики, бутун аъзои бадани моматалоқ бўлиб кетади. Шунда Чаргар бир оҳ урадики, ёғочдан қурилган масжид ўт олиб, ундан «Жумлафурӯшон» (ҳамма нарсани сотувчи, аралаш бозор) деб аталган Ҳирот бозорига ўтади. Маждууддин Толия деган авлиё бундан хабар топиб, уни излаб топади ва:

— Нега мусулмонлар шаҳрига ўт қўйдинг? — дейди.

Чаргар ортига қайтиб, кўз ёши билан ўтни ўчиради ва куйидаги рубоийни ўқийди:

Ўтки, кеча кўкка бўй чўзиб ёнган эди,  
Қалбимдан ёниш илмини ўрганган эди.  
Икки кўзим ёши келмаса ёрдамга,  
Ҳиротни бутун куйдириши равшан эди<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Абдураҳмон Жомий*. Нафаҳот ул-унс. // Осор. Дар ҳашт жилд. Жилди 8. — Душанбе, 1990. С. 61; *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 241-бет.

# ШАЙХ ҲАСАН НАМАДПҮШ

## (вафоти 1116)

Ҳасан ибн Юсуф ас-Самоний ал-Бухорий қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон Фозий (1102 —1130) замонида яшаб ўтган. Қишинёзин жун хирқа — кигиздан тикилган түнда юргани учун Намадпүш (кигиз киевчى) деганлар. Олим, обид<sup>1</sup>, зоҳид ва мураббий бўлган. Ўттиз йил муттасил рўза тутгани, фақат сабзавотлар билан ифтогрик қилгани ривоят қилинади.

Арслонхон Фозий Намадпүшга катта эътиқод қўйиб, унга маънавий ўғил тутинган ва унинг маслаҳатларига амал қилган. У турли хурофот ва бидъатлар, динга мухолиф бўлган фирқаю гуруҳларга қарши муросасиз курашиб, Бухорода ислом таълимоти ва ҳанафия<sup>2</sup> мазҳабининг кенг ёйилишига бекиёс ҳисса қўшган.

1116 йили ўз хонақоҳида шаҳид бўлган.

Қабри Имом Қозихон мақбарасининг қибла томонида бўлиб, табаррук зиёраттоҳлардан ҳисобланади.

Шайх ул-олам ҳазрат Сайфиддин Бохарзий ҳамиша: «Бухорои шарифда дунёвий нарсаларга сира эҳтиёжи бўлмаган икки буюк зот бор эди: бири — Абу Бакр Исҳоқ Калободий, иккинчиси Ҳасан Намадпүш», — деб такрорлашни хуш кўрар экан<sup>3</sup>.

Бу кўҳна кигизни аҳд этиб кийдим мен,  
Таън этма, ўзимча жаҳд этиб кийдим мен.  
Атлас тўни бебаҳо экан шоҳнинг, бас,  
Жун хирқа<sup>4</sup> — кигизни нақд этиб кийдим мен.

<sup>1</sup> Обид — тоат-ибодат қилувчи, художўй, тақводор.

<sup>2</sup> Ҳанафия — Абу Ҳанифа асос соглан суннитликдаги диний-хуқуқий мазҳаблардан бири. Бу мазҳабда Қуръон ҳуқуқ манбаи сифатида қабул қилинади, суннага мустакил манба сифатида қаралади, ҳадислар эса фақат ишончли бўлиши керак.

<sup>3</sup> Шайх Ҳасан Намадпүш ҳақидаги маълумотлар ҳам, унинг рубоийси ҳам Садриддин Салим Бухорийнинг «Икки юз етмиш етти пир» китобидан олинди (Бухоро, 2006, 78—79-бетлар).

<sup>4</sup> Хирқа — шайх, мурид ва дарвешлар киядиган маҳсус кийим.

# ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

(1048 — 1141)

Йирик ва машҳур тасаввуф намояндаси, «имом, олим, орифи Раббоний<sup>1</sup>, гўзал ҳоллари<sup>2</sup>, кўп эҳсонлари, юксак каромот<sup>3</sup> ва мақомотлари<sup>4</sup> бор»<sup>5</sup> Абуляъкуб Юсуф Ҳамадоний Ҳамадоннинг Бузанжирд қишлоғида туғилган. Бағдодга бориб, Абу Исҳоқ Шерозийдан таҳсил олган. Тасаввуф сирларини Абу Али Фарюмадий, Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симонийлардан ўрганган. Бағдоддаги машҳур Низомия мадрасасида дарс беради. Исфаҳон, Самарқанд ва Бухорода таҳсилини давом эттирган. Бир неча йил Марвда қолиб, халқа ваъз айтган. Абдулқодир Гилоний (Фавс ул-аъзам), Имом Фаззолий, Ҳамидуддин Мултоний каби замонасининг етук шайху муршиidlари билан мулоқотда бўлган. 30 марта ҳаж қилгани нақл қилинади. Бухорода узоқ муддат яшаб, муридлар тарбияси билан машғул бўлган. Кейинчалик хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий шиорларига айланган «хуш дар дам», «назар бар қадам», «сафар дар ватан», «хилват дар анжуман» қоидаларини ишлаб чиққан. Ҳожа Абдуллоҳ Баракий, Ҳожа Ҳасан Андоқий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний каби забардаст шогирдлари мусулмон оламида машҳур. Юсуф Ҳамадонийнинг истеъоди ва мақоми қанчалик улуф бўлганлигини 17 та муриди комил авлиё даражасига етгани, Шарқ халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатларининг асосчилари бевосита унинг издошлари эканлигидан ҳам билса бўлади.

Ҳиротдан Марвга қайтаётганда Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида вафот этган. Кейинчалик муридлари томонидан хоки Марвга кўчирилиб, қайта дафн этилган.

«Рутбат ул-ҳаёт» («Ҳаёт мезони»), «Кашф», «Рисола дар одоби тариқат» («Тариқат одоби ҳақида рисола»), «Рисола дар ахлоқ ва

<sup>1</sup> Орифи Раббоний — илоҳий маърифат билимдони.

<sup>2</sup> Ҳол — тариқат мақомларини босиб ўтиш жараёнида соликнинг пок қалбида порлаб, уни руҳий камолотга олиб борадиган илоҳий файз.

<sup>3</sup> Каромот — кароматлар, мўъжизалар.

<sup>4</sup> Мақомот — мақомлар, мартабалар, даражалар.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 252-бет.

муножот» («Ахлоқ ва муножот ҳақида рисола»), «Рисола фи аннал кавна мусаххарун лил инсон» («Дунёнинг инсонни таслим қилиши ҳақида рисола») асарларини ёзган<sup>1</sup>. Улардан «Рутбат ул-ҳаёт» Сайфиддин Рафиддин томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилган<sup>2</sup>.

Эй ишқ, сенга покиза бу жон манзил,  
Дардингта сенинг ақли паришон манзил.  
Дилга — маърифат олами сайёҳига  
Савдонгда бўлибди чўл-биёбон манзил.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. 306-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Хожа Юсуф Ҳамадоний*. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). — Тошкент, 2003.

# ШАЙХ АҲМАДИ ЖОМ

(1049 — 1141)

Зиндапил ёки Жандапил номи билан машҳур бўлган забардаст форс-тожик олими ва шоири, йирик тасаввуф арбоби ва улуғ авлиё Абунаср ибн Абулҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Номиқий ўз даврининг барча илмларини эгаллаб, тасаввуф йўлига киради. Марв, Сарахс, Нишопур, Бузжон, Ҳирот, Бохарз, Бистом каби шаҳарларга сафар қилиб, Абдуллоҳ Анзорий, Ҳожа Мавдуд Чиштий, Имом Муҳаммад, Мансур Сарахсий каби уламою авлиё сұхбатига етишади. Шайх Абусаид Абулхайр қўлидан хирқа кияди. Ҳаж зиёратига боради. Жомга қайтиб, муридлар тарбияси билан машғул бўлади. Шайхул-ислом мартабасига эришади.

Тасаввуф одоби, сайру сулук мақомлари, сўфиylар ҳоли ва қоидаларидан баҳс юритувчи «Анис ут-толибин» («Толиблар дўсти»), «Кунуз ул-ҳикмат» («Ҳикмат хазинаси»), «Сирож ул-сойирин» («Сайр қилувчилар маёғи»), «Мифтоҳ ун-нажот» («Нажот калити»), «Равзат ул-мунзабин» («Хилват боғлари»), «Бурҳон ул-ҳақиқат» («Ҳақиқат далили»), «Футуҳ ал-қулуб» («Қалблар кашфи»), «Футуҳ ал-руҳ» («Жон кашфи»), «Эътиқоднома», «Ал-зухдиёт» («Зухднома») каби қўплаб асарлари мавжуд. 4 минг байт ҳажмидаги фазал ва рубоийлари етиб келган. Шеърлари ҳалқ ичидаги машҳурлигидан «Сабзпари ва Зардпари» («Яшилпари ва Сарықпари») ҳамда «Чаҳор пари» («Тўрт пари») достонлари ичига қўплаб фазаллари кириб қолган.

Шогирдлари ва издошлари томонидан унинг ҳаёти ва фаолиятига оид қўплаб мақомотлар яратилган. Минглаб муридлари бўлгани нақл қилинади<sup>1</sup>.

## 1

Ишқ бир кўзгу — унда сира занг бўлмас,  
Бу борада ҳеч мунозара, жанг бўлмас.  
Шундай кишига ишқ мұяссар бўлади  
То бўлса-да бадном, дили танг бўлмас.

## 2

Фам оламидан тоҳида кетгинг келади,  
Гоҳ мангуга истиқомат этгинг келади.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 243—245-бетлар; Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 96—99-бетлар; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 215.

Ўтган ҳаётингда қойил этдинг нимани,  
Энди тўзал оқибатга етгинг келади?!

3

Бизларни азал куни бино этганлар,  
Тақдир битигини яширин битганлар.  
Қисмат шатранжю<sup>1</sup> қазо<sup>2</sup> тошларини,  
Биздан сўрамай бизлар учун отганлар.

4

Ким бўлса харобот<sup>3</sup> асрорига ошно,  
Бир хасча кўримас кўзига бу дунё.  
Кимки маърифат чашмасидан сув ичса,  
У оби ҳаёт<sup>4</sup> ичса-да, қонмас асло.

5

Йўқ дунёни(нг) қадри — пайвастлик кам қил,  
Жон нетгуси бутда, бутпарастлик кам қил.  
Бас, борлиғу йўқликдан фориғ бўлсанг,  
Ич ишқ шаробинию мастлик кам қил.

6

Халқдан тилама, бермаса кўнглинг қолади,  
Бергандা эса жонингга миннат солади,  
Ҳақдан сўра, бор мушкулинг осон бўлади,  
Гар бермаса ҳам сени умидвор қиласди...

7

Ишқ китобидан кўриб дил фолини мен,  
Қўлдан бердим тамом дил иқболини мен.  
Ёр меҳри майидан симириб тўла қадаҳ,  
Топширдим тақдирга дил аҳволини мен.

<sup>1</sup> Шатранж — шахмат.

<sup>2</sup> Қазо — тақдир, қисмат. Оллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандай бўлишини азалдан билиши.


<sup>3</sup> Харобот — инсоний сифатларнинг харобу жисмоний вужуднинг фоний бўлиши. Кишининг хароботийлиги унинг комиллигидирки, ундан бенхитиёр равишда илоҳий маърифат содир бўлади. Хароботдан мақсад — комил инсон ҳузури.

<sup>4</sup> Оби ҳаёт — Ҳизр алайхиссалом ер ости — зулмат қаъридан топган ва бир қатра ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангуплик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда сый-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносига келади.

Дилдан юволмасам бу кулфатни нетай?  
 Ё гўша<sup>1</sup> тутолмасам хилватни нетай?  
 Ҳолимни рақибдан тутишди пинҳон,  
 Бас қилмай шукronаю раҳматни нетай?

Ишқ аҳлига дайру<sup>2</sup> калисо<sup>3</sup> бўлди мақом,  
 Бу мазҳабда майхона пиридир<sup>4</sup> имом.  
 Бир риндки, ундан мастдир май-да мудом,  
 Бу, билсанг агар, жоми Жами<sup>5</sup> Аҳмади Жом.

Майхонада кўрдим ёрни масти хумор,  
 Қўлида лабидек аргувон<sup>6</sup> бодаси бор.  
 Дедим: «Санамо, сенга қачон етгаймен?»  
 «Балки йўлимиз сира кесишмас», — деди ёр.



<sup>1</sup> Гўша — бурчак, хилват, чет, чекка.

<sup>2</sup> Даир — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Сўфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан хузурланишни билдиради.

<sup>3</sup> Калисо — насронийлар ё яхудийлар ибодатхонаси. Тасаввуф истилоҳида маъно оламига ишора.

<sup>4</sup> Майхона пири (Пири майхона) — тариқат пири, маънавий раҳбар.

<sup>5</sup> Жоми Жам — Жам жоми. Жам — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид исмининг қисқарган шакли. Жамшид «Жоми жаҳоннамо» — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тутамас эмиш.

<sup>6</sup> Аргувон — гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дараҳт; мажозан: қизил ранг.

# МУҲАММАД ФАЗЗОЛИЙ

(1058 — 1111)

Машҳур илоҳиёт олими, тасаввуф назариётчиси, файласуф, фақиҳ Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Тусий Ҳурсоннинг Тус шаҳрида туғилган. Нишопурда ашъарий мактаби уламоси Жувайний кўлида таҳсил кўрган. Салжуқийлар вазири Низомулмулк хузурида Бағдодда хизмат қилган, 1091—1095 йилларда Низомия мадрасасида дарс берган. Исмоилийлар Низомулмулкни ўлдирганларидан кейин ҳаж баҳонасида Бағдодни тарқ этиб, 1096—1106 йилларда Дамашқ ва Тусда яшаган. Низомулмулкнинг ўғли Фахрулмулк таклифига кўра яна 1106—1110 йилларда Низомия мадрасасида мударрислик қиласи. Ўлимидан сал олдин она шаҳрига қайтиб, шу ерда вафот этади.

Асосий асарлари: «Иҳёу улум ид-дин» («Диний илмларни тирилтириш»), «Кимёи саодат» («Саодат кимёси»), «Мақосид ул-фалсафа» («Фалсафа мақсадлари»), «Таҳофут ул-фалосифа» («Файласуфларни рад этиш»), «Насиҳат ул-мулук» («Ҳукмдорларга насиҳат»).

Фаззолий ўз асарларида ислом илоҳиёти тизимини ишлаб чиқиб, уни фалсафий жиҳатдан асослашга интилган, ислом ва тасаввуфни ўзаро кўшиб талқин этган<sup>1</sup>. Чунончи, «Иҳёу улум ид-дин» асарида тасаввуф ва исломни муросага келтириб, бир-бирига чамбарчас боғлади. Шундан сўнг тасаввуф тариқатига кирувчилар учун шариатга риоя этиш қатъий қонунга айланди. Фаззолий фанони тасдиқласада, Мансур Ҳаллож олға сурган ҳулул, яъни сўфийнинг Оллоҳга қўшилиб, сингиб кетишини рад этади. Фаззолий фикрича, фано Оллоҳга руҳан яқинлашиш, холос»<sup>2</sup>. У Аристотелнинг Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби Шарқдаги издошлари билан «оламнинг яратилганлиги, коинот абадийлиги, руҳнинг ўлмаслиги муаммолари, сабабият назарияси ва ҳоказо бўйича баҳс юритган. Ислом тафаккури ва ўрта аср Европа фалсафасига баракали таъсир кўрсатган»<sup>3</sup>.

Куръонни мукаммал шарҳлаб, ислом қоидаларини илмий асослаб бергани учун замондошлари томонидан «Ҳужжат ул-ислом» («Ислом далили») деб улуғланган.

Фаззолийнинг «Кимёи саодат» асари XIX асрда Шарқий Туркистонда Муҳаммад Исо томонидан ўзбек тилига ўтирилган. Янги

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. 300-бет; Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли лугати. 1-китоб. — Ҳўжанд, 1997. 88—89-бетлар.

<sup>2</sup> Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли лугати. 1-китоб. 89-бет.

<sup>3</sup> Ислом. Энциклопедия. 300-бет.

даврда Алоуддин Мансур ва Рашид Зоҳидлар ундан парчалар таржима қилдилар<sup>1</sup>.

### 1

Васлинг йўлида кўнгил югурмай нетади?  
Жон жон ила васлингни қидирмай нетади?  
Тушганда куёш акси ойина узра,  
Ойина куёшдай ўзни кўрмай нетади?

### 2

Топмайди қазо пардасига йўл ҳеч ким,  
Ҳеч кимга қадар<sup>2</sup> сирлари бўлмас маълум.  
Ҳар бир киши бир фалсафа сўққай ўзича,  
Бу баҳс ечилар на ва на тўхтар бир зум.

### 3

Биз хум<sup>3</sup> ёнида намозни одат этдик,  
Майхона куми билан таҳорат этдик.  
Шоядки, бу майхоналар ичра топсанак,  
Ул умрки, масжидлар аро йўқотдик.



<sup>1</sup> Қаранг: Зайниддин Муҳаммад Fazzолий. Кимёи саодат. — Тошкент, 1995; Муҳаммад Абу Ҳомид Fazzолий. Иҳёу улуму ид-дин // «Ёшлиқ», 1990, 6-сон, 70—78-бетлар; Абу Ҳомид Fazzолий. Тавба китоби. — Тошкент, 2003.

<sup>2</sup> Қадар — ҳамма нарсаларнинг Оллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равища вужудга келиши.

<sup>3</sup> Хум — завқ аҳли наздила сулукнинг ибтидоси. Бунда солик хумга эндиғина солинган майдек қайнаб тошади.

# АҲМАД ФАЗЗОЛИЙ

## (вафоти 1124)

Шайх Абубакр Нассожнинг муриди бўлиб, мўътабар асарлари бор. Жумладан, «Савонеҳ» («Ҳодисалар») китоби ниҳоятда машҳур бўлган. Фахриддин Ироқий «Ламаъот» («Шуъалар») асарини унинг таъсирида яратган. Алишер Навоийнинг ёзиича: «Савонеҳ» фузулидин<sup>1</sup> бири будурким, маъшуқа барча ҳоли билан маъшуқдир, бас истиғно<sup>2</sup> аниңг сифатидур. Ва ошиқ барча ҳоли билан ошиқдур, бас ифтиқор<sup>3</sup> аниңг сифатидур. Ошиққа ҳамиша маъшуқ кераклик, бас, ифтиқор аниңг сифатидур. Ва маъшуққа ҳеч нима дарбоист<sup>4</sup> эмас, чунки ўзи ўзинингдур, ложарам<sup>5</sup> истиғно аниңг сифати бўлғай»<sup>6</sup>.

Қабри Қазвина.

### 1

Ошиққа камол жоизу маъшуққа жамол,  
Дил тўла сўз, аммо, тил уни айтгали лол.  
Ҳеч ерда бўларми бунданам антиқа ҳол:  
Мен ташнаю олдимда оқар оби зилол<sup>7</sup>.

### 2

То жоми жаҳоннамо менинг қўлимда,  
Бир хас кабидир етти фалак йўлимда.  
То йўқлик Каъбаси борлиқ қибласидир,  
Маст айланар олам эли ўнг-сўлимда.

### 3

Ёр васфида тил юзта бўлиб кетса-да кам,  
Кам эттали туҳфа жон у минг-минг эса ҳам.  
Сўзнинг қўли, қайда бўлмасин, етмас унга,  
Қандай бўлиши лозим — шундай у санам!

<sup>1</sup> Фузул — бу ерда: фазилатлар.

<sup>2</sup> Истиғно — эҳтиёжислизик, бирон нарсага муҳтоҷ бўлмаслик.

<sup>3</sup> Ифтиқор — муҳтоҷлик, фақирлик.

<sup>4</sup> Дарбоист — керак, зарур.

<sup>5</sup> Ложарам — шубҳасиз.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 251-бет.

<sup>7</sup> Оби зилол — тоза, тиниқ сув. Бу рубоий Жалолиддин Румийга ҳам нисбат берилади.

Инсон десанг ўзни, ҳар кун икки-уч бор,  
 Қилмишларинг айла тафтишу ор қил, ор.  
 Ўлик каби бўлмайин десанг, ошиқ бўл,  
 Ишқ ўйлида ўлганга ўлим йўқ зинҳор.

Ёр оғзини кулгига агар очгайдир,  
 Фам бандини ўзи бехабар очгайдир.  
 Ёр оғзига қулф урап сўзинг, бас, жим бўл,  
 Ёр сўзлаш учун оғзин агар очгайдир.

Бизнинг мазҳабда шоҳнинг қиммати йўқ,  
 Чунки унинг ошиқчалик ҳиммати йўқ,  
 Бизга боши борнинг бош бўлиш одати йўқ,  
 Бу тожга боши бор кишининг рухсати йўқ.

Бу майдан ақлнинг жоми топди камол,  
 Тут қўлга қадаҳни тўлдириб, ойжамол.  
 Маст айлаю айт: ҳаром қачон бўлди ҳалол?  
 Ўлсам қани бундай яшагандан хор, увол.

Лаъли<sup>1</sup> лабидан дилимни чексам бу кеча,  
 Дардимни йигиб, бодага тўксам бу кеча.  
 Бу бода лабингта teng келарми асло,  
 Кам тонгта қадар дилимни ёқсам бу кеча.

Ўтди кеча, унга, ема фам, етмассан,  
 Эрта ғанимат бўлар бу дам, етмассан.  
 Шод бўл шу нафас билан ҳаётсан токи,  
 Балки яна шу нафасга ҳам етмассан.

Ишқ асли азал қисмату ҳам матлабимиз<sup>2</sup>,  
 Васли умиди билан мудом шод таъбимиз,

<sup>1</sup> *Лаъл* — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг қизил лабини унга нисбат берадилар.

<sup>2</sup> *Матлаб* — мақсад, истак, талаб.

Бу майдан, уни ҳаром демас мазҳабимиз,  
Маҳшаргача ташна кўрмагайсан лабимиз.

## 11

Ишқ ичра на соз маломату расволик,  
Кофирилигу ўтпарастилиги тарсолик,  
Эл олдида мақбул оқилу донолик,  
Бизнинг йўлимизнинг талаби расволик.

## 12

Оллоҳ вужудим қачон муқаррар қилди,  
Жонимни садаф, ишқини гавҳар қилди.  
Солганда қазо-қадар қаламни<sup>1</sup> ишга,  
Ишқинию умримни баробар қилди.

## 13

Кўрди-ю заҳил<sup>2</sup> юзимни нозли дилдор,  
Васлимга умид боғлама, деди, зинҳор,  
Рангинг менга зид экан, равомас дийдор,  
Мен мисли баҳор, сен-чи хазонсан, эй ёр!

## 14

Зулфинг<sup>3</sup> сени занжир эса, девона манам,  
Ишқинг сени оташ эса, парвона<sup>4</sup> манам,  
Сўз берсанг агар, аҳдидা мардона манам,  
Ишқингга яқин, ўзингга бегона манам.

## 15

Ишқ ичра кўнгил мендан ўтинди тавба,  
То мен қиласай ой васлидан энди тавба.  
Тун зулмату шам равшану соқий сархуш,  
Май ҳозиру ман ошику синди тавба.

<sup>1</sup> Қалам — 1) ақли аввал; 2) муфассал илм.

<sup>2</sup> Захил — рангида қони йўқ, ранги сариқ, сарғайган.

<sup>3</sup> Зулф — соч, аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; куфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зулфнинг ҳалқалиги — илоҳий сирлар, узуники — оламнинг чексизлиги, беқарорлиги — оламнинг ўзгарувчанлиги рамзи.

<sup>4</sup> Парвона — кечаси шам ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот.

Сендан тиламасман ишқдан ўзга ҳеч он,  
Тенг менга бу ишқ ичра висолу ҳижрон.  
Ишқингиз умр умр эмас, бир зиндон,  
Хоҳ васлингга етказ, хоҳ узоқлат, жонон.

Мен масти аласт — ишқ орзузи бошимда,  
Ошиқ эканимдан сенга шу ёшимда.  
Ё тикла висол чодирини қошимда,  
Ё кўйма бу ишқ азобини бошимда.

Ҳар нарсани ҳал этар агар ёр истар,  
Ҳар ишда у интизомни зинҳор истар,  
Оламни мудом гўзал, бегубор истар,  
Мен рози нимани ўша дилдор истар.

Ҳар лаҳза дилимни олса-да маъзурдир,  
Минг қайфу-аламга солса-да маъзурдир.  
Мен минг кеча ҳажрида унинг қон ютдим,  
У ҳар кеча шод қулолса-да маъзурдир.

Ҳар куни кўриб дилим ғамини шодсан,  
Озору ситам борасида устодсан.  
Ҳар қанча мен ишқингга гирифтор бўлсам,  
Сен шунча менинг ишқимдан озодсан.


Ишқ дафтариға қараб ўтар ою йилим,  
Излаб ундан гўзал жамолингни, гулим.  
Кўшган сари ҳусн устига ҳусн юзинг,  
Ишқ устига ишқ қўйди бечора дилим.

# АБУЛҲАСАН БУСТИЙ

## (XI—XII асрлар)

Алишер Навоийнинг маълумот беришича, Хожа Юсуф Ҳамадоний каби, у ҳам Шайх Абу Али Фарюмадийнинг яқин дўстларидан бўлиб, қўйидаги мушкул рубоийси тариқат аҳли орасида машҳур бўлган. У Айнулқуззот Ҳамадоний асарлари орқали етиб келган<sup>1</sup>.

Ҳар икки жаҳон бизга тамом бўлди аён,  
Ҳеч қолмади бизда айбу ордан-да нишон.  
Бу қоп-қора нур гарчи гуноҳ белгисимас,  
Кечдик баридан — қолди на ошкор, на ниҳон.



<sup>1</sup> Қаранг: *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 282-бет.

# АЙНУЛҚУЗЗОТ ҲАМАДОНИЙ

(1099 — 1131)

Машхур шайх, мутафаккир ва мутасаввиф адаб Абулмаолий ибн Абдуллоҳ ибн Абубакр Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Али Миёнжий Ҳамадоний ўз даврининг барча илмларида тенгсиз бўлиб, «замон орифлари пешвоси», «аср ягонаси» сифатида улуғланган. Тасаввуф назариётчиларидан бўлиб, ўз фаолиятининг дастлабки йилларида Мұхаммад Фаззолий таъсирида бўлган. Кейин Абу Али ибн Сино асарларини чуқур мутолаа қилиб, фалсафага майл кўрсатган. Тасаввуфий асарларида эркин мушоҳада юритиб, баъзи қалтис фикрларни баён қилгани, айрим диний аҳкомларни танқид қилгани учун уни дорга осиб, жасадини ўтда куйдирганлар<sup>1</sup>.

Айнулқуззот «бир неча йил қози ул-қуззот — бош қози бўлиб ишлаган ва адолат йўлини тутган, диний ихтилофларга қарши турган. Унинг ижтимоий-ахлоқий Фикрлари Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Эрон мутафаккирларига таъсир ўтказган»<sup>2</sup>.

Қисқа умрида араб ва форс-тожик тилларида ўзидан бой мерос қолдирган. «Унинг илоҳий ҳикмат ва табиатшунослик илмларига оид «Яздоншинохт» («Худони таниш»), тасаввуфнинг ўн асосини талқин құлувчи «Тамҳидот» («Текислаш»), Худонинг сифатлари ва зотига бағищланган «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоги»)<sup>3</sup>, шунингдек, «Тафсири Куръон» («Куръон тафсири»), «Мактубот» («Мактублар»), «Шарҳи калимоти қисори Бобо Тоҳир» («Бобо Тоҳир сўзларининг қисқача шарҳи») асарлари машҳур.

Адабий асарларидан «Лавойих» («Лойиҳалар») дикқатга сазовор бўлиб, 301 фаслдан иборат. Муаллиф уни «Тамҳидот» ва «Мактубот» асарларидан олинган шеърлар ва дилўртар рубоийлар билан бойитган.

«У ақлни билишнинг муҳим воситаси деб билди. Мутафаккир фикрича, ақл фақат моддий дунёдаги воқеаларнигина тушуниб етиши мумкин, Ҳақнинг моҳиятини англашда эса ожиздир. Айнулқуззот инсоннинг моҳиятини ишқ ташкил этади, ишқ дунёни ҳаракатлантириб туради деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, олий даражадаги илоҳий ишқ қуи даражадаги инсоннинг дунёвий неъматларга бўлган рағбатини инкор этмайди, балки уни тўлдиради»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 115—116.

<sup>2</sup> Ислом. Энциклопедия. 22-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда.

<sup>4</sup> Ўша ерда.

Чекмай ғамини бир оғир айёмларнинг<sup>1</sup>,  
Билмай таъмини дўзахий таомларнинг,  
Ишқини даъво қилма дилоромларнинг,  
Ишқ ичра йўқ имтиёзи ҳеч номларнинг.

Иблис бир ўзига, бир одамга боқди,  
Оҳ-нола чекиб, кўзларидан ёш оқди.  
«Бир боку ўзингта, айт: ўзи иблис ким?» —  
Шундай деб одам бағрига ўт ёқди.

Бу ишқ йўлининг бир ҳосили бўлгаю йўқ,  
Уммид кўйининг бир соҳили бўлгаю йўқ.  
Ёр деди: ишинг юришади сабр этсанг,  
Собир<sup>2</sup> ошиқнинг оқили бўлгаю йўқ.

Кўр бўлса, қаландар<sup>3</sup> йўлидан юргай ким?  
Пинҳона ёмонлик кўйига киргай ким?  
Куфр ўз-ўзидан иймон асоси бўлгай,  
Осонгина куфр узра макон қургай ким?

Бизнинг кўйимиизни излаган бисёрдир<sup>4</sup>,  
Ким изласа бизни, иши оҳу зордир,  
Бизнинг эшигимизда саноқсиз дордир,  
Бир ошиқ боши ҳар дор узра бордир.

Кимнинг далили агар юзи моҳ эмас,  
Хавф ичрадир у, халқ ундан огоҳ эмас,  
Ўзлик йўли ҳеч қисқаю кўтоҳ<sup>5</sup> эмас,  
Зулфи йўлидан ўзгаси дилхоҳ<sup>6</sup> эмас.

<sup>1</sup> Айём — кунлар, вақт, давр, замон.

<sup>2</sup> Собир — сабр қилувчи.

<sup>3</sup> Қаландар — 1) илоҳий ишқ йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солик; 3) қаландария тариқати аъзоси.

<sup>4</sup> Бисёр — кўп, ортиқ, зиёда.

<sup>5</sup> Кўтоҳ — қалта, қисқа.

<sup>6</sup> Дилхоҳ — дилга яқин, кўнгил тортган.

На ишқингнинг ўти, эй дилафрўз<sup>1</sup>, камдир,  
На тундаги дарди келса қундуз камдир.  
Ҳажринг кўйила бу нотавон кўнглимнинг  
На сабри бору на ўти бир кез камдир.

Ўтган кеча маҳрам эди қоши қундуз<sup>2</sup>,  
Тонгда нафасимдан гуллар очди юз.  
Бу кечаси ҳажри ғамида юмсам қўз,  
Чарх ўлди, қуёш-да сўнди гўё шу кез.

Бутхонада топилса у қалди мавзун,  
Йўқ Каъба тавофига борища мазмун.  
Гар Каъбада ёр бўлмаса, у — бутхона,  
Бутхонада ёр бўлса, Каъбадан устун.

Ногоҳ эшигим ҳатлади ёр — мастона,  
Май ичди-ю, ўлтириди бўлиб парвона,  
Кўриб юзи, тутиб сочини мен ёна,  
Кўз бўлди юзиму қўл кўзим пинҳона<sup>3</sup>.

На нозли санамнинг сочига қўл етади,  
На дилни бу иштиёқ сира тарк этади.  
Ҳар қанча бу можарога боқсан сезаман:  
Бу қайгу мени бир куни олиб кетади.

Ўтган кеча оғушимга кирган эди у,  
Қаҳрини сочиб, қулоқ-миямни еди у.  
Дедим: «Санамо, ғамингда фарёд чекаман!»  
Босиб лабини лабимга: «Жим бўл!» — деди у.

Ошиқ элининг қибласи юзингдир, аён,  
Ҳам бутлару бутгар<sup>4</sup> интилар сенга томон.

<sup>1</sup> Дилафрўз — 1) дилни ёритувчи; 2) кўнгилни шод этувчи; 3) гўзал маҳбуба.

<sup>2</sup> Қоши қундуз — чиройли, ўсиқ қора қош.

<sup>3</sup> Жалолиддин Румийда ҳам шу мазмундаги рубоий бор.

<sup>4</sup> Бутгар — буттарош, бут ясовчи.

Бир кўрса сочингни бутпарамалар пири,  
Бир дер, калима қайтариб, Оллоҳ бегумон.

## 14

Сув сепса бу майдонга кўз ёши билан,  
Супурса бу даргоҳни мижа, қоши билан,  
Дарбон<sup>1</sup> ёнида ййнаса жон боши билан,  
Жон бунда керак эмас, дегай, лоши<sup>2</sup> билан.

## 15

Эй ноз ила дилни олган, жонни-да ол,  
Олдинг дилу жонни, ному нишонни-да ол.  
Мендан бу жаҳонда қолмасин зарра асар,  
Ошкорини олдинг, энди пинҳонни-да ол.

## 16

Бехуда ўзингни солма ҳеч қийнокқа,  
Бошинги кўтар — тикилма кўп тупроққа.  
Ёринг юзини қибла биларсан токи,  
Сажда қилу тушма хавф этиб титроққа.

## 17

Кессанг-да, сочинг бўлган эмас оз то ҳануз,  
Дер Зухраю<sup>3</sup> Муштари<sup>4</sup> билан роз то ҳануз,  
Чавгон<sup>5</sup> кабию домин этар соз то ҳануз,  
Бошида унинг минг ишваю ноз то ҳануз.

## 18

Мен ўт қўяман — кул бўлсин мазҳабу дин,  
Бу мазҳабу дин жойида ишқ олсин ўрин.  
Ишқингни қачонгача тутарман яширин,  
Мақсад сенинг ишқинг менга, на мазҳабу дин.

## 19

Эй ёр, вужудимда зарра жой қолган эмас,  
Ишқинг уни бошдан-оёқ эгаллади, бас.

<sup>1</sup> Дарбон — эшик соқчиси, дарвазабон.

<sup>2</sup> Лош — ўлик тан.

<sup>3</sup> Зухра — Венера сайёраси: уни фалак чолғувчиси дейдилар ҳамда гўзаллик, мусиқаю рақс ва шодлигу хурсандчилик тимсоли ҳисоблайдилар.

<sup>4</sup> Муштари — қўёш тизимидағи энг катта сайёра бўлмиш Юпитер. Ўтмиш мунахжимлари уни муборак, саодатли ҳисоблаб, Саъди Ақбар ва Фалак қозиси деб атаганлар.

<sup>5</sup> Чавгон — 1) «от тўпи» ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ; 2) «от тўпи» ўйини, чавгон ўйини; 3) соч ҳалқаси.

Теккизгали томиримга тиф күркәйман,  
Ишқингта тегиб кетмасин у деб шу нафас.

**20**

Бир даврада күрдим уни ўтган кеча,  
Бағримга босолмадим уринсам неча,  
Лекин сочининг ўримларини еча,  
Ўпдиму қулогига гапирдим пича.

**21**

Мен келган йўлга бормидир ном, эй дил,  
Қайтай ортимга, чунки иш хом, эй дил,  
Ҳар бир қадамида бор минг дом, эй дил,  
Номард аҳлига ишқ ҳаром, эй дил.

**22**

Кирганда харобот ичра фарёд урамиз,  
Майхонада май ичамизу аиш сурамиз.  
Кўйганча гаровга саллаю дафтарни,  
Сўнг мадрасада оқишу покдек юрамиз.

**23**

Ўчди-кетди не нақш чеккан бўлсак  
Ҳам битди қуриб ҳар нима эккан бўлсак,  
Оҳ, чиқди сароб дилга не туккан бўлсак,  
Бу умрни, наҳот, ҳавога тиккан бўлсак.

**24**

Жон бор экан, ишқингни азиз билгайман,  
Ишқинг йўлида жонни фидо қилгайман.  
Юз берса агар эрта қиёмат ногоҳ,  
Ишқинг майидан маству хумор келгайман.

**25**

Ёр ишқида ранжу<sup>1</sup> қайгу чекдик чандон,  
Андуҳ ичида ёрни йўқотдик ҳайрон,  
Тенг биз учун эндиликда васлу ҳижрон,  
Биз не деб овора: қани ишку жонон?!

**26**

Дардингда дилим тор оғзингдан торроқ,  
Борган сари сеҳру фирибингдан зорроқ,

<sup>1</sup> Ранжу — 1) мاشақкат, қийинчилик; 2) азоб, алам, дард.

Қаҳру ғазабингнинг ўтидан беморроқ,  
Топмайсан ўзингга мен каби бир ёрроқ.

27

Фамгин бўламан агар юзинг кўрсам кам,  
Кўрганда ғам ичра ўтнанарман ҳар дам.  
Дунёда топилмас мендай ошиқ, эркам,  
Фамгинман сени кўрмасам ҳам, кўрсам ҳам.

28

Гоҳ сени тўлин ойга берурман нисбат,  
Тутқун охуга ўхшатаман гоҳ фурсат.  
Қайси бирига, деб сўрама, бор рағбат,  
Номингни тутишга рашк этурман фоят<sup>1</sup>.

29

Кўнглим бўлсин шу икки зулфингга гадо,  
Жоним бўлсин шу икки кўзингга фидо.  
Сендан агар айрилсаму ожиз қолсам,  
Бу воқеани қиларман ўзингга адо.

30

Золиму ситамгар бир ёр олди дилим,  
Кўз ёши тўкиш билан ўтар ою йилим.  
Бу ҳою ҳавасда соврилар обу гилим<sup>2</sup>,  
Шундай бўлишига оқибат бор далилим.

31

Кўча бошида туриб қўл силкитаман,  
Сен қилма хаёлки, сени даъват этаман,  
Бор, қолма йўлингдан — сени ҳеч чорламадим,  
Одат: кўчада юриб қўл силкитаман.

32

Ишқ ичра менга ҳар куни бир ўзгача ҳол,  
Ҳуснингда асир этар мени ўзга жамол.  
Ҳусн оятида ўзга жамол бўлсанг сен,  
Ишқ оятида менда бўлар ўзга камол.

33

Бизлар бир улуг дунё сари боққаймиз,  
Ҳар лаҳза хаёл денгизида оққаймиз.

<sup>1</sup> Шаҳобиддин Суҳравардий ижодида ҳам шу мазмундаги рубой мавжуд.

<sup>2</sup> Обу гил — сув ва тупроқ, яратилиш ва табиат.

Эл бизга кетиш ногорасин чалгунча,  
Үзимиз умид ногорасин қоққаймиз.

### 34

Гоҳ жабр күрарману гоҳи жаҳл этаман,  
Мехрингни қўйиб, меҳрми излаб кетаман?  
Ишқинг юкини тортгали бир жоним бор,  
Ишқинг юкини тортса, талашиб нетаман?!

### 35

Кетди-ю яқинлар, биз етолмай қолдик,  
Армонини дилга нақш этолмай қолдик.  
Фам шунда: улар биргаю биз айрилдик —  
Бир-икки киши бунда кетолмай қолдик.

### 36

Бир куни кўчангга айланиб бордим ўзим,  
Ошиқ бўлдим юзингга тушди-ю кўзим,  
Лутф эт, туну кун энди юрибман излаб  
Бўйингни топай деб... Ўзи берсин-да тўзим.

### 37

Васлин тиласанг, танингни қил фам уйи,  
Қурбонлик учун бош истар ишқ қўйи,  
Дил қонга тўлиб, кўзингдан оқсин қўйи,  
Жон бер кўришинг билан — бу ошиқ тўйи.

### 38

Ишқингда, санам, фам устига фам бўлсин!  
Ранжу аламинг дилимда ҳар дам бўлсин!  
Ишқ ўтида тобланиб, у маҳкам бўлсин!  
Ошигини ўлдирмаган ишқ кам бўлсин!

### 39

Эй, бир нима излаб юрасан ҳар жойда,  
Бу саъй-ҳаракатдан сира борми фойда?  
Умринг бўйи излаганинг ўша нарса  
Ўзингдао излаб юрасан ҳар жойда.

### 40

Бир кексани қўрдим — ишқ уни фарқ этган,  
Кўз ёшидан атрофига тўфон етган.  
Аста сўрадим: «Борми йигингнинг сабаби?»  
«Ёрим, — деди у, — ному нишонсиз кетган...»

# ҲАКИМ САНОЙ

(вафоти 1140/1150)

«II асрнинг машҳур шоир ва мутафаккири Абулмажд Маждуд ни Одам Саноий Газнада туғилган. Бошлангич маълумотни илган шаҳрида олиб, кейин Балх, Ҳирот ва Нишопур юсаларида таҳсилини камолга етказган. Ҳаж зиёратига ҳам борган. Ўзидан кейинги тасаввуф адабиётига катта таъсир ўтказган Ҳаким ой шеърлар девони, «Корномаи Балх» («Балх воқеаси»), «Ҳадикат ақиқат» («Ҳақиқат боғи»), «Тариқ ул-таҳқиқ» («Таҳқиқ йўли»), «Р үл-ибод» («Бандалар сайри»), «Корнома» («Воқеанома»), «Қнома», «Ақлнома», «Гарифнома», «Афвнома» каби достон ва ўмалари билан машҳур бўлган. Тасаввуф таълимоти фояларини этган, сўфиёна истилоҳ-тимсоллар асосида яратилган «Ҳадикат ақиқат» достони тасаввуф дарслиги сифатида Шарқда кенг алган. «Сайр үл-ибод» асарида сўфиёна-фалсафий маънолар ёй тилда образли талқин этилиб, кўплаб масал ва ҳикоятлар ли тасаввуф таълимотининг асосий фоя ва тушунчалари тушунб берилган.

Ҳабри Фазна шаҳрида<sup>1</sup>.

## 1

Номинг эшитиш билан фидо бўлгаймиз,  
Юзинг қошида жонни нисор қилгаймиз.  
Қандай бўлишинг керак эса шундайсан,  
Биз васфу қиёсингни қачон билгаймиз?!

## 2

Ишқ йўлида ошиқ жигарин тилгайдир,  
Бегонани кўзига қачон илгайдир?  
Биҳишту жаҳаннамни нима қилгайдир?  
Дийдорини афзал баридан билгайдир!

## 3

Бир кўрса юзинг, бир умр завқ ичра жон,  
Тунда ою кундузи қуёшсан, жонон,  
Бир куни кўриш умиди бўлса яксон,  
Кўзим оқариб, куним қорайсин шул он.

1. Анн: Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди 1.—е, 1975. С. 227.

Ишқ ичра агар йўқ бўлсанг, бор бўласан,  
Ақл ичра агар бор бўлсанг, хор бўласан.  
Бу антиқа аҳволга қара: ишқ майдан  
Хушёр юрсанг, аслида хуммор бўласан.

б)

тү

мә

Оқилеман агар ҳақингда гап кам қилсам,  
Бу беҳуда баҳс йўлини маҳкам қилсам,  
Куйган юрагимни сал хотиржам қилсам.  
Бор нарсани гапирсаму мотам қилсам.

са

ул-

«С

«И

ма

баё

ул-

тарі

шеъ

орқа

тири

и

Тўлдир қадаҳим майгаю жонимни ол,  
Маст айлаю ҳар икки жаҳонимни ол.  
Бу куфр ила исломда бўлиш мушкулди  
Кўрсат юзингу яхши-ёмонимни ол.

Ошуфта дилимни ишқи то тутди вата<sup>1</sup>  
Юз фитнаю шўр<sup>1</sup> ўтида ўртанди бу тә  
Тўқди жигарим қонини у дарё қилиб,  
Қотил кўзию киприги шамшири билғ

Дедим: «Жоним». Деди: «Давосини құ  
Дедимки: «Таним». Дедики: «Савдоси  
Дедимки: «Дилим». Дедики: «Ишқ от  
Парвона етар, сен ўзга маъвосини құ

Умид йўлида бир манзил бўлса эди,  
Ишқ кўйида ўлсанг, ҳосил бўлса эй  
Дединг: «Сабр этсанг, ишинг ўнгла  
Дил кошки сабрга мойил бўлса эди

Дедимки: «Юзимни мисли сомон 1  
Бундан-да дил аҳволини ёмон қил  
Дедики: «Агар розилигимни тилас  
Чек қанча ғамим бўлсаю афғон құ

<sup>1</sup> Шўр — ғавғо, тўполнон, нотинчлик.

<sup>1</sup> Ка  
Душанб

Безатди баҳор күчаю дарвозасини,  
Солди дала, дашту боққа овозасини,  
Ол пардани — оч юзингни сен ҳам, санамо,  
Күрсін, танисин баҳор ўз андозасини!

Домингга бирор киши гирифторроқдир,  
Наздингда у, эй нозли санам, хорроқдир,  
Ким жони билан сенга харидорроқдир,  
Васлингга сенинг ўшал сазоворроқдир.

Бұлсам-да сенинг ишқинг аро хору хижил,  
Ишқингда фақат дарду бало топди бу дил,  
Сендан сира нолимайман, эй шами Чигил<sup>1</sup>,  
Бу ранжу азобни менга келтирди күнгил.

Күп ғусса чекиб күйингда, бағрим тилдим,  
Хәжрингда неча ўлиб, неча тирилдим,  
Дил дардию күз қонини ҳосил қилдим,  
Дастингдан омон қолмас эканман, билдим.

Ол күлга қадақ — икки жақон не даркор?<sup>2</sup>  
Тұлдирма жақонни дарду ғамга зинхор.  
Гар икки жақон бўлмас экан ҳукмингда,  
Дўзахда май ич, биҳиштда юрма ҳушёр.

Сен менга ҳаёт — мисоли инсонга нафас,  
Күйингда менга на дину на дунё ҳавас,  
Мехрингдан ҳеч бир киши бебаҳра эмас,  
Бир менга совуқлигингни бахш этдингу бас.

Ишқингда дилим бир куни ҳам бўлмади чоғ,  
Васлингдан етишгани менга ҳасрату доғ,

<sup>1</sup> Шами Чигил — Чигил гўзали. Чигил — қадимги туркий қабилалардан бири-нинг номи. Чигил қизлари ўз гўзалликлари билан машхур бўлганлар.

<sup>2</sup> Даркор — керак, лозим, зарур.

Бир қил<sup>1</sup> каби жисмимни қилиб дарду фироқ,  
Энди уни қуидириш учун ёқма чироқ.

## 11

Кўнглимда гул очгандир шодлик боғи,  
Жонимда бу йўқлик оламининг доғи,  
Эзмас мени бехуда хаёллар тоғи,  
Йўқ борлигу йўқлик ғамининг қийноғи.

## 12

Дарду ситаминг шод этади бу жонни,  
Куфринг эса менга баҳш этар иймонни.  
Кўнглим сира кўрмасин висол роҳатини,  
Дардингга агар талаб қилас дармонни.

## 13

Дилдан сўрадим: «Қандай ишинг?» Қилди жавоб:  
«Кўз ёши сенга азобу мен ўтда кабоб,  
Ёр васли жомидан ичмайин зарра шароб,  
Тупроққа қоришдик мисли масти хароб».

## 14

Офтобни асир айлади ёрнинг доми,  
Шу ҳусни билан бўлди ой ёрнинг номи,  
Тортди ўзига жаҳонни ёрнинг коми,  
Бўлди бутун олам эли ёрнинг роми.

## 15

Бу ишқ қароргоҳи юзининг нуридир,  
Ҳалқа-ҳалқа сочи бало<sup>2</sup> занжиридир,  
Юз жонга ҳузур бир нафаси соҳиридир<sup>3</sup>,  
Дил шодлигидир дарду ғами билса у ҳур.

## 16

Офтоб фалак авжидага наззоранг эмиш,  
Гулзор асири ҳусни рухсоранг эмиш,

<sup>1</sup> Тасаввуф шеъриятида қил, ҳас, чўп, сомон, барг тимсолларига кўп дуч келамиз. Ошиқнинг ишқ дардидага ўртана-ўртана ориқлаб кетиши — сомон, ҳас, барг, чўп, ҳатто қил даражасига келиши тасаввуда асосий шарт. Фақат шундагина илоҳий ишқ чақмоги чақиши билан у лов этиб ёнади-ю, маъшуқи азалга қўшилиб-сингиб кетади.

<sup>2</sup> Бало — оғнат, мусибат, имтиҳон. Сўфийларга кўра, Оллоҳнинг турфа балолар орқали имтиҳон қилиши бандани унга яқинлаштиради.

<sup>3</sup> Соҳирип — сеҳргар.

Олам эли барча зору овворанг эмиш,  
Ҳар дил шод эмиш агарда ғамхоранг эмиш.

## 17

Эй, ҳусну<sup>1</sup> жамолинг<sup>2</sup> бу жаҳон меҳроби<sup>3</sup>,  
Кўйингда оворадир фалак офтоби.  
Шўру шару<sup>4</sup> ширку<sup>5</sup> зуҳду тавҳиду яқин<sup>6</sup> —  
Бу барчаси қотил кўзинг аҳбоби<sup>7</sup>.

## 18

Кипригу<sup>8</sup> лаби узру азоби бошқа,  
Кибру лутфининг оташу оби<sup>9</sup> бошқа.  
Оқил кишилар яхши биларлар бегумон  
Бу офат офтобининг тоби<sup>10</sup> бошқа.

## 19

Ҳар куни сенга дилим ниёзи бошқа,  
Ҳар куни ширин лабингни(нг) рози<sup>11</sup> бошқа,  
Ҳар куни феълинг одату сози бошқа,  
Бошқа ситами, итобу нози бошқа.

## 20

Фоний<sup>12</sup> бу жаҳон дарду ғами ҳою ҳавас,  
Тириклигу ўлим ораси бир нафас,  
Келгунча қўлингдан яхшилик айлаки, бас,  
Ҳеч бир кишига дунё вафо қилган эмас.

<sup>1</sup> Ҳусн — илоҳий жамол, маҳбуб дийдори.

<sup>2</sup> Жамол — ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра маъшуқанинг ўз жамолини намоён этиши: илоҳий тажаллий.

<sup>3</sup> Меҳроб — 1) масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой; 2) гўзалларнинг қайрилма қоши.

<sup>4</sup> Шўру шар (Шару шўр) — ғавғо, тўполон.

<sup>5</sup> Ширк — Оллоҳга шерик келтириш, унга хос сифатларни бошқага нисбат бериш.

<sup>6</sup> Яқин — ҳақиқат, ишонч.

<sup>7</sup> Аҳбоб — дўстлар, улфатлар.

<sup>8</sup> Киприк — тасаввуда маъшуқанинг нозу карашмаси туфайли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралайдиган ўқ, найза, ханжар кўзда тутилади. Соликнинг валояти, ҳоли ва мартабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.

<sup>9</sup> Об — сув.

<sup>10</sup> Тоб — товланиш, жило, тароват.

<sup>11</sup> Роз — сир.

<sup>12</sup> Фоний — ўткинчи, омонат, йўқ бўладиган.

Жонимни фидо қилай десам, бир нафас-ей,  
 Кўнглимни фидо қилай десам, бир ҳавас-ей,  
 Мулкимни фидо қилай десам, хору<sup>1</sup> ҳас-ей,  
 Ҳеч биттаси ҳам сенга муносиб эмас-ей!

То ишқини дил мудом хаёл қилгусидир,  
 Ҳар куни бошимга юз бало келгусидир,  
 Бу бағрини, дема, бу қадар тилгусидир,  
 Ишқдан хонавайрон киши кўп бўлгусидир.

Бу ишқ йўли намунча тору тангдир?  
 Бу йўлда бирор билан на сулху жангдир,  
 Май бўлса бас, ошиққа не ному нангдир<sup>2</sup>,  
 Ишқ йўлида куфру дин бир — ҳамрангдир<sup>3</sup>.

Маъшуқ тифини ошиқ агар топгусидир,  
 Жон бергали завқу шавқ ила чопгусидир,  
 Маъшуқ тифидан нега юзин ёпкусидир,  
 Бир жонни бериб, мингтасини топгусидир.

Қолди на дилу фақирда, на жону на тан,  
 Тирик эканим белгиси ёлғиз шу бадан.  
 Сен ўйлама, мен бирга эмасман у билан,  
 Бу соя меникимас, тўнимники экан.

Ишқимнинг аломати совуқ оҳимдир,  
 Бу икки заҳил юз икки гувоҳимдир,  
 Бил, сидқу вафо ҳамиша ҳамроҳимдир,  
 Куйган кишилар малҳами оҳ-воҳимдир.

Тунларда фироқ туфайли бағримдир қон,  
 Бедор кўзим ўқига нишондир осмон.

<sup>1</sup> Хор — тикан.

<sup>2</sup> Ному нанг (*Нангу ном*) — номус ва шараф, обрў-эътибор.

<sup>3</sup> Ҳамранг — бир хил рангдаги, ўхашаш.

Холимни баён қилар тил отганда тонг:  
«Холинг не кечар кундузи, сўйла, эй жон?»

## 28

Рухсори унинг мисли қуёшдир порлоқ,  
Ширин лаби ёди жон багишлар ҳар чоқ,  
Савдоси ҳавас йўлини тўсгай мутлоқ,  
Кўйди уни деб юракка ишқ ўчмас доғ.

## 29

Жонингга бу ишқ бало тузофу домлик,  
Ишқ деб ҳар балога йўлиқишидир хомлик.  
Олам ғамини емаю ўзингча яша,  
Маъшуқаю ишқ иши мудом бадномлик.

## 30

Ҳар кимки бўлиб сенга гирифтор яшади,  
Сенинг назарингда у бўлиб хор яшади.  
Жонини бериб сенга ҳаридор бўлган,  
Эй дўст, чекиб ғамингни бемор яшади.

## 31

Ҳажринг ғамида йиглади кўзим чандон,  
«Йифингга сабаб нима?» — дединг сен ҳайрон.  
Дарду ситаминг дастидан айттолмайман:  
Феълингга чидарми мендай ўзга инсон?

## 32

Кўйинг каби босафо<sup>1</sup> эмасдир жаннат,  
Юзингга бериб бўларми ойни нисбат?  
Сочинг ҳидига мушк эта олмас тоқат,  
Ёлғиз айбинг ўжар феълингдир албат.



<sup>1</sup> *Босафо* — сафоли, ҳузур багишловчи.

# АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

## (1103 — 1179)

Мусулмон Шарқида машхур тариқат пири, хожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний бошланғич таълимни Фиждувонда олиб, 9 ёшидаёқ Куръони каримни ёд билган, 10 ёшидан бошлаб дарвешларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этган. Кейин таҳсилни Бухоро шаҳрининг машхур мадрасаларида давом эттиради. Бу ерда у Имом Садриддин деган замонасининг етук алломасидан тафсир илмини мукаммал ўрганади. Бир куни у ўз устозидан хуфия зикр (яширин зикр, дил зикри) ҳақида сўрайди. Устози унга бу илоҳий илм бўлиб, уни Худонинг ўзи хоҳлаган бандаларига ўргатишини айтади. Бу суҳбатдан бир неча муддат ўтгач, Хизр алайҳиссалом келиб, Абдулхолиқ Фиждувонийга хуфия зикрдан таълим беради ва уни фарзандликка қабул қиласди.

Абдулхолиқ 22 ёшида Бухорога келган ўша даврнинг донгдор шайхи Хожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унга шогирд тушади. Хожай Хизр унинг сабоқ пири бўлса, Хожа Юсуф сұхбат ва хирқа пирига айланади. Юсуф Ҳамадоний Xуросонга қайтиб кетгунига қадар у буюк зотнинг хизмат-мулозаматида бўлиб, хожагон тариқатининг усулларини мукаммал эгаллади (хожагон тариқатини гарчанд Хожа Абдулхолиқ асослаган бўлса-да, унинг илк уруғлари Хожа Юсуф томонидан ташланган) ва кўп ўтмай ўзи ҳам йирик тасаввуф олимига айланади.

Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийнинг тасаввуф тарихидаги буюк хизмати янги бир тариқатга асос согани билангина белгиланмайди. Хожагон тариқати воситасида у умуман тариқатни Мұҳаммад пайғамбар суннатига мувофиқлаштириди, уни турли бидъатлар ва ботил қарашлардан тозалади. Шариатга амал қилиш, ундан чекинмасликни асосий қоидага айлантириди. Таркидунёчилик, хилватни рад этиб, жамоат билан бирга бўлишни шарт қилиб қўйди. Оллоҳ муҳаббати деб дунёдан кечмасликка даъват қиласди. Луқма ҳалоллиги — ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўриши зарурлигини тариқатнинг асосий талаби қилиб белгилади. Бу тариқат тақво деб ҳаддан ошишни маъқулламайди. Ахлоқ масаласи қатъий қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси тасаввуф тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Баҳоуддин Нақшбандга нисбат бериб машхур бўлган «Дил ба ёру даст ба кор!» — «Кўнглинг ёрдаю кўлинг ишда бўлсин!» шиори ҳам форя сифатида дастлаб Абдулхолиқ Фиждувоний томонидан илгари сурилганлиги бежиз эмас. Абдулхолиқ Фиждувоний руҳидан тарбия

төпган ва нақшбандия силсиласига асос соглан **Хожа Баҳоуддин** Нақшбанд бу шиорни ўз тариқатининг асосий қоидаси қилиб олган (Боқеан, нақшбандиянинг ўзи ҳам хожагон силсиласидан ўсиб чиқкан бўлиб, хожагон-нақшбандия деб юритилади ва Абдулхолик Фиждувоний унинг бошловчиси (сарҳалқаи силсила) ҳисобланади).

Хожагон-нақшбандиянинг реал ҳәётий шарт-шароитлар, инсоннинг мавжуд имкониятларига асосланганлиги унинг ҳамма замонлар ва барча табақалар талабига жавоб берадиган замини мустаҳкам тариқат эканлигидан далолат беради. Шариат андозасига солинган, бидъат ва нуқсонлардан холи Абдулхолик Фиждувоний йўлининг асрлар давомида тариқатда ҳужжат ва барча гуруҳларда мақбул, деб эътироф этиб келинаётгани ва Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Ироқ, ҳатто Шимолий Африкада кенг тарқалган хожагон-нақшбандия тариқатининг ҳозирги кунда ҳам дунёning кўпгина мамлакатларида фаолият кўрсатаётганлигининг сабаблари шунда.

Хожалар аҳлининг хожаси Абдулхолик Фиждувоний қабри Фиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади.

Хожа Абдулхолик Фиждувоний тасаввуф оламида машҳур кўплаб шогирлар тарбиялаб етиштирган. Унинг вафотидан кейин хожагон тариқати Хожа Ориф Ревгари (Моҳитобон), Хожа Маҳмуд Аңжир Фагнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Хожа Сайид Мир Кулол Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби ўз замонасининг донгдор шайхлари томонидан давом эттирилган ва кенг шуҳрат қозонган.

Абдулхолик Фиждувоний ўз таълимотини ваъзлари орқали тарғиб қилиш билан кифояланмай, бир қатор рисолалар ҳам ёзган. «Одоби тариқат» («Тариқат одоби»), «Рисолаи соҳибия» («Дўстлик рисоласи»), «Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Фиждувоний» («Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг баъзи сўзлари»), «Рисолаи шайх уш-шуюҳ Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний» («Шайхлар шайхи Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний»)<sup>1</sup> асарлари шулар жумласидандир. У гўзал сўфиёна рубоийлар ижодкори сифатида ҳам маълум ва машҳур. Лекин авлиё шоирнинг бадиий ижод намуналари бизгача деярли этиб келмаган. Биз турли манбалардан унинг 25 та рубоийсини топиб, ўзбек тилига таржима қилдик. Улар мусулмон Шарқида машҳур тариқат шайхининг шеърий салоҳияти ҳам юксаклиги, мана мен деган сўз санъаткорлари муқобилига қўядиган рубоийлар яратганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Бу рисола С. Рафиддин ва Н. Ҳасанлар таржимасида нашр этилди (*Қаранг: Хожа Абдулхолик Фиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний.* – Тошкент, 2003).

Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,  
Дил оғриғи ундан бениҳоят бўлгай,  
Ҳеч ўйлама интиқом<sup>1</sup> олишни, чунки  
Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.

Дунё гамидан ҳар киши холи бўлгай,  
Унга бу жаҳон зарра мисоли бўлгай.  
Ҳақ берганини халқа ато айласа ким,  
Оlam элининг соҳибкамоли бўлгай.

Поклашга агар дилингни машғул бўласан,  
Одобу муомалада маъқул бўласан.  
Боқ яхши-ёмонга раҳмат кўзи билан,  
Ҳақ наздида шояд энг суюк қул бўласан!

Инсонга гўзал ҳулқи эмиш ҳусну жамол,  
Топгай у гўзал ҳулқи билан фазлу камол.  
Ҳақ раҳматига агар етишмоқ тиласанг,  
Шарти шуки: ҳулқингни мукаммал қила қол!

Ҳақ толиби<sup>2</sup>, Ҳақ томонга юзлан мудом,  
Илм изла сафо<sup>3</sup> йўлида, излан мудом.  
Бўлмоқ тиласанг агар маърифат соҳиби,  
Ҳақ тақдирига кўну азизлан мудом.

Хоҳлар бўлсанг, Ҳақ ўзи ёринг бўлгай,  
Ҳар ранжу ғамингда ғамгусоринг<sup>4</sup> бўлгай,  
Ҳақ фармонидан ташқари ҳеч қўйма қадам,  
Ҳақ лутф ила шояд мададкоринг бўлгай!

Оллоҳга башар қисмати бошдан маълум,  
Ризқ устида фикр этма, бу фикринг — мавхум.

<sup>1</sup> Интиқом — ўч, қасос.

<sup>2</sup> Толиб — солик, мурид, йўловчи: тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали Худо сари сайр қилаётган киши.

<sup>3</sup> Сафо — риёзат чекиши натижасида дилинг нафс ҳоҳишлари, ёмон иллатлар, ғаддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан қутулиб, покланиши.

<sup>4</sup> Ғамгусор — ғамни кетказувчи, кўнгилни очувчи, ғамхўр, меҳрибон.

Ризқ излаб чопма то буюрмай қисмат,  
Ризқ асли азалдан қилинган тақсим.

8

Ёп айбу гуноҳини ҳар одамини,  
Дунёғ ғамини ўйлама, чек дил ғамини.  
Оллоҳ ризоси талабида бўлсанг,  
Кўй дардига халқни яхши хулқ малҳамини.

9

Очмай сира оғзингни кула олсанг соз!  
Кўэсиз яна дунёни кўра олсанг соз!  
Ўлтирида, сафар айла, оёқ заҳматисиз —  
Ер куррасини агар кеза олсанг соз!<sup>1</sup>

10

Эй пок сўфий<sup>2</sup>, қиласанг агар майли самоъ<sup>3</sup>,  
Бил, келтиради самоъ нифоқ бирла низо.  
Бас, пок бўлайин, десанг, самоъни тарк эт,  
Ёинки, дилинг ҳаётига айла видоъ.

11

Майл этма самоъга, қилмагин ҳам инкор,  
Сен танла шу йўлни, бўлса кўнглинг бедор.  
Нафсинг ҳали ўлмай, сени қилса безор,  
Қил рўза-намоз, бошқасидан кеч зинҳор.

12

Биз дўстга муборакмизу душманга-чи — шум,  
Жанг чогида темирмизу сулҳ онида мум.  
Фиждувон тоги этаги бизга макон,  
Лек ҳукмимиз остида эрур ҳаттоки Рум<sup>4</sup>.

13

Токайгача ишқингда, санам, ғам чекаман?  
Тоғдек бу улуғ ғамни дамодам чекаман?  
Дил олгучи гар сенсану дил бергучи — ман,  
Юз ғам чекаман кўйингда, минг ғам чекаман!

<sup>1</sup> Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Сўфий — тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

<sup>3</sup> Самоъ — эшитиш, тинглаш. Сўфийларнинг важду ҳолга эришиш мақсадида уюштирадиган зикр мажлислари, кўшиқ ва рақс базмлари.

<sup>4</sup> Ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё (Византия) ва Грекия ерлари Рум деб аталган.

Бир ёрки, унинг номидан ишқ ёғилади,  
 Ҳар номаю пайғомидан<sup>1</sup> ишқ ёғилади.  
 Ким кўчасидан ўтса — у ошиқ бўлади,  
 Гёй эшигу томидан ишқ ёғилади.

Умрингки, ўтар экан, мурувват айла,  
 Қўлингки, тутар экан, саховат айла.  
 Ўз ҳосилини ўзи ўрап ҳар кимса,  
 Бас, парвариши учун риёзат<sup>2</sup> айла.

Эй баҳри улумга<sup>3</sup> ёт, макони — соҳил,  
 Баҳр ичра фарогат, соҳил — душмани дил.  
 Ҳар икки жаҳонни(нг) мавжидан маст бўлма,  
 Ҳар икки нафасда қолма баҳрдан ғофил.

Бир лаҳза тилим тин олмасин шукрингдан,  
 Бир лаҳза дилим тўхтамасин фикрингдан.  
 Ҳар узви қулоққа айланар жисмимнинг  
 Ҳар қайда сўз очсалар сенинг зикрингдан.

Зикр<sup>4</sup> етса кўнгилга, у тамом дард бўлгай,  
 Ул зикр туфайли мардлар фард бўлгай.  
 Оташда агарчи хосият кўп, аммо  
 Кўнглингда сенинг икки жаҳон сард бўлгай<sup>5</sup>.

Бу жилваю<sup>6</sup> нозки, у дилафрўз қилгай,  
 Ошиқ балодан не хилда парҳез қилгай?  
 Гар таъна ели этса қулогимни батанг,  
 Кўнглимдаги ишқ оташини тез қилгай.

<sup>1</sup> Пайғом — хабар, дарак, башорат.

<sup>2</sup> Риёзат — ранж, машаққат; ўз вужудини қийноққа солиш. Тариқатга кирган соликнинг камолот касб этиш ва Ҳаққа етиш йўлида чекадиган машаққатлари, ранжу изтироблари.

<sup>3</sup> Баҳри улум — илм денгизи, маърифат денгизи.

<sup>4</sup> Зикр — тасаввуфда Ҳудони ёдга олиш билан боғлиқ маросим. Зикр 2 хил бўлади: овоз чиқариб (жаҳрий) ва овоз чиқармай (хафий) зикр қилиш. Ўрта Осиёда овоз чиқариб зикр тушиш кенг тарқалган. Сўфийлар учун зикр тушишдан асосий мақсад Оллоҳга яқинлашишдан иборат.

<sup>5</sup> Бу рубоий Ҳожа Али Ромитанийга ҳам нисбат берилади.

<sup>6</sup> Жилғар — солики ориф дилида порлаб, уни волаю шайдо этадиган нур.

## 20

Дарвеш дараю тог аро манзил тутади,  
 Ҳар лаҳза бу жойдан шеру йўлбарс ўтади.  
 Бор сафда улуғ пиру сара мардларимиз,  
 Ким бизга ганимдир — уни ўлим кутади.

## 21

Бизнинг сафимизга кирү асло чўчима,  
 Ёр эшиги гарди бўлу аммо чўчима.  
 Кўзғолса-да қасдингга агар жумла жаҳон,  
 Ҳеч нарсага сен қўлмаю парво, чўчима<sup>1</sup>.

## 22

Бир юртки, бутун тупроғи анбарсоро<sup>2</sup>,  
 Тонг қотғуси кўрса уни Хисрав<sup>3</sup>, Доро<sup>4</sup>.  
 Ер юзини уч марта кезиб чиқдим мен,  
 Билдим: латифу шариф замин — Бухоро!

## 23

Шуҳрат нони бирла нафс итин шод этма,  
 Ҳалқ ичра бўлар-бўлмас ўзинг ёд этма.  
 Камтар бўл — ўзингни қиласайин деб машҳур  
 Бой берма динингни яна, барбод этма!

## 24

Ёмон кишиларга бўлма ҳеч ҳамсуҳбат,  
 Пок номинг улар булғагай айлаб гийбат.  
 Ҳар қанча улуғ бўлса-да, офтобни қара,  
 Бир парча булат бошига солгай зулмат.

## 25

Ким Фиждувон келиб зиёрат қиласа,  
 Жаннатга кирап гўёки у, гар билса!  
 Тонг йўқ, Расулуллоҳ мозорининг бўйи  
 Ҳожай жаҳоннинг мозоридан келса!<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бу рубоий Абдуллоҳ Анзорийга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Анбарсоро (*Анбари соро*) — тоза, асл анбар.

<sup>3</sup> Хисрав — қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ Хисрав Парвез.

<sup>4</sup> Доро (*Доро III*) — Эрондаги аҳамонийлар сулоласининг охирги хукмдори (вафоти — милоддан аввалги 330).

<sup>5</sup> Кўпни кўрган кексаларнинг айтишларича, қадимда Ҳожа Абдулхолиқ Фиждувоний мақбарамининг пештоқига ушбу рубоий дарж қилинган экан (Бу ҳақда қаранг: *Бухорий Садриддин Салим*. Икки юз етмиш етти пир. 124—125-бетлар).

# САИД ҲАСАН ФАЗНАВИЙ

(вафоти 1160 /1162)

Ашрафиддин Абу Мұхаммад Ҳасан ибн Мұхаммад Ҳусайний Газнавий фасоҳат<sup>1</sup> мулкининг буюк намояндларидан ҳисобланади. Газнавийлардан Султон Масъуд ибн Иброҳим даврида бадиий санъатларга бой ҳассос шеърлари билан шоирликда машҳур бўлган. Ҳусусан, қасиданависликда шуҳрат тутган. Қасида, газал, рубоий, таркиббанд, таржеъбанд каби жанрдаги шеърларни ўз ичига олган тахминан 5 минг байтдан иборат девони бизгача етиб келган. Жумладан, ундан 70 рубоий сақланиб қолган<sup>2</sup>.

1

Кумуш юзисиз жаҳонда тош ҳам бўлмас,  
Ишқ бўлмаса, минг саъю талош ҳам бўлмас,  
Ҳусни қошида бу гулда дош ҳам бўлмас,  
Висол бўйи бу гулдан фош ҳам бўлмас.

2

Қўлимга қадаҳ тутки, дилимда тобдир,  
Ўткинчи ҳаёт мисоли бир симобдир<sup>3</sup>.  
Ёшлик ўтини авайла, у ноёбдир,  
Давлатга ишонма, бир куни гарқобдир<sup>4</sup>.

3

Ёр чехрасидан бу лола олмишдир ранг,  
Ёр кўзи сабаб наргис<sup>5</sup> аҳволи танг,  
Ёр хатти<sup>6</sup> рашкида бинафша иши жанг,  
Ёр ҳусни ўти гулни эритибди, қаранг!

4

Сармояси ёр ишқи эмиш диндорнинг,  
Сармояси ёр дарди эмиш ҳушёрнинг.

<sup>1</sup> *Фасоҳат* — сўзнинг очиқ, равшан, чиройли ва қоидага мувофиқ келиши. *Фасоҳат* мулки — бадиий ижод, адабиёт.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Рубоий ва рубоийсароён (Толиф: Мұхаммад Комгор Порсий). — Техрон, 1994. С. 116; Гулшани адаб. Жилди I. С. 271.

<sup>3</sup> *Симоб* — кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетоқатлик, бекарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

<sup>4</sup> *Гарқоб* — гирдоб. Бу ерда: сувга гарқ бўлиш, маҳв бўлиш.

<sup>5</sup> *Наргис* — бўтакўз; мажозан: мавшукнинг кўзи. Тасаввуфда амал орқали кўлга кирилитадиган илмнинг натижасидан шоду хуррамлик сифатида тушунилади.

<sup>6</sup> *Хат (т)* — қизларнинг лаби устидаги майнин туклар. Тасаввуф истилоҳида гайб олами.

Юз ғамга гирифтор этсин чарху фалак,  
Кимнинг дилида бўлмаса дарди ёрнинг.

5

Сенсиз сира йўқ завқу сафо — бўлмасин-ей!  
Кўйинг каби хонаи вафо — бўлмасин-ей!  
Бегам дея таъна айлама, кўнглимнинг  
Йўқ тинчи юзинг кўрмаса то — бўлмасин-ей!

6

Ишқ расму йўли ёрга аён — ўзи билар,  
Шарту талабини бегумон ўзи билар.  
Ўзгартираман деб этма саъй қисматни,  
Ўлдирса-да, ё қўйса омон ўзи билар.

7

То дил сени севди, энди кечмас асло,  
Ё ишқи унинг ўзгага кўчмас асло.  
Шак айлама, эй икки лаби оби ҳаёт,  
Бу ишқинг ўти дилимдан ўчмас асло.

8

Кўп нарсани сендан бу гадо хоҳлайман,  
Минг подшо-да сўрмас уни то, хоҳлайман.  
Ҳар ким эшигингдан сўрагай ҳожатини,  
Мен-чи, Сени Сендан доимо хоҳлайман<sup>1</sup>.

9

Юзингиз агар чиқса-да жоним ғам йўқ,  
Ёдингни қилиб, кўзимда ёшим кам йўқ.  
Бу барчаси етмаган каби, васлингга  
Озгина умид бор эди-ю, ул ҳам йўқ.

10

Тинмайди сира ишқ сўзини дердан дил,  
Юзини ювар кўз қонидан — дурдан дил.  
Раҳм айла, ёғилмайди-ку жон осмондан,  
Афв айла, униб чиқмас ҳеч ердан дил.

---

<sup>1</sup> Бу рубоий Абдуллоҳ Ансорийга ҳам нисбат берилади.

Ҳар хуш ҳидга излама омил, боис,  
Мүшк исли ўшал зулфи сунбул<sup>1</sup> боис,  
Булбул ўтли ноласига ул гул боис,  
Гул сўзга кирап бўлсами, булбул боис.

Хам зулфига кўнглимни фидо келтирдим,  
Бандалиги шартини адо келтирдим.  
Жонимни тилар бўлса, қилай садқа унга,  
Зеро, у сабаб жон бу гадо келтирдим.

Оҳ, яхвисан-ей бу бехуда жондан ўзинг,  
Оҳ, яхвисан-ей бу дили бирёндан<sup>2</sup> ўзинг,  
Оҳ, яхвисан-ей бу кўзи гирёндан ўзинг,  
Оҳ, яхвисан-ей жамики инсондан ўзинг.

Эй, дарду бало бодасини бол каби ич,  
Жабр этса-да минг, умидни тарк айлама ҳеч.  
Бандалиги ҳалқаси қулогингда экан,  
Йўқотма, қулогингдан ул пахтани еч.

Илм ила амалдан кўзу чирогим бор,  
Кўнглимда очилган чаману боғим бор.  
Эртага нима бўлар деган ғам йўқдир,  
Чунки қаноат деган суюнч тогим бор.

Бу ранжу азоб тўла ҳаётдан бездим.  
Оҳ, ҳар куни қон қусдиму бағрим эздим.  
То кўрсатай унга — борми соҳибназаре<sup>3</sup>,  
Юз ғам аралаш қулги ичимдан сизди...

<sup>1</sup> Сунбул — ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, кўнғироқсимон ва хушбўй ўсимлик. Машуқянинг сочи ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади.


<sup>2</sup> Бирён — қовурилган, ўртанган.

<sup>3</sup> Соҳибназар — ориф; каромат эгаси.

Бир дам яширин ёр қўйига ром бўлдик,  
 Ёрга етишолмай асири жом бўлдик.  
 Бор қўркувимиз ҳамиша бадномлик эди,  
 Энди нимадан қўрқамиз — бадном бўлдик.

Кетдик, мана, давлати висолинг билан-ей,  
 Кўзлардаги хуш нақши жамолинг билан-ей.  
 То бизга бу икки нарса ёдгор бўлсин,  
 Дил бердигу кетдик хаёлинг билан-ей.

Дил тинчи санам соchlари илмоғидадир,  
 Кўз нури унинг эшиги тупроғидадир.  
 Юзини кўрарман мен ҳар юзга боқиб,  
 Ҳусни зуҳури<sup>1</sup> жаҳонни(нг) ҳар ёғидадир.



<sup>1</sup> Зуҳур — пайдо бўлиш, намоён бўлиш, кўриниш.

# ИМОДИЙ ШАХРИЁРИЙ

## (вафоти 1186)

Ҳаким Имод номи билан машхур бўлган бу зотни баъзи манбалар Фазна, баъзилари Райнинг Шаҳриёр туманида туғилган деб кўрсатади. Бир муддат Мозандарон ҳокими Имодуддавла Фаромурз саройида хизмат қилган. Сўнг Балх ва Фазнада яшаб, Ҳаким Саноийдан тасаввуфни ўрганган. Турли тазкира ва адабий манбалар орқали унинг 2 қасида, 20 ғазали ва 14 рубоийси бизгача етиб келган<sup>1</sup>. Оҳорли ташбеҳлар, нозик маънолар ва бадиий санъатларга бой, содда тил ва равон услубда ёзилган шеърлари билан машхур сўз санъаткорлари категоридан ўрин олган<sup>2</sup>.

### 1

Бу кеча мену жоми маю ёр, эй тун,  
Тонг отмасин-ей, ошиқма зинҳор, эй тун,  
Юз кеча сени кутиб, эдим зор, эй тун,  
Бир кеча мени айла миннатдор, эй тун.

### 2

Ҳурлар бозори сен сабаб бўлди касод,  
Ишқинг сени(нг) ҳар юракка солди бедод,  
Ҳар майқадада<sup>3</sup> кўзинг кўйида фарёд,  
Ҳеч бир киши дардингдан эмасдир озод.

### 3

Куйдирма қўп — ошиқ сендан қочмасин-ей,  
Сендан бошқага дилини очмасин-ей.  
Ҳижрон тунида тонгта қадар токи ўшал  
Кўз ёшини то ўзгани деб сочмасин-ей.

### 4

Бахт биздан агар этмаса ор, бўлгай ажаб,  
Чарх этмаса юз фамга дучор, бўлгай ажаб.  
Бепарвою бевафолиги ҳурларнинг  
Ёғдирмаса бошга тош қатор, бўлгай ажаб.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи алабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 504; Рубоийнома. Гузилаи рубоиёт аз Рӯдакий Самарқандий то имрӯз (Ба эҳтимоми Сайдид Аҳмад Беҳиштии Шерозӣ). — Техрон, 1994. С. 116—117.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Рубоий ва рубоийсароён. С. 124.

<sup>3</sup> Майқада — майхона.

Кўнглимдаги фитна, эй дилоро, сенсан,  
Жон саждага бош қўйса, муҳайё сенсан.  
Ҳақ қудратини кўриб юзингда дейман:  
Моҳир яратувчи, эй Худоё, сенсан!

Кўйида висол замини беҳосил эмиш,  
Ақлим қўли бош устида ою йил эмиш.  
Ишқ ичра ажабдан-ажаби ушбутир:  
Кўргандан уни кўрмаганим маъқул эмиш.

Хоки пойинг мушки Хўтан<sup>1</sup> билгайман,  
Ҳар бир тиканинг гулу суман<sup>2</sup> билгайман.  
Фарёдки, мен ўша ўзинг билгандекман,  
Афсуски, сен у эмаски, ман билгайман.

Юз ҳийлани юз усулда қилдинг бунёд,  
Бўлсин дея то қоқ белидан иш барбод.  
Бу сен бино этганинг бало гардини, бил,  
Ёмғир икки юз йилда қилолмас бунёд.

Ҳар дамки, жафоларингни эсга олсам,  
Дейман: қани, номини унута қолсам,  
Лекин юзига бир бор агар кўз солсам,  
Дейман: фамини майлига чекиб толсам...

Ёмонга чиқарса барча, бизга нима ғам?  
Ҳар битта гуноҳимизни юзта деса ҳам.  
Биз — ойинамиз<sup>3</sup>, ким юзимизга боқса,  
Ўз фазлу гуноҳини кўтарар аслида жам<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Мушки Хўтан — Хўтан мушки. Хўтан — Хитойнинг шимоли-гарбий қисмидаги шаҳар. Такламакон чўлидаги воҳанинг маркази. Қадимги карвон йўлларининг кесишган жойи бўлган. XV асртагача Хўтан орқали Хитойдан Европага ипак олиб борилган.

<sup>2</sup> Суман — оппоқ гуллайдиган жасмин гули, ёсуман.

<sup>3</sup> Ойина (Кўзгу) — илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойина деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбida акс этади.

<sup>4</sup> Бу рубой Шоҳий Сабзаворийга ҳам нисбат берилади.

## 11

Холим менинг ишқида ислоҳ бўлмайди,  
Ўлдирса бу телбани, гуноҳ бўлмайди.  
Ҳар бир киши қўрса зулфининг занжирини,  
Бошқа нарсага хайриҳоҳ бўлмайди.

## 12

Фарёду фифон, фалак мисоли кўзгу —  
Чарх юзига қум сепди — хира тортди у.  
Бир кун чиқарар пардасидан деб қайғу —  
Чекиб ётишар биз кабилар беуйқу.

## 13

Гўзал юзи ҳажрида дилим доғлиқдир,  
Чунки унинг ишқига азал боғлиқдир.  
Эй душман, агар ўзинг кўришни тиласанг,  
Қўзғолу келиб кўр ғами не ҷоғлиқдир...

## 14

Юзи нуридан туним мисоли кундуз,  
Ғам заҳри жавобидан шакардир тенгсиз.  
Ишқида менинг ишим шу жойга етди:  
Юзини кўзимдан қизғанарман ҳар кез.



# ШАЙХ РЎЗБЕҲОН БУҚЛИЙ

(1129 — 1213)

Шайх Абу Мұҳаммад Рўзбекон Буқлий Форс вилоятининг Фасо шаҳрида майда савдогар оиласида дунёга келган. Ёшлигидан Ироқ, Кирмон, Ҳижоз ва Шомга сафар қилади. Искандарияда Шайх Абунажиб Суҳравардий билан учрашиб, Садриддин Абутоҳир Аҳмад ибн Мұҳаммад Исфаҳоний хузурида биргаликда «Саҳиҳи Бухорий» бўйича таҳсил олишади. Фахриддин Марям ва Али ибн Мұҳаммадлардан бадиий сўз сирларини ўрганади. Рашидиддин Абулҳасан Али хузурида фикҳ илмини ўқииди. Шайх Сирожиддин Маҳмудга мурид тушиб, унинг қўлидан хирқа кияди. Бир мулдат Маккада яшагандан сўнг, Шерозга қайтиб, муридлар тарбияси билан машғул бўлади. Алишер Навоийнинг ёзишича, у олимлар султони, орифлар ҳужжати, ошиқлар пешвоси эди. Эллик йил Шерознинг Атиқ номли жоме масжидида ваъз айтган<sup>1</sup>.

60 дан ортиқ рисолалар ёзган: «Абҳар ул-ошиқин» («Ошиқлар маёғи»), «Минҳож ал-соликин» («Соликлар йўли»), «Кашф ул-асрор» («Сирлар кашфи»), «Масолик ул-тавҳид» («Тавҳид маслаги»), «Мантиқ ул-асрор» («Сирлар мантифи»), «Машраб ал-руҳ» («Руҳ табиати») ва бошқалар. Араб ва форс-тожик тилида ёзган шеърлари «Девон ул-маориф фиш-шеър» («Маърифат ва шеър китоби») китобида жамланган<sup>2</sup>.

## 1

Ҳар қанча сенга қилса вафо, йўқ фойда,  
Бир қилса жафо, қайтар азоб шу жойда.  
Лаълинг каби қонталашу нозик яна лол —  
Бўлган кишининг ҳоли ҳамишавой-да.

## 2

Мастликка солиб, пойига ташлай ўзни,  
Ҳар қайдаки кўрсам ўша дилафрўзни.  
Ё бош қўяй у ерда кўлу кўнгилдек,  
Ё етсин оёқ орзуга — чўзмай сўзни.

## 3

Сочинг учига етса қўлим, беармон  
Бўсага кўмардим гул юзингни, жонон.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 179—180-бетлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 116 — 118-бетлар.

# ШАЙХ РҮЗБЕҲОН БУҚЛИЙ

(1129 – 1213)

Шайх Абу Мұҳаммад Рўзбекон Буқлий Форс вилоятининг Фасо шаҳрида майда савдогар оиласида дунёга келган. Ёшлигидан Ироқ, Кирмон, Ҳижоз ва Шомга сафар қилади. Искандарияда Шайх Абунажиб Суҳравардий билан учрашиб, Садриддин Абутохир Аҳмад ибн Мұҳаммад Исфаҳоний хузурида биргаликда «Саҳиҳи Бухорий» бўйича таҳсил олишади. Фахриддин Марям ва Али ибн Мұҳаммадлардан бадиий сўз сирларини ўрганади. Рашидиддин Абулҳасан Али хузурида фикҳ илмини ўқииди. Шайх Сирожиддин Маҳмудга мурид тушиб, унинг қўлидан хирқа кияди. Бир муддат Маккада яшагандан сўнг, Шерозга қайтиб, муриллар тарбияси билан машғул бўлади. Алишер Навоийнинг ёзишича, у олимлар султони, орифлар ҳужжати, ошиқлар пешвоси эди. Эллик йил Шерознинг Атиқ номли жоме масжидида ваъз айтган<sup>1</sup>.

60 дан ортиқ рисолалар ёзган: «Абҳар ул-ошиқин» («Ошиқлар маёғи»), «Минҳож ал-соликин» («Соликлар йўли»), «Кашф ул-асрор» («Сирлар кашфи»), «Масолик ул-тавҳид» («Тавҳид маслаги»), «Мантиқ ул-асрор» («Сирлар мантиғи»), «Машраб ал-руҳ» («Руҳ табиати») ва бошқалар. Араб ва форс-тожик тилида ёзган шеърлари «Девон ул-маориф фиш-шеър» («Маърифат ва шеър китоби») китобида жамланган<sup>2</sup>.

1

Ҳар қанча сенга қилса вафо, йўқ фойда,  
Бир қилса жафо, қайтар азоб шу жойда.  
Лаълинг каби қонталашу нозик яна лол —  
Бўлган кишининг ҳоли ҳамишавой-да.

2

Мастликка солиб, пойига ташлай ўзни,  
Ҳар қайдаки кўрсам ўша дилафрўзни.  
Ё бош қўяй у ерда кўлу кўнгилдек,  
Ё етсин оёқ орзуга — чўзмай сўзни.

3

Сочинг учига етса қўлим, беармон  
Бўсага кўмардим гул юзингни, жонон.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 179—180-бетлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 116 — 118-бетлар.

Бир шишага бошқа ҳой-ҳавасни жойлаб,  
Сүнг тошга уриб уни, қиласадим яксон.

4

Гул бўлди хижил юзинг кўриб бўстонда,  
Ошиқ дили кўзинг хавфидан тутёнда.  
Зулфингни тузоfiga асир бўлганлар  
Ётгай то қиёматгача бу зинданда.

5

Уйғону саҳар чоғида чек нолаю оҳ,  
Истиғфор<sup>1</sup> айла, чунки қўп айбу гуноҳ.  
Сен ўзгалар айбини кўрарсан доим,  
Ўз айбу гуноҳинта-да бир ташла нигоҳ.

6

Дил ойинасига кечак бердим сайқал,  
Пок бўлгач, унга ўзим тикилдим аввал.  
Мендек айбу гуноҳга ботган кишилар  
Эл айбу гуноҳини унутса афзал<sup>2</sup>.

7

То давлати васли бор экан йўлимда,  
Дунё иши тизгини менинг кўлимда.  
То ёр лаби майи бор қадаҳим ичра,  
Азалу абад йўли ўнгу сўлимда.

8

Гулчехра гажак зулфиға чин<sup>3</sup> солса агар,  
Зоҳид эли бутхонага солмайди назар.  
Рум ичра жамоли аксидан тушса асар,  
Бутлар бошини ерга уриб, сажда қиласадим.

9

Кўзини юзингдан сира олмас офтоб,  
Хуснинг нуридан ўзига у олгай тоб.  
Бечораю саргашта бу қўнглимга-да, оҳ,  
Зулфинг тобидан тушибди тоб, эй моҳтоб!<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Истиғфор — тавба қилиш, афв сўраш.

<sup>2</sup> Бу рубоий жузъий тафовутлар билан Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилган рубоийлар ичидаги ҳам учрайди.

<sup>3</sup> Чин — бу ерда: соч, зулф ҳалқалари.

<sup>4</sup> Моҳтоб — 1) ой, ойдин; 2) ойдай гўзал маҳбуба.

Мушкин<sup>1</sup> сочини гул юзига солди то,  
Оlam эли бўлди унга маству шайдо.  
Гулларга бериб мушки билан у оро,  
Қолдирмади жону дилда сабрим асло.

Ўзимни қаландар суратига солдим,  
У нозли санамни оғушимга олдим,  
Пинҳон неча сирларни қулоққа илдим,  
То тонггача май ичиб, қошида қолдим.

То тонггача кеча зулфи бўйнимда эди,  
Лабимла лаби, ўзи-чи қўйнимда эди.  
Ол<sup>1</sup> юзию оппоқ баногўши<sup>2</sup> сабаб  
Қонга тўла ёш дарёси кўзимда эди.

Ушшоқ<sup>3</sup> сафида елиб-югурмоқ яхши,  
Маъшуқа ёнида жим ўтиromoқ яхши.  
Кўклам чофи май ичиб оқар сув бўйида  
Ёр бирла ҳаёт завқини сурмоқ яхши.

Гар худу бехуд<sup>4</sup> бир нафас ўлтиргайсан,  
Идрок этагин Ундан кутултиргайсан,  
Ҳар ишда Уни мушоҳада қилгайсан,  
Ҳар ишда Уни хаёлга келтиргайсан.

Ҳар риндки, майхонани маскан этмиш,  
Куйган юрагимнинг ҳиди унга етмиш.  
Ҳар қайдаки ошуфтаю бадбаҳт киши бор,  
Шогирдим у — мендан олиб иршод<sup>5</sup> кетмиш.

<sup>1</sup> Мушкин — мушк ҳидли, хушбўй, муаттар.

<sup>2</sup> Ол — қизил, тўқ қизил.

<sup>3</sup> Баногўши — қулоқ солинчоғи.

<sup>4</sup> Ушшоқ — ошиқлар.

<sup>5</sup> Худу бехуд — гоҳ ўзида бўлиш, гоҳ ўзини унутиш, гоҳ маству гоҳ ҳушёр.

<sup>6</sup> Иршод — тўғри йўл кўрсатиш; раҳнамолик қилиш.

# НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

(1141 — 1209)

Шарқ мумтоз адабиётининг бешигини тебратганлардан бири ҳамсачилик қашшофи Низомий Ганжавий ҳисобланади. Унинг тўлиқ номи Абумуҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд бўлиб, Ганжа шаҳрида туғилган. У турли илмларни ўзлаштиришга иштиёқманд бўлиб, Куръонни ёд олади. Кейин фикҳ, тарих, география, фалсафа, мантиқ ва адабдан таълим олиб, уларнинг ҳар биррида устод даражасига етишади. Табиий фанлар, хусусан, табобат ва илми нужум (астрономия)ни тамомила ўзиники қилиб олади. Замонавий илмлардан ташқари, қадимги юонон фалсафаси ва адабиёти, эроний халқларнинг исломдан олдинги сўз санъати, халифалик даври илмий-адабий асарлари, яхудий ва насроний халқлар тарихи, Кавказ халқларининг ўтмишидан ҳам етарли маълумотга эга эди. Уни етук математик сифатида эътироф этардилар. Кимё фанини чуқур билар, ҳозиқ табиб ҳам эди. Гален, Гиппократ, Закариё Розий, Абу Али ибн Сино каби тиб соҳаси билимдонларининг асарларидан яхши хабардор эди. У дехқончилик ва боғдорчилик илмларидан ҳам баҳраманд бўлган. Умуман, шоир шеърияти унинг турли илмларни чуқур билганилигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам замондошлари уни ҳаким деб улуғлаганлар.

Низомийнинг ҳаёти бошдан-охир Ганжа шаҳрида ўтди. Бир гал Ироқ сultonни Тугрулшоҳнинг даъватига биноан Табризга сафар қилди, бироқ у ерда уч кундан ортиқ туролмади. У сарой хизматига кирмай, ўз умрини эркинлик ва хилватнишинликда ўтказди. Лекин ўша давр ҳукмдорлари унга совға-саломлар юбориб турганлар.

Низомийнинг номини жаҳонга машҳур қилган унинг беш достонни ўз ичига олган «Ҳамса»си бўлди. Бу достонлар — «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») ва «Искандарнома»дан иборат. Низомийнинг шеърлар девони бизгача етиб келмаган. Шоирнинг лирик шеърлари турли баёз ва тўпламлардан топиб жамланган. Чунончи, унинг Эронда нашр этилган девонида 16 қасида, 192 fazal, 5 қитъя, 68 рубой ва 17 байт пароканда шеърлар бор. Ҳолбуки, Давлатшоҳ Самарқандий Низомий девони 20 минг байт шеърни ўз ичига олган, деб кўрсатади.

Низомий Ганжавий номи қадимдан халқимиз орасида машҳур, таъбир жоиз бўлса, у ўзбекнинг ўз шоирига айланиб кетган. Алишер Навоийдан тортиб, барча мумтоз шоирларимиз уни ўзларига

устоз деб билишган. XIV аср ўрталарида ёқ Кутб Хоразмий унинг энг машҳур достони — «Хусрав ва Ширин»ни тилимизга маҳорат билан таржима қилган эди. Орадан бир аср ўтгач, Ҳайдар Хоразмий хамса асосчисининг «Махзан ул-асрор» достонига жавобан «Гулшан ул-асрор» асарини яратади. Забардаст шоир ва моҳир мутаржим Муҳаммадризо Оғаҳий «Ҳафт пайкар»ни эркин насрий таржима қилади. «Шоҳнома» таржимони, шоир ва адид Шоҳи Ҳижрон «Қиссаи Дорои Зарринкамар» асарида «Иқболнома»нинг муҳтасар мазмунини баён этган. Нурмуҳаммад Бухорий, Мулла Фозил Ҳомушийлар ҳам Низомий «Ҳамса»сини шарҳлар эканлар, «Искандарнома»ни батафсилроқ таҳлил этишга ҳаракат қилишган<sup>1</sup>.

1947 йили Низомийнинг 800 йиллик юбилейи собиқ Иттифоқ миқёсида кенг нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам шоир «Ҳамса»си достонлари таржимасидан намуналар — «Хусрав ва Ширин» (Кутб таржимаси), «Махзан ул-асрор» (Ҳайдар Хоразмий таржимаси)<sup>2</sup>, «Ҳафт пайкар» (Оғаҳий таржимаси) ҳамда «Лайли ва Мажнун» (Н.Охундий, Хислат ва Муҳаммаджоновлар таржимаси)дан парчалар Мақсад Шайхзода сўзбошиси билан алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинди<sup>3</sup>. Кейинчалик таниқли таржимон, форс-тожик адабиёти билимдони Шоислом Шомуҳамедов шоирнинг 2 қасидаси, 20 ғазали, 8 қитъаси, 49 рубоийси, 74 ҳикмати ҳамда «Махзан ул-асрор» ва «Ҳафт пайкар» достонларидан парчалар таржима қилиб, «Шарқ классиклари меросидан» сериясида чоп эттириди<sup>4</sup>. Форс-тожик шоирлари асарларининг ўзбекча таржималаридан тартиб берилган «Инжулар уммони» тўпламида Ганжа пирининг яна 2 ғазали<sup>5</sup> ва «Хусрав ва Ширин» достонидан Ширин таърифига бағишиланган парча Ш.Шомуҳамедов таржимасида берилган<sup>6</sup>. Жонибек Сувонқулов «Иқболнома» маснавийсини ўзбекчалаштирган. Шоирнинг «Панж ганж»ига кирувчи «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Хусрав ва Ширин» достонлари ҳам ўзбекчалаштирилган<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Ҳомидий Ҳ. Ганжалик пир. // «Сино» журнали, 2002 йил, Куз (№7), 31-бет.

<sup>2</sup> Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор» маснавийси «Махзан ул-асрор» достони таъсирида ёзилган мустақил асар бўлиб, у узоқ йиллар мобайнида янгилиш равишда Низомий «Ҳамса»си илк достонининг таржимаси ҳисобланниб келди. — Э.О.

<sup>3</sup> Қаранг: Низомий Ганжавий. Гулдаста («Панж ганж»дан парчалар). — Тошкент, 1947.

<sup>4</sup> Қаранг: Низомий шеъриятидан. — Тошкент, 1983.

<sup>5</sup> Қаранг: Инжулар уммони. — Тошкент, 1988. 256-бет.

<sup>6</sup> Ўша ерда. 272—275-бетлар.

<sup>7</sup> Қаранг: Низомий Ганжавий. Лайли ва Мажнун. — Техрон, 2005; Низомий Ганжавий. Хусрав ва Ширин. — Техрон, 2005.

## 1

Кўнглимини бериб, энди шикоят қиласман,  
Билдингми, шикоят нега фоят қиласман?  
Сен истамасанг сирни очишни, мен ўзим  
Кўрган-кечирганим ҳикоят қиласман.

## 2

Бошини баланд кўтарди деб беармон,  
Буғдойни айирдилар бошидан шул он,  
Ажралди яна терисидан еб гаврон,  
Бошида юритдилар яна тегирмон.

## 3

Бил, адлу адолат зафарлар сабаби,  
Бил, зулму ситам барча заарлар сабаби.  
Бил, хайру сахо айбу гуноҳни ёпгай,  
Пастлигу хасислик қадарлар<sup>1</sup> сабаби.

## 4

Ёрсиз яшаманг то бу жаҳонда борсиз,  
Бечорадир у, кимки бўлса ёрсиз.  
Жон эвазига топилмагай бу дамлар,  
Дил бўлса агар, ҳеч яшаманг дилдорсиз.

## 5

Додимга етувчи борми фарёд урсам?  
Гар сабр этай десам, умр қолди кам.  
Ёдинг менга жон бағишилагай, солмасин-эй,  
Бирор ғамини бирор бошига ҳеч ҳам.

## 6

Оғзинг садафидан бир дона дур кетди,  
Даврон уни, билмадим олди-ю нетди?  
Асли мана бундай бўлади дур дегани,  
Деб уни денгизга намоён этди.

## 7

Кимнинг ғами бўлса, у қилолмас изҳор,  
Ғамни дилидан кеткиза олмас зинҳор.  
Богингда сенинг бир антиқа гул битди:  
Пинҳондир унинг рангию бўйи ошкор.

<sup>1</sup> *Қадар* — ғам, ғусса, андуҳ.

«Сен борки, — дедим, — сүзга барор бергусидир,  
Ишқингда Ўзи сабру қарор бергусидир.  
Деди: «Бу дуодан сенга мақсад нимадир?»  
Десам: «Васлинг», дер: «Бирубор бергусидир».

Эртанги қунингга ҳам умид йўқ ҳатто,  
Бас, тўхтама яхшилик қилишдан асло.  
Ҳеч кимга вафо қилмас экан бу олам,  
Овлаб яша дўстлар дилини ҳар асно!<sup>1</sup>

Зулм этма кишига бўлса мастинг у сенинг  
Ҳам сидқу вафода меҳрпастинг у сенинг.  
Ойинага боқ: йўқотмасанг ўзингни,  
Ҳақ сенда — бўлибди ҳамдастинг<sup>2</sup> у сенинг.

Девона дилим, хўш, нима топдинг югуриб?  
Бир йўла ёмону яхшидан юз ўтириб?  
Бир туки агар тутун бўлиб қолса, сира  
Йўқ фойдаси сочингни олишдан сугуриб.

Мард ичса, жаҳонда йўқ шаробдан яхши,  
Майхонада йўқ бодаи нобдан<sup>3</sup> яхши.  
Дунё бош-оёқ харобу обод жой йўқ,  
Йўқ бунда мақом хору харобдан яхши.

То менга ошиқлик майини тутди ғаминг,  
Минг дарду бало ҷоҳига ирфитди ғаминг,  
Бир-бир нима дей — жонимга етди ғаминг,  
Яхшиси гапирмай менга не этди ғаминг.


<sup>1</sup>Асно — вақт, замон, фурсат.

<sup>2</sup>Ҳамдаст — қўлдош, ёрдам берувчи.

<sup>3</sup>Бодаи ноб — тоза, тиник, соф май.

Танни толиби факру фано<sup>1</sup> құлмоқ шарт,  
Бу йүл талаби қийин — вафо құлмоқ шарт.  
Ишқ одати шу: макон тутиб хилватни,  
Дилни нишони дарду бало құлмоқ шарт.

Бу кеча висол туни — посбон кутади,  
Хуррам нафас олки, бу нафаслар ўтади.  
Шодлик қуши бўл, фано<sup>2</sup> лочини бир кун  
Бу бақо Симургини<sup>3</sup> чивиндек тутади.



<sup>1</sup> *Факру фано* — тариқатнинг сўнгги мақоми. Оллоҳдан бўлак ҳамма нарсадан узилиб, ёлғиз Ҳаққа боғланиш, таваккул эътиқоди билан яшаш.

<sup>2</sup> *Фано* — ўлиш, йўқ бўлиш. *Фано лочини* — ажал қуши.

<sup>3</sup> *Симурғ* — Қоф тогининг энг баланд чўққисида яшайди, деб тасаввур қилинадиган афсонавий қуш. Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонларида у Худо тимсоли бўлиб келади.

# НАЖМИДДИН КУБРО

(1145 – 1221)

Машхур шайх, йирик тасаввуф олими, халқ қаҳрамони ва оташнафас шоир Нажмиддин Кубро Хива яқинидаги ҳозирги Саёт қишлоғида туғилған. Унинг асл номи Аҳмад ибн Умар ибн Мұхаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, 16–17 ёшларида илм иштиёқида Хоразмдан чиқиб кетганича дунёни кезиб, илмини камолотга етказиб, 40 ёшларида буюк шайх сиймосида туғилған юртига қайтиб келади. Нажмиддин Кубронинг чорак аср давомида Нишопур, Исфаҳон, Ҳамадон, Табриз, Миср, Макка, Ҳалаб, Искандария, Дизфул каби мусулмон Шарқининг ўз даврида машхур шаҳарларини кезиб, Абул Макорим Лубон, Абу Жаъфар Сайдлоний, Абумансур Ҳафдаҳ, Абу Мұхаммад Таббех, Абу Тоҳир Салафий, Рӯзбекон Ваззон ал-Мисрий, Аммор Ёсир, Исмоил Қасрий каби ўз даврининг донгдор шариат ва тариқат олимларидан ҳадис ва тасаввуф илмини ўргангани маълум. Баъзи манбаларда унинг 1172 йилда Ҳамадонда буюк тасаввуф пири Юсуф Ҳамадоний хузурида сабоқ олганлиги ҳам айтилади<sup>1</sup>. Аммо Нажмиддин Кубронинг улуф сўфий шайх бўлиб етишишида асосан Рӯзбекон Мисрий, Аммор Ёсир ҳамда Исмоил Қасрий каби мўътабар инсонлар хизмати катта бўлган. Улардан Нажмиддин тасаввуф илми ва тариқат одобини ўрганади. Шайх Исмоил Қасрийдан у иродат хирқасини олган бўлса, Шайх Рӯзбекон Мисрий унга ўз тариқатини шакллантириш учун «ижоза» беради. Нажмиддиннинг устозлари орасида унинг эгнига ўз тўнини ёпган Бобо Фаражнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У Кубродаги мажзубликка «муҳаббатни ривожлантириш, уни файб асрори оламига, ботиний кароматларга ошно этиш ва шунга йўналтиришга»<sup>2</sup> интилган.

Нажмиддинга зоҳирий илмларга интилиш кучли бўлгани ҳолда, ботиний билимларга ҳам ўзида кучли иштиёқ сезган. Чунки «у фақат ҳадису фикқ ва қалом илмини ўрганишини ёки нуқул «мажзуб» сўфий бўлишни истамаган, балки ақдий-тафаккурий билиш негизида ботиний-руҳий билимни эгаллаб, ирфон дунёсига янги нафас олиб кирмоқчи бўлган». Шунинг учун ҳам Нажмиддин Кубро сиймосида табиатан бир-бирига зид бу икки илмнинг — «дунёвий заковат ва валийлик кашфиётларининг ажиб бир тарзда мужассам бўлганини кўрамиз»<sup>3</sup>. Нажмиддин Кубро ана шундай — ақл ва қалб илмини

<sup>1</sup> Бўриев О. Нажмиддин Кубро яшаган давр ҳақида. // Шайх Нажмиддин Кубро (Мақолалар). — Тошкент, 1995. 55-бет.

<sup>2</sup> Сайд Муъаширхон Косоний. Нажмиддин Кубро таълимотининг маънавий заминлари. // Шайх Нажмиддин Кубро (Мақолалар). 33-бет.

<sup>3</sup> Комилов Н. Нажмиддин Кубро. — Тошкент, 1995. 17-бет.

ўзаро омухта этган илк тасаввуф шайхларидан бири ҳисобланади. Кубро буюклиги ва абадиятининг сири балки шундадир.

Нажмиддин Кубро Хоразмга қайтганидан кейин тарихга «ат-тариқа уз-заҳобия» — «Олтин тариқат» номи билан кирган Кубравия тариқатига асос солади. У Куръон таълимотини мажозий талқин қилишга ва шариатга асосланган бўлиб, нафақат Мовароуннаҳр, шунингдек, Эрон, Миср, Ироқ ва Афғонистонда ҳам тарқалган. Тариқат аҳлари зикри хуфия усулини тарғиб этганлар. «Тариқу шаттор», яъни бебоклар — кўркувсиз ва парвосизлар йўли, деб аталган мазкур тариқатнинг асоси Кубро асарларида таърифланган 10 қоидада ўз аксини топган.

Шарқнинг буюк мутасаввиф шоирлари — Фаридиддин Атторнинг устози Маждиддин Бағдодий ва Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад Нажмиддин Кубронинг қўлидан шайхлик хирқасини кийганлар. Булардан ташқари, Нажмиддин Кубро шогирлари орасида Сайфиддин Боҳарзий, Саъдиддин Ҳамавий, Нажмиддин Розий, Шайх Разииддин Али Лоло, Бобо Камол Жандий, Шайх Жамолиддин Гейлий каби мусулмон Шарқида машҳур номларни учратиш мумкин.

Кубравия тариқатидан қуйидаги шохобчалар ажralиб чиққан: Фирдавсия, Нурия, Рукния, Ҳамадония, Итишошия, Нурбахшия ва Неъматуллоҳия. Неъматуллоҳия тариқати ҳозирда ҳам Эронда ва айrim Farb мамлакатларида ўз фаолиятини давом эттироқда.

Нажмиддин Кубронинг «Ал-усул ал-ашара» («Ўнта усул»), «Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол» («Жамол хушбўйликлари ва жалоннинг кашфи»), «Рисолатул ҳоиф ул-ҳоим ан лавмат иллоим» («Кўркувчи оворалар ва маломат этувчи маломатийлар ҳақида»), «Тафсир», «Шарҳ ус-сунна вас-масолик» («Сунна ва эзгуликлар шарҳи») китоблари машҳур<sup>1</sup>. Кубро ўз асарларини асосан араб тилида ёзган. Фақат бошловчи сўфийлар учун қўлланма сифатида яратилган «Фи одоб ус-соликин» («Соликлар одоби ҳақида») асари ва рубоийларини форсийда битган.

Баъзи бир тадқиқотчилар унинг «Рубоийлар» китоби ҳам мавжудлиги тўғрисида маълумот берган бўлсалар-да, бу ноёб тўплам ҳали топилган эмас. Биз фақат атоқли шарқшунос Е.Э. Бертельс томонидан Кубро қаламига мансублиги тахмин қилиниб, турли тазкира ва баёзлардан танлаб олинган ва олимнинг «Тасаввуф ва тасаввуф алабиёти» китобида келтирилган 25 та рубоийгагина эгамиз<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бу асарлардан 3 таси — «Ал-усул ал-ашара», «Рисолатул ҳоиф ул-ҳоим ан лавмат ил-лоим», «Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол» таникли олим Ибрҳим Ҳаққул ва Азиза Бектошлар томонидан туркча таржимаси асосида ўзбекчалаштирилиб чоп этилди (Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. — Тошкент, 2004).

<sup>2</sup> Қаранг: Бертельс Е.Э. Четверостишия шейха Наджм ад-Дина Кубра // Суфизм и суфийская литература. С. 324—328.

Бу рубоийлар Жамол Камол, Матназар Абдулҳаким ва Эргаш Очиловлар томонидан ўзбек тилига ўтирилди<sup>1</sup>.

## 1

Ҳар нарсаки, йўқми — йўқ ўшал мисли шамол,  
Ҳар нарсаки, борми — оқибат топди завол.  
Бор нарсани оламда гумон эт йўқ деб,  
Йўқ нарсани бор дебон бироқ айла хаёл...<sup>2</sup>

## 2

Йўлингда ақл ҳадис ва афсона топар,  
Кўйинг сари йўл одами девона топар.  
Савдойинг ила мен каби минг дилсўхта<sup>3</sup>  
Каъбадан кўл тортару бутхона топар.

## 3

Ё Раб, ўзинг асра, дил жудолик истар,  
Сендин кечиб, ўзга-ла ошнолик истар.  
Ишқингдан кўл тортса — тутар дўст кимни?  
Кўйингдан оёқ тортса — хатолик истар.

## 4

Ҳақ йўлига ҳар лаҳза саъй этмак лозим,  
Дунёдан этак тортмагу кетмак лозим.  
Дийдангни давола, зеро, олам ҳама — Ул,  
Кўрмак Уни — асрорига етмак лозим.

## 5

Ошиқ кишининг кўнгли тўла дард бўлгай,  
Дил дарди билан мард яна ҳам мард бўлгай.  
Ўз ишқи ўтида у ёнаркан, бул дам  
Дўзах ўти ўзгалар учун сард бўлгай<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: *Нажмиддин Кубро. Рубоийлар* (Ж.Камол таржимаси) // 333 рубоий Тошкент, 1991. 49—53-бетлар; *Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубоийлар* (М.Абдулҳаким таржимаси). — Тошкент, 1994; *Нажмиддин Кубро. Рубоийлар* (Э.Очилов таржимаси) // Ишқ дафтари. — Тошкент, 2000. 37—41-бетлар; *Нажмиддин Кубро. Рубоийлар* (Э. Очилов таржимаси) // Мұҳаббат тароналари. — Тошкент, 2005. 171 — 177-бетлар.

<sup>2</sup> Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

<sup>3</sup> Дилсўхта — юраги куйган, ғамгин.

<sup>4</sup> Абдулҳолиқ Фиждувоний, Разииддин Али Лоло ва Ҳожа Али Ромитанийлар ижодида ҳам шунга ўхшашиб рубоий учрайди.

Эй дийда, ўзингсан бегумон душмани дил,  
Сен боис учар елга ҳама хирмани дил.  
Бас, солма назар бегона юзларга сира  
Журм<sup>1</sup> остида қолмасин, десанг, гардани дил.

Ул бодани ичмадимки, ҳушёр ўлсам,  
Ул масть эмасман яна бедор ўлсам.  
Тарк этсам адам<sup>2</sup> бирла вужудни<sup>3</sup>, тонг йўқ,  
Бир жилваи ҳуснинг ила хуммомр ўлсам.

Нақш этсаму тоатимни парча нонга,  
Берсам уни итга — ётибон зиндонга,  
Келган эса-да очлигидан афгонга,  
Урмас тишини номус этиб ул нонга.

Эй дил, бу қадар муфлис<sup>4</sup> экансан, расво,  
Сен лойиқи тоза ишқ эмассан асло.  
Шиддатли алангадир бу ишқ — эрмас сув,  
Ул ишқ ила булҳавас<sup>5</sup> бўлолмас ошно.

Эй тун, ҳадемай саҳарга айлангайсан,  
Бул дарди дилим қувишга шайлангайсан.  
Мақсад сари етказишга дилни балки,  
Эй тонг, ўзинг, бешубҳа, сайлангайсан.

Пинҳон эмас асло — ичда бир дев бордир,  
Бошини кўтармоғи унинг душвордир.  
Иймонини минг мартаба талқин қилдим:  
Ул асли азал муслим эмас, куффордир<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Журм — гуноҳ, айб.

<sup>2</sup> Тасаввуф фалсафасига кўра у дунё — ҳақиқий олам, борлик, бу дунё — ўткинчи, йўқлик. Шу жиҳатдан, бу ерда адам мавжуд дунё маъносида келаётпи.

<sup>3</sup> Вужуд — 1) борлик, мавжудлик; 2) тан, жисм.

<sup>4</sup> Муфлис — бечора, бенаво; бефаҳм.

<sup>5</sup> Булҳавас — енгилтак, бекарор.

<sup>6</sup> Куффор — кофирилар.

## 12

Ишқингни бу мардонаю фарзона<sup>1</sup> күнгил,  
Бир сония тарк этмади, жонона, күнгил.  
Ишқ бодасини қўлимда тутган лаҳза  
Лик тўлди жигар қонига паймона, күнгил.

## 13

Сендан ҳама шўхлик ва паришонлигимиз,  
Сендан ҳама ошуфтаю ҳайронлигимиз.  
Ҳар торига кокилингни дил бойлашимиз,  
Сендан ҳама гунча каби хандонлигимиз.

## 14

Дарвеш элига айлама таънаки, улар  
Қандай туғилган эса — шундай ўлар.  
Бир олам зар бергилу ол бир арпа —  
Билмоқчи эсанг кимлигини асли улар.

## 15

Бир талъати<sup>2</sup> моҳки, оламоройи<sup>3</sup> ҳама,  
Васли кеча-кундуз таманнойи ҳама.  
Гар эл каби сўймаса мени —вой менга,  
Лек ҳаммани сўйса мен каби —войи ҳама.

## 16

Бир кун кўрасанки, жон танимдан кетган,  
Бошимга фифон чекиб ҳалойиқ етган.  
Кошки келиб бошимда ўтиранг, айтсанг:  
Ўлдирган ўзим, ўзим пушаймон этган...

## 17

Васлингдан ўлиб дил фирм<sup>4</sup> тун охирида,  
Ҳажрингдан ўлиб дидадёз<sup>5</sup> тун охирида.  
Эй, кокили кун сўнгида тундек зулмат,  
В-эй, орази<sup>6</sup> худди кундуз тун охирида.

<sup>1</sup> *Фарзона* — оқил, доно, донишманд.

<sup>2</sup> *Талъат* — 1) юз, чехра; 2) гўзаллик, хусн.

<sup>3</sup> *Оламорой* — оламни безовчи.

<sup>4</sup> *Фирўз* — баҳтли, голиб.

<sup>5</sup> *Дидадёз* — интизор.

<sup>6</sup> *Ораз* — юз, жамол.

Сүфий бўлиб, айла бир кечада оху фифон,  
Дунёни яратган ҳаққи, қўзғол шу замон:  
Ханжарни қўлингга олу эт ўзни шаҳид,  
Ёр васлини истаса, нетар жисмни жон...

Ишқинг майини ичиб, бу дил масти бўлгай,  
Ҳажринг ғамини чекиб, у, бил, паст бўлгай.  
Бир боқсанг агар — кўйингда тупроқ бўлган  
Жонсиз танага жон яна пайваст бўлгай!

Ҳар кимки, қиласар қўргали ул ўзни талаб,  
Енгиб ғурурини, айласин ўзни талаб.  
Ул қайдаю, биз қайда — кўринг қисматни:  
Сомон бўлибмиз қилиб юлдузни талаб...

Ул моҳлиқоларки<sup>1</sup>, асил юрти Чигил,  
Тупроқми асоси ёки нур, сўйла-чи, гил?  
Кўнглингни олиб қўлга, қиласар қасд жонга,  
Ваҳ, бу не балоки, этди ҳолимни чигил.

Сунбул сочидан мен бегумон қўрқарман,  
Хатти хушу феъли беомон — қўрқарман.  
Халқ қўрқса ёмон кўздан агар, мен шўрлик  
Яхши кўзидан ёрнинг ёмон қўрқарман.

Ҳар сабзаки<sup>2</sup>, сувнинг бўйидан жой олмиш,  
Ул талъати ҳур аксини ёдга солмиш.  
Хорлик била лолалар уза қўйма қадам,  
Ул лола санам вужудидан тимсолмиш.

Бандангга фақирликни<sup>3</sup> шиор этмишсан  
Ҳам ёрсизу маҳрамсизу зор этмишсан,

<sup>1</sup> Моҳлиқо — ой юзли; гўзал.

<sup>2</sup> Сабза — кўкат, майса, яшиллик.

<sup>3</sup> Фақирлик — соликнинг фақр мақомидаги ҳолати. Нафс эҳтиёжларидан воз кечиб, Оллоҳдан бошқага муҳтоҳ бўлмай, таваккул зътиқоди билан яаша.

Бас, қайси ибодатим учун мен бирлан  
Дўстлик ва яқинлик ихтиёр этмишсан<sup>1</sup>.

## 25

Сенсан икки оламни яратган Бирубор,  
Кўйингда ўлиб бандаларинг хоку губор.  
Сендан улашиш ризқини ҳар жонзотнинг,  
Сендан яратиш — хоҳи мўғул, хоҳи тотор...

## 26

Ёр ишқини ким кўкси аро жо қилди,  
Ҳар икки жаҳон мулкини пайдо қилди.  
Ким васлидан огоҳлик топса бир дам,  
Гар ўлса-да, хун<sup>2</sup> ҳаққини адо қилди...



---

<sup>1</sup> Бу рубой Абдуллоҳ Ансорий, Ибн Насуҳ ва Сайфиддин Бохарзийларга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Хун — қон.

# МАЖДИДДИН БАҒДОДИЙ

(1150 – 1217)

Мусулмон оламида машхур шайх Нажмиддин Кубронинг иқтидорли шогирди ҳамда улуғ авлиё ва оташнафас шоир Фариддин Атторнинг устози бўлган Маждиддин Бағдодийнинг тўлиқ исми ва кунияти — Абусаид Маждиддин Шараф ибн Муайяд ибн Абулфатҳ Бағдодий. Машхур табиб сифатида ҳукмдорлар саройида катта мавқега эга бўлган Маждиддиннинг кўнглига кутилмагандা илоҳий ишқ учкунни тушиб, Нажмиддин Куброго мурид бўлади ва унинг қўл остида 15 йил риёзат чекиб, «сулуклар қилди, олий маротиб<sup>1</sup> ҳосил қилиб, буюк мақомларга қадам қўйди»<sup>2</sup>. XIII аср тасаввуфи тараққиётига катта таъсир кўрсатган бу буюк шайх ва шоир Марказий Осиё ва Шимолий Форс ўлкасида шуҳрат қозонган. «Сафар рисоласи», «Туҳфат ул-баара» («Яхшилар совфаси») каби тасаввуфга оид асарлари ва сўфиёна рубоийлари мавжуд<sup>3</sup>.

1217 йили Мұҳаммад Хоразмшоҳнинг фармонига биноан Маждиддин Бағдодийни Амударёга чўқтириб ўлдиралилар.

1

Шам бўлса юзинг, кўйида парвона ўзим,  
Дардингга қариндош дилу бегона ўзим.  
Бўйнингда узалган ўша соч занжирини  
Ташла мени гарданимга — девона ўзим!

2

Ишқ шабнамидан хоки башар гил бўлди,  
Юз фитнаю шўр жаҳонда ҳосил бўлди.  
Жон томирига урдилар ишқ наштарини,  
Томди-ю бир қатра, оти — дил бўлди<sup>4</sup>.

3

Кўнглимда фироқ туфайли минг қайгу бу кун,  
Умр ипига чарх солди тутун узра тутун.

<sup>1</sup> *Маротиб* — мартабалар, мақомлар, даражалар.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 239-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: *Маждиддин Бағдодий*. Рубоийлар (Э.Очилов таржимаси) // Ишқ дафтари. 42–44-бетлар; *Маждиддин Бағдодий*. Рубоийлар (Э.Очилов таржимаси) // Муҳаббат тароналари. 178–184-бетлар.

<sup>4</sup> Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

Фам устига ғам қүшма бузиб аҳдни яна,  
Кўнглимда фироқ туфайли минг қайғу бу кун.

4

Ул баҳри муҳитга<sup>1</sup> кирмак истар кўнглим,  
Ё чўксаму ё инжуга<sup>2</sup> тўлса қўйним.  
Этсайдим адо — ишинг хатарли гарчи,  
Ишқ рангига эврилса юзим ё бўйним...

5

Дунёси тугаб, қоронгилик келса сиқиб,  
Бошлар кўтарилганда мазорларни йиқиб,  
Бечора шаҳид таним ҳам ўз қонига фарқ  
Тўзони қиёмат ичра келмасми чиқиб...

6

Ёр кокилининг куфридан<sup>3</sup> иймон ёғилар  
Ҳам нўшлабидан<sup>4</sup> чашмаи ҳайвон<sup>5</sup> ёғилар.  
Ул каклиги хушхиром<sup>6</sup> каби раъносан,  
Юрсанг, қадамингнинг чангидан жон ёғилар!<sup>7</sup>

7

Эй, ўзини ишқ ичра билувчи якто<sup>8</sup>,  
Таън этма қўриб тириклигимни, зеро,  
Мавжудлигим ишқ туфайли, жонни этдим —  
Ул ёрни мушоҳада қиласай деб пайдо.

8

Зулфи дея минг дилда қиёмат қўпди,  
Бир торини ким топди-ю, тутди, ўпди:  
Ҳар кимсаки, топди — топди давлат буюк,  
Ҳар кимсаки, топмади — ўшал дард топди...

9

Ёр хаста кўнгилни бегумон хоҳлайди,  
Сўрдим: не учун ўшал чунон хоҳлайди?

<sup>1</sup> Баҳри муҳит — уммон, океан.

<sup>2</sup> Инжу — дур, марварид.

<sup>3</sup> Куфр — тасаввуда бу дунё зулмати. Яна: ваҳдатнинг касратда маҳв бўлиши. Ҳакиқий куфр абадий фанодир ҳам дейдилар.

<sup>4</sup> Нўшлаб — шириналаб; маҳбуба.

<sup>5</sup> Чашмаи ҳайвон — тириклик булоғи, оби ҳаёт.

<sup>6</sup> Хушхиром — чиройли юрувчи.

<sup>7</sup> Бу руобий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>8</sup> Якто — ягона, тенгсиз.

Фам устига гам күшма бузиб аҳдни яна,  
Күнглимда фироқ туфайли минг қайғу бу кун.

#### 4

Ул баҳри мұхитта<sup>1</sup> кирмак истар күнглим,  
Е чүксаму ё инжуга<sup>2</sup> тұлса қўйним.  
Этсайдим адo — ишинг хатарли гарчи,  
Ишқ рангига эврилса юзим ё бўйним...

#### 5

Дунёси тугаб, қоронғилик келса сиқиб,  
Бошлар кўтариլганда мазорларни йиқиб,  
Бечора шаҳид таним ҳам ўз қонига гарқ  
Тўзони қиёмат ичра келмасми чиқиб...

#### 6

Ёр кокилининг куфридан<sup>3</sup> иймон ёғилар  
Хам нўшлабидан<sup>4</sup> чашмаи ҳайвон<sup>5</sup> ёғилар.  
Ул каклиги хушхиром<sup>6</sup> каби раъносан,  
Юрсанг, қадамингнинг чангидан жон ёғилар!<sup>7</sup>

#### 7

Эй, ўзини ишқ ичра билувчи якто<sup>8</sup>,  
Таън этма кўриб тириклигимни, зеро,  
Мавжудлигим ишқ туфайли, жонни этдим —  
Ул ёрни мушоҳада қилай деб пайдо.

#### 8

Зулфи дея минг дилда қиёмат қўпди,  
Бир торини ким топди-ю, тутди, ўпди:  
Ҳар кимсаки, топди — топди давлат буюқ,  
Ҳар кимсаки, топмади — ўшал дард топди...

#### 9

Ёр хаста кўнгилни бегумон хоҳлайди,  
Сўрдим: не учун ўшал чунон хоҳлайди?

<sup>1</sup> Баҳри мұхит — уммон, океан.

<sup>2</sup> Инжу — дур, марварид.

<sup>3</sup> Куфр — тасаввуфа бу дунё зулмати. Яна: ваҳдатнинг касратда маҳв бўлиши.

Ҳақиқий куфр абадий фанодир ҳам дейдилар.

<sup>4</sup> Нўшлаб — ширинлаб; маҳбуба.

<sup>5</sup> Чашмаи ҳайвон — тириклик булоғи, оби ҳаёт.

<sup>6</sup> Хушхиром — чиройли юрувчи.

<sup>7</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>8</sup> Якто — ягона, тенгсиз.

Ул дамки, кўзимни йўлига тиксам зор,  
Келтиридики мужда: ўша жон хоҳлайди...

## 10

Ишқ йўлида ким бошни фидо деб билмас,  
Лол ўлмаса барча ошифинг — комилмас.  
Кўйингда аниқ рутбаси<sup>1</sup> бўлмас кишининг  
То бошдан-оёқ амалларингни қилмас.

## 11

Пок этгали тийнатимни<sup>2</sup> машғул бўлсам,  
Кўк кийгучиларга<sup>3</sup> бошу бедил бўлсам,  
Майхўрга бўлибман энди бир дўсти асир,  
Май сотгучиларга кошки бир қул бўлсам!<sup>4</sup>

## 12

Бир тиги жафо қолган эмас, зебо ёр,  
То урмаган ўлса уни дилга минг бор.  
Мен тавба этарман ишқидан ҳар лаҳза,  
Минг тавбани бир ноз ила айлар бекор.

## 13

Англабди, кўнгил, сўйла-чи, асрорини ким?  
Тинглабди, қулоқ, сўйла-чи, гуфторини ким?  
Кўрсатса-да маъшуқ кеча-кундуз ҳуснин,  
Илгабди, нигоҳ, сўйла-чи, дийдорини ким?<sup>5</sup>

## 14

Чарх, ойу кун орзуйи висолингда сенинг,  
Сарву гулу лола қулдир олдингда сенинг,  
Покиза малакларнинг арвоҳи мудом  
Абжад ўқишар лавҳи хаёлингда сенинг<sup>6</sup>.

## 15

Жон ичра мен ишқингни ниҳон қилганман,  
Дардингни севиб, маҳрами жон қилганман.

<sup>1</sup> Рутба — унвон, мартаба, даражага.

<sup>2</sup> Тийнат — хулқ, феъл.

<sup>3</sup> Бу ерда кўк кийгувчилар деганда тариқатда муайян даражага етишгани белгиси сифатида кўк хирқа кийиб юрадиган сўфийлар кўзда тутилган.

<sup>4</sup> Бу рубоий Фахриддин Ироқийга ҳам нисбат берилади.

<sup>5</sup> Бу рубоий Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берилади.

<sup>6</sup> Мисранинг маъноси: Ҳар лаҳза ошиқлик дарсини ўқишади.

Дунё ғамидан кечмаса, бу дил бирлан  
Сен ҳақда мусоҳиба<sup>1</sup> қачон қилганман?!

## 16

Гар ёр мени ўз итим, дея лутф этар,  
Ё инидан учган ўз қушим, деб атар.  
Ҳар ном ила тилга олса-да, хушҳолман,  
Ўзимники деган шу сўзи менга етар!

## 17

Ишқ олди мендан дилни ҳам, дунёни ҳам,  
Ақлим-ку йўқ эрди, қўймади савдони<sup>2</sup> ҳам.  
Дедим: дилу дунё бўлмаса, дин бордир,  
Ўлим сели оқизди-ю-кетди они ҳам...

## 18

Собит кишиларки, остонингда яшар,  
Йўлингда шаҳид бўлишса, жонингда яшар.  
Ул оби ҳаёт ҳам бу қадар тиргумас,  
Ишқингдан олиб жон, дўстлар ёнингда яшар.

## 19

То жоним бор — бўлай сенинг посбонинг,  
Манзилу макон менга азиз остонинг.  
То бир куни содик итларинг зумрасида<sup>3</sup>  
Олсанг мени тилга, бас, бу жон курбонинг!

## 20

Ёр зулфи аро тушса агар битта тугун,  
Юз битта жароҳат пайдо дилда шу кун.  
Ул дилдаю дил қони қўзимда қотмиш,  
Ул баҳт гули кўксимда юз очмайди нечун?!

## 21

Эй ёр, биласанми, дедим, ошиқлик ила:  
Бечора қўзим менинг нега ёшга тўла?  
Пайдо бўлади икки қўзимнинг қаъридан  
Ширин лабинг орзусида дарё бир йўла.

<sup>1</sup> Мусоҳиба — сухбат.

<sup>2</sup> Савдо — 1) инсон баданидаги тўрт унсур (сафро, балғам, қон, савдо)дан бири бўлиб, ўтмиш табибларининг тасаввурида қора рангли бу модда тирикликнинг асосини ташкил этади; 2) хомхаёл, беҳуда орзу; 3) ғам, фусса, ташвиш; 4) мажозан: девоналик, шайдолик, ҳавою ҳавас.


<sup>3</sup> Зумра — гурух, тўда, жамоат.

Ҳар кимсаки, бўлса бандаликдан озод,  
Бўлмас ғамдан ғамгину шодликдан шод.  
Кўнгилни назаргоҳ айлаган Оллоҳдан —  
Айри тушиб, у умрини этган барбод.

Ким бўлса агар яхши-ёмондан огоҳ,  
Ҳар яхши-ёмондан қўлини тортар, оҳ.  
Дил бор эди-ю илгари, минг андиша,  
Энди бариси «ло илоҳа иллаллоҳ»<sup>1</sup>.

Лутфингдан эмасдир ноумид ҳеч инсон,  
Ким топса сени мангү ҳаётдир эҳсон.  
Қай заррага бир лаҳза лутф этган эсанг,  
Юксалди у зарра минг қуёшдан чандон<sup>2</sup>.

Зар хавфи йироқдир бу жаҳон дарвешидан,  
Тиф даҳшати лозим эмас ошиқ кишидан.  
Эй, бош олишимдан чўчийсан мунча —  
Ҳақ ошиғи холимасми бош ташвишидан?



<sup>1</sup> *Ло илоҳа иллаллоҳ* — калимаи тавҳиднинг бошланиш қисми бўлиб, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ демакдир.

<sup>2</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

# ФАРИДИДДИН АТТОР

(1145 – 1221)

Жаҳон сўз санъатининг забардаст намояндаларидан бири, йирик мутасаввиф шоир Фаридиддин Абуҳомид Муҳаммад ибн Абубакр Иброҳим Нишопур ибн Аттор ва табиб эди. Бу касб ўғлига ҳам мерос бўлиб ўтган. Шоирнинг Аттор номи билан халқ ичидаги машҳур бўлиши ва уни адабий тахаллус қилиб олиши шундан.

Ёшлигидан илм таҳсилига қизиққан Муҳаммад адабий, диний, ҳикмату қалом<sup>1</sup>, нужум<sup>2</sup>, тиб ва доришунослик фанларини чукур ўзлаштириб, ўз даврининг пешқадам кишиларидан бирига айланади. У сўфийлик муҳити ва тасаввуф аҳли орасида яшаганидан бу таълимот унга кучли таъсир кўрсатган. Воқеан, отаси Иброҳим машҳур авлиё Кутбиддин Ҳайдарнинг муриди эди. Унинг ўзи ҳам йирик шайх ва авлиё бўлган. Шайхлар шайхи Маждиддин Бағдодий қўлидан дарвешлик хирқасини кийган. Эронлик машҳур адабиётшунос Саид Нафисий ҳам унинг кубравия тариқатининг давомчиси бўлган, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Шунга қарамай, Аттор тариқат сулукида Шайх Рукниддиннинг муриди саналади. Аслида уувайсий бўлиб, машҳур сўфий Мансур Ҳалложнинг руҳидан тарбия топган. Алишер Навоий Жалолиддин Румий тилидан бу ҳақда «Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий<sup>4</sup> қилди ва унинг мураббийси бўлибdir»<sup>5</sup>, — деб ёзади. Айни пайтда, Аттор Жалолиддин Румийнинг келажагини башорат қилиб, унга ўзининг «Асрорнома» китобини ҳадя этган. Румийнинг: «Аттор руҳ эди-ю, Саноий унинг икки кўзи. Биз Саноий ва Аттор изидан келдик», — деган иқрори бежиз эмас. Алишер Навоийнинг ҳам Атторга ихлос-эътиқоди баланд бўлиб, беш ёшида «Мантиқ ут-тайр»ни ёд олгани, бир умр унинг ижодидан таъсирланиб, ҳаётининг сўнгида унга «таржума расми била» жавоб айтгани — «Лисон ут-тайр»ни яратгани маълум. Бу достонда Навоий Атторни — Қақнус<sup>6</sup>, ўзини — Қақнус боласига ўхшаттан эди.

<sup>1</sup> Калом — ислом илоҳиёт илми.

<sup>2</sup> Нужум — астрономия.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Мухаммединходжагаев А. Мировозрение Фаридиддина Аттора. — Душанбе, 1974. С. 5.

<sup>4</sup> Тажаллий — кўриниш, жилваланиш. Ҳақ зоти ва сифатларининг ҳамиша, ҳамма жойда, ҳар хил даражада намоён бўлиши, яъни ўзини-ўзи аён этиши. Файбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 459-бет.

<sup>6</sup> Қақнус — афсонавий хушвуз қуш: бир умр хас-ҳашак йигиб, кейин унинг устига чиқиб, шунаңсанги ўтли наво чекарканки, нафасидан тўплаган хирмони алант олиб, ўзи ҳам ёниб кетаркан — унинг кулидан янги қақнусбачча пайдо бўлар экан.

Аттор жуда сермаҳсул шоир бўлиб, ундан 50 минг байт шеърий асар қолган. Шоирнинг шеърий девони, «Мухторнома» рубоийлар тўплами, «Мантиқ ут-тайр», «Хусравнома», «Асрорнома», «Илоҳийнома», «Мусибатнома», «Булбулнома», «Уштурнома», «Жавҳар уз-зот» достонлари ва «Тазкират ул-авлиё» тазкираси айниқса машхур.

Аттор асарлари асосан тасаввуф ҳақиқатлари баёнига бағишиланган. Шунинг учун ҳам унинг тасаввуф адабиётидаги мақоми юксак. Мутасаввиф шоир бўлганлиги учун Шўро даврида бизда Аттор ижодига мутлақо мурожаат қилинмаган. Мустақилликдан кейин Нажмиддин Комилов шоирнинг «Илоҳийнома» маснавийсининг насрый таржимасини эълон қилди<sup>1</sup>. Китобга Атторнинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи, дунёқараши ва асарларининг моҳиятини очиб берувчи кириш ва сўнг сўзлар ҳам илова қилинган. Мирзо Кенжабек эса «Тазкират ул-авлиё» асарини туркчадан таржима қилиб, нашр эттириди<sup>2</sup>. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол унинг «Мантиқ ут-тайр», «Илоҳийнома» ва «Асрорнома» достонларини таржима қилди<sup>3</sup>. Биз шоирнинг 134 та рубоийсини ўзбекчалаштиридик<sup>4</sup>.

Фаридиддин Аттор — форсий сўз санъатидаги забардаст рубоий-навислардан бири ҳисобланади: унинг «Мухторнома»сида 2279 рубоий берилган<sup>5</sup>. Сўфиёна руҳ ва мазмунга йўғрилган бу рубоийлар, бир сўз билан айтганда, Оллоҳни улуғлаш, илоҳий ишқни авж пардада куйлаш, инсонийлик моҳиятини англаш, камолот йўлида парда бўлган жисм, нафс ва дунёни мазаммат қилиш, маъшуқа таъриф-тавсифи, висол умидию айрилиқ азоблари тасвирига бағишиланган.

## 1

Эй дил, шод бўл, яхши-ёмон ўтгусидир,  
Бир куни қулни бегумон ўтгусидир.  
Бор неъматию қувончи бу дунёning  
Умринг каби солганча сурон ўтгусидир.

<sup>1</sup> Қаранг: *Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома* (Насрий таржима, талқин, тафсир. Амалга оширувчи Н. Комилов). — Тошкент, 1994.

<sup>2</sup> Қаранг: *Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё* (М. Кенжабек таржимаси). — Тошкент, 1997.

<sup>3</sup> Қаранг: *Шайх Фаридиддин Аттор. Мантиқ ут-тайр.* — Тошкент, 2006; *Шайх Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома.* — Тошкент, 2007; *Шайх Фаридиддин Аттор. Асрорнома.* — Тошкент, 2008.

<sup>4</sup> Қаранг: *Фаридиддин Аттор. Рубоийлар // Муҳаббат тароналари. 185—210-бетлар.*

<sup>5</sup> Қаранг: *Аттор Нишопурӣ. Мухторнома. Мажмӯаи рубоиёт. Тасҷеху таълиқоти Муҳаммадризо Шафеъий Кадканий.* — Техрон, 2008.

Шам<sup>1</sup> шуъласи тушмиш шаробга бу кеча,  
Суст кетди дилим менинг кабобга бу кеча,  
Қўй уйқуни, бер қулоқ рубобга бу кеча,  
Обод не бор, юз тутар харобга бу кеча.

Гул очди юзин, биз-да қўнгил очгаймиз,  
Май шавқи билан ғам қўлидан қочгаймиз.  
Гул қовжирагай ўтса баҳор, вақт етса,  
Бизлар-да ажал шарбатини ичгаймиз...

Имкон бор экан, топиб яқин улфатни,  
Боғ-роғлар аро жойига қўй ишратни.  
То боғламайин қўлу оёғингни ажал,  
Сол ишга, увол қилма кучу қувватни!

Гул жилва қилиб, яшнади бўстон, эй дўст,  
Сайр айла ғаниматда гулистон, эй дўст;  
Ҳар нарсани хоҳласанг — муҳайё бунда,  
Қил айш ила ишратни беармон, эй дўст!

Гул тўнини чок қилибди — кирсам боқقا,  
Кўр: гунчани ел солибди не қийноқقا.  
Май ич, ел эсар сенсизу менсиз ҳам кўп,  
Биз-чи, ётамиз бошни қўйиб тупроқقا.

Дунё то қиёмат бевафо бўлгайдир,  
Ҳақ бандасига иши жафо бўлгайдир.  
Минг йил яшасанг-да Нуҳ<sup>2</sup> каби дунёда,  
Бир кун сени(нг) жисминг-да фано бўлгайдир.

Эй дил, бу тубан дунё учун хор бўлма,  
Мурдорига каркас<sup>3</sup> қушидек ёр бўлма.

<sup>1</sup> Шам — солик дилини куйдирадиган илохий нур. Дарвешнинг дилини ёндириб, уни мунаввар қиласидиган ирфон нурига ҳам ишора қилинади.

<sup>2</sup> Нуҳ — энг узоқ умр кўрган пайтамбар.

<sup>3</sup> Каркас — ўлимтик билан кун кўрувчи йиртқич қуш.

Дунёга жақон халқи гирифтор бўлди,  
Сен ўзни тани — унга гирифтор бўлма.

9

Токай<sup>1</sup> бу жақон бизга қилар ранжу ситам?  
Кийнайди қачонгача хаёли кўпу кам?  
Хеч нарсага арзимайди ҳар икки жақон,  
Ҳар нарса учун мунча чекармиз нега кам?

10

Эй дил, бу хатарли йўлда мисли бодсан<sup>2</sup>,  
Осмону замин ташвишидан озодсан.  
Ой нур сочади — тўйиб-тўйиб боқ қўкка,  
Беш кун бу ҳаёт завқи билан то шодсан.

11

На янги бўлар қайта бу кўҳна жақон,  
На хоҳишига кўра қилар иш инсон.  
Эй соқий, агар май беру гар берма сира,  
Сирлар бари сирлигича қолгай пинҳон.

12

Эй дўстлар, ажал феълини хўб билгайсиз,  
Ҳар кун неча бор ўзни ризо қилгайсиз.  
Вақт борида жам бўлинг, кейин минг истаб,  
Хеч бирга бўлолмассизу соч юлгайсиз.

13

Шу саллани ташвиши мени кўп қийнар,  
Жон тинчир эди шаробга алмашсам гар.  
Киссамда агарчи бир чақам йўқ, аммо,  
Ҳар икки жақон чимчилогимда ййнар.

14

Тоғ орқасидан юзини кўрсатди кун,  
Шод айла дилинг, ҳар нима бўлса-бўлсин!  
Умрингки вафо қилмаса, не фойдаси бор —  
Ҳар қанча уйинг олтину зарга тўлсин?!

---

<sup>1</sup> Токай — қачонгача.

<sup>2</sup> Бод — ел, шамол, шаббода.

## 15

Май тут, санамо, дил ғаму ҳасратга тұла,  
Ювсин у жақон қайғусини бир йұла.  
Тез бүл! Қара: майса чиқа келди ердан,  
Сен кирмай ерга жомни жомга ула!

## 16

Атрофга боқиб, юрак-юракдан илға:  
Ер мисли биҳишт, оқади тоғдан жилға,  
Сахро-да биҳишт каби, жағаннамни унут,  
Хұрдек ёр ила кез бу биҳиштни бирға!

## 17

Күзғал, қани, гул киссасидан зар тұқади,  
Офтоб-да мувоғиқ үнга гавҳар тұқади.  
Зар бўлса агар, кум каби тўку май ич,  
Бир кун сени-да фалак муқаррар тўқади...

## 18

Май тут, қани, жоно, тоза гул очилди,  
Булбул тилидан сўз гуҳари<sup>1</sup> сочилиди:  
Ер қаърида ёлғиз ётишин ким билса,  
Ёлғиз ўтиришни у киши бас қилди.

## 19

Бас, қанча давом этгуси бу бедодлик?  
Кунлар қувишар текканидек озодлик.  
Қуй майнин ҳаялламай, умр ўтмоқда —  
Ҳасрат ила билмай нима айшу шодлик.

## 20

Қўп излади-ю, топмади дил бир ҳамдам,  
Бор интилишу орзуси топди барҳам.  
Тақдир ишига тан беру май ич, йиллар —  
Минг иста, буюрмаган эди шу дам ҳам.

## 21

Бу дашт аро жон агарчи сарсон кечди,  
Бир қилни-да билмай, неча қил ечди.  
Қўнглимда агарчи минг қуёш порлар эди,  
Бир зарра камолга йўл тополмай ўчди...<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Гуҳар — гавҳар.

<sup>2</sup> Бу рубойй Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берилади.

Тонгда дил ўтидан бемалол, эй соқий,  
 Май қайнади-ю, бўлди ҳалол, эй соқий.  
 Риё ила яхшилик қилишдан афзал  
 Май бирла қимор-да, эҳтимол, эй соқий.

Етмасмиз балки заррадек бахтга ҳам,  
 Ҳамдамлар ила бир ерда бўлмасмиз жам.  
 Бу лаҳза насиб бўларми қайта ё йўқ?  
 Бас, сұҳбату дийдорни қадрланг ҳар дам.

Дил май каби истар хум аро манзилни,  
 Гул тальяти маст айлади минг булбулни,  
 Иш қилгали бор экан кучи қўлнинг то,  
 Нақд ишга ғаниматда урайлик қўлни.

Бўйтон аро тоза гул очилди, эй дўст,  
 Қулфи дили булбулни(нг) ечилиди, эй дўст.  
 Бўлмас кишига мудом насиб бундай дам,  
 Ким оқил — унинг қадрини билди, эй дўст!

Гул чеҳрасида насими<sup>1</sup> Наврўз хушдир!  
 Гулшан аро рухсори дилафрўз хушдир!  
 Шод бўл бугунингдану унут ўтганни,  
 Ўтган кундан очмаганинг сўз хушдир!<sup>2</sup>

Ҳар лаҳза дилим қони фаровон бўлгай,  
 Қўзлардан оқиб, мисоли уммон бўлгай.  
 Тупроғимдан кўза қилар бўлса кулол,  
 Тўлдирса уни сувга, тўла қон бўлгай.

Кўрсатди чаман ичра юзин гул, соқий,  
 Қайғуда кўролмай уни булбул, соқий.

<sup>1</sup> Насим — 1) тонг шамоли; 2) енгил, ёқимли шабада.

<sup>2</sup> Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

Май қүй, ҳали тупроққа кириб, май бўламиз,  
Бизни-да узатишар қўлма-қўл, соқий.

### 29

Билмоқ эсанг осуда яшаш ҳикматини,  
Ранж етса, унут хафа бўлиш одатини.  
Ҳар икки жаҳон дарё каби урса-да жўш,  
Ҳар икки жаҳонга сотма дил роҳатини.

### 30

Ҳар қайси муаммони-да ҳал қиласа бўлар,  
Гумроҳ юрибон-да раҳнамо бўлса бўлар.  
Бир лаҳзада минг йил яшаш ҳам мумкин,  
Бир лаҳзада минг жойда ё бўлса бўлар.

### 31

Эй воҳки, кутилмаганда бир дард етгай,  
Жон ташвиши ҳар дам жигаринг қон этгай.  
Ким бўғзигача ботса бу дунё лойига,  
Бор-йўғини бой бериб, жаҳондан кетгай.

### 32

Жоним бор экан, фалак каби чарх ураман,  
Ҳар лаҳза висол васфида нуқта сурман.  
Ҳеч ким ҳали топмаган у нарсани тилаб,  
Йўқотмаганим нарсани излаб юраман.

### 33

Бир ҳид келади хору ҳақир жонимга,  
Ҳар лаҳза мени ташна қиласа қонимга.  
Ҳар ўққи, солиб камонга мен отсам агар,  
Келиб тегади ўз дили вайронимга.

### 34

Мен ожизу хор — дилимда армон доим,  
Бечоралигим ғамини ерман доим.  
Гар мингта эшик очилса менга ҳар кун,  
Ҳалқа каби кўчада қоларман доим.

### 35

Ким ҳам мендек ишқ ичра бечора бўлар?  
Кўнглим каби қайси кўнгил оввора бўлар?  
Дардимни менинг агарда бир заррасини —  
Тоғ чекса, унинг-да кўкси минг пора бўлар.

Нокас кишилардан бу дилимда ғамдир,  
Үлсанг қани, чунки сұхбати мотамдир.  
Нокас кишилар билан биҳиштга тушсам,  
Дўзах тилагум, унда уқубат камдир.

Нокас ила нон есам агар, қон бўлгай,  
Сассиқ сўзидан таъб уйи вайрон бўлгай.  
Бир лаҳза ёнида ўтириш бир ёну  
Ул етти жаҳаннам<sup>1</sup> ўти бир ён бўлгай.

Токай бу замондан чекаман ғам, соқий?  
Хушмасми санам зулфини тутсам, соқий?  
То қўлда шу имкон бор экан, бой бермай,  
Зулфини тутиб, қўйнида ётсам, соқий!

Бечорани бир ҳожати бўлмайди раво,  
Ошиққа берар ваъдаю қилмайди вафо.  
Ғам шуки, мени танҳолик гўшасида  
Қўймас сира ўз ғамим ила — бу не жафо?!

Дарё-ку жаҳон — сувда қурарлар таҳтни,  
Бадбаҳт кишилар шунда кўрарлар баҳтни.  
Ҳар зарра бу тупроқ аслида бир бошдир,  
Жоҳил қавм ўйламай урарлар раҳтни.



<sup>1</sup> Етти жаҳаннам (Дўзах) — 1. Ҳовия. 2. Жаҳим. 3. Сақар. 4. Лазо. 5. Хутама. 6. Саир. 7. Жаҳаннам.

# ШАҲОБИДДИН СУҲРАВАРДИЙ

(1153 — 1191)

Йирик ва машҳур тариқат арбоби, ўз «даврининг ягонаси, нурлар матлаъи<sup>1</sup>, сирлар манбаи, тариқат раҳбари, ҳақиқат таржимони, зоҳир ва ботин илмларида барча улуғ шайхларнинг устози, орифлар йўлбошчиси, соликлар<sup>2</sup> таянчи, раббоний олим<sup>3</sup> Шаҳобиддин Абуҳафс Умар ибн Муҳаммад Бакрий Суҳравардий»<sup>4</sup> Эроннинг Занжон вилоятидаги Суҳравард қишлоғида туғилган. Тасаввуфдаги устози — амакиси Шайх Абунажиб Суҳравардий. Ўз илмини камолга етказиш мақсадида Эроннинг кўплаб шаҳарлари, Шом<sup>5</sup> ва Анатолияга сафар қиласи. Исфаҳонда Заҳриддин қўлида Абу Али ибн Сино меросини ўрганишга киришади. Фаҳриддин Розий билан учрашади. Шайх Абдулқодир Гилоний билан мулоқот қилгани, Хизр билан сұхбат тутгани нақл қилинади<sup>6</sup>. Ҳалаб<sup>7</sup> ҳукмдори Малик Зоҳир уни ўз саройига таклиф этади. Билим доирасининг кенглиги, ҳақиқатпастлиги, баҳсу мунозараларда ҳамиша ғолиб чиқиши туфайли уламолар ҳасадини кўзғаб, улар ифвоси билан куфрда айбланиб, зинданга ташланади ва ўша ерда ўлдирилади.

Қисқа умрида 50 та китоб ёзишга улгурган. Араб тилидаги «Талвиёт» («Тушунтириш»), «Муқовамат» («Юзма-юз»), «Мугораҳот» («Мунозаралар»), «Ҳикмат ал-шариф» («Муқаддас ҳикматлар») каби салмоқли китобларида тасаввуф масалалари талқин қилинади. «Партавнома» («Нурнома»), «Бўйтон ул-кулуб» («Қалблар бўйтони»), «Ҳаёкил ал-нур» («Нур тажассуми»), «Фи эътиқод вал-хукамо» («Ҳакимлар эътиқоди»), «Ал-ламаъот» («Шуълалар») каби араб ва форс тилидаги рисолалари ҳам маърифат ва ҳақиқатдан баҳс этади. «Рисолаи фи меъроҳ» («Меъроҳ<sup>8</sup> ҳақидаги рисола»), «Сафири Симурғ» («Симурғ элчиси»), «Рўзе бо жамоати сўфиён» («Сўфийлар жамоаси орасида бир кун»), «Рисолаи фи ҳолати туфулият» («Ёшлиқ ҳолати ҳақида рисола»), «Лугати Маврон» («Маврон лугати»), «Ал-ғариба вал-ғарибият» («Ажойиб ва ажойиботлар ҳақида»), «Овози пари Жаброил» («Жаброил қанотининг овози») каби асарларида эса

<sup>1</sup> Матлаъ — чиқиш жойи.

<sup>2</sup> Солик — тариқат йўлига кирган ва Худо сари сайд қилаётган киши.

<sup>3</sup> Раббоний олим — илоҳиёт олими.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 338-бет.

<sup>5</sup> Шом — Сурия.

<sup>6</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 338-бет.

<sup>7</sup> Ҳалаб — Суриядаги шаҳар.

<sup>8</sup> Меъроҳ — юқорига кўтарилиш; Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига кўтарилиши.

хикоят ва ривоятлар, рамзий тимсоллар орқали тасаввубнинг кўплаб талаб-қоидалари бадиий усулда талқин қилинади.

Бундан ташқари, у Куръон ва ҳадисга, кўплаб диний-тасаввуфий асарларга шарҳлар, дуо ва муножотномалар ёзган<sup>1</sup>.

Ишроқ — «порлаш» ҳақидағи таълимотнинг асосчиси бўлганилиги учун уни Шайх ул-ишроқ деб ҳам аташган. Суҳравардийнинг «фалсафий қарашларига зардуштийлик кучли таъсир этган. У борлиққа хилма-хил тезликдаги ранглар мажмуй сифатида қаради, уларни эса, «Авесто» қаҳрамонларининг номи билан атади. Суҳравардий ўзига хос қоришиқ таълимот яратди, бу таълимотда зардуштийлик белгилари билан бирга, тасаввуфга оид қарашлар қўшилиб кетган эди<sup>2</sup>. У асос солган суҳравардия тариқати кейинги асрларда ҳам машҳур бўлган. Унинг «Авориф ал-маориф» («Маърифат тұхфалари») китоби тасаввуф аҳли учун ахлоқ ва амалиётдан муҳим қўлланма бўлган.

## 1

Ақл тизгинини, бўлса кўзинг, йўқотма,  
Ҳар яхши-ёмонни деб сўзинг йўқотма.  
Йўловчи ўзинг, йўл ўзингу манзил ўзинг,  
Йўлни яна ўзингдан-ўзинг йўқотма.

## 2

Тор тан қафаси қийнар жон охусини,  
Номус қилибон чеккүм адам<sup>3</sup> қайғусини.  
Лутфу қарами қайда — вужуд ғуборидан  
То покласа бир дам ҳақиқат кўзгусини.

## 3

Соф майни рад этиш асли нодоннинг иши,  
Бундай қиласар ақл-идроқи нуқсошли киши.  
Минг омий<sup>4</sup> боши бир етук сўфийнинг  
Етмас оёғи гардига — шу сўз келиши.

## 4

Ишқ гавҳари ўрни асли бир бошқача кон,  
Ошиқ элининг манзили бир ўзга жаҳон.

<sup>1</sup> Бу маълумотлар ҳақида қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 120 — 122-бетлар.

<sup>2</sup> Ислом. Энциклопедия. 217-бет.

<sup>3</sup> Адам — йўқ, йўқлиқ.

<sup>4</sup> Омий — нодон, авом.

Ишқ донидан еган қүшнинг ошёни  
Ҳар икки жаҳондан ўзга бир айри макон.

5

Эй, ваъдаларинг барчаси ҳам ботиллир,  
Бол деб нима тутсанг, захри қотиллир.  
Ҳажрингда жигар қони таом бўлди менга,  
Ҳолим сира сўрмадинг, бу не тош диллир?!

6


Ошиқ назаринг ташлаю ё ташлама хоҳ,  
Тушмайди сен истаган маконга бу нигоҳ.  
Сен нафсинг бошига оёқ қўйсанг агар,  
Кўрган киши сенга бўлади хайриҳоҳ.

7

Кўрдим: бу харобот ичида кўп эрлар,  
Ҳар лаҳза вужуд лавҳидан илм ўқирлар.  
Ҳикмат йўлида лекин мушукдан туюни  
Бу тоифа ажратолмай эшшак дерлар.

8

Ишқинг йўлига кирдиму кечиб диндан,  
Ўзимга ёмон қилибман, айтсам чиндан.  
Мехрингдан ўзимга келар эдим гоҳ-гоҳ,  
Кетибман ўзимдан — хабар ол мискиндан.



# ЗАҲИР ФОРЁБИЙ

(1160 — 1202)

Балхнинг Форёб деган жойида туғилган. Ота-боболари замонасининг фозил кишилари бўлишган. Бошлангич таълимни Форёбда олиб, Нишопурда таҳсилини давом эттиради. Форс ва араб тилларини чуқур ўзлаштирибгина қолмай, тарих, фалсафа, тасаввуф, ҳатто математика ва астрономия фанларини ҳам ўрганади. Шоир сифатида эрта танилиб, Нишопур ҳокими Тўғоншоҳ саройига даъват қилинади. Лекин ҳоким билан муносабати бузилиб, саройни тарк этади ҳамда 1188 йили Ироқ ва Мозандаронга сафар қиласди. Озарбайжонга бориб, Қизил Арслон хизматига киради. Сўнг Отабек Абубакр саройига йўл топади. Чек-чегарасиз оворалигу дарбадарликлар, ҳукмдорлар саройидаги биқиқ мұхит ва адолатсизликлардан безган шоир узлатга чекиниб, тоат-ибодатга берилади, факир ҳолда илму ижод билан шуғулланади. Қабри Табризда — Сурхоб деган шоирлар қабристонида, Хоқоний Ширвоний ва Анварий Абивардийлар ёнида.

Девони қасида, ғазал, қитъа, рубоий, таркибанд каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олади. Жамолиддин Исфаҳоний, Мужириддин Байлақоний, Хоқоний Ширвоний, Низомий Ганжавий, Асириддин Ахсикатий, Анварий Абивардий каби шоирларга издошлиқ қилган. «Хилолия» қасидаси машҳур бўлиб, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Бадриддин Чочий, Салмон Соважий, Алишер Навоий каби шоирлар унга татаббуб<sup>1</sup> қилишган. Шеърлари содда, равон, ранг-баранг маънолар ва бадиий санъатларга бой. Девонида 140 рубоий мавжуд<sup>2</sup>.

## 1

Ёрдан келса, дилга ёқар ҳатто жафо,  
Лекин жафо бўлмайди сира мисли вафо.  
Мен севгили ёрдан нима келса розиман:  
Дашномми, ғазабми ёки олқишу дуо?<sup>3</sup>

## 2

Ўлдирди фамию ғамгусор огоҳ эмас,  
Қон бўлди кўнгил, аммо нигор огоҳ эмас.

<sup>1</sup> Татаббуб — салафлар ёки замондош шоирларнинг асарларидан таъсирланиб, улардаги вазн, қофия, радифни сақлаган ҳолда, ўша мавзу ва foяни давом эттириб, ривожлантириб ёзиладиган асар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Гулшани алаб. Жилди 1. С. 329; Рубоий ва рубоийсароён. С. 124; Энциклопедияи алабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 461.

<sup>3</sup> Бу рубоий Фахриддин Ироқийга ҳам нисбат берилади.

Дардимни тўқай кимгаки, умрим ўтди  
Ёрнинг юзи ҳажридаю ёр огоҳ эмас.

### 3

Бир сирки, бу сирни гулга сунбул айтган,  
Булбулга уни бирорта бўш тил айтган.  
Келмас бу иш оғзи юмуқ фунча қўлидан,  
Бор гапни унга оғзи очиқ гул айтган.

### 4

Кўлимда мудом созу рубобим бордир,  
Кўзу дилдан маю кабобим бордир.  
Қай гўшада бўлмайин, кўзимнинг ёши  
Дарё бўлади — шунча азобим бордир.

### 5

Қайтар йўлидан панд агар олгуси мушук,  
Қопқонда ё сичқондек ўлгуси мушук.  
Ҳар икки жаҳонда ҳам жаҳонгир бўлмас,  
Сичқондек агар амалда бўлгуси мушук<sup>1</sup>.

### 6

Дедимки: «Сўзинг керак бериб жон айтмоқ».  
Дедики: «Бўлак сўз асли ёлгон айтмоқ».  
Дедимки: «Сочинг васфини қилгум туну кун».  
Дедики: «Берарми наф паришон айтмоқ?»

### 7

Юзинг мисоли мушку зулфинг эса қон,  
Муҳтождир изоҳга аммо бу ташбеҳ, аён:  
Юзинг мушку нофага<sup>2</sup> ҳануз тушган эмас,  
Зулфинг қону нофадан у чиққан бегумон<sup>3</sup>.

### 8

Шоҳиду<sup>4</sup> шароб бизга азал қисмат эмиш,  
Шодлик шами даврамиз учун зийнат эмиш.  
Оlamдаги бор қувончу шодлик тўни  
Бизнинг қадимизга мос — бу не ҳикмат эмиш?<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бу ерда «Мушук жаҳонгир бўлади» деган халқ иборасига ишора қилинганияпти. — Э.О.

<sup>2</sup> Нофа — киндик. Бу ерда: оҳунинг мушкли киндиги.

<sup>3</sup> Бу рубой Низомий Ганжавийга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> Шоҳид — бу ерда: гўзал, маҳбуба.

<sup>5</sup> Имод Фақиҳ Кирмоний ижодида ҳам шу мазмундаги рубой мавжуд.

Қолдими жаҳонда бир ҳамдард токи  
Дил дардини бориб унга инсон айтди?..

## 16

Ишқ ичра агар лаҳза қароринг бордир,  
Гап-сўзидан элнинг нима оринг бордир?  
Сен бир учи тез тикан каби бўл токи  
Гулдек қучоғингда нозли ёринг бордир.

## 17

Гар бандалик ишида чуқур қетгаймиз,  
Ишқингни бировга гапириб нетгаймиз?  
Сувнинг бўйида яралди бу қиссаи ишқ,  
Кўз ёши-ла уни парвариш этгаймиз.

## 18

Тут қўлга, қани, лола каби тоза шароб,  
Оч сира ҳаялламай хум оғзини шитоб.  
Бир дўсти яқин қолган эмас менда бугун  
Май жомидан ўзга — ахволим шунча хароб.

## 19

Бор бир ғанимим — дилимни айлайди хароб,  
Бор бир жоним — ишқ ўтидан бағри кабоб.  
Бир марта кўриш учун юзингни туну кун  
Кўзим ёши минг чашмадай оқди беҳисоб.

## 20

Кўклам ели, келтир боғу гулзор бўйини,  
Ошиқ булбул, куйла муҳаббат куйини.  
Эй булбул, агар орзунг боғ мулки бўлар,  
Парвона каби тарк этма ёр кўйини.

## 21

Сўфийсан ўзинг, агарда билсанг, эй шам,  
Бу олти жиҳат сенда ўзи мужассам:  
Нурли юзу тунда уйгониш, сомон ранг,  
Ёниқ дилу кўз ёшию бедорлик ҳам.

## 22

Бир куни бу гул фунчаси очгай юзини,  
Бир куни бу наргис эса юмгай кўзини.

Савсан<sup>1</sup> тилини қилди узун ҳаддан күп,  
Бир куни бу ишқ розида бошлар сўзини.

### 23

Кўп дил қон бўлди сени деб, бермай дош,  
Кўп қўл ситамингда қолди чанглаб бош.  
Кўп сўз — тенг эди дурга, бироқ бўлган эмас  
Худди сирға қулоқларингга йўлдош.

### 24

Эй тун, сочидан йўқ-ку оёғингга банд,  
Бас, мунча чўзилдинг сочиға монанд.  
Эй тонг, сен ҳам мен каби бир ошиқсан,  
Бас йиғлаганим менинг, сен бўл хурсанд.

### 25

На дастингдан арз қилиб билгайман,  
На дилдан дардинг юлиб билгайман.  
Фам тобида гунча каби юмуқ бу дилим,  
На очилибу на сўлиб билгайман.

### 26

Эй, кўйлаги қон лолани келтир менга,  
Кўзни — ёши шалолани келтир менга.  
Эй тонг қуши, мунча нола қилма фамдан,  
Беморман, ул нолани келтир менга.

### 27

Бу бандага шодлик эшигига йўл йўқ,  
Бу йўлда уни қўллагуучи бир қўл йўқ.  
Кўп майсаю гул унди сочи соясида,  
Ҳеч ерда гулу майса бунингдек мўл йўқ.

### 28

Фам чодирини дил оташ узра солди,  
Қонли қўзим уйку элига йўл олди.  
Бу жойни кўнгил қандай сола қолди?  
Бу нақшни кўз сувда чизиб толди...

---

<sup>1</sup> Савсан — гулсапсар.

# СИНЖОНИЙ ХАВОФИЙ

## (вафоти 1219)

«Натойиж ул-афкор» («Тафаккур натижалари») тазкирасида маълумот берилишича, «Ҳақни таниган тариқат солики Шоҳ Руқниддин Маҳмуд Синжоний Ҳожа Мавдуд Чиштийга<sup>1</sup> қўл бериш шарафига мұяссар бўлган». У покдил ва равшанзамир<sup>2</sup> сўфиylардан ҳисобланади<sup>3</sup>.

### 1

Шундай йўл юр — бирор саломат демасин,  
Шундай яша эл ичра, қиёмат демасин.  
Шундай бор масжидга борар бўлсанг агар,  
Ҳеч ким: «Ўту тўрга, қил имомат»<sup>4</sup>, — демасин.

### 2

Бор-йўқ ғамидан ринд аҳли ҳар лаҳза эмин<sup>5</sup>,  
На куфру на ислому на дунёю на дин,  
На ҳак, на ҳақиқат, на тариқат<sup>6</sup>, на яқин<sup>7</sup>,  
Ҳар икки жаҳонда у каби йўқлиги чин<sup>8</sup>.

### 3

Бир тоифа шубҳа ичра, бир тоифа чин,  
Дин воситадир ҳам ҳаку ҳам ботил учун,  
Ногоҳ бўлару хабарчи пайдо, солар ун:  
Эй гофиллар, йўқотдингиз йўлни бутун!

### 4

Солих<sup>9</sup> кишилар мартабаси бўлгай ёр,  
Ҳеч кимга агар етмаса сендан озор.

<sup>1</sup> Ҳожа Мавдуд Чиштий — ҳиндистонлик таниқат тариқат пири ва тасаввуф донишманди.

<sup>2</sup> Равшанзамир — покдил, доно.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Рубоий ва рубоийсароён. С. 152.

<sup>4</sup> Имомат — имомлик, пешволик.

<sup>5</sup> Эмин — тинч, осуда, хотиржам.

<sup>6</sup> Тариқат — 1) умуман сўфиylilik йўли; 2) сўфиylикнинг муайян йўналиши; 3) сўфиylilik босқичларидан бири.

<sup>7</sup> Яқин — тасаввуф ҳоли: қатъий ишонч, шубҳасиз ҳақиқат. Руҳий дунёнинг борлигига ишонишининг юксак даражаси. Яқинга етиш мукаммал покланишидир. Соликда яқиннинг ҳосил бўлиши унда орифликнинг бошланишидир. Яқин илми учга бўлинади: илм ул-яқин, айн ул-яқин, ҳақ ул-яқин.

<sup>8</sup> Бу рубоий баъзи ўзгаришлар билан Паҳлавон Маҳмуд ижодида ҳам учрайди.

<sup>9</sup> Солих — покдил, покдомон, тақводор, пок киши.

Чўчима ўлимдан, ема ризқинг ғамини,  
Ўз вақти келиб, уларга етгай ночор.

## 5

Йўл<sup>1</sup> марди<sup>2</sup> ҳеч ўзни дея пастлик қилмас,  
Ё кибру фуруру худпастлик<sup>3</sup> қилмас.  
Ҳақ дўсти қаерда бўлмасин май ичса,  
Бўшатса-да хумни, сира мастилик қилмас.

## 6

Асли ҳақиқий илм китобда бўлмас,  
Кўнгилдаги нарса тил — хитобда бўлмас.  
Юз уй китоб иш бермас, кутубхона  
То бўлмаса кўнгилда, ҳисобда бўлмас.

## 7

Ишқ ичра бериб бош то диловар<sup>4</sup> бўлмас,  
Ошиқ сира ҳам лойиқи дилбар бўлмас.  
Ҳам ёрни талаб қиласангу ҳам жон тиласанг,  
Бу бехуда орзу — ҳеч муяссар бўлмас<sup>5</sup>.

## 8

Дарвеш кишилар кўнгли мудом хаста бўлар,  
Ҳақ даргоҳида улар энг олд сафда бўлар.  
Тилло бўлишини тиласанг мис вужудинг,  
Дарвеш кишилар сафига кир — кимё<sup>6</sup> улар.

## 9

Мард истар маърифат майини дилдан,  
Майхўрлигини овоза қилмас тилдан.  
Ғалвирда қудуқдан чиқарилган сувдек,  
Ҳар илмки, ҳосил баҳсу таҳсилдан.

<sup>1</sup> Бу ерда йўл дейилганда тариқат кўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> *Мард* — тасаввуфда Ҳаққа яқин кишилар, илоҳий сирлардан хабардор орифлар, валийлар маъносида келади.

<sup>3</sup> *Худпаст* — манман, шуҳратпаст, такаббур.

<sup>4</sup> *Диловар* — ботир, жасур, қўрқмас.

<sup>5</sup> Абусаид Абулхайрга нисбат берилган рубоийлар ичida ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд. — Э.О.

<sup>6</sup> *Кимё* — ал-кимё ўтмишда оддий маъданларни олтину кумушга айлантириш йўлларини излаган илм. Бу ерда: мисни тиллога айлантирувчи, яъни ориф, комил инсон.

# АВҲАДИЛДИН КИРМОНИЙ

(1168 – 1236)

Машхур мутасаввиф шоир Ҳомид ибн Абуфаҳр Авҳадиддин Кирмоний илм таҳсилидан сўнг Дамашқ, Бағдод каби мусулмон Шарқининг кўплаб шаҳарларига саёҳат қилиб, улуғ орифу донишманделар сұҳбатига етган. Шайх Рукниддин Синжонийнинг халифаси. Улкан тасаввуф олими Мұхайдиддин ибн Арабий ва дарвеш сўфий Шамсиддин Табризийлар билан учрашган, Фахриддин Ироқий ва Авҳадий Марофийлар унинг шогирдлари ҳисобланади. У форс-тожик ирфоний шеъриятининг устодларидан саналади. Ундан 1180 байтли «Мисбоҳ ул-арвоҳ» («Рухлар машъали») маснавийси ва 1807 рубоийдан иборат тўплам бизгача етиб келган<sup>1</sup>.

1

Зор айламасин дилни Ўзидан ўзга,  
Кўрсатмасин манзилни Ўзидан ўзга.  
Оlam аҳли агар табибим бўлса,  
Ҳал этмасин мушкулни Ўзидан ўзга.

2

Дил чекмаса дардингни қувонмас, кулмас,  
Жон истамаса сени, хотиржам бўлмас.  
Қилсан эшигинг хокини кўзга сурма,  
Ҳар икки жаҳон мулки унга тенг келмас.

3

Дунёда дилимдек яна бир ғамзада йўқ,  
Озурда жаҳон аҳлидан, ситамзада йўқ.  
Оlam майи то бўлмаса қонли кўз ёш,  
Ичгувчи уни мен каби мотамзада йўқ.

4

Эй Тангри, муҳаббат майидан сармаст қил,  
Ишқ домига бандию асиру паст қил.  
Қайтар мени қай нарсада йўқдир ишқинг,  
Ишқингда этиб маҳв, ўзингга пайваст қил.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 453—455-бетлар; Рубоий ва рубоийсароён. С. 153; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жиди I. С. 49; Девони рубоиёти Авҳадиддин Кирмоний. Бакӯшиши Аҳмад Абу Маҳбуб. — Техрон, 1988.

## 5

Мажнуни паришонингман — қўлла мени,  
 Кўйингда фидо жонингман — қўлла мени.  
 Бечора киши борки, мададкор топгай,  
 Саргаштай сарсонингман — қўлла мени<sup>1</sup>.

## 6

Ишқ ичра агарчи дарду ғам бисёрдир,  
 Ишқиз яшамоқ аҳли талабга<sup>2</sup> ордир.  
 Мавжудлиги ишқдан оламу одамнинг,  
 Ким ошиқ эмас — одам эмас, мурдордир.

## 7

Ёр васли биландир юрагим шод бу кеча,  
 Ҳижрони ғамидан бўлиб озод бу кеча.  
 Қўнглимдан ўтарди: кошки тонгнинг қалити  
 Йўқ бўлса-ю, чўзилса умрбод бу кеча.

## 8

Ишқ дашти аро елиб-юрган яхши,  
 Эл айбига кўз юмиб юрган яхши.  
 Дунёни кўриб, хулоса қилдим, асли  
 Ёлғончи жаҳондан юз ўтирган яхши.

## 9

Дил сендан узоқлашса, қон қилгайман,  
 Ё юлиб отарман — бемакон қилгайман.  
 Кўз бошқага боқса, қонини оқизаман,  
 Ё ўйиб олиб уни, ёмон қилгайман.

## 10

Бир бут хаёли бутпараст этди мени,  
 Йўқлик оламига пайваст этди мени.  
 Васли кечасида бирга ичган майдан  
 То рўзи<sup>3</sup> қиёматгача маст этди мени.

## 11

Ишқида дилимда кучли түгён бордир,  
 Ҳар киприк учida бир қадаҳ қон бордир.

<sup>1</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайр, Жалолиддин Румий ва Шоҳ Нематуллоҳ Валийларга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Аҳли талаб — сўфийлар, орифлар.

<sup>3</sup> Рўз — кун.

Бир гўшаю маю маҳрам истайман,  
Бас, ҳоли дилим шунда намоён бордир.

## 12

Йўқлик майдан бошқасини нўш этма  
Ҳам факру фанодан ўзгани эш этма.  
Бир кун бу жаҳонни тарқ этиб кетсанг агар,  
Бечоралигингни ҳеч фаромуш<sup>1</sup> этма.

## 13

Ёр менга талаб-шартини қилди изҳор:  
«Ишқ йўлида сўнмасин умидинг зинҳор.  
Мен кўнгли синиқларни мудом кўлларман,  
Бас, мени десанг, дилинг синиқ тут, бемор»<sup>2</sup>.

## 14

Бу тоифа билмас на ҳақиқат, на мажоз<sup>3</sup>,  
Тунларда иши ҳамиша тақвою намоз,  
Хилватда менинг ишим мудом сен ила роз,  
Юз йил намоздан соз бир лаҳза ниёз!

## 15

Кўнглинг хуш тут — қилма бирор андиша,  
Кўнглинг аро тутмасин қарор андиша.  
Дил қайда, қани сабр — агар билгайсан:  
Бир қатра қону қатор-қатор андиша.

## 16

Бу мадрасаларга ҳеч эътиборим йўқ,  
Бу майхоналарда хочу<sup>4</sup> зуннорим йўқ.  
Бозорда мени бир чақага олмаслар,  
Қандай матодирманки, харидорим йўқ?

## 17

Боғ сайрини, ишқ аҳли, солинг кўнгилга,  
Ёмғир каби кўз ёшини тўкинг гулга.  
Гул сизлар учун бир-икки кун меҳмондир,  
Меҳмонни азиз билиш удумдир элга.

<sup>1</sup> Фаромуш — ёддан чиққан, унutilган.

<sup>2</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>3</sup> Мажоз — ўзининг туб маъносида ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз.

<sup>4</sup> Хоч — насронийликнинг асосий тимсолларидан бири: бут, салиб, крест.

Ишқ олами ичра сарфарозлик<sup>1</sup> бўлмас,  
Худбиналигу кибру бениёзлик<sup>2</sup> бўлмас.  
Ожизлигу бечоралик ишқ шарти азал,  
Ишқ олами ичра чорасозлик бўлмас.

Мақсад йўлида кўзинг ёшини қон қил,  
Кўнглинг сирини элга аён ҳар он қил.  
Бўлсанг бехабар, тош каби жим ўлтиргил,  
Бўлсанг бохабар, унда тилинг бийрон қил.

Қўлдан келса, ҳамиша зикр айла, зикр,  
Зикрингни кўриб фикр этсинлар то фикр.  
Иzzат ҳарамига<sup>3</sup> гар бўйлсанг маҳрам,  
Очиқ кўрасан ёр юзини поку бикр<sup>4</sup>.

Шоҳман ўзим — этмасман шоҳ хизматини,  
Чекмасман ризқ учун бирор миннатини.  
Бу нафс менинг итиму мен итбоқар,  
Ит деб қиласанми итбоқар хизматини?!?

Доим абадий умр йўлида саъй эт,  
Ёшликтан улуг давлат йўқ — қадрига ет.  
Ўткинчи хазина каби, билсанг, бу ҳаёт,  
Ундан улушингни олгунингча олу кет.

Инсон туғилар йиглабу хандон барча,  
Янги меҳмон тифайли шодон барча.  
Шундай яшаки, жаҳонни шодон тарқ эт,  
Қолсин бўлиб ортингда гирён барча<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Сарфароз (*Сарафроз*) — магуруллик, ғурур.

<sup>2</sup> Бениёзлик — эҳтиёжисизлик.

<sup>3</sup> Ҳарам — 1) хос жой, ўзгалар қўйилмайдиган жой; 2) Макка шаҳридаги энг буюк масжид. Макка шаҳри. Иzzат ҳарами — бу ерда: илоҳий даргоҳ.

<sup>4</sup> Бикр — пок, бокира.

<sup>5</sup> Бу рубоний Авҳадий Марофийга ҳам нисбат берилади. Саъдий Шерозий ижодида ҳам шу мазмундаги бир қитъя мавжуд.

Номинг тутсам, ишим менинг соз бўлади,  
 Ёдинг қилсан, умрим баҳор, ёз бўлади.  
 Ишқ сўзини ҳар қаҷон зикр этсам мен,  
 Девору эшик менга жўровоз бўлади.

Дарвеш дилидан кабоб қилиб ер золим,  
 Ўз зулми унинг ҳалокатидир доим.  
 Дунё бир узум мисоли — ўз бошига дард  
 Ортиради ортиқча еса уни ким.

Ошиқ эли соз қўлласа ошноларни,  
 Бечора, касалманду қади ёларни<sup>1</sup>.  
 Қилмасман Ўзингдан ўзгага мен қуллик,  
 Султони Ўзинг барча бенаволарни<sup>2</sup>.

Устод<sup>3</sup> яратувчи келур ҳам моҳир,  
 Ҳар мушкулни у ҳал қилишга қодир,  
 Ҳар лаҳза маҳорат кўрсатиб у соҳир,  
 Борни йўғу йўқни айлагайдир зоҳир<sup>4</sup>.

Интилма тузоққа, эй дили девона,  
 Дардинг юкини чеккил ўзинг мардона.  
 Ҳар ён югуриш беҳуда — уйингда ўтири,  
 Ер хонакиу манзили унинг хона.

Жаҳд айла ўтит олиш учун бир-икки кун,  
 Ўлмай туриб ўлиш учун бир-икки кун.  
 Дунё қари хотин каби — интилма сира  
 Сен унга яқин бўлиш учун бир-икки кун.

То бўлса ҳушим, ишқдан хабар йўқ менга,  
 Дилдан ўзга ёққа назар йўқ менга.

<sup>1</sup> Қади ё — қадди ёй, қадди эгик.

<sup>2</sup> Бенаво — 1) фақир, қашшоқ; 2) ғариф, нотавон; 3) бебаҳра, маҳрум.

<sup>3</sup> Устод — бу ерда: Яратувчи, Худо маъносида.

<sup>4</sup> Зоҳир — кўриниб турган, очиқ, ошкор, аён; ташқи кўриниш.

Мен ўртада йўқман — Сен ўзинг бор фақат,  
Ўздан ўзга моне этар йўқ менга.

### 31

Билсам эди кошки — мен нечук инсонман?  
Излаб нима бу жаҳонда саргардонман?  
Faфлат тўри бўлмаганда ўз ҳолимга  
Минг нола билан йиғлар эдим ҳар он ман<sup>1</sup>.

### 32

Умрингга ишонма, билсанг, у бир нафас-ей!  
Бир ҳамнафас изла, дунё бу бир нафас-ей!  
Гар ҳамнафас ила бир нафас ўлтиранг,  
Маъноси ҳаётнинг асли шу бир нафас-ей!<sup>2</sup>

### 33

Ёр ишқи менинг дилимга солди түғён,  
Тенгсиз у жамоли тўқди кўзимдан қон.  
Ҳолимни ўзим биларману дил билгай,  
Бегона уни билолмагайдир ҳеч он.

### 34

Ёрингни кўриш яхши кўнгил кўзи билан,  
Шу афзал эмиш айтса ориф сўзи билан.  
Сен соясига мудом қаноат айла,  
Чунки кўришиш мушкул унинг ўзи билан.

### 35

Ишқинг йўли аввалда кўринди осон,  
Дедимки: висолига етарман ҳар он.  
Кўйдим қадаму билдим: бу йўл — дарё,  
Ким кўйса қадам қаърига тортар тўфон.

### 36

Ишқ оламида куфру иймон бўлгай,  
Тенг бунда гуноҳу тавба ҳар он бўлгай.  
Қай ерда маю мастилигу маъшуқ бўлса,  
Ул ерда намоз, рўзага исён бўлгай.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий (Фоний) ларда ҳам шу мазмундаги рубоийлар мавжуд.

<sup>2</sup> Абусаид Абулхайр ва Фахриддин Ироқийлар ижодида ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

Дил зангини ёлғиз ишқ үти кеткизгай,  
Умрингга ҳузур ошиқлик еткизгай.  
Ишқингда юрак ботиру собит бўлгай,  
Бундай юрак ўзини фидо эткизгай.

Ишқ үти агар зиёда ҳар он бўлгай,  
Дил ҳоли, билолмадимки, не сон бўлгай?  
Ишқинг сени кимёдиру бир зарраси гар  
Дил ўрнига тоқقا тушса, у қон бўлгай.

Эй, сен туну кун масти сархуш юрма,  
Ўткинчи ҳаваслар изидан от сурма.  
То борлигу йўқлигинг баробар бўлмай,  
Йўқлигинг борликка сира бой берма.

Дунёга қўлин силтагай одам марди,  
То дилни кир этмасин ҳаваслар гарди.  
Нодон-да билар: тебратар экан бешик,  
Ором олиши гўдакни(нг) доя дарди.

Саркаш санамим олдида ман гўёки хас,  
Васлини умид қилиш магар лойиқ эмас,  
Гоҳ-гоҳи умид қилиш дилимнинг дарди,  
Бошимга оғир савдо тушибди бу нафас.

Кечдим баридан ҳар нимаки нақш этдим,  
Елкамдаги юкни ерга қўймай нетдим,  
Фикрим бари хомлигини англаб етдим,  
Бир ишвасига умрни бердим-кетдим...

Майхонада май билан таҳорат оласан,  
Булғанса номинг, ёмоналигингча қоласан.  
Бокирагинг пардаси йиртилса агар,  
Қандай қилиб унга энди ямоқ соласан?

Айландик ичиб мугона майни<sup>1</sup> шерга,  
Юксалди фалакка куфримиз ҳам бирга.  
Кофири табиатли бир мугона бут деб,  
Урдик неча бор тавба кулоҳин<sup>2</sup> ерга.

Ишқ бобида сўз айтар у куйдирмай жон,  
Ҳолбуки, бу сир чиқдими тилга — ёлғон.  
Бир қатра аласт кунида май ичганига,  
Сархушлигидан валдирагай у ҳар он.

Дарвешнинг иши сира мажози(й) бўлмас,  
Ҳеч тама қилиб, юзи эшикда сўлмас.  
Билмасману мен важду<sup>3</sup> тавожид<sup>4</sup> фарқин,  
Самоъни йийин дейишга кўнглим тўлмас.

Ишқингда дилим кетди-ю, жон қўрқитгай,  
Бевақт ўлиму фироқ ҳар он қўрқитгай.  
Зор айлаганинг мени сира қўрқитмас,  
Мендан бўлишинг безор ёмон қўрқитгай.

Бўл рози нима олиб келган бўлсак,  
Лутфинг-ла кечир ҳар нима қилган бўлсак.  
Фош этма сира бизни, муруват айла,  
Орни яшириб хирқага келган бўлсак.

Ё Раб, мени ҳеч нарсага мағрур қилма,  
Ўзимни унугтирмаю масрур қилма.  
Вайронна етар яашаш учун баҳш этсанг,  
Дарвешликдан бошқани тақдир қилма.

Сен қилма гумон — бизни қилич қўрқитмас,

<sup>1</sup> *Мугона май* — тасаввуф шеъриятида илоҳий тажаллий ва пирнинг пок нафаси кўзда тутилади.

<sup>2</sup> *Кулоҳ* — бош кийим.

<sup>3</sup> *Важд* — муҳаббат, ҳаяжон, шавқу завқ ҳолати.

<sup>4</sup> *Тавожид* — орифлар наздида важддан ташқари тарзда важд ҳолатини сўз билан изҳор қилишидир.

Ишқ йўлида бош кетса-да, ҳеч қўрқитмас.  
Дўзах ҳаётин иссифини тотганмиз,  
Гап-сўз қилса эл эрта-кеч қўрқитмас.

## 51

Эй дил, мени ишқига маҳрам қилгил,  
Эй жон, мени ёр ила ҳамдам қилгил.  
Эй сабр, сенинг ғамга тобинг йўқ — қочгил,  
Эй ақл, гўдакссан, ўйна — байрам қилгил.

## 52

Туш кўрмас эсанг ҳеч, уни таъбир этма,  
Гар хат-саводинг бўлмаса, тафсир этма.  
Сендан ҳақиқат пирлари маъни тиласа,  
Кўргани гапир, пир сўзини зикр этма.

## 53

Чекмай ари захрини насиб бўлмас асал,  
Етмас киши хуш ҳаётга то қилмай амал.  
Интилмаса ҳеч нарсага етмайди киши,  
Интилмаса ким, бахти-да кулмайди азал.

## 54

Авҳад, дилинг пеш қиласан — дил қани?  
Умринг бўйи йўл юрдингу манзил қани?  
Зикринг доим хилвату хилват аҳли,  
Юз чилла ўтирдинг vale ҳосил қани?

## 55

Бору йўғимиз жаҳонда ёлғиз дилдир,  
Бир нозли санам ишқида ул ҳам қулдир.  
Бир дил нима — бўса берса ширин лабидан,  
Юз жон унга бўлса фидо маъкулдир.

## 56

Ханжарга тутиш бошимни менга осон,  
Ёр пойида<sup>1</sup> бошсиз ётишдан нолон.  
Сен гозий<sup>2</sup> бўлиб, қирсанг кофириларни,  
Мен кофир бўлиб, қўлингда берсайдим жон.

<sup>1</sup> Пой — оёқ.

<sup>2</sup> Гозий — газотда, муқаддас урушда қатнашувчи, ўз эътиқоди йўлида жанг қилувчи.

Меҳрингни қозонмадим — дилимдир вайрон,  
Маҳрингга жаҳон моли етишмас, жонон.  
Жон дейман агарчи жондан ортиқдирсан,  
Тан қолипига чунки фақат сиққай жон.

Куйдирса димогингни, у сувдан ичма,  
Ичиб уни, бор номусу ордан кечма.  
Маъно майини симир мастилик тиласанг,  
Узум сувининг товланишига учма.

Мўмин эса ким, ҳеч кишини ранжитмас,  
Ҳақдан ўзга кўнглида манзил тутмас.  
Ҳақ Арш узра, Арш эса дилдир асли —  
Ҳақдан ўзга бу дилни ҳеч банд этмас.

Дедимки: кўтар пардани юздан, эй ёр,  
Муштоқ кишилар юзинг кўрай дер бир бор.  
Дийдор ҳамиша бор, деди, ул дилдор,  
Пок кўз керак, лекин, кўришга дийдор.

Кўлла — караминг шуъласининг зарраси дил,  
Сидқ манзилида юксак унинг жойини қил.  
Кудс оламининг оппоқ шоҳбозидир у,  
То бўлмасин оламнинг ўшал домига қул.

Сен ҳою ҳавас кўйига тушиб бутқул,  
Ўз ҳолингни ўзингга қўйма мушкул.  
Сен бир нафас ихлос юзидан Ҳақ или бўл,  
Ҳақдан ўзга барча сенга бўлгай қул.

Кўзимда менинг мудом санам сувратидир,  
Кўзимнинг у шодлиги, дилим қувватидир.  
Ё ёр кўзим ичра, ё кўзимнинг ўзи ёр,  
Иккисини фарқ этишни не нисбатидир?

## 64

Дилда тўла ширку ерга юз қўйса, не наф?  
Тан бўлса палиду тоза тўн кийса, не наф?  
Гуноҳ заҳару тавба унинг дафъи эмиш,  
Жонга заҳар етса, дорини уйса, не наф?

## 65

Дунёни баҳори қиши агар бўлмаса май,  
Май даврасида икки жаҳон бўлгуси шай.  
Ҳар майни ҳаёт суви дема мастиликда,  
Ҳақдан барииу аслига қайтар ҳадемай.

## 66

Минг жону кўнгил ишқ йўлида етмас,  
Жон тугул, жон сўзин бирор зикр этмас.  
Бу йўлни ўтишда киши ҳар одимида  
Юз жон берару аммо сира фикр этмас.

## 67

Ҳар бир киши бу йўлга агар қўйса қадам,  
Жомида тиниқ майми ё қўйقا — нима ғам?  
Ҳеч кирма бу йўлга бош агар бермас эсанг,  
Бошсиз ўтмоқ бу йўлни мардлик чинакам.

## 68

Сен ўйлама ҳеч уй-жой азиз дунёда,  
Мансаб эгаси ё бой азиз дунёда.  
Дарвешликка агар қаноат қилсанг,  
Сенга ўша, ҳойнаҳой, азиз дунёда.

## 69

Умрим бўйи шу: тун маҳали, вақти намоз,  
Кўнглимга келиб ёр хаёли этгуси ноз,  
Олиб юзидан ниқобини, дейди менга:  
«Кимдан сени чалғитар намоз — ўйла бир оз»<sup>1</sup>.

## 70

Олисдаги кофирни қўй, у гар душман,  
Кофирга ўзингнинг вужудинг ҳам маскан.  
Сен Румдаги кофирга хусумат этма,  
Кофир сенинг ичингда турибди, зотан.

<sup>1</sup> Бу рубоий Абдуллоҳ Ансорий ва Фахриддин Ироқийларга ҳам нисбат берилади.

Бу ишқ шеваси<sup>1</sup> ҳар хору хасда бўлмас,  
Бу дарду бало ҳар булҳавасда бўлмас.  
Бедор диллар ҳолига мункир<sup>2</sup> келма,  
Сенда йўғи, ўйлама, ҳеч касда бўлмас.

Умрингни совурма йиққали мол-давлат,  
Минг ҳийла билан ўзингга танла хилват.  
Саҳродаги қор каби сен у хилватга  
Ҳар кун икки-уч кириб-чиқиб, қил тоат.

Ўзимда экан, икки жаҳондан хориж,  
Бехуд бўлсам, икки жаҳон менга ҳеч.  
Бу ҳолни тушунтириб беролмайман мен,  
Бу ҳолни тушунтириш учун йўқдир куч...

Ёр ишқи билан ёнмаса ҳар дил зинҳор,  
Ҳеч билма тирик уни — ўликдир минг бор.  
Ҳар дилда агар ишқ асари бўлмас экан,  
Бундай кишининг тирикчилиги бекор.

Хуш бўйини ёр қўйлагидан ман биламан,  
Фам шарҳини эл сўзласа равшан биламан.  
Қошимда бирор ҳамиша номини тутар,  
Тинглаб уни лаззат оламан ман биламан.

Гулдек тикан ичра яшамоқни ўрган,  
Душман билан энг зўри келишиб юрган.  
Сўз парда ичиди қолишини тиласонг,  
Бу дунёни пардасига яхши буркан.

Бу тан иккилик асоси деб этма гумон,  
Яхши қарасанг, асл ила фаръ<sup>3</sup> бир бегумон.

<sup>1</sup> Шева — 1) одат, равиш, йўсин; 2) ҳунар; 3) ноз, ишва.

<sup>2</sup> Мункир — инкор этувчи, рад қиливчи.

<sup>3</sup> Асл — бош, асосий. Фаръ — қисм, бўлак.

Удир барию менда намоён бўлди,  
Демак, иккилик асосидир менда ниҳон.

## 78

Ўзингга буюргани бажармай, осон  
Бўлмоқ тилагингми Ҳаққа етган инсон?  
Кўрсатди-ю йўл, юрмадинг ундан бир он,  
Энди урасанми берк эшикни, нодон?!

## 79

Ҳақ ҳукмидан ўзга ҳукм эканми асло,  
Ҳукм айласа, борлиқ йўқ эмиш шу асно.  
Ҳар нарса нечук бўлса, шу хил бўлгайдир,  
Йўқдир ўша бўлмаса шу хилда аммо.

## 80

Ошиқ киши ҳар лаҳза паришон бўлгай,  
Дилда ўту кўзда ёши пинҳон бўлгай.  
Ошиқ кишига маъшуқлик ножоиз,  
Маъшуқ ошиқ бўлса, не армон бўлгай?!

## 81

Бу тоифа шоҳид<sup>1</sup> қидириб оввора,  
Суврат кўйида эмас улар бечора.  
Шоҳид дейишар ҳол тилида қайси гўзал  
Хуш этса кўнгилни, бир қилиб наззора.

## 82

Менман дея кибр этма сира ҳалқа амир,  
Сен ҳалқа амирсану бироқ, Ҳаққа асир.  
Қавми ишини тушунган ул тўти каби,  
Үлмай бу қафасдан қутуолмайсан, ахир...<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Шоҳид деганда тасаввуфда гоҳ гўзал маҳбубани, гоҳ инсон хаёлини банд этган нарсани кўзда тутгандар. Тасаввуфда зухур этиши жиҳатидан баъзида Ҳақни ҳам шоҳид дейдилар.

<sup>2</sup> Бу ерда зийрак тўти ҳақидаги машҳур ривоятга ишора қилинаётги. Бир тўти Ҳиндистонга савдо ишлари билан кетаётган хожасидан у ердаги озод ҳамжинсларига ўз номидан салом айтишини сўрайди. Хожа бу омонатни эгаларига етказганида улар худди жон таслим қилгандай дараҳтдан таппа-таппа ерга қулайдилар. Бу гаройиб аҳволни у ўз тўтисига келиб айтганида, у ҳам таппа йиқилади. Хожа уни ўлган гумон қилиб, қафасдан чиқариб отади, тўти эса эркин қанот қоқиб учиб кетади.

Ёр ишқида менга ҳар нафас қайғуси бас,  
 Васлига етиш осон эмас, қайғуси бас.  
 Ёлғизликда юз киши ёр бўлса менга,  
 Ёрсиз менга бу дунё қафас, қайғуси бас.

Дедимки: «Кўзим». Деди: «Шароб истама кўп».  
 Дедим: «Жигарим». Деди: «Кабоб истама кўп».  
 Дедимки: «Дилим». Дедики: «Ишқ оламида  
 Кўп хонахароб, сен-да хароб истама кўп».

Сенга мос эмасман, эй санам, билгайсан,  
 Қон тўкли фирогингда мижам, билгайсан,  
 Ишқингда чекишимни алам билгайсан,  
 Дардингда эканимни адам билгайсан.



Эй зикри мудом тилу лабимнинг ёди,  
Бир лаҳза камаймас зулму бедодинг.  
Эй ёр, ситам қилма, сени тутгайдир  
Бир куни дилимнинг нолаю фарёди.

Кўнглим ғуруридир рухи<sup>1</sup> фаррухи<sup>2</sup> унинг,  
Минг шоҳ қилолмас қилганин рухи унинг.  
Мот этса агар рақибни<sup>3</sup> тонг қолмаслар,  
Таъқиб қиласди қўймасдан рухи унинг.

Рашкимни мудом қўзғар бути Чигил-ей<sup>4</sup>,  
Парда-да кўриб юзини ҳолим чигил-ей.  
Ишқимда ҳануз тирик юрибсанми дегай,  
Сендан яратилганми шу ҳам, айт-чи, гил-ей?!

Ишқ олдида ҳар кимки агар мақбулдир,  
Ҳар нарсани қиласа орзу маъкулдир.  
Ким ишқ эмас, ўзга иш билан машгулдир,  
Жон оламида ҳоли унинг мушкулдир.

Тиф урса ажал, минг бир қалқон ҳечдир,  
Молу амалу дабдабаю шон ҳечдир.  
Ҳар яхши-ёмонини жаҳоннинг кўрдик,  
Яхшиликдан ўзгаси ёлғон, ҳечдир<sup>5</sup>.

Эй дил, ошиқлик жомини ич гулдек,  
Этнингта ошиқлик либосин бич гулдек.  
Шам сингари оташин тили бор ишқининг,  
Пахта тиқма қулоғингга ҳеч гулдек.

<sup>1</sup> Бу ерда рух — юз ва рух — фил (шахмат донаси) сўзлари ёрдамида тажнис санъати ҳосил қилингани учун мазкур сўзни айнан қолдиридик.

<sup>2</sup> *Farrux* — гўзал, зебо.

<sup>3</sup> *Raqib* — севишганларни бир-биридан ажратувчи шахе тимсоли.

<sup>4</sup> *Buti Chigil* — Чигил гўзали.

<sup>5</sup> Бобо Афзалда ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

# КАМОЛИДДИН ИСМОИЛ

(1170/73—1237)

Шеърлари нозик ва теран маънолар, оҳорли ва кутилмасимсолу ташбехларга бойлиги жиҳатидан «халлоқ ул-маоний «маънолар ижодкори» деб улуғланган Абулфайз Камолиддин Исл ибн Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдулраззоқ Исфаҳоний Исфаҳ түғилган. Отаси Жамолиддин Исфаҳоний ҳам таниқли шоир бўй Йигирма ёшидаёқ қасиданавис сифатида танилган. Моҳир за ҳам бўлган. Умрининг охирида хилватга чекиниб, тасаввуф машғул бўлган. Мўгул жангчилари томонидан ўлдирилган.

Шоир девони 15 минг байт шеърни ўз ичига олиб, қасида, қитъя, таркиббанд, рубоий каби жанрлардан изборат.

У форс-тожик адабиётида асосан қасиданавис шоир сифати машҳур. Бу қасидалар улуғ шайхлар, форс отабеклари, Табари ва Хоразмшоҳлар ҳокимлари ҳамда илму адабиётнинг маънояндларига бағишлиланган<sup>1</sup>. Айни пайтда, у форс-тожи санъатидаги машҳур рубоийнавислардан бўлиб, ундан бизгага та рубоий етиб келган<sup>2</sup>.

## 1

Ишқинг менга ҳамиша жон баҳш этади,  
Дардинг дилга ҳузур ҳар он баҳш этади.  
Маст қўли очиқ бўлади — хаста дилим  
То мастиング экан, икки жаҳон баҳш этади.

## 2

Ҳолинг нима деб бу дили тангдан сўр,  
Дардим шарҳин у сочи тунрангдан сўр.  
Тонг чоғида май ичсанг агар, эй жонон,  
Кўнглим ҳолини нолаи чангдан сўр.

## 3

Сендан юз ўтигриса дил, ёқарман ғамда,  
Ўзимдан узоқ айларман шу дамда.  
Ё кон қиласман, ёки ўйиб таштайман  
Бегонага боқса меҳр билан дийдам-да.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Забеҳулло Сафо. Ганжу ганжина. — Техрон, 1989 Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. — Душанбе, 1989

<sup>2</sup> Рубоий ва рубоийсароён. С. 130—131.

Ким мастилигү пастлик моҳиятин билди,  
Бир томчи шаробга<sup>1</sup> ўзини баҳш қилди.  
Наргис каби соҳибназар бўлган зот  
Дунёда фақат майни назарга илди.

Ҳажрингда тўкарман ёш шамдан ортиқ,  
Май ўрнига қонли ёш этарман тортиқ.  
Най ноласини тинглар экан, май жомидек  
Қон йиғлатади дилимдаги чўнг<sup>2</sup> оғриқ<sup>3</sup>.

Эй дил, ёрнинг ёди билан хурсанд бўл,  
Эй дийда, кўз ёши билан пайванд бўл,  
Эй ақл, етар сафсата, донишманд бўл,  
Осон қил мушкулимни — ҳожатманд бўл.

Кечаки мен эдиму яна у нуқрабадан<sup>4</sup>,  
Айш-ишрат учун барчаси муҳайё экан.  
Тонг чоғи уларнинг бари тўзғиб кетди,  
Қолдим бир этак қонли кўз ёши билан<sup>5</sup>.

Боғландиму сен билан дилим қон бўлди,  
Рангим заъфарон<sup>6</sup>, кўз ёшим алвон<sup>7</sup> бўлди.  
Бир кун сени кўрмасам не кечгай ҳолим,  
Ҳар куни кўриб агар паришон бўлди?..

Шу бўлди менга ишқнинг бор-йўғи нафи:  
Ҳар икки кўзимни қилди гавҳар садафи.  
Ҳажрингда кўзим косаси дил дастидан-ей  
Дарё бўлибди — тўла сув ҳар тарафи.

<sup>1</sup> Шароб — ишқнинг ғалабаси. У комил инсонлар насибаси бўлиб, тариқат ниҳоясида мусассар бўлади. Муҳаббат мастилиги ва Ҳақ жазбасига ҳам ишора қиласидилар. Ишку завку мастиликни шаробга ташбеҳ этадилар.

<sup>2</sup> Чўнг — кўп, катта, улкан.

<sup>3</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> Нуқрабадан — кумушбадан, оқбадан, гўзлар.

<sup>5</sup> Бу рубоий Асирилдин Ахсикатийга ҳам нисбат берилади.

<sup>6</sup> Заъфарон — сарғиши туе берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сариқ ранг.

<sup>7</sup> Алвон — қизил тусли, қип-қизил, қирмизи.

## 16

Ёр кетди-ю, күзим бетиним дур тўкди,  
 Бир дурки, тиниқ, мисоли биллур тўкди.  
 Дур тўккан эди жигар қонисиз, энди  
 Дил қони билан лаълни минг кур<sup>1</sup> тўкди.

## 17

Майга кеча айлаб илтифот ичганман,  
 Ёр бирла қилиб айшу нишот<sup>2</sup> ичганман.  
 Тун зулмати ҳолимга гувоҳдирки, кеча  
 Мен Хизр билан оби ҳаёт ичганман.

## 18

Бўлсам-да агар ҳодисалардан дилтанг,  
 Ўзгарса-да бу воқеалардан минг ранг,  
 Бас, менга қўшиқ-куй, яна пайдо бўлди  
 Чанг пардасида ток қизи рухсори, қаранг!

## 19

Ўзингга қидирма ўзгалардан малҳам,  
 Ҳар дардига дилнинг сен ўзинг бўл маҳрам,  
 Хилватга чекину ўз фаминг е ҳар дам,  
 Дунёда тополмайсан ўзингдек ҳамдам.

## 20

Жом ичра ақиқ<sup>3</sup> май кўрсам, мен шу заҳот —  
 Дейманки, бу оддий сув эмас — оби ҳаёт.  
 Ул бодаки, юз жонга бергувси најжот,  
 Кекса кишига ёш каби боғлайди қанот.

## 21

Дунё ишидан ҳар киши андиша қиласар,  
 Нодонликни ўзига у пеша<sup>4</sup> қиласар.  
 Май қуй шишадан девона то ақлимни  
 Бир кун девдек маҳкуми шиша қиласар.

## 22

Қилган эди тонгда мутриб<sup>5</sup> огоҳ неча бор,  
 Бўлинг самоъяга дея дилхоҳ неча бор.

<sup>1</sup> Кур — марта, дафъа.

<sup>2</sup> Нишот — шодлик, хурсандчилик, хуррамлик.

<sup>3</sup> Ақиқ — қизил рангли қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг чўғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

<sup>4</sup> Пеша — 1) иш, амал; 2) хунар, одат, санъат.

<sup>5</sup> Мутриб — чолғувчи ва қўшиқчи, муғаний. Тасаввуфда маънавий файз етказувчи комил пирларга ишора қилинади.

Чанг ноласидан жаҳонда ғавғо кўтариб,  
Тонгда номини тутиб чекинг оҳ неча бор.

## 23

Умринг сени ўтди бекор зое бўлиб,  
Шундай бир азиз бойлик хор, зое бўлиб.  
Фарёд ўша дамданки, сен огоҳ бўлсанг,  
Тарк этди текин неъмат зор, зое бўлиб.

## 24

Ҳолинг сени(нг) ҳар нафас паришон бўлгай,  
Жон чўнтаги харжи чунки ёмон бўлгай.  
Бир нарсага тикки умр сармоясини,  
Бой берсанг уни, бу жонга дармон бўлгай.

## 25

Сийлар бўлса, ғам ила сийлар даврон,  
Узмоққа тикансиз гул ҳеч йўқ имкон.  
Ҳеч нарсани берган эмас у бекорга,  
Охир-оқибат олишни истаркан жон.

## 26

Дард, етса ҳайит-да, барқарордир менда,  
Битта эди дард, энди қатордир менда,  
Аслида ҳайит васли нигордир менда,  
Бас, бошқа ҳайитларда не бордир менда?

## 27

Эй дил, агар ёр десанг, аввал қон бўл,  
Мен ҳар нима бўл десам агар, шул он бўл.  
Май иста бу мушкулдан қутулмоқлик учун,  
То ўзлигинг ичинда ўзинг пинҳон бўл.

## 28

Жон истаса мендан у агар, жон берайин,  
Умримни тилар бўлса-да, жонон, берайин.  
Бир лаҳзада бу жаҳон олар нарсани мен  
Жононга ўзим борида имкон берайин.

## 29

Дер эди сув бўйида бир қушгина —  
Булбулгина, латифгина, хушгина:

«Бўлмайди зару лаълу зумуррадни<sup>1</sup> еб,  
Ўхшайди-ю гулга, ҳиди йўқ ҳечгина».

### 30

Кўзим сира кўрмади сенингдек дилҳоҳ,  
Бечора бу ошиққа назар қил гоҳ-гоҳ.  
Дедингки: «Дилинг хушми?» «Ҳа, хуш, албатта,  
Дил бўлсаю ишқ бўлсаю сен бўлсанг, моҳ».

### 31

Дунёга асир бўлмаю озод яша,  
Ич майниу бўл ҳаробу обод яша.  
Ўлимдан эмин эмас тирик жон асло,  
Бир марта ўлу сўнг то абал шод яша.

### 32

Ернинг юзида аслида нам бўлгани соз,  
Ё сабрим ила ғамим баҳам<sup>2</sup> бўлгани соз,  
Ё умр асоси умр каби кам бўлгани соз,  
Ё умр дегани мисоли ғам бўлгани соз.

### 33

Эй дўсту яқинларим, не бўлди, ногоҳ —  
Тарқ айладингиз кетма-кет оламни, оҳ,  
Гар чиқса бир икки ҳафта ичинда моҳ,  
Бир ҳафтада икки ой ботди, эвоҳ...

### 34

Ғам ема, жаҳон зумда ўтиб кетгусидир,  
Оқил дилини ҳамиша хуш этгусидир.  
Бу дунё вафо нималигин билса агар,  
Навбат сенга бошқадан қачон етгусидир?..

### 35

Ёлғизликда ғами хаёли ёрдир,  
Кўзимда кўйи хоки сабаб нур бордир.  
Ёр ҳуснидек ошуфта дилимнинг ҳоли ҳам,  
Билсанг, бутун олам элига ошкордир.

---

<sup>1</sup> Зумуррад — зумрад, яшил тусли қимматбаҳо тош.

<sup>2</sup> Баҳам — бирга.

Тарк айла гуноҳни, пок бўлмоқ лозим,  
Ишқида ёниб, дарднок<sup>1</sup> бўлмоқ лозим.  
Ўрлайди фалакка ўт шамол боисидан,  
Сувдек макони хок бўлмоқ лозим.

Гулчехра сира тарки жафо қилдими? Йўқ.  
Ҳар ваъдаки айлади, вафо қилдими? Йўқ.  
Қўксимга хумор кўзлари ўқлар отади,  
Дейсанки, хато қилди, хато қилдими? Йўқ.

Тонг отди, азизлар, қани, уйғона қолинг,  
Тундан нима қолган бўлса, жомга солинг,  
Ҳар яхши-ёмонни деб камроқ нолинг,  
Бехудлигу бехабарлик ичра йўқолинг...

Тонг боққа етаклади мени дарди ниҳон,  
Ҳол тили билан булбул этар гулга баён:  
«Чиқ гунчалигинг пардасидану шод бўл,  
Бу боғда очилди қанча гуллар бегумон».

Ҳар кеча ғаминг билан, қаламқош ёрим,  
Ой сингари юзинг ишқида, дилдорим,  
То тонгга қадар ойдан узмайман кўз,  
Юлдуз каби ёшга тўлади рухсорим.

Ишқингда бўлиб маству хумор рақс этай,  
Минг битта ғаминг қилиб тумор рақс этай.  
Қўлиму дилим менинг рақс аъзоси,  
Қани қўлу дил, мен бекарор рақс этай?..

Тонг отмасин, эй тун, тўс офтоб нурини,  
Чарх устидан олма зулматинг чодирини.  
Бўйнимда бу кеча икки қўли ёрнинг,  
Ур икки оёққа сен-да вақт занжирини.

<sup>1</sup> Дарднок — дардли, ғамли.

## 43

Вақт етди — яна булбул ғавғо қиласы,  
Фаррош каби ел боғни мусаффо қиласы.  
Гул кечаги қонли у күйлакни ечиб,  
Юзинг күйида чүп узра маъво қиласы.

## 44

Бул кеча ғамингдан қон аро ётгумдир,  
Бир дарди бедармон аро ётгумдир.  
Гар менга ишонмасанг, хаёлингни юбор,  
Кўрсин у гўё зиндан аро ётгумдир<sup>1</sup>.

## 45

Бир лаҳза лабингни олмагил жом лабидан,  
То топса жаҳон комини дил жом лабидан.  
Омухта жаҳон жомида аччиғу ширин,  
Бул ёр лабидан етгаю ул жом лабидан<sup>2</sup>.

## 46

То ой каби юзингга назар қилди қўзим,  
Бахтдан ўзини фалак қадар қилди қўзим.  
Ҳар кеча ғаминг туфайли киприк ўқидан  
Ўзини ҳимоя то саҳар қилди қўзим.

## 47

Ўқлар ясамиш фунчасидан — гулни қаранг,  
Қилмоқлик учун ёрнинг ҳусни ила жанг.  
Офтоб юзи кўрингач узоқдан тиғдек,  
Қалқон кўлига тутса-да, бўлди ҳоли танг.

## 48

Шам сингари ҳажрида адo бу жоним,  
Охири ҳаётидан жудо бу жоним.  
Шошил тиласанг васлига парвона бўлиш,  
Бўғзим аро айтмоқда видо бу жоним.

## 49

Ойдек нозанин мудом қучоқда бўлсин,  
Үпib лабидан, оғиз қулоқда бўлсин.

<sup>1</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

Бахт оғушыда балқисин энди умрим,  
Чеккан у азобларим узоқда бўлсин.

50

Ишқ ўзни унутишни агар истайди,  
Куйган юрагу қонли жигар истайди.  
Ҳеч нарса ҳисоблайди буларни дилбар,  
Афсус, яна у олтину зар истайди.

51

Келсанг яна, ёр, дилим-да манга келгай,  
Хуш дилгаю жон эса баданга келгай.  
Тарк этди баданни жон, бироқ истар эсанг,  
Бир сўз билан у яна бу танга келгай.

52

Қўп сўзлама, сўздан қачон ёққай зар,  
Бас, сўзга эмас, бир-бирига боққай зар.  
Савсан каби тил бўлса-да жисминг буткул,  
Наргис каби кўздан ташқари оққай зар.

53

Гар нуқрабадан нигор тиласан, тут зар,  
Шамдек ёр учун бошда кўтар ёкут, зар,  
Тий тилни агар бўлмаса зар, сукут зар,  
Дилда тош эмас, тарози ҳам тут — кут зар.

54

Вақт етди йўл олгали жаҳони покка,  
Чиқсин яна бу тубан руҳим афлокка<sup>1</sup>.  
Хокий вужудим тилга кириб дер менга:  
«Вақт етди ўтиргали юзимни хокка».

55

Ичсам-да шароб, мастилик қилмайман мен,  
Зулмга қўл уриб, пастлик қилмайман мен.  
Билдингми шаробга ўчлигим маънисини?  
Сендей сира худпарастлик қилмайман мен.

56

Чарх айланиб маству беомон қўрқитгай,  
Ҳар лаҳзада минг яхши-ёмон қўрқитгай.

<sup>1</sup> Афлок — фалак, осмон.

Шунданми, ишонч ҳеч кишига қолган эмас,  
Ортимдаги соям-да ҳар он қўрқитгай.

### 57

Ёнингга олиб гул каби ҳур чечагини,  
Тут қўлла қадаҳ, бўшатма гул этагини.  
Айшингни суриб қол то ажал ели эсиб,  
Чок қилгунига қадар умр кўйлагини.

### 58

Ишқингда агар ғамим фаровон бўлгай,  
Юз мартаю минг мартаю чандон бўлгай,  
Енгиб ўтаман ғамингни ё мардона,  
Ишқинг ғамида жон ёки қурбон бўлгай.

### 59

Ҳар лаҳза ёқар дилни санам ҳижрони,  
Тошдир у кўнгил ёнмаса – йўқ ёлғони.  
Ёшинг қуриган бўлса, ема ғам, эй кўз,  
Ёш ўрнига оқар энди жигар қони.

### 60

Кўз ёш қўшилиб хаста жигар қони билан,  
Дув тўклилар ўтсам эшиги ёни билан.  
Юзимни ювиб чиқар узун тунларда  
Хоки пойини бир ўпиш армони билан.

### 61

Тунлар оҳу ноладир ишим тонгга қадар,  
Тун ўтдими, тўхтар нолишим тонгга қадар.  
Ёпинчиғи бор уйқуни-да – номи қабоқ,  
Ёпсин ўша кўзни, хоҳишим, тонгга қадар.

### 62

Бош ўйнадиму бўлмади ёр шод сира ҳам,  
Келтириди беҳуда ишларим қайғу-алам.  
Бир ишвасининг баҳосига жонни сўрар,  
Дил дейди: мени ҳам қўш – жоннинг ўзи кам.

### 63

Эслаб қадини, дилда фироқ, нола қилар,  
Сарв устидаги қушдек узоқ нола қилар.  
Дерлар менга нола қилма кўп, бу ғамни,  
Дил тугул, тоғ кўтарса, тоғ нола қилар.

Васл неъматидан баҳра күз ёш менга,  
Боиси бу ол чехра күз ёш менга.  
Юлдузу қүёши ила тун-кун бу фалак  
Битта күзу минг қатра күз ёш менга.

Мен тиг ураман ўзимга сен кетсанг узоқ,  
Ўртар сени, ой бўлсанг, ҳар кеча фирок,  
Ёш бўлсанг агар кўзимда тўккуси қароқ<sup>1</sup>,  
Бир зумда ўтарсан умр бўлсанг бироқ.

Ўлим ғамида мунча дилингни тиласан,  
Ўлимдан оғир яшаш агарда биласан,  
Бас, унда ўлимдан қўркиб не қиласан,  
Боқийсан агар ўлишдан аввал ўласан...

Кимки бу жаҳон тузогига банду асир,  
Зулфинг каби у паришон, ошуфтабагир<sup>2</sup>.  
Кўзинг каби шод жаҳонда у, чунки кўзинг  
Мастлиги сабаб бехабар оламдан, ахир.

Ёр ёди билан жон яна ҳамроз бўлди,  
Ҳар бир томирим унга ҳамовоз бўлди.  
Қошида сўзим агарчи гавҳар қилдим,  
Қайтарди, демак, яна бепардоz бўлди.

Дедим: «Не қилай ишқингдан?» Деди: «Ҳазар».  
Дедим: «Нима ей кўйингда». Деди: «Жигар».  
Дедим: «Нима келтирай». Деди: «Бошинг етар».  
Дедим: «Нима етказар висолга». Деди: «Зар».

Қон бўлди кўнгил — жон сўрасанг, белгиси шу,  
Қошингда зору ҳақирилигим улгиси<sup>3</sup> шу.

<sup>1</sup> Қароқ — кўз қорачиги.

<sup>2</sup> Ошуфтабагир — паришонхол, бекарор, девона.

<sup>3</sup> Улги — ибрат, ўрнак, намуна. Бу ерда: аломат, нишона.

Шунга қарамай бўлмади ёриму дегай:  
«Мен нима қилай, қўлимдан келгуси шу».

### 71

Бир кўз борми, то ватаним деб йиғлар,  
Бечора дилимнинг ғамини еб йиғлар.  
Йиғларди кеча юз киши бир мурдани деб,  
Бугун бири йўқ юз кишини деб йиғлар.

### 72

Гул орзу қиласр ёр юзилик бўлса қани,  
Зулфи каби хушбўй ҳидга тўлса қани.  
Юз хил кўринишда ҳар йили жилва қиласр,  
Шояд бири ёр юзи каби кулса қани...

### 73

Чолғувчи ўзингсану мени чолғуга йўй,  
Чал мени — ҳазин қуимга тўлсин қўча-кўй.  
Гар урмаса сени деб бирорта томир,  
От ташқарига узибу бошқасини кўй.

### 74

Розингни бировга, жонон, айтиб бўлмас,  
Жонни бериш ундан осон, айтиб бўлмас.  
Сен тингламасанг, кимга очай қўнглимни,  
Бу дардим бировга ҳеч он айтиб бўлмас.

### 75

Ашким қондан қўйقا каби шира эмиш,  
Сен кетдингу йўлингда кўзим хира эмиш.  
Сарчашмаси<sup>1</sup> дилда бўлади кўз ёшининг,  
Қон тўйса кўзим, сабаб дили тира<sup>2</sup> эмиш.

### 76

Ҳар икки кўзим сира тиним билмайди,  
Иzlайди нишонингни — қўним билмайди.  
Кунлар ҳавасингда айланиб дунёни,  
Тун ёшига гарқлигини ким билмайди?

### 77

Соҳибназарлар шам мисоли пинҳон,  
Кўнглини жаҳон молига қилмас қурбон.  
Офат чоғида танир улар ўзларини,  
Маълум ўзининг ҳоли ўзига ҳар он.

<sup>1</sup> Сарчашма — булоқбоши; сув чиқадиган жой; булоқ, манба.

<sup>2</sup> Тира (Тийра) — 1) қора, қоронғи, хира, нурсиз; 2) қайгули, ғам-ғуссали.

То эшигининг остигача тўқмаса зар,  
Ул нуқрабадан ҳаттоқи солмайди назар.  
Зар белга камардек боғлаб келсанг агар,  
Ёр ҳам қучоғингта келади мисли камар.

Ўтказсанг агар беҳудаю бекор умр,  
Сен уни хисоб айламагин зинҳор умр,  
Ўйлаб қарасанг, сенга экан то ёр умр,  
Битмас хазина сенга, бўл иқрор, умр.

Зар ўйнатади барча гўзаллар кўзини.  
Ўздан кетишар эшитсалар зар сўзини.  
Бошида кулоҳ бўлса-да, наргисга қара,  
У қай даражади буркади зарга ўзини.

Жонимга шароб берар ҳузур, тут қўлга,  
Ёрдек у қадаҳ дилга ёкур, тут қўлга.  
Занжир каби тортар ўзига ҳар дам май,  
Мен қўйида бўлдим бешуур<sup>1</sup>, тут қўлга<sup>2</sup>.

Боқ, жажжигина қадаҳга ўхшар лола,  
Ярми зилол май, ярми қуйқа тўла.  
Кўргил яна гул баргидаги шабнамни,  
Муз боғлагани каби эриб пиёла.

Ёр ўтди-ю, ёшимни қилиб кетди равон,  
Бўғзимга етишса-да, ҳануз чиқмади жон.  
Сўзлар менга, менинг қулогим унда ҳамон:  
«Бечора йигит ёш эди ҳали бегумон».

Ишқ иўлида кўз раҳнамо бўлди дилга,  
Дунёдаги барча фусса тўлди дилга.  
Ҳажрида агар қолмаса бир куни дилим,  
Кўздан сўрангки, нима бўлди дилга?

<sup>1</sup> Бешуур — онгсиз, ҳушсиз.

<sup>2</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

# РАЗИИДДИН АЛИ ЛОЛО

## (вафоти 1243)

Шайх Разиииддин Али ибн Саид ибн Абдулжалил Лоло алоҳида истеъоди туфайли 15 ёшида Нажмиддин Куброго мурид бўлган. Отаси Ҳаким Саноййнинг амакиваччаси бўлган. У Шарқда энг кўп — 164 шайхнинг сұхбати ва хизматида бўлгани ривоят қилинади. Алишер Навоийнинг ёзишича, 124 комил пирдан хирқа олган ва вафоти чогида 113 хирқа ёнида бўлган<sup>1</sup>. Нажмиддин Кубро топшириғига кўра Ҳиндистонга бориб, улуғ авлиё Абуурризо Ратан сұхбатига етади ва ундан Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзига аталган омонати — тароқларидан бирини олади. Исфаҳонда оламдан ўтган. Мақбараси «Лоло гунбази» номи билан машҳур бўлиб, шаҳардаги табаррук зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Ундан тасаввуфга оид бир неча рисолалар, сўфиёна шеърлар мерос қолган.

### 1

Минг жон ила бу дил ҳаридорингдир,  
Минг дил ила бу жон гирифтoringдир.  
Йўқ сабру ҳаловати висолинг излаб,  
Ҳар бир кишининг орзуси дийдорингдир.

### 2

Ишқ гарчи жигар-бағринг эзиб, қон қилгай,  
Кўксингни садафдек дурга кон қилгай.  
Ишқ юки оғир, лекин кўтарсанг шоҳдек,  
Шоҳларни унинг меваси ларzon қилгай.

### 3

Зикр етдими дилга, унга дард ҳам етади,  
Дил дарди мардни яна ҳам мард этади.  
Ҳақ ишқи ўтида ўзи ёнгай, аммо,  
Дўзахни у бошқалар учун совутади<sup>2</sup>.

### 4

То Ҳақ нури бошинг узра сочилмас,  
Дил йўли сенинг учун сира очилмас.  
То турна каби айламасанг дил зикрин,  
Дил чашмасидан бўғзингга ҳеч сув келмас.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 304-бет.

<sup>2</sup> Абдулхолик Фиждувоний, Нажмиддин Кубро ва Хожа Али Ромитанийлар ижодида ҳам шунга ўхшаш робоий учрайди.

# ШАМСИДДИН ТАБРИЗИЙ

## (1188—1248)

Шамсiddин Мұхаммад Али ибн Малиқдод Табризий Шайх Абубакр Саллабоф Табризий, Шайх Рукнииддин Синжосий, Бобо Камол Жандиі каби ўз даврининг машхур пирлари тарбиясини олган. Шайх Авҳадиддин Кирмоний, Шайх Фахриддин Ироқий, Шайх Закариё Мултоний сингари комил сўфийларнинг суҳбатига мусассар бўлган, Дамашқда улуғ тасаввуф олими Мұхйиддин ибн Арабий билан баҳсу мунозара қилган буюк сўфий эди. У шариат билимлари билан бирга, риёзиёт<sup>1</sup> ва фалсафадан ҳам яхшигина хабардор бўлган. Ундан «Мақолоти Шамс» номи билан машхур мақолалар тўплами ва шеърлар девони бизгача етиб келган. «Уларнинг барчаси илоҳий ишқ таърифи ва сўфиёна мулоҳазалар мажмуидир»<sup>2</sup>.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Бобо Камол Шамсга:

— Сен Румга сафар қил — у ерда куйган бир инсон бор. Унинг вужудини ёндириш керак, — деган экан. Дарҳақиқат, ўзини безовта руҳининг ихтиёрига топшириб, шаҳарма-шаҳар муносиб суҳбатдош қидириб юрган бу мажзуб<sup>3</sup> дарвеш уни Мавлоно Жалолиддин Румий сиймосида Кўнияда топади. Бу учрашув 1244 йил 26 ноябрда содир бўлади. Шундан кейин улар хилватга кириб, нақ уч ой суҳбат қурадилар. Уларнинг тинчини бузишга ҳеч ким журъат қилолмайди. Жалолиддин дарслари ва ваъзларини унугтади. Бу суҳбатлар натижасида фақиҳ ва мударрис Мавлоно сўфий ва шоир Мавлонога айланади. Шу тариқа, авлиё шоир Фаридиддин Аттор башорати ва мажзуб дарвеш Шамсиддин Табризий даъвати билан Жалолиддин Румий буюк мутасаввиф шоир бўлиб етишади. Унинг шеърларидан бирида: «Агар Аттор менга руҳ баҳш этган бўлса, Шамс Табризий тилсим қалитини тутқазди», — дейиши бежиз эмас. Ҳатто шеърларини Шамс тахаллуси билан ёзил, девони «Девони Шамс Табризий» номи билан шуҳрат қозонади.

Унинг қўйидаги сўzlари машхур:

«Қачонгача умрингизни фалончининг сўзию пистончининг ҳикмати деб зое этасиз. Асл моҳияти билан ўзларингники бўлган ўз сўzlаринг қани?!»

«Ҳамманинг юзи Каъбага ўгирилган. Каъбани олиб қўйсанг, маълум бўладиким, инсонлар бир-бирининг қалбига сифинур. Бирининг қалби — бошқаси учун саждагоҳ».

<sup>1</sup> Риёзиёт — ҳисоб илми, математика.

<sup>2</sup> Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 130-бет.


<sup>3</sup> Мажзуб — ошуфта, девона.

## 1

Бошга күтариш фалакни — бу важд эмас,  
 Бехудлик аро ё етказиш ўзга шикаст.  
 Чин важд будир — етти фалак поясини  
 Ким ҳиммати олдида агар айласа паст.

## 2

Ринд аҳли табиати азалдан шундай,  
 Шод ким яширин сирни фош этса жиндай.  
 Мүмин дину сўфий эътиқоддан қайтди,  
 Тарсо кириб исломга, ошиқ ичгай май...



# САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ

(1190 — 1261)

Шайх ул-олам — оламнинг шайхи номи билан машҳур бўлган улуғ авлиё, етук шоир, забардаст олим ва ҳассос воиз Сайфиддин Бохарзий Эроннинг Бохарз қишлоғида туғилган. Нишопур ва Ҳирот мадрасаларида таҳсил олиб, фикҳ, ҳалис, тафсир ва бошқа фанларда ўз даврининг пешқадами бўлган. Кейин Нажмиддин Куброда мурид тушиб, кубравия тариқатига кирган. Мўгуллар Хоразмга ҳужум қилганда устозининг ишорати билан Бухорога келади.

Кубравия тариқатининг йирик намояндаси бўлган бу забардаст тариқат пири ва пешқадам аллома Мовароуннаҳр ва Ҳурсоннинг нафақат диний-тасаввуфий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Ундан кубравиянинг ҳинд тармоғи — фирдавсия бошланади.

Халқ орасида нуфузи баландлиги мўғул хонларини ҳам Сайфиддин Бохарзий билан ҳисоблашишга мажбур этган. Мункехон, Ҳулагуҳон ва Ҳубилайхонларнинг онаси Суюрқўктани бека Бухорода мадраса ва хонақоҳ қурдириб, шайхни унга мутавалли қилиб тайинлаган, кўплаб қишлоқларни унга вакф қилган. Чингизхоннинг невараси — Олтин Ўрда хони Беркахон Бухорога келиб, унга мурид тушган, ислом динини қабул қилиб, Баракахон номини олган. Шу муносабат билан унга «шайх ул-олам» — «олам шайхи» унвони берилган<sup>1</sup>.

Сайфиддин Бохарзий мақбараси Бухоронинг Фатҳобод мавзесида.

Сайфиддин Бохарзий «Шарҳ ул-асмо ул-хусна» («Оллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи»), «Воқеаи хилват» («Хилват воқеаси»), «Рўзнома» («Куннома»), «Васиятнома» асарлари ва «Рубоиёт» («Рубоийлар») тўплами муаллифи ҳисобланади<sup>2</sup>. Унга 650 та рубоийни нисбат берадилар.

Сайфиддин Бохарзий рубоийлари асосан зикру самоъ мажлисларida бадеҳатан айтилган бўлиб, барчаси тасаввуфий мазмунда: уларда ҳақ ўйлига даъват қилинади, илоҳий ишқ улуғланади, тасаввуфнинг баъзи форя ва талаблари ифодаланади, инсоний камолот масалаларидан баҳс юритилади, ҳижрондаги ошиқ кўнглининг дарду изтироблари, туйғу-кечинмалари тасвирланади ва ҳоказо. Бу рубоийлар буюк тасаввуф пирининг шоирлик салоҳияти ва маҳорати ҳам баланд бўлганлигидан дарақ беради.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. 205-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. — Бухоро, 2006.114-бет.

Сайфиддин Бохарзий ҳақида Садриддин Салим Бухорий,  
Қаҳрамон Ражабов, Эргаш Очилов каби олим ва адиллар у ёки бу  
даражада тадқиқот ишларини олиб борганлар<sup>1</sup>. Таниқли шоир  
Тошпўлат Аҳмад у ҳақида баллада ёзган.

## 1

Бир дунё гуноҳни мен агар қилганман,  
Ҳеч узмай умид, лутф этишинг билганман.  
Дединг: чорасиз қолсанг агар қўллайман,  
Кўлла мени — бир чора сўраб келганман...

## 2

Бу элга қачонгача жафо этгайсан?  
Эл кўнглини ҳеч сабабсиз оғритгайсан.  
Ҳақ аҳли қўлида қонсираган тиф бор,  
Тегса сенга, бошингга ўзинг етгайсан!<sup>12</sup>

## 3

Худди қоровул сингари мен бечора  
Ҳар тун эшигинг атрофида овора.  
Маҳшар куни итларинг сафида зора,  
Айтишса менинг номимни ҳам бир бора...

## 4

Бўлгим келар ишқдан гаҳи бегона,  
Орому ҳаловатга яқин, ҳамхона.  
Дуч келса менга бир парипайкар<sup>3</sup> ногоҳ,  
Кўйида, қарабсиз, яна мен девона<sup>4</sup>.

## 5

Ўйлаб қоламан, Хўтан гўзали, баъзан,  
Мен сенми ва ё сен меним деб, зотан,  
Бўлсанг-да узоқда, иккимиздир бир тан,  
Мен кимман агар сен менсан, айт, равшан?!

## 6

Биз — кекса, бироқ чалинса ишқ сози агар,  
Кўнгил қушимиз юксалади кўкка қадар.

<sup>1</sup> Қаранг: Бухорий Садриддин Салим. Ҳазрат Шайх ул-олам. // Икки юз етмиш етти пир. 108—115-бетлар; Ражабов Қ. Сайфиддин Бохарзий. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. — Тошкент, 2004. 434-бет; Очилов Э. Олам шайхи. // «Нақшбандия», 2009, 1-сон, 28 — 32-бетлар.

<sup>2</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

<sup>3</sup> Парипайкар — пари суратли, гўзал, соҳибжамол.

<sup>4</sup> Бу рубоий Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади.

Арқон эшамиз ёрнинг узун соchlаридан,  
Қайтарми деб, ўтган умр бўйнига магар...

7

Мард мардлигини қилмагай асло ошкор,  
Мардлик қиласу бировга этмас изҳор,  
Мард ўқ есаю бўлса вужуди тор-тор,  
Дўстидан ўтирумайди юзини зинҳор.

8

Майхона пири қиласу фигон дардингдан,  
Ринд аҳлида шўру ғалаён дардингдан,  
Майхўр чекади наъра чунон дардингдан,  
Ошиқ танида жўшади қон дардингдан.

9

Тошнинг кўзидан оқизади қон бу ғаминг,  
На дўсту на душман билар — пинҳон бу ғаминг.  
Ҳар қанча ғаминг бўлса, мен ичимга ютай,  
То мендан сўнг билмасин инсон бу ғаминг.

10

Ишқ ичра «Қачон?» «Қандай?» деган сўз бўлмас,  
Майсиз юрасан маству бу бежиз бўлмас.  
Кўз бўлади раҳнамо ошиқлар учун,  
Бу ишқ йўлида чунки бирор из бўлмас.

11

Мени фарибу кимсасизу хор қилдинг,  
Бечора, фақирликка гирифтор қилдинг.  
Бу сенга яқинларнинг мақоми — бунга  
Қай мақбул ишим сазовор қилдинг<sup>1</sup>.

12

Ишқ олдида чора топа олмас шер ҳам,  
Уммондир у бағрида жавоҳирлар жам.  
Гоҳ дўст бўлиб, юзини кўрсатгай у,  
Гоҳ ёв каби қонингни тўкар хотиржам.

<sup>1</sup> Бу рубоий Абдуллоҳ Ансорий, Нажмиддин Кубро ва Ибн Насуҳдарга ҳам нисбат берилади.

## 13

Үзимни үзим ишқида хуррам тутаман,  
Дил тұлағам мисоли бегам тутаман.  
Сезсам-да ажал шарпасини, құнглымни  
Хеч нарсани билмаган каби жам тутаман.

## 14

Ҳақ ишқи қүёши нур сочавергайдир,  
Жон дунёни тарк этиб, қочавергайдир.  
Мард етгуси шундайин мақомга бир кун —  
Дүст унга ҳамиша юз очавергайдир.

## 15

Қисмат китоби ичидаги ҳар нұқта  
Ризқ суфраси четига чекилған пухта.  
Ҳар заррани ёрганда бўлади маълум  
Бир дунё фароғат унга омухта.

## 16

«Ло»<sup>1</sup> катта балиқдек яшириндир, билсанг,  
«Илло»<sup>2</sup> хазина каби тайиндир, билсанг.  
Үзингдан ўзинг томон «алиф»дек<sup>3</sup> хат бор,  
Азалу абад сири шу — чин, билсанг.

## 17

Бизнинг йўлимиз асли азал бадномлик,  
Куйган кишилардан улushimaз хомлик.  
Нокомлигимиз дўст дили орзуси экан,  
Бизнинг дилимиз орзуси ҳам нокомлик.

## 18

Ҳар дам юрагим ғамингга ҳамроуз бўлади,  
Юз шодлик сози мен учун соз бўлади.  
Афзал сенга жон қылса фило, бедона —  
Шаҳбозга бериб жонини, шаҳбоз бўлади.

## 19

Шарти бу харботийликнинг аввал:  
Бош ўйнаш учун кулоҳ, камар, от афзал.

<sup>1</sup> Ло — йўқ, эмас (инкор аломати).

<sup>2</sup> Илло — аммо, лекин, магар.

<sup>3</sup> Алиф — араб алифбосининг биринчи ҳарфи — тўғри чизиққа ўхшайди.

Кайф ошса, яна оёқ чалишса сал-пал,  
Үлтири дейишишар күттармасин деб жанжал.

## 20

Күнглимга дедим: ишинг мудом жангы жадал,  
Бутхонада жойнамоз талаб қилма, уял.  
Келтир, деди у, мени харобот қошига,  
Сен унда овора бўлма, ёр бунда азал.

## 21

Ҳар куни гулистонга борурман ғамнок<sup>1</sup>,  
Ғунча каби сабр кўйлагини айлаб чок.  
Тупроққа кечакирган гулимнинг хабарин  
Келтирса дея бугун очилган гули пок.

## 22

Ёр юрти сари айла сафар, элчи шамол,  
Ўрнимга кўйи тупроғига бош ура қол.  
Сендан менинг аҳволим агар қилса савол,  
Топди дегил, айрилиқда бечора завол.



---

<sup>1</sup> *Famnok* — ғамгин, қайғули.

# САЪДИДДИН ҲАМАВИЙ

## (вафоти 1252)

Муҳаммад Муъайяд ибн Абубакр ибн Абулҳасан ибн Муҳаммад Саъдиддин Ҳамавий Нажмиддин Кубронинг етук халифаларидан бўлиб, зоҳирий ва ботиний илмларда ўз даврининг ягонаси, ҳол ва риёзат соҳиби эди. Садриддин Кўниявий унинг сұхбатига борар эди. Азизиддин Насафийга тасаввуф таълимотидан сабоқ бериб, уни тариқат йўлига бошлаган «Саъдиддиннинг энг мўътабар ва нозик фикрлари Насафийнинг асарларида акс этган»<sup>1</sup>. Бир муддат Қосун тоги этагида яшаб, сўнг Хуросонга қайтади ва шу ерда вафот этади.

Қабри Баҳробода.

«Ал-мисбоҳ фит-тасаввуф» («Тасаввуф машъали») асари машҳур. Шунингдек, «Сажанжал ул-арвоҳ» («Рұҳлар кўзгуси») ва «Маҳбуб» асарлари ҳам кенг тарқалган<sup>2</sup>.

### 1

Кўнглим ичию ташила пинҳон ўша ёр,  
Жисмимдаги жон, томирдаги қон ўша ёр.  
Бир ерга сифарми сира қуфру иймон?  
Бу жону кўнгил тахтида султон ўша ёр.

### 2

Бир ўзгача борлиқ бу сенинг борлиғинг,  
Бир ўзгача хумморлик хумморлигинг.  
Бир ўзганинг енги эканига қўлинг,  
Ўйлаб қарасанг, ортади иқрорлигинг.

### 3

Бўйинг жуда мўътадил: на баланду на паст,  
Кўзинг эса нимхумор:<sup>3</sup> на ҳушёру на маст.  
Қандай бўлишинг керак эса — шундайсан,  
Сендай нозанинни бу жаҳон кўрган эмас!

### 4

Сенсиз сира ҳам қарору оромим йўқ,  
Сенсиз сира зоту сифату номим йўқ,

<sup>1</sup> Абдулризо Сайф. Азизиддин Насафийнинг ҳаёти ва ижоди // «Сино» журнали, 2002, Куз (№7), 13-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 294 — 295-бетлар.

<sup>3</sup> Нимхумор — ярим маст, сархуш.

Бир бўса олишдан ўзга ҳеч комим йўқ,  
Зулфингу юзингиз тонгу шомим йўқ.

5

Борми киши то юзингга у мафтун эмас,  
Девонаю мендек, сочинингга тутқун эмас.  
Тенгсиз десалар-да жаннат ул-маъвони<sup>1</sup>,  
Яхши биламан: кўйингдан у афзун<sup>2</sup> эмас.

6

Сайр этгали ёр гоҳида бўстонга келар,  
Хусни нуридан бу дунё туғёнга келар,  
Ошкору ниҳон ҳам дилу ҳам жонга келар,  
Кофири кишилар барчаси иймонга келар.

7

Бу дил самоъ вақтида дилдорга етар,  
Бу жон эса илоҳий асрорга етар.  
Бу фитна учар от каби жонингни олиб,  
Очгунча юмиб кўз олами ёрга етар.

8

Ишқ отини айласа ўзига ёр дил,  
Ҳар қанча муродига етар бу зор дил.  
Дил бўлмаса, қай ерда ватан тутгай ишқ?  
Ишқ бўлмаса, не ишга ярар ночор дил?

9

Ҳажрингда танимни хасталик тутди бутун,  
Ҳар битта ишимга бу фалак солди тугун.  
Аҳдингни бузиб, сен ҳам дард устига дард —  
Кўшма яна кўп менда ўзи дарду жунун<sup>3</sup>.

10

Мен чин дилдан ўзингга бўлдим шайдо,  
Бегонани қилмадим тасаввур асло.  
Сенга шу қадар боғладим умид, жоно,  
Феълингни феълимга ўхшатибман ҳатто.

<sup>1</sup> Жаннат ул-маъво — биҳишт.

<sup>2</sup> Афзун (Фузун) — ортиқ, кўп, зиёда.

<sup>3</sup> Маждиддин Бағдодийга нисбат берилган рубоийлар ичида ҳам шу мазмун-даги рубоий мавжуд.

Сенсиз на биҳишт керак менга, на ризвон<sup>1</sup>,  
На Кавсару<sup>2</sup> на оби ҳаётдир дармон.  
Қаҳр этсанг агар, биҳишт дўзахдир шул он,  
Лутф этсанг агар дўзахда ҳам яйрап жон.

Ҳар ёққа қараб, фақат сени кўргум, ёр,  
Кўзимда фақат сен — ўзгага не ҳам бор?  
Мен бошқага боқмагум қиё ҳам зинҳор,  
Мен бошқага бир қарашга қилгайман ор.

Бир боқса қиё, дилим тушар түғёнга,  
Сабр ўрнини бўшатар оху афғонга,  
Сўз қотса агар мен ошиқи ҳайронга,  
Ажраб ҳушдан, айланаман қурбонга.

Зикр этсам агар жон ҳиди келгай ундан,  
Бир ёри қадрлон ҳиди келгай ундан,  
Сўз бошласа, ирфон ҳиди келгай ундан,  
Бор асрори пинҳон ҳиди келгай ундан.

Ҳақ офтобу ҳар икки олам соя,  
Бу сояга бўлган асли нур доя.  
Оёғимиз остидан у чиқди бошга,  
Биз гойибу ундан, бизга у ҳамсоя<sup>3</sup>.

Эй булбули маст, мунча фифон, роз қиласан?  
Ишқ оламида намунча парвоз қиласан?  
Сен ёр юзини кўрган эмассан — билдим,  
Йўқса мендек сабрни ҳамроҳ қиласан.

Ожизлик эса ишинг, забардаст бўласан,  
Маҳв этсанг ўзинг, Ўзига пайваст бўласан.

<sup>1</sup> Ризвон — саккиз биҳиштнинг бири: розилик ва мамнуният жаннати.

<sup>2</sup> Кавсар — жаннатдаги ҳовуз, булоқ. Унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадулабад ташналик нималигини билмайди.

<sup>3</sup> Ҳамсоя — қўшни.

Жисмингни хароб эт — жонга айласан,  
Ишқ бодаси қуйқасини<sup>1</sup> ич — маст бўласан.

18

Сенсиз бирор ишга ҳоҳишм йўқ зинҳор,  
Йўқ розилик оламида сендек бир ёр,  
Пайдою ниҳон юзингни кўрдим бир бор,  
Сенсиз менга завқ багишламас ҳеч гулзор.

19

Кофири бўласан зулфини кўрсанг ёрнинг,  
Мўмин бўласан юз нуридан дилдорнинг.  
Осиљма қуфрга, қарама иймонга,  
Факр иззатини кўрай десанг мен зорнинг.

20


Гар жумла жаҳонни билсанг ўзингта яқин,  
Бу жумла жаҳонда Ҳақни кўргунг яширин.  
Бу жумла жаҳон бору йўғинг кўзгусидир,  
Кўз очма Ҳудодан ўзгани кўрмоқ учун.

21

Ҳеч қилма гумон — яхшию ёмон Ўзидан,  
Асли гуноҳу савоб-да ҳар он Ўзидан.  
Ринд аҳли сурони, муғлар<sup>2</sup> ғавғоси,  
Майхонаю масжиддаги исён Ўзидан.

22

Гул мавсумида бодаи гулранг хушдир,  
Най нола қилиб, чекса фифон чанг хушдир,  
Сен ёрни кўриб, дил шод қилсанг хушдир,  
Душман бўлса фуссада дилтанг хушдир.



<sup>1</sup> Қуйқа (Дурд) — тасаввуфда қаноат ва номуродлик. Машшуқанинг ошиқни бетоқат қилювчи ёдини ҳам билдиради.

<sup>2</sup> Муғ — оташпараст; баъзан оташпарастлар руҳонийси маъносида ҳам келади: мажозан: пири комил.

# БОБО АФЗАЛ

(1195/96—1256 ёки 1265/66)

Мұхаммад ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Афзалиддин Кошоний машхур форс-тожик шоири ва файласуфи бўлиб, баъзи ғазалларини истисно қилганда, асосан рубоий ёзиш билан шуғулланган. Ундан 483 та рубоий етиб келган бўлиб, уларда ҳакимона мулоҳазалар сўфиёна мушоҳадалар билан омухта бўлиб кетган<sup>1</sup>. «Минҳож ул-мубаййин» («Ҳақ йўлининг баёни»), «Мадориж ул-камол» («Камолот мақомлари»), «Роҳи анжомнома» («Илоҳий йўлнинг ниҳояси»), «Арзнома», «Жовидоннома» («Барҳаётлик сири») номли фалсафий асарлари ҳам мавжуд<sup>2</sup>.

1

Гар давлату баҳт менга ёр бўлса эди,  
Гар турғали бир ерда қарор бўлса эди.  
Юрмасдим улоқиб мусоғир юртларда,  
Қўлимда агарда ихтиёр бўлса эди.

2

Уят бўлади улуғласа ўзни киши,  
Элдан ошириб, катта деса сўзни киши.  
Боқ: барчани кўргаю ўзини кўрмас,  
Бу борада ибрат билсин кўзни киши<sup>3</sup>.

3

Ақлингни йигиб, англа ҳаёт мазмунини,  
Ол қўлга чувалган ишларинг тизгинини.  
Бутхона бўлибди ҳар хаёлдан кўнглинг,  
Синдир бутини — Каъбага айлантири уни.

4

Ором тилагим — оромгоҳинг қани у?  
Сенга қани йўл, менга томон йўл бор-ку?  
Юрсанг кунлар тундаги ойдек юз ила,  
Ойдек бу юзингни қиласи тун орзу.

<sup>1</sup> Рубоиёти Бобо Афзал Кошоний. Ба замимаи мухтасари дар аҳвол ва осори вай (Ба қалами Сайд Нафисий). — Техрон, 1985.

<sup>2</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 195; Рубоий ва рубоийсароён. С. 155.

<sup>3</sup> Бу рубоий Абдуллоҳ Ансорийга ҳам нисбат берилади.

## 5

Давр эврилишига чеку поён йўқдир,  
Дунё ишида меъёру мезон йўқдир.  
Ҳар ташвишу фамда қийнама жонингни,  
Соврилган умр дардига дармон йўқдир.

## 6

Бу дунёда бир дўст топиш осон эмас,  
Бегам яшамоқни сира ҳам қилма ҳавас,  
Бор бўлса жаҳонда киши бегам бу нафас  
Ё одам эмас, ёки бу оламдан эмас<sup>1</sup>.

## 7

Ҳар нарсага бу дилингни берсанг ҳечдир,  
Ҳар қанча эшитсангу гапирсанг ҳечдир,  
Бошдан-оёқ оламда югурсанг ҳечдир,  
Бир гўшада охири ўтирсанг ҳечдир<sup>2</sup>.

## 8

Бу дабдабаю давлату даврон ҳечдир,  
Жанг қилса ажал, совуту қалқон ҳечдир.  
Иш оқибатига боққанингда кўрасан:  
Яхшиликдан бошқаси ёлғон, ҳечдир<sup>3</sup>.

## 9

Андишаю тадбирга гар ожиз қоламан,  
Ҳар ҳодисадан ўзимни четга оламан.  
Бечоранинг устида заиф қўлни кўриб,  
Бу мазҳаб аҳлини тушунмай толаман.

## 10

Қўй турфа кароматни — у йўқ қонингда,  
Дарддан оғиз очма, бўлмаса жонингда.  
Заргар ёнида урсангу лоф гавҳардан,  
Аҳмоқлик, агар учрамаса конингда<sup>4</sup>.

## 11

Тупроқ каби хормиз — улуғворлик шу ўзи,  
Ишқ мастилизу чин ҳушёрлик шу ўзи.

<sup>1</sup> Бу робоий Бадриддин Ҳилолийга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Авҳадий Марғийда ҳам шу мазмундаги робоий мавжуд.

<sup>3</sup> Камолиддин Исмоилда ҳам шу мазмундаги робоий мавжуд.

<sup>4</sup> Абусаид Абулхайр иходида ҳам шу мазмундаги робоий мавжуд.

Дармон сўрамасмиз дардимиз бўлса-да кўп,  
Аслида ҳақиқий bemорлик шу ўзи.

## 12

Мендан этагини йифди бир бора дилинг,  
Ўз дардига гўё топди зўр чора дилинг.  
Бас, бир куни мен ҳам узаман дил сендан,  
То етса мурод-мақсадига зора дилинг<sup>1</sup>.

## 13

Дунё ишига ақл азал ҳайрондир,  
Оқилу ҳунарманд аҳли саргардондир.  
Етдим деб шодликка фурурланма сира,  
Шодлик қатида ҳамиша фам пинҳондир.

## 14

Дунё асалидан афзал арпа ноним,  
Кимхоб<sup>2</sup> тўнидан хирқани сўйди жоним.  
Қўй, жоми жаҳоннамодан урма кўп лоф,  
Юз жоми жаҳоннамо менинг қурбоним!

## 15

Мол-дунё учун мунча чекарсан қайфу?  
Кўрдингми жаҳонда яшаганни мангу?!  
Бу тандаги ҳар бир нафасинг омонат,  
Умрингга ишонч — энг алдамчи туйғу<sup>3</sup>.

## 16

Қаттиқ бўлсанг, тиғдек юқори тутишар,  
Юмшоқ бўлсанг, мум каби эзид ўтишар.  
Эгри бўлсанг, тортишар ўзга ёйдек,  
Тўғри бўлсанг, ўқдек узоққа отишар.

## 17

Мен менда эмас, мен деганинг аслида ким?  
Сўзлар менинг оғзиму ўзим бўлса-чи жим.  
Кўйлакдан ўзга мато йўқ эгнимда,  
Мен ҳақда, демак, нишона бермиш шу кийим.

<sup>1</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Кимхоб (Kymxo) — ўриши ипак, арқофи зардан тўқилган мато; шу матодан тикилган кийим.

<sup>3</sup> Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

## 18

Дунё дегани агарчи кенгдир ғоят,  
Умринг пилигин қўйибди қирқиб қисмат.  
На ковуши йиртиқ, на қадоқ оёғи.  
Минг қочма, етар сенга ўлим — бешафқат.

## 19

Қай тоифа ёр ҳузурига етгайдир,  
Ёд қилмай уни, зикрини кам этгайдир.  
Қай тоифа най каби узоқ кетгайдир,  
Қилмай туну кун нола-фигон нетгайдир?

## 20

Дунёга келишди-ю, уришди түғён,  
Ёру маю шодликка бўлишли қурбон,  
Бир коса май ичишли-ю, маству ҳайрон,  
Кетишди абал уйқуга дилда армон.

## 21

Ўзинг берасан бандаларинг ҳожатини,  
Сақлаб турасан яхши-ёмон нисбатини.  
Тўкиб нима қилдим сенга кўнглим сирини,  
Мендан кўра кўпроқ биласан ҳолатини<sup>1</sup>.

## 22

Нодон кишилар нонга сира бўлмади зор,  
Нокис кишиларнинг ҳамиша омади ёр.  
Бок, банда бўлишга арзимас зотларнинг  
Кўлида қатор чўри билан қуллари бор.

## 23

Кечмоқда ҳаёт асир этиб ҳою ҳавас,  
Улфат бўлибон яхши-ёмон, нокасу кас.  
Ўтмоқда худа-бехуда ҳар лаҳза замон,  
Бўлмоқда худа-бехуда зое бу нафас.

## 24

Сен нега турибсан — дўсту ёрлар кетди,  
Қолдинг-ку пиёда, оти борлар кетди.  
Бок, қолмади боғда зоғ-загандан<sup>2</sup> ўзга,  
Гулчехра, кумушбадан нигорлар кетди.

<sup>1</sup> Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Зоғу заган — қарғаю қузгун.

## 25

Дил наъра уриб, жумла жаҳонни истар  
 Ҳам мангу ҳаёт, шуҳрату шонни истар.  
 Бечора қаердан билсин, йўл пойлаб,  
 Ҳар лаҳза ўлим овчиси жонни истар.

## 26

Бу ишқ азалийдиру абад бўлгайдир,  
 Бу ишқ ошиғи беадад<sup>1</sup> бўлгайдир.  
 Юз берса қиёмат, ишқ ўтидан ҳар дил —  
 Ўтган эса бебаҳра, у рад бўлгайдир.

## 27

Эй ҳаммадан озурда<sup>2</sup>, беозор яша,  
 Кўп ҳийлага алданмаю ҳушёр яша.  
 Оромгоҳидир ажал наҳангин оғзинг,  
 Оромгоҳида наҳангни(нг) бедор яша.

## 28

Эй дил, нимадан озурдасан, шодон бўл,  
 Донолигинг айб экан, етар, нодон бўл.  
 Дев кўлидан элни қутқарай десанг агар,  
 Элнинг кўзидан пари каби пинҳон бўл.

## 29

Бир кун кирап, эски анъана, тупроққа,  
 Нафс ошиғи бўлган бу тана тупроққа.  
 Жон ортидан оҳ-нола қилиб айтармиш:  
 Тупроқ эди — қўшилди яна тупроққа.

## 30

Ўт солди кўнгилга жоми Жамшид васли,  
 Билмай тиним изладик қишу ёз фасли.  
 Жом таърифини сўрсак агар устоздан,  
 Биз жоми жаҳоннамо эканмиз асли<sup>3</sup>.

## 31

Йўқ фойда фазилатдан — қийналгай жон,  
 Йўқ гарчи фазилатдан афзал ҳеч он.  
 Итлар кўлига ўтди бу кун нон буткул,  
 Итлар кўлидан эса ололмайсан нон.

<sup>1</sup> *Беадад* — сон-саноқсиз.

<sup>2</sup> *Озурда* — озор чеккан, ранжиган, хафа бўлган.

<sup>3</sup> Шайх Рўзбехон Буқлий ва Азизиддин Насафийларда ҳам шу мазмундаги рубобий мавжуд.

Дунё — жому түнтарилган тандир осмон,  
Биз жом ичидәю жом ичи тұла қон.  
Бу чарху фалак ишига олам ҳайрон:  
Парда ичидә қандай ўйинлар пінқон?!

Мен ўз вужудимдан жуда бўлдим безор,  
Чунки ундан кўрмадим-еј наф зинҳор.  
Тарк айлаб уни, адамга тез етмоқ учун  
Дарҳол бу тубан макондан ўтмоқ даркор.

Дунёга келиш-кетишида не маъно бор?  
Умримиз умид инида қайда бир тор?  
Бу умр даричасида не пок жонлар  
Ёнди-ю, кул бўлди — тутун йўқ зинҳор<sup>1</sup>.

Дунё ғамидан гапирсанг, эй дил, қон бўл,  
Бундан кўра ўзни чоғ қилиб, шодмон бўл.  
Бу мангу макон эмаслигини биласан,  
Тарк этгунг уни бир куни хоҳ султон бўл.

Мажнунники чўл — унда унар гул, лола,  
Деҳқонники кўк — ёғдиради дур, жола.  
Зоҳидники кавсару биҳишту тўбий<sup>2</sup>,  
Бизники кўнгил — тұла фифону нола.

Жамшид жомини қидирса ким, бил нодон,  
Таҳқиқ этмай қилас гумон у ҳар он.  
Тупроқ олу қўлга, қара: ҳар заррасида  
Бир жоми жаҳоннамо ҳамиша пинҳон.

Химмати улуғ киши саналгайдир мард,  
Мол-дунё ҳаваси кўнглига солмас дард.  
Тупроқ уйини тасарруф<sup>3</sup> этса ҳарчанд,  
Химмат этагига сира қўндирмас гард.

<sup>1</sup> Умар Хайём ижодида ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

<sup>2</sup> Тўбий (Tўbo) — жаннатда ўсадиган ранг-баранг мевали ва хушбўй ҳидли серсоя дарахт.

<sup>3</sup> Tasarruf — ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш.

Үт күйма, ҳазир бўл<sup>1</sup>, бор-йўғингга асло,  
Шодлик билан ўтмас ҳаётинг ҳеч асно.  
Бир дилга сира сигмагай икки севги,  
Ҳақни тиласанг, дунёга боқма қиё.

Ул кимсаки, кўкси ичини дил билди,  
Мақсадни икки қадамда ҳосил билди.  
Илму вараю<sup>2</sup> зуҳду талабу мақсад —  
Булар бари йўл, у эса манзил билди.

Кам сўзла ҳамиша, беҳуда сўзни унут,  
Сўз сўрмаса сендан то бирор, сақла сукут.  
Тил битта, оғиз битта, қулоқ иккитадир,  
Бу дегани битта гапириу икки эшит.

Эй Ҳақ сири соҳибио эй кони сахо<sup>1</sup>,  
Сен битта саволимга жавоб бер бехато.  
Дерлар: «Худо бор эди — бўлак ҳеч нарса».  
Ҳеч нарса бўлмаса, эди қайдা Худо?<sup>12</sup>

Кўп кўксингга урма, сенда дил борми ўзи?  
Умр бўйи юрарсан — манзил борми ўзи?  
Хилватдану хилват аҳлидан айла ибо,  
Кўп чилла ўтиридинг, ҳосил борми ўзи?

Дардинг сени дилшод қилади ҳар жонни,  
Куфринг эса поклайди мудом иймонни.  
Дилроҳату васлинг юзини кўрмасин-ей,  
Дардингни қўйиб, қилса умид дармонни.

Гар маст эмасанг, маст каби кўрсатма ўзинг,  
Ўғри эмасант, ўйнамасин икки кўзинг.  
Воқиф сира бўлмасин эл аҳволингдан,  
Риндлик қилу тақводор каби сўзла сўзинг.

<sup>1</sup> Ҳазир бўлмоқ — эҳтиёт бўлмоқ.

<sup>2</sup> Вараъ — тариқатнинг иккинчи мақоми бўлиб, тақво, парҳез маъноларини билдиради: тил вараъи, кўз вараъи, қалб вараъига бўлинади.

<sup>3</sup> Сахо — сахийлик, саховат.

<sup>4</sup> Бу билан шоир: «Худонинг ўзи ҳамма нарса эмасми?» — демоқчи. — Э.О.

# САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

(1203 — 1291)

Машхур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Муслимиддин Саъдий Шерозий бошлангич маъдумотни туғилган шаҳри Шерозда олгач, таҳсилни давом эттириш учун халифалик пойтахти Бағдодга боради. Низомия ва Мустансирия мадрасаларида калом, фиқҳ, тафсир илмлари, араб тили сарфу наҳфи, араб ва форс адабиёти, Шарқ фалсафаси, тарих, мантиқ, тиб ҳамда бошқа табиий ва аниқ фанларни ўрганади. Таниқли тасаввув олимни ва файласуф алиб Шаҳобиддин Суҳравардий ҳамда йирик илоҳиёт алломаси Абулфараж Абдураҳмон ибн Жавзий қўлида таҳсил олади.

Мадрасани тугатган Саъдий гоҳ олим ва воиз, гоҳ сўфий ва дарвеш суратида Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хурасон, Шарқий Туркистон каби мамлакатлар бўйлаб 20 йилдан ортиқ саёҳат қиласиди. XIII асрнинг ўрталарида Шерозга қайтиб келган шоир дунё ташвишларидан ўзини четта олиб, шаҳар чеккасидаги шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф хонақоҳида фақирона ҳаёт кечиради.

Саъдий Шерозийнинг Эронда Мұхаммадали Фурӯгий томонидан тартиб берилган куллиёти 18 қисмдан иборат: 1. Гулистон. 2. Бўстон. 3. Фазалиёт (Фазаллар). 4. Таржеъот (Таржеъбандлар). 5. Қитъаот (Қитъалар). 6. Рубоиёт (Рубоийлар). 7. Мулҳақот (Пайваста шеърлар). 8. Муфрадот (Фардлар). 9. Мавоиз (Панд-насиҳатлар). 10. Маросий (Марсиялар). 11. Қасоиди арабий (Арабча қасидалар). 12. Фазалиёти муштамил бар панду насиҳат (Панд-насиҳат мавзуидаги фазаллар). 13. Мусалласот (Мусалласлар — ҳар банди уч мисрадан иборат шеър тури: дастлабки икки мисраси ўзаро қофиядош бўлиб, учинчи мисра кейинги бандларнинг охирги мисраси билан қофиядош бўлади). 14. Қитъаот. 15. Рубоиёт дар ахлоқу мавъиза (Ахлоқ ва панд-насиҳат мавзуидаги рубоийлар). 16. Маснавиёт (Маснавийлар). 17. Муфрадот. 18. Расойили наср (Насрий рисолалар)<sup>1</sup>.

Саъдий асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машхур. «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келган. Мумтоз шоирларимиз бу улуғ сўз санъаткоридан ўргангандар, таъсирланганлар. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-кулуб», Хожанинг «Гулзор», Абдулла Авлонийнинг «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» асарлари бевосита Саъдий «Гулистон»и таъсирида яратилган. «Девони Фоний»да Саъдий фазалига 22 та татаббӯй, унинг таврида 4 та фазал мавжуд. Саъдий асарларини ўзбек тилига Сайфи Саройи, Мұхаммадризо Огаҳий, Муродхўжа домла,

<sup>1</sup> Қаранг: Куллиёти Саъдий. — Техрон, 2002.

Сидқий Хондайлиқүй, Faфур Fулом, Чустий, Muинзода, Шоислом Шомуҳамедов, Рустам Комилов, Ҳаёт Неъмат Самарқандий, Эргаш Очиловлар таржима қилғанлар.

1

Кўнглим ўтидан ичимдаги қон қайнар,  
Шундан мени эл телба дебон гап ўйнар.  
Ким қўрса эди Лайли юзини бир бор,  
Билгай эди: Мажнунни нима дард қийнар?

2

Ваҳ-ваҳ, на қиёмат бу келишган қомат!  
Йўқ сарвда ҳатто қоматингга нисбат!  
Бошланди қиёмат, демасин, марҳумлар,  
Ҳеч ўтма мозор қошидан, эй моҳталъят!<sup>1</sup>

3

Бузганча вафо шартини ул жонона,  
Тарк айлади — кўнглимни қилиб вайронга.  
Деди: «Мени уйқунгда кўрарсан энди!»  
Дедим: «Менга сенсиз уйқудир бегона!»

4

Тунлар ўтади — уйқу қочиб кўзимдан,  
Кўнглимни узолмагум дилафрўзимдан.  
Ўз қўли билан тўкса эди қонимни,  
Ўлсам эди рози бўлиб ўз-ўзимдан.

5

Сабрим тугади — қилди кўнгил ёрни ҳавас,  
Жонимни оёғи остига ташла-ю, бас,  
Минг онт ичай эл олдида бошимни уриб:  
Тўккан киши қонимни гуноҳкор эмас!

6

Ёр ишқи кўнгилни бир нафас тарк этмас,  
Дардини кўтармоққа-да сабри етмас.  
Ё гулни тиконига сабр айламасу  
Ё гулдан умидини узиб-да кетмас.

7

Келганда баҳор ҳавоси олам на гўзал!  
Куш нағмаси, гул ғунчаси, шабнам на гўзал!

<sup>1</sup> *Moҳtalъat* — ой юзли, гўзал.

Най ноласига чанг эса ҳамдам на гўзал!  
Ёр бўлса ёнингда яна маҳрам на гўзал!

8

Тун йўқки, кўзим юзингга орзуманд эмас,  
Жоним-да келиб лабимга сенга банд эмас.  
Сен ўзгага дил берсанг ҳам, мен сендан —  
Узмасман умид — ҳеч ким сенга монанд эмас!

9

Умримнинг умид қуши мени тарк этди,  
Сархуш кечалар охири бошга етди.  
Ҳар лаҳзаси жонга тенг бўлган умрим,  
Афсуски, бехуда қўлимдан кетди...

10

«Бир кеча қиласай, — деган эдинг, — кўнглинг шод,  
Бу барча ғаму азобларингдан озод».  
Ўтди ўша кундан бери қанча тунлар,  
Лекин ўша ваъдангни ҳеч этмайсан ёд!

11

Сен ҳар нима кийсанг, ўша зебо бўлади!  
Бўз бўлса-да у, атласу кимхो бўлади!  
Бир марта юзингни кўрса ҳар кимса агар,  
У энди қиёматгача шайдо бўлади!

12

Кўнглига замона ҳар неча урса тикан,  
Хамма ҳам уриб оҳ, сочини юлмас экан.  
Кўпларни(нг) дили худди момоқалдироқ  
Йиглайди-ю, аммо енгади кулги билан.

13

Ҳар қандай орзу бўлса, бир кун етасан!  
Бас, бехуда ғам чекмаки, қариб кетасан.  
Душман-ку жафо қилса, бўлишгай дўстинг,  
Дўстим деганинг душман чиқса, нетасан?!

14

Ҳар бир тош агар лаъли Бадахшон<sup>1</sup> бўлади,  
Бас, лаъл ила тош баҳоси яксон<sup>2</sup> бўлади.

<sup>1</sup> *Лаъли Бадахшон* — лаълнинг энг аъло нави бўлиб, Бадахшон тоғларида ҳосил бўлади.

<sup>2</sup> *Яксон* — тенг, баробар, бир хил.

Гар барча қудуқда оби ҳайвон<sup>1</sup> бўлади,  
Топмоқлик уни ҳаммага осон бўлади.

## 15

Мен бандаси ул кимсаниким, дил олгай,  
Ё бошқа бирорни ўзи севиб қолгай.  
Ким ўзганинг ошиғи ё маъшуғи эмас,  
Кўзига унинг, яхиси, тупроқ тўлгай...

## 16

Йўқ ўзга илож — тикка борай хонасига!  
Хоҳ шамширу хоҳ тиф урсин девонасига!  
Тутса қўлини — мангу вафодори бўлай,  
Қувса — ўрайин бош қўйиб остонасига!

## 17

Бу кеча чўзилди кўп — оқармай кетди,  
Кушлар-да овозини чиқармай кетди,  
Мен тун бўйи қоқмай мижга тоқقا боқаман:  
Тоғ тонгни қучоғидан чиқармай кетди...

## 18

Юзинг қошида дунё гулистанлари мот!  
Бахш этгуси васлинг кишига мангу ҳаёт!  
Бир қатра томиз икки лабингдан ерга,  
Ўлик табиятга жон кирсин шу заҳот!

## 19

Минг таъна-маломат қилишар ортимдан,  
Ёлғон ила туҳмат қилишар ортимдан.  
Душман сўзи деб кечиб бўларми дўстдан?  
Майли, неча гийбат қилишар ортимдан.

## 20

Ҳайҳот! Очилиб улгурмай гул сўлса!  
Кошки очилиб, тамом сурурга тўлса!  
Кўнглида умиди кўп эди шўрликнинг,  
Не фойда: умид кўпу умр оз бўлса!

## 21

Ёр давлату бахту кулса тақдир бир зум,  
Бошимни оёғингга фидо қилсайдим.

<sup>1</sup> Оби ҳайвон — оби ҳаёт, тириклик суви.

Осон менга бўлмоқ қадаминг тупроғи,  
Лекин сен оёғингни қўярсанми, гулум?..

## 22

Эй ёр, қаердасан — қучогим бўм-бўш?  
Ўтган кечаги лутфу қараминг қани, хўш?  
Ҳар қанча кўзимдан яширин бўлсанг ҳам,  
Ишқинг юрагимда туну кун ургуси жўш!

## 23

Одам дегани шунча бўларми зебо?  
Ё сарв деган шунча баланду барно?  
Кўнгли чўқади — кимни у тарқ этса агар,  
Кўнгли ўсади — кимга агар боқса қиё!

## 24

Эй, кошки, одамлар бу санамни кўрса  
Ҳам ёнида ўлтирса-ю, сухбат курса,  
Шайдоси бўлиб, атрофида чарх урса,  
Ошиқ ҳолига зора кулмай юрса.

## 25

Ошиқлик ишидан, истадим, тавба қилай,  
Шояд, бу ишқ азобидан четда бўлай.  
Ҳар лаҳза бироқ сабру қароримни олиб,  
Борган сари яхшироқ кўринсанг, не қилай?!

## 26

Элдан узилиб, четда ниҳон йиғлайман,  
То кўкка етар нола-фифон йиғлайман.  
Қуш орқасидан йиғлаб қолган боладек  
Ўтган умрим учун чунон йиғлайман...

## 27

Гар бўлса мұяссар менга васл айёми,  
Бош кетса-да, бас, ушалса дилнинг коми.  
Мен битта ўпардим у яримта холидан,  
Рост бўлсин, деб биттани ҳижрон шоми.

## 28

Сен қон каби жисмимни тутибсан буткул,  
Бош устига, сендан нима келса, эй гул!  
Биз ёр ғамида тунни уладик тонгга,  
Мақтанма сахарда турганингга, булбул!

Парвонадек ишқини этиб күксига жо,  
 Күрсатмади ҳеч ким ёрига сидку вафо.  
 Душманлигидан қайчи кесар шам бошини,  
 Парвона қилар дўстлигидан жонни фидо.

Бошдан нималар ўтмади — дил бермай тоб,  
 Кўзим ёшидан бўлди этагим гарқоб.  
 Кўксимни тешиб ўтган ўқни кўрасан,  
 Кўнглимга агар кўлингни тиқсанг, моҳтоб!

Тоғу дарани сел олди Наврўз пайти,  
 Тошлар кўчиши зўр ваҳима қўзгайди.  
 Даҳшатли бу сел кўпти кўзим чашмасидан,  
 Тош қалби санамнинг баттар тош қайтди!

Эй ёр, биласанми, не учун айтдим роз?  
 Кўнглим қуши кўксимаро қилди парвоз!  
 Ҳолимдан ажабланмаю ҳовончага боқ:  
 Кўргач ёридан жафо, чиқарди овоз.

Савдосини солди юрагимга ул шўх,  
 Сиймосини нақш этди кўзимга — нақ чўғ.  
 Бошимни фидо қилай оёғига унинг,  
 Бошсиз яшаса бўлар, ёрсиз эса йўқ!



# ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

(1207 – 1273)

Жаҳон сўз санъатининг муazzам сиймоларидан бири, ўзидан кейинги Шарқ ва Farb адабиётига кучли таъсир ўтказгани жиҳатидан башарият шоири деб улуғланган Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий Балх шаҳрида етук воиз, билимдон мударрис, фикҳ олими, фатво соҳиби, тасаввуф донишманди, кубравия тариқати шайхи, Султон ул-уламо номи билан донг таратган Баҳоуддин Валад хонадонида дунёга келади. Ҳаж мақсадида саёҳатга чиққан Мавлоно оиласи Хурросон, Бағдод, Ҳижоз ва Шом (Сурия)га қилинган бир неча йиллик сафардан сўнг Лорандада 7 йил яшаб қолади. 1223 йили Кўнияга кўчади.

Отаси ва унинг шогирдлари тарбиясини олган, Дамашқда буюк фикҳ олими Ибн ал-Адим, Ҳалабда ҳадис, тарих, фалсафа, қалом ва илми бадеъ алломаларидан бўлмиш Умар бинни Аҳмад бинни Ҳиббатуллоҳ кўлида ўқиган Жалолиддин ўз даврининг етук олими ва мударриси бўлиб етишади. Отаси вафотидан сўнг 24 ёшида унинг ўрнига муфти ва фақиҳ бўлади, мударрислик курсисига ўтиради.

Жалолиддин Румийга «Маснавийи маънавий» асари жаҳоний шуҳрат келтирди. «Фалсафий-сўфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган «Маснавийи маънавий»<sup>1</sup> шоирнинг энг йирик асари бўлиб, 6 дафтар – 25685 байт (51370 мисра)дан иборат<sup>2</sup>. Бу муazzам асарда Куръони каримнинг 70 фоиз маъноси ўз аксини топган, 690 та ҳадисга румиёна шарҳ берилган, 270 та турли мавзудаги ҳикоя ўрин олган. Унинг форсий Куръон, Маънавият денгизи, Тасаввуф қомуси, Дунёнинг китоби деб улуғланиши шундан. Чунки у Куръон, Ҳадис, тасаввуф ва ҳаётни, инсон қалби ва феъл-авторини тушуниш учун ўзига хос очқичдир.

«Девони Кабир» ёки «Куллиёти Шамс Табризий» деб аталган шеърий девонининг эронлик румийшунос Бадеъуззамон Фурӯzonfar томонидан яратилган мукаммал матнида 3365 ғазал ва қасида, 15 таржеъ, 1994 рубойи ўрин олган бўлиб, уларнинг умумий миқдори 42 минг байтни ташкил этади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: *Мавлоно Жалолиддин Мавлавий. Маснавийи маънавий. Аз рўи нусхай Р. Никўлсун. Чопи даҳўм. – Техрон, 2002.*

<sup>2</sup> Қомил Н. Тафаккур хазинаси (Сўзбоши) // *Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингладир.* 5-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: *Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Куллиёти Шамс Табризий. Бо муқаддимаи устод Бадеъуззамон Фурӯzonfar. – Техрон, 2002.*

«Фиҳи мо фиҳи» («Ичингдаги ичингдадир») асари Жалолиддин Румийнинг турли муносабатлар билан берилган саволларга жавобларидан иборат. Мавлононинг ёру дўстлари ва мурисларига ёзган 144 та мактубни ўз ичига олган «Макотиб» ёки «Мактубот» номли асари ҳам мавжуд. У Фаридун Нофиз томонидан биринчи марта Истанбулда нашр этилган.

Мавлононинг яна бир насрый асари «Мажолиси сабъя» («Етти мажлис») бўлиб, унинг ваъзу нутқларини ўз ичига олган.

Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ ва Фарб сўз санъатига катта таъсир кўрсатди. Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муҳаммад Иқбол каби буюк сўз усталари уни ўзларига устоз деб билишган. Буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте Фирдавсий, Анварий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомийлар қаторида Румий ижодини ҳам «Хизр чашмаси» деб атаган. Машхурликда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Саъдийнинг «Гулистон»и, Ҳофизнинг «Девон»и билан бир қаторда турган «Маснавий маънавий» инсон маънавий ҳаётининг қомуси сифатида нафақат Шарқда, балки Фарбда ҳам ихлос билан ўрганилган. «Декамерон» асаридаги кўплаб сюжет ва мотивларни Шарқ оғзаки ва ёзма адабиётидан олган Жованни Боккаччо «Маснавий маънавий»даги қатор ҳикоятлар асосида ҳам новеллалар яратгани маълум<sup>1</sup>.

Жалолиддин Румий асарлари асрлар давомида ўзбек шоирларига илҳом берib келган, маснавийхонлик халқимиз ўртасида кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида «Маснавий маънавий»нинг «юзга яқин қўлёзма ва босма нусхаларининг мавжудлиги»<sup>2</sup> бунинг исботидир. Шоир асарларини ўзбек тилига Шоислом Шомуҳамедов, Жуманиёз Жабборов, Жамол Камол, Асқар Маҳкам, Улуғбек Абдуваҳоб, Эргаш Очиловлар таржима қўлганлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тафаккур карвонлари. — Тошкент, 1999. 150—156-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳасаний М. Улуғ китобнинг улуг шарҳи. // Шайх Одина Муҳаммад Ҳоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. — Тошкент, 2006. 4-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Жалолиддин Румий. Фазаллар. Рубоийлар. «Маснавий»дан // Инжулар уммони. 210—251-бетлар; Жалолиддин Румий. Учмоққа қанот йўқ валие учгайман. Ривоятлар ва рубоийлар. — Тошкент, 1994; Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. 1—6-китоблар. — Тошкент, 2001—2004; Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий (Таржима шарҳи билан). — Тошкент, 1999; Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир; Жалолиддин Румий. Рубоийлар. // Ишқ дафтари. 45—60-бетлар; Жалолиддин Румий. Рубоийлар // Муҳаббат тароналари. 211—243-бетлар; Жалолиддин Румий. Ҳикматлар (Нашрга тайёрловчи Н. Рамазонов). — Тошкент, 2007; Жалолиддин Румий. Ҳикматлар (Тўплаб нашрга тайёрловчи Э. Очилов). — Тошкент, 2008.

# 1

Яшнаб, очилиб, менга қараб келдингми?  
 Макрингни табассумга ўраб келдингми?  
 Ул кун кетиб эрдинг-ку олиб қалбимни,  
 Бул кун яна жонимни сўраб келдингми?

# 2

Ишқ ул — токи халқ учун саодат бўлсин!  
 Ишқ ул — бу саодат то қиёмат бўлсин!  
 Ул ишқ мени туғди аслида — она эмас,  
 Ул онага минг таҳсину раҳмат бўлсин!

# 3

Биз ошиқи ишқимизу мусулмон бошқа,  
 Биз заиф чумолимиз, Сулаймон бошқа.  
 Биздан сўра куйган дилу сомон юзни,  
 Ким савдо қилас мол била — дўкон бошқа.

# 4

Ўтган кечадан мен эрдиму жон маҳрами боз,  
 Мендан ҳама зор эрди-ю, ундан ҳама ноз.  
 Тун ўтди-ю, етмади бироқ сўнгтига сўз,  
 Тунда не гуноҳ, бўлса узун дилдаги роз?!<sup>1</sup>

# 5

Ул ёр ҳавасида дил рубобдир, рубоб,  
 Ишқ ўтида қоврилиб кабобдир, кабоб.  
 Дардим эшишиб, этса сукут дилдорим,  
 Шул жимлиги менга минг жавобдир, жавоб.

# 6

Қил яхшилик — яхшиликни билгай дунё,  
 Пойдордир у яхшилик туфайли танҳо.  
 Мол қолди-ку ҳаммадан, қолар сендан ҳам,  
 Қолдирди баҳил — мол, яхшиликни — доно.

# 7

Ишқинг ўтидан жўшгуси ёшлиқ қони,  
 Кўксимда жамоли жонланар Лайлони.  
 Ўлдирсанг агар ўлдир — ҳалолинг бўлсин,  
 Ер қўлида ўлса, боқий ошиқ жони!

<sup>1</sup> Бу рубобий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

Ишқингда ғам ичра ушладим кўнгилни,  
 Ҳар лаҳза изингга бошладим кўнгилни.  
 Ел менга олиб келди бугун бўйингни,  
 Шукр этдиму елга ташладим кўнгилни.

Оlamda вафоси йўқ киши кам бўлсин!  
 Ҳар бир куни бевафони(нг) мотам бўлсин!  
 Ёд этмади ғамдан ўзга ҳеч кимса мени,  
 Минг таҳсину раҳмат сенга, эй ғам, бўлсин!

Бизнинг бу азобларга сабаб тамай хом,  
 Ҳалқум ғами, ҳою ҳавасу ҳирси ҳаром.  
 Кўз ташлаю тўрқовоққа, фикр айла: мудом —  
 Бир дон ила қуш қисмати ҳал бўлди — тамом!

Келган эди кеча лутф этиб дилдорим,  
 Мен тунга дедим: «Айлама фош асрорим».  
 Тун қилди жавоб: «Бўлса қуёш сен бирла,  
 Мен тонгни олиб келай қаёқдан, ёrim?!»

Кўнглимда ўшал сувлувни то суврати бор,  
 Оlamda топилмас мен каби баҳтиёр.  
 Шодликдан ўзга бир ҳаётни билмам,  
 Ғамни эшитиб, кўрмадим ўзин зинҳор.

Лутф этса чақир тошга — у жонона бўлар,  
 Бир лаҳзада ишвалари мастона бўлар.  
 Кўш кокилининг занжири зоҳир ўлса,  
 Луқмони Ҳаким<sup>1</sup> мажнуну девона бўлар!

Ким кам еса, у зийрагу ҳушёр бўлади,  
 Ким кўп еса, у аблаху бекор бўлади.

<sup>1</sup> Луқмон — каёний шоҳ Кайкубод даврида яшаб ўтган машҳур табиб ва донишманд. Ривоятларга кўра, Луқмони Ҳаким минг ёш умр кўрган бўлиб, Оллоҳ у зотга нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига етиш ва энг тўғри ҳукм чиқариш қобилиятини ато этган.

Нафсига ружуъ қўйса киши хор доим,  
Ҳар кимсаки, кам еса, у кам бўлади!

15

Ўлсам, сира йиғламанг тутиб исмимни,  
Ёримга бериб қўйинг менинг измимни.  
Бўлманг сира ҳайрон — ўша бир бўса билан  
Тиргузса менинг бу совиган жисмимни.

16

Ул ёрки, мени ўз ғамига боғлайди,  
Сўнг писанд этмай, юрагим доғлайди.  
Ғамгин эканим кўрса, у пинҳон-пинҳон  
Ҳам ширин-ширин кулиб дилин чоғлайди.

17

Соз дўсти мунофиқдан узокроқ юрсанг,  
Ёри номувофиқдан узокроқ юрсанг,  
Хоки пойини ўпиб мувофиқ ёрнинг,  
Ул хеши<sup>1</sup> мунофиқдан узокроқ юрсанг.

18

Ул ёр қўйидан қачон жудо бўлгаймиз,  
Йиғлаб гаму ҳасратда адо бўлгаймиз.  
Ул шам каби топиб эътибор кўз ёшидан,  
Ул чанг каби манбаи наво бўлгаймиз.

19

Ҳар қайда шароб бўлса, рубоб ҳамда кабоб,  
Ул жойда хароб бўлса, не тонг, ғам ва азоб.  
Гул, сабза каби давра тутиб сув бўйида,  
Эй дўсту яқинларим, ичинг тоза шароб!

20

Биз касбу ҳунар, молу дўкондан кечдик,  
Шеър йўлига кирдигу жаҳондан кечдик.  
Кўзу дилу жонимиз эди севгида ул,  
Бас, қўйила кўзу дилу жондан кечдик.

21

Ҳарчандки, қомати гўзал бор сарвда,  
Ёр қаддини кўрса, не амал бор сарвда?

<sup>1</sup> Хеш — қариндош-уруг, яқинлар.

Ер қаддига ўз қаддини менгзар эмиш ул,  
Бу кибру ҳаво асли азал бор сарвда.

## 22

Инсоф билан айт, ишқ әзгулиқдир асли,  
Булгар уни кимнинг юраги кир асли.  
Пок севгига ўхшатма ҳаром шаҳватни,  
Чунки бири осмону бири ер асли.

## 23

Кўнглимдаги оҳ боиси савдо, эй дил,  
Ул аслида дил туфайли пайдо, эй дил.  
Қондан юрагим мавж уради тўхтовсиз,  
Бас, у дил эмас, бўлибди дарё, эй дил!

## 24

Гар истар эсанг, ҳамиша хуррам бўлсанг,  
Етса қадаминг қайга, мукаррам бўлсанг,  
Пок бўлу ҳалол яшаю илм ўргангил,  
То тожи башар, ҳазрати Одам бўлсанг!

## 25

Ҳар кимсанинг кўксига ушоқ дил бўлгай,  
Ишқсиз яшамоқ ўшанга мушкул бўлгай.  
Бул ҳалқама-ҳалқа зулғ занжири билан  
Девона киши бўлса, у оқил бўлгай.

## 26

Бир байт ўқиб эрдим — малагим ранжиди:  
«Байт ичра банд айлаш мени лозимми эди?»  
Айтсан: «Нега байтимни бузарсан, эй жон?»  
«Мен байтга сигарманми, ўзинг ўйла?» — деди.

## 27

Қабрим ёнидан ўтса, башар маст бўлгай,  
Сал тўхтаса, маҳшарга қадар маст бўлгай,  
Уммон сари борса, баҳру бар<sup>1</sup> маст бўлгай,  
Ўлса, уни қабри сарбасар<sup>2</sup> маст бўлгай!

## 28

Сочининг ҳар торида бордир бир жон,  
Сочдек мени ҳам қилди паришон жонон.

<sup>1</sup> Баҳру бар — қуруқлик ва сув, яъни бутун дунё.

<sup>2</sup> Сарбасар — бошдан-оёқ, бутунлай.

Билгайми ўшал: ғамим фаровон не учун?  
Боиси: унинг нози фаровон чандон!

### 29

Бир дам сенга дилбаринг магар маҳрамдир,  
Тақдирдан улуш сенга ўшал бир дамдир.  
Зинҳор у илоҳий дамни этма зое,  
Чунки ҳаётингда бу каби дам камдир.

### 30

Шаккар конида солса чивинлар ғавфо,  
Шаккар кони айларми уларга парво.  
Күш бир қўниб учгани билан ул тоғнинг  
Ортди бирор ерию кам бўлдими ё?

### 31

Ёмонлик этиб, яхшилик истар эса ким,  
Билгилки, ўшал кимсанинг иймони ярим.  
Беш қўлдек аён-ку, арпа эккан кишига  
Бермаслиги буғдойни Худованди карим!

### 32

Ҳамсуҳбатимиз бул кеча ул дилдорнинг,  
Ўтмас нималар хаёлидан хушторнинг:  
Бошлар уза гоҳ чаманда гул сочилса,  
Шаккар ёғади ўрнига гоҳо қорнинг.

### 33

Ишқ оташида музлар эриб, сув бўлади,  
Ишқ ўтида тобланса, тош инжу бўлади.  
Ушшоқ гуноҳини оғир олма, эй дўст,  
Ишқ бодасидан улар бекайғу бўлади.

### 34

Келди-ю кўзимга хуш хаёлинг, моҳтоб,  
Ҳар икки кўзим шу лаҳза ёш тўкли шитоб.  
Кўзларни қулогига дедим оҳиста:  
«Сийланг азиз меҳмонни қуйиб бодаи ноб!»

### 35

Эй бонги рубоб, дилимда тобим бордир,  
Дил қаърида менинг-да рубобим бордир.  
Гар тушса йўлинг, бир дам азиз меҳмон бўл,  
Мен кулни-да кулбаи харобим бордир.


Ишқинг ҳаваси бошдаю зорман доим,  
 Кўйинг аро маству беқарорман доим,  
 Гар бор-йўғи бир кун хумор бўлгай масти,  
 Мен ул масти эурманки, хуморман доим.

Чек қўяди бу замона бор оҳ-воҳга,  
 Бир кўз-да қарап фалак гадою шоҳга.  
 Ҳар кимса гууруга масти ўзича, аммо,  
 Ҳайдайди ажал барчасини бир чоҳга...

Эй дил, сира яқин йўлатма ғамни,  
 Эп кўрма ҳечам суҳбати номаҳрамни.  
 Кўкат ила нонга гар қаноат қиласанг,  
 Кўкат, дея билма жумла бу оламни.

Хижрон қанотин қайирса уммид қушини,  
 Ўлдирса жафоси яна дил хоҳишини,  
 Ошиқ сира тушмайди умидсизликка,  
 Мақсад сари элтар асли ҳиммат кишини!

Эй муниси рўзгор, қалайсан менсиз?  
 Эй ҳамдаму ғамгусор, қалайсан менсиз?  
 Мен-ку бу хазон юз-ла харобман сенсиз,  
 Эй юзи гўё баҳор, қалайсан менсиз?



# НАЖМИДДИН РОЗИЙ

(вафоти 1278)

Йирик тасаввуф олми ва шоири бўлган Шайх Нажмиддин Абубакр Абдулло Мұҳаммад ибн Шоҳурдоя Розий Рай шаҳрида туғилган. Шайх Нажмиддин Кубро муридларидан бўлиб, унинг тарбиясини Шайх Маждиддин Бағдодийга топширган. Мўгуллар истилоси даврида Хоразмни тарқ этиб, Кўнияяга боради — Жалолиддин Румий ва Садриддин Кўниявий суҳбатига етишади. Кейин Бағдодга бориб, умрининг охиригача ўша ерда яшайди. Қабри Жунайд Бағдодий ва Сирри Сақатий каби улуғ шайхлар мозори ёнида.

Нажмиддин Розий тасаввуфга оид қатор рисолалар муаллифи: «Баҳр ул-ҳақоқийқ» («Ҳақиқатлар денгизи»), «Мирсад ул-ибод» («Бандалик йўли») шулар жумласидандир. Бундан ташқари, у ўз даврининг билимдон адабиётшуноси ва забардаст шоири ҳам бўлган. Рисолалари таркибида ва турли баёз ва тазкиралар орқали унинг қасида, ғазал, маснавий ва рубойи жанрларидаги бир қатор шеърлари этиб келган<sup>1</sup>.

1

Мақсад асли вужуду жон ойинадир,  
Ҳар икки жаҳонда хуш ҳамон ойинадир.  
Бу ойинанинг гилофи ҳар икки жаҳон,  
Ҳақ ҳуснига қўнгил бегумон ойинадир.

2

Ўрттар мендек шамни-да ҳижрон доги,  
Куйдиргаю йифлатгай ишқ қийнофи.  
Шамнинг боши яхшидир менинг бошимдан,  
Чунки таратар зиё у зулмат чофи.

3

Ошиқлар азал кунида маст келганлар,  
Ишқ бодасидан маству аласт келганлар.  
Ичгайлару май, панд ўқимаслар асло,  
Чунки улар асли майпараст келганлар.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Абдураҳмон Жомий*. Нафаҳот ул-унс. С. 85; *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 302-бет; *Ҳомидий Ҳ*. Тасаввуф алломалари. 174—175-бетлар.

Майдан гоҳи ҳушёру гоҳида мастман,  
Осмон каби гоҳ баланду гоҳи пастман.  
Мўминмани гоҳ Каъбала, гоҳ кофири дайр,  
Ўзимни ўзим билишга қилдим қасд ман.

Эй пири мугон, майи мугона бергил,  
Майга тўлатиб жоми шоҳона бергил.  
Май асли ҳаром эмас, ҳаёт мояси<sup>1</sup> у,  
Бас, мангу ҳаётдан нишона бергил.

Ишқингда на шодлигим қолди, на фамим,  
Васлинг йўлида тенг бўлди тўю мотамим.  
Биргина тажаллийинг нури қилди чунон,  
На яхши-ёмон қолди-ю, на кўпу камим.

Эй дил, маст эмасмисан, ҳушиңг тутгайсан,  
Ўтмай туриб жаҳон ўзинг ўтгайсан.  
Кўп ухлама тонг чогида, уйғон, ҳали  
Келганда қиёмат уйқуси ётгайсан...

Ҳақ ҳали Сурайёни яратмай турибоқ,  
Жавзо<sup>2</sup> буржи ичра камарбанд қурибоқ,  
Шам қисмати қўймоқ бўлди асли азал,  
Боғлашди дилим ишқингга занжир урибоқ.

Тун келди — яна дўст фами менга етди,  
Ёш тўка-тўка кўз-да қуриди-кетди.  
Дил қонига ботган мижалар сих гўё —  
Бошига жигар порасини тож этди.

Ёр ишқи менинг хаста дилимга дармон,  
Ҳар турфа ҳою ҳавасга бермас имкон.

<sup>1</sup> Моя — 1) асл, моҳият, асос; 2) сабаб, боис.

<sup>2</sup> Жавзо — ўн икки бурждан бири: Саратон ва Савр буржлари ўртасида жойлашган.

Бир дардки, бошимда азалдан бордир,  
Тарк этмас абадгача у мени бир он.

## 11

Биздан нима кўрган бўлсанг соямиз-ей,  
Ҳар икки жаҳондан ўтади поямиз-ей<sup>1</sup>,  
Бўлди моясизлик бизнинг моямиз-ей,  
Биз ўзгага доя<sup>2</sup>, бизнинг у доямиз-ей.

## 12

Ишқ қон каби бор вужудни қамраб олди,  
Дилни бўшатиб, дардини унга солди.  
Дўст олди эгаллаб жисму жонимни бутун,  
Мендан бу жаҳон ичра фақат ном қолди.

## 13

Султонлари дунёнинг мудом чопгайлар,  
Диндан бамисоли насиба топгайлар.  
Куфр олди жаҳонни — кетди ислом кўлдан,  
Бу ҳолни нима сабаб билан ёпгайлар?..

## 14

Йўл мардларига ҳаёт берар бир ўзга жон,  
Қўқ қушларига бўлди тайин айри макон.  
Ботин кўзи<sup>3</sup> билан боқ — уларга бордир  
Ҳар икки жаҳонга ўхшамас сирли жаҳон.

## 15

Ким бўлса ганим<sup>4</sup>, баҳти мудом ёр бўлсин!  
Шодон яшаб, умридан мин(н)атдор бўлсин!  
Бизнинг йўлимиз узра тикан экса-да у,  
Бизнинг тикан унга гулзор бўлсин!



<sup>1</sup> Поя — бу ерда: даражা, мақом, мартаба.

<sup>2</sup> Доя — бу ерда: устод, мураббий маъносида.

<sup>3</sup> Ботин кўзи — кўнгил кўзи.

<sup>4</sup> Ганим — душман, рақиб.

# ФАХРИДДИН ИРОҚИЙ

(1213 — 1289)

Шайх Фаҳриддин Ибрөҳим ибн Бузургмехр ибн Абдулғаффор Жаволиқий Ҳамадонийнинг болалиги ва таҳсил йиллари Ҳамадонда ўтган. Ёшлигидан Куръонни ёд олган ва бутун шаҳар аҳли унинг муҳлиси эди. Ўн етти ёшида тасаввуф йўлига кирган ва қаландарларга кўшилиб Мултонга борган. Шайх Баҳоуддин Зикриёга мурид тушиб, унинг кўлида хирқа кийган. Шайх унга ўз қизини никоҳлаб бериб, ўрнига халифа этиб тайинлаган. Макка зиёратига бориб, Бағдодда Шаҳобиддин Суҳравардий сұхбатига етишган. Кейин Румга бориб, Садриддин Кўниявий хизматига киради ва шу ерда «Ламаъот» («Шуълалар») номли машҳур асарини яратади<sup>1</sup>. «Ламаъот» — Шайх Аҳмад Фаззолийнинг «Ас-савонеҳ фи маоний ул-ишқ» («Ишқ маънолари ва воқеалари») ҳамда шайх Муҳйиддин ибн Арабийнинг «Фусус ул-ҳикмат» («Ҳикматлар гавҳари») асари таъсирида ёзилган бўлиб, 28 ламаъга бўлинган. Уларнинг ҳар бирида ишқ жараёни ва ощиқ ҳолатининг муайян кўриниши акс этган бўлиб, улар ишқ йўлида ошиқ босиб ўтадиган мақомлар баёнидан иборат. Асарнинг тили оғир, услуби мураккаб, рамзларга бой бўлгани учун унга кўплаб шарҳлар ёзилган. Улар орасида энг мукаммали Абдураҳмон Жомийнинг 1481 йили Алишер Навоий илтимоси билан ёзилган «Ашиъъат ул-Ламаъот» («Ёрқин шуълалар») шарҳи ҳисобланади<sup>2</sup>.

Умрининг охирида аввал Миср, кейин Шомга бориб, Дамашқда яшаб қолади. Мултондан ўғли Кабириддин келиб, унинг хизматида бўлади. Шайх Муҳйиддин Арабий қабри ёнига дағн қилинган<sup>3</sup>.

5872 байт ҳажмидаги қасида, ғазал ва рубоийлардан иборат девони етиб келган. Бундан ташқари, Ҳаким Саноийнинг «Ҳадиқат ул-ҳақиқат» маснавийси йўлида 1062 байтли «Ушшоқнома» («Ошиқнома») манзумасини яратган<sup>4</sup>.

## 1

Ёрнинг юзи бизга азалий орзу эмиш,  
Дил тўрида ёлғиз ишқ деган туйғу эмиш.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 463—465-бетлар; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С.514.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: *Абдуқодиров А.* Тасаввуф истилоҳтарининг қисқача изоҳли лугати. 1-китоб. 39-бет. Бу асар Ҳалима Мухторова томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (Қаранг: Абдураҳмон Жомий (Мақолалар тўплами). — Тошкент, 1989. 26—48-бетлар).

<sup>3</sup> Қаранг: *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 465-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Девони Фаҳриддин Ироқий. Муқаддимаи Саид Нафисий. Чопи севвум. — Техрон, 1984.

Дилнинг уйига тушса юзи акси агар,  
Сайқал топиб у мусаффо бир кўзгу эмиш.

## 2

Бир пир харобот ичидан чиқди маст,  
Бой бергану дилни, қўлига жом пайваст.  
Дер: май ичу кўй ўзгани, бу дунё паст,  
Ўзни унутиш истасанг, юргил сармаст.

## 3

Бизга бу фақирлик ўзи сармоя эмиш,  
Биз боламиз ўзимизга, ишқ доя эмиш,  
Файб оламининг келини ҳамсоя эмиш,  
Ўз соямиз ҳамсоя — бу киноя<sup>1</sup> эмиш?

## 4

Бизнинг қалимий дўст юрибди қандай?  
Ўзгардими анча ё турибди шундай?  
Сендан хабарим йўқ; нечуксан менсиз?  
Қон бўлди дилим — раҳм айласанг-чи мундай...

## 5

Кўрсатган эмас санам бировга юзини,  
Беҳуда билинг элнинг бор гап-сўзини.  
Ким сенда улуғласа ҳақиқат изини,  
Эл сўзига ҳам ул ишонтирган ўзини.

## 6

Дил шавқидан гул каби очилса ишқдир,  
Зеҳнинг яна ишқ рамзини билса ишқдир,  
Ўзингга ўзинг бегона қилса ишқдир,  
Бошингдан унинг лутфи сочилса ишқдир.

## 7

Бу ишқ йўлида қачону қандай йўқдир,  
Маст юрса-да барча, орада май йўқдир.  
Пинҳон тутади ўзини бу йўл марди,  
Ишқ йўлида шундан бирор из — пай<sup>2</sup> йўқдир.

## 8

Қайғу юради ҳамиша оқил изидан,  
Шодлик юради ҳамиша жоҳил изидан.

<sup>1</sup> Киноя — бу ерда: ишора, рамз, мажоз.

<sup>2</sup> Пай — оёқ, қадам, из.

Бу чарху фалак доираси меҳвари<sup>1</sup>  
Айланади ҳамиша комил кўзида.

9

Тупроғу сувдан яратиб бир олам,  
Бизнинг орамизга кирдилар ўшал дам.  
Сир ўзлари айтиб, ўзлари эшигади,  
Тупроғу сув бир баҳона экан, билсам.

10

Ёрнинг юзисиз ошиғи гулни на қилар?  
Хушбўй ҳиди йўқми, сунбулни на қилар?  
Ишқнинг қадаҳидан сархуш бўлган ошиқ  
Маст этгучи май — заҳри қотилни на қилар?

11

Ёр орзусида дил бекарордир ҳануз,  
Васл истагида жон харидордир ҳануз.  
Кўз гарчи кўриб ҳуснини равшан, аммо,  
Иши туну кун йигиую зордир ҳануз.

12

Ишқдан бехабар айладинг умрингни бадар,  
Ёрнинг кўйидан бир бор олдингми хабар?  
Энди ўтириб, ўз-ўзингга мотам тут,  
Қўлдан кетган иш яна келгайми магар?!

13

Соқий қўлидан ишқингда май тўкилар,  
Ошиқ кўзидан дил қони шундай тўкилар.  
Ишқингда намозга гар ўтирса зоҳид,  
Боқ: ҳаттоқи жойнамозга ҳам май тўкилар.

14

Эй кошким кимлигимни мен билсам эди,  
Ҳақ наздида хуш тирикчилик қилсан эди.  
Ё бор вужудим айланиб кўзга, туну кун  
Умр ўтганига йиглаб, дилим тилсан эди.

15

У қанча тубан, расво қўлинини тутмас,  
У қанча такаббур гуноҳини ўтмас.

<sup>1</sup> Меҳвар — айланиш маркази.

Даргоҳидан ўзга ўзига жой топмас —  
Хор бандасидан ўзгасини афв этмас.

## 16

На кечаси қилдим сени(нг) кўйингга гузар,  
На етди муаттар бўйинг менга саҳар,  
На топдим аломатингдан бир зарра асар,  
Умр ўтди сенингсиз — бера қолсанг-чи хабар!

## 17

Дедимки: «Агарчи офати жоним ўзинг,  
Жонимни берай сенгаки, жононим ўзинг».  
Дедики: «Агарда бандафармоним<sup>1</sup> ўзинг,  
Ёр бўлма бирорвага — ороми жоним ўзинг».

## 18

Мушкин сочидан ўзгага бермаслар дил,  
Лаълдек лабидан ўзгасига ҳам, билгил.  
Айтарди туриб улуғ висол қасрида у:  
«Ким бўлмаса ошиқ, уни(нг) юки енгил».

## 19

Мен хаста, бечорадан бутун эл безор,  
Узсам-да умид, ҳамон караминг бисёр.  
Додимга Ўзингдан ўзга ким етгайдир,  
Дунёда Ўзингдан ўзга йўқ ғамхўр ёр.

## 20

Эй жони жаҳон, сени бу жондан сўрагум,  
Саргашта кезиб, жумла жаҳондан сўрагум.  
Кўнглимда ниҳон эканлигингни билмай,  
Бир ному нишонинг ҳар томондан сўрагум.

## 21

Чарх айланар бериб зўр, дунё событ,  
Найра урап мисли шер, дунё событ.  
Тарк этди яқинлару бўшамас дунё,  
Биз ҳам кетамиз бир-бир, дунё событ.

## 22

Бу кеча асир қилди дилимни соқий,  
Эй тонг, менинг ҳамиша айшим боқий.

<sup>1</sup> Бандафармон — итоат қилувчи, тобе, асир, хизматкор.

Жон ҳамдами васлига эришдим, энди  
Арзийди мақом бўлса менга Арш тоқи.

23

Кўнглим тилаги мудом шаробу соқий,  
То жоми жаҳоннамо дилимда боқий.  
Майхонада ўлтирай, ўшанда шояд  
Ёр васли насиб бўлса, тугаб ҳажр доғи.

24

Ишқ ичра бошингга кўп маломат келса,  
Қўрқма не бўлар дея қиёмат келса.  
Аксинча, уят даъво қилиб ошиқлик,  
Ҳақ даргоҳига киши саломат келса.

25

Бизни суву тупроқдан яратган фурсат,  
Қандай тиласанг, шу хилда бердинг зийнат.  
Ўз ҳоҳишимизча қилмай истиқомат,  
Дунёдан ўтармиз чекиб ғаму ҳасрат.

26

Майхона эшигида бир пири доно  
Деди қулогимга: «Эй ошиғи шайдо,  
Гар мангу ҳаёт истар эсанг, тарк этма  
Май жомини бевафо жаҳонда асло!»

27

Лўлию гадоча ким қиласар кайфу сафо,  
Оёғида ковуш йўғу устида ридо<sup>1</sup>.  
Жон устида оёғиу дил бўлса фидо,  
Ҳар икки жаҳонга сира боқмайди қиё.

28

Дилни эшиги тупроғидан қилма узок,  
Жонни кўйида ўртamasин дарду фироқ.  
Ёр оёғи гарди хира тортган кўзни  
Маҳшар кунида ёриттуси мисли чироқ.

29

Бу икки кўзим қачонки сенга боқди,  
Ҳар иккисидан қонли ёшлар оқди.

<sup>1</sup> Ридо — уст кийим, ёпинчиқ.

Сенсиз яшаган киши бечора бўлгай,  
Бечоралигим бағру дилимни ёқди...

### 30

Ишқ аввали ёр йўлида тикмоқдир бош,  
Жон ўйнамоғу балога бермоқ бардош.  
Бас, аввали шу бўлса, унинг охири не?  
Ўзни унутиб, кўйида бўлмоқ одош...

### 31

Кўзголди жаҳонда сени деб фитна-фироқ,  
Дарвешни яқин тутдингу бойларни йироқ.  
Сен ҳаммага сўзлайсану кардир ҳамма,  
Сен ҳамма билану ҳамма кўрдир бироқ<sup>1</sup>.

### 32

Эй дўстки, дўстликда яқинмиз сенга,  
Қўйсанг қадаминг қайга, заминмиз сенга.  
Оламни сенинг кўзинг билан кўрсагу биз,  
Унда сени кўрмасак, лайнмиз<sup>2</sup> сенга<sup>3</sup>.

### 33

Эй дўст, сенга тушди — қилма бад дил ҳолини,  
Зулф занжиридан кутқар абад дил ҳолини.  
Дил кўзгусида гўзал жамолинг кўрсат,  
Кел, ўнгла ўзинг, қилиб мадад дил ҳолини.

### 34

Савдосида кўп ранжу малоли дилнинг,  
Дардидা жуда аламли ҳоли дилнинг.  
Кўзимдан узоқ бўлса-да қошимда каби,  
Чунки доимо унда хаёли дилнинг.

### 35

Мен ишқингдан жон берайин одамга,  
Нурингдан эса равшанлик оламга.  
Сенсиз бу фақирда йўқ эди куч ҳатто  
Кўксимдан кириб-чиқадиган дамга.

<sup>1</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Лайн — лаънатланган.

<sup>3</sup> Жалолиддин Румийда ҳам шунга ўхшаш мазмундаги рубоий мавжуд.

## 36

Тонг чоғида ул гулки, кулиб тўқилади,  
Ел бирла ҳикоятни қилиб тўқилади.  
Ўн кун ичида гул ниш урар, гунча тугар  
Ҳам очилару ҳидга тўлиб тўқилади<sup>1</sup>.

## 37

Қорилган азал ишқ майидан лойимиз,  
Келтириди қадаҳни додга охувойимиз.  
Шундай ичамизки, май чиқар бош узра,  
Ўз навбатида, май узра бизнинг жойимиз<sup>2</sup>.

## 38

Сен ўйламаки, ҳеч мушкил йўқ менга,  
Бергувчи азоб дарди дил йўқ менга.  
Бундан-да азоб бормики, гўзал ёшлик —  
Зое бўлди, ҳеч манзил йўқ менга.

## 39

У жумла халойиқни — баландми ё паст,  
Йўқликдан борлиққа қилди пайваст.  
Адл этса агар тенгдир шоҳу дарвеш,  
Афв этса агар тенгдир ҳушёру маст.

## 40

Бердим сенга дил — қолди куйиб душманлар,  
Ҳеч ёқмадим ўчу кинадан гулханлар.  
Амринг бажариб ўтса агарда умрим,  
Мендан қолади мерос бу расму фанлар.

## 41

Дедимки: «Дилим». Деди: «У ҳажримда қон».  
Дедим: «Жигарим». Деди: «У мажруҳ чандон»  
Дедим: «Қани, қонимни тўқ-ей!» Деди: «Жўна,  
Қонингни бағишладим — бу лутфу эҳсон».

## 42

Бечора дилим ғаминг домига тутқун,  
Бемор каби оху воҳидир иши тун-кун.

<sup>1</sup> Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Бу рубоий жузъий тафовутлар билан Пахлавон Маҳмуд ижодида ҳам учрайди.

Холимни сўраб, шояд уни шод этсанг,  
Сенсиз, биласан, чунки нечоғлиқ маҳзун.

### 43

Дил ёнидадир гар узоқ сиймбарим<sup>1</sup>,  
Иzlарман уни сўрмаса-да у хабарим.  
Тарк айламагай ёшли кўзимни бир дам,  
Сув ичсам агар кўзададир жилвагарим.

### 44

Дил олди-ю, бизсиз дили хуррам, хушдир,  
Ёрдан келса, жаҳонда ҳар фам хушдир.  
Ёр жон сўрару мен эса ҳеч бермайман,  
Чунки жон эмас, сўроғи ҳар дам хушдир.

### 45

Сармоядир ишқи бу дили дарвешга,  
Кўймас йўл у ҳар ҳою ҳавас, хоҳишга.  
На ибтидо<sup>2</sup> бошдаги азалий шўрга,  
На интиҳо<sup>3</sup> қошдаги абадий ишга.

### 46

Беморингман — юзинг менга дармондир,  
Ошиқ тилаги, чунки азал жонондир.  
Шошилки, лабимга келди жоним сенсиз,  
Огоҳ бўлки, фанимат менга жондир.

### 47

«Бу жон сирини, бормики инсон, билгай?» —  
Деб сўрадим ул кишидан, ирфон билгай.  
Деди менга: «Эй тафаккур Осафи<sup>4</sup>, бу —  
Куш мантиғи, уни бир Сулаймон билгай».

### 48

Бу давр иши риё — билиб бўлмайди,  
Сен бўл аҳли ҳаё — билиб бўлмайди.  
Хоксор бўлу тарк айла фуурни, элнинг —  
Ўп пойини доимо — билиб бўлмайди.

<sup>1</sup> Сиймбар — кумушбадан, оқбадан; мажозан: гўзал маъшуқа.

<sup>2</sup> Ибтидо — бош, аввал.

<sup>3</sup> Интиҳо — сўнг, ниҳоя.

<sup>4</sup> Осаф — Осаф ибни Бурхиё, Сулаймон пайғамбарнинг оқил ва тадбиркор вазири.

Қилсак ҳийла, ақл уни ҳар он билгай,  
Васли йўлини-да, кошки, пинҳон билгай.  
Биз йўл солмаймиз, тاما ҳам этмаймиз,  
Чунки бу йўлни йўқки имкон, билгай.

Ишқинг ғамида икки кўзим тўккай қон,  
Кошки эди хизматинг қилиб, берсам жон.  
Йўқ дилда ғамим сенга яқин бўлсан агар,  
Тушсан гар узоқ, билки, бу фам бедармон.

Афсуски, ўтди ёшлик муддати ҳам,  
Боқий ишқ сармоясию давлати ҳам.  
Ёнимдаги оқиб ўтибди-ю оби ҳаёт,  
Бўлмабди унга кўнглимнинг рағбати ҳам<sup>1</sup>.

Кўнглимда эди кеча ҳаёли меҳмон,  
Қоврилган жигарга тўла дастурхон.  
Кўйди қошига икки кўзим шарбатини,  
Кўп бўлди хижил кўриб бу ҳолни жонон.

Эй дўст, кела қолки, сенсиз оромим йўқ,  
Сенсиз бу ҳаёт базмида май, жомим йўқ.  
Дил орзуси бир марта юзинг кўрмоқдир,  
Бир марта кўришдан ўзга ҳеч комим йўқ.

Ҳар қанча дилим кабобу кўзимдир қон,  
Ҳажринг ўзгалар васлидан афзал ҳар он.  
Менсиз еб-ичар қандай деб этма гумон,  
Сенсиз томогимдан сув-да ўтмас, жонон.

Жон оламидан бехабар инсон хордир,  
Бу дунёга майл этса, иши душвордир.  
Ҳақ ёнидан ўн айланишинг ғофиллик,  
Ҳақ борлиғида йўқ бўлишинг даркордир.

<sup>1</sup> Бу рубоий жузъий ўзгаришлар билан Абусаид Абулхайр ва Заҳир Форёйлар ижодида ҳам учрайди.

Ҳукм этса Ҳудованд, қазоси шулдир,  
 Ҳар лаҳза дилинг покла, ризоси шулдир.  
 Қайси гуноҳим учун Ҳудо берди жазо?  
 Тавба у гуноҳданки, жазоси шулдир.

Истар нима бу хаста гадо билгайсан,  
 Дардимга нима бўлар даво билгайсан.  
 Айтиб нима қилдим сенга чок дил ғамини,  
 Ҳолимни тилим этмай адо билгайсан<sup>1</sup>.

Васлинг сари кошки йўл бўлса эди, оҳ,  
 Саф чекса дилимда ё чидам мисли сипоҳ<sup>2</sup>.  
 Эй кошки эди сенинг кўйингда ўлсам,  
 Шояд кечирилса мендаги айбу гуноҳ.

Ҳижрон тифидан менинг бу кўнглим хаста,  
 Ёрдан жудою ғамига пайваста.  
 Шундай киши борми, яна бир бор кўрсам,  
 Ёр васли билан кўнгли уйи орастা.

Дунёда гуноҳсиз яшаган борми, аё,  
 Қандай яшагай қилмайин ул кимса хато?  
 Қайтарса ёмонликка ёмонликни Ҳудо,  
 Фарқ борми экан Ҳудо билан банда аро?!<sup>3</sup>

Дил шаҳрида ушбу кун паришон бизмиз,  
 Дўстлар ичиди расвои даврон бизмиз.  
 Сен ринду қиморбозу расво тиласанг,  
 Кел биз сари — барчаси бегумон бизмиз.

Ишқида бўлибмиз сочидан ҳам зорроқ,  
 Кўйида юрармиз итидан бедорроқ.

<sup>1</sup> Абусаид Абулхайр ижодида ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

<sup>2</sup> Сипоҳ — аскар, қўшин, лашкар.

<sup>3</sup> Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

Бошқа кишилар боқар бегона юзга,  
Бизмиз бу жаҳонда толиби дийдорроқ.

63

Ҳусни таърифи икки жаҳондан келади,  
Шарҳи ғами ҳар пиру жавондан<sup>1</sup> келади.  
Дийдорини бир кўриш мұяссар бўлмас,  
Ёр номи агарчи ҳар томондан келади.

64

Ҳар тун келаман кўйингга тортиб афғон,  
Шоядки, дилим дардига қилсанг дармон.  
Йўл топмаганим билан эшигингга сира,  
Кўйингдаги энг содиқ итингман ҳар он.

65

Ёдинг сира қўймас ўзига жонимни,  
Ҳижрону ғаминг тўкар мудом қонимни.  
Холим бир ўзиму яна кўнглимга аён,  
Билмас киши чўнг бу дарди пинҳонимни.

66

Зулмат бу тунимни-да умид тонги отар,  
Бир куни фифону оҳларим ёрга етар:  
Ё хаста таним оёғи остида ётар,  
Ё ташна лабим лаблари болини тотар.

67

Ҳой, хаста дилимнинг сирини фош этма,  
Кўп қилма жафо — тоқатим одош этма.  
Ҳар икки жаҳонга эгмаган бошимни  
Кўйдим оёғингга, бас, дилинг тош этма.

68

Қийнайди қачонгача у ҳижрон қўлида?  
Бир ишва учун умрим курбон йўлида.  
Кўрсатса юзини яна, жон бергай эдим,  
Жон берса бўлар ҳамиша жонон қўлида.

69

Гар бўлмаса дардинг, эй дили саргардон,  
Бекорга табибни айлама андармон.

<sup>1</sup> Пиру жавон — кексаю ёш.

Дармон қидирар кимники дарди бўлса,  
Дардинг йўғу дармон қидирарсан ҳар он.

70

Ҳажринг туни уйғотади қўрқув ҳар он  
Қоронғилиги қуюқлашиб, эй жонон.  
Бахтим кўзи кўр бўлдими менинг ёки,  
Ҳижрон тунига ва ёки йўқдир поён?..

71

Ўз ҳолига қўй бу ринду расвони, санам,  
Келсин ўша қўйингга қилиб бошни қадам.  
Бир лаҳза висол лаззатига етказ уни,  
Бир лаҳза у баҳт таъмини тотсин чинакам.

72

Кўнглим қурбон кўзлари қийғочингга,  
Жоним-да фидо тузоқ мисол сочиннга.  
Кўйингда девона кабиман — маълум эмас  
Бир кун йикиласманми келиб қошингта.

73

Умрим бўйи ўзимни хароб қилдим мен,  
Ҳар ишки, хатою носавоб қилдим мен.  
Бошдан-оёғи хато бу банданг ишини  
Үнгла дея ўзингга хитоб қилдим мен.

74

Васлинг яна, сарвиноз, қилдим орзу,  
Айтиб сенга дардуroz, қилдим орзу.  
Ётсам кечалар тонгта қадар эркаланиб,  
Бағрингда топиб эъзоз, қилдим орзу.

75

Ҳар лаҳза юзингнинг орзусида шодман,  
Ҳар лаҳза юзингни қиласирман ёд ман.  
Эй ёр, сендан узоққа тушган кундан  
Ҳар лаҳза хаёлингни қилиб дилшодман.

76

Эй ёр, дилдан кабоб десанг, бор менда,  
Жигар қонидан шароб десанг, бор менда.  
Дунё ғамидан жигарда сув қолган эмас,  
Кўзнинг ёшидан гулоб десанг, бор менда.

Кўйингга сенинг келибди мискин дарвеш,  
Кўзи тўла ёшу кўнгли бўлса реш-реш<sup>1</sup>.  
Йўл бер — ўша қўйсин сёғингга бошини,  
Бечорага гул юзингиз бош ҳам ташвиш.

Ёр бўлса Худованди карим, фам чекма,  
Шак келтиради лутфига ким, фам чекма.  
Ҳар қилгану қилмагану ҳар яхши-ёмон  
Бенафу зиён бўлса-да, жим, фам чекма.

Фам тиги билан кўнгилни тилдик, афсус,  
Ишқ қўлига ўзни банди қилдик, афсус.  
Дийдор умидида умримиз бўлди басар,  
Васлига етолмайин йикилидик, афсус.

Бу кеча сенинг юзингта боқдим, соқий,  
Лаълингдан ўпид, топдим ҳаёти боқий.  
Видо сўзини сўйлама, қолган умрим  
То ўтказайн сен билан, эй ёр, токи.

Ёр зулфига боғландим тушди-ю қўзим,  
Девонаман энди билмай ўзимни ўзим.  
Мен ёрни унутдим уни деб бой берган —  
Кўнглим қидириб, бас, ўзи берсин-да тўзим.

Ҳар икки жаҳон мулкини де — корга<sup>2</sup> келар,  
Бу фойда-зиён асли харидорга келар.  
Келтирса сабо<sup>3</sup> ёр қўйидан жонбахш ҳид,  
Тонг чоғида ушбу ҳид мени зорга келар.

Ошиқ аҳли кўйингга келгай-да кетар,  
Дил қонини кўзда дарё қилгай-да кетар.

<sup>1</sup> Корга кельмоқ — лозим бўлмоқ.

<sup>2</sup> Реш-реш — чок-чок.

<sup>3</sup> Сабо — Шарқ томондан эсадиган тонгти ёқимли ва салқин шамол. Тасав-вуфда у Оллоҳ таолонинг раҳмоний нафасига нисбат берилиб, хайрга боис бў-лиши айтилади. Сабо ошиқнинг оҳу ноласини Оллоҳга, ўз навбатида, Оллоҳнинг хабарини ошиқча етказади.

Тупроқ каби эшигингда қолдик биз эса,  
Үзга кишилар ел каби елгай-да кетар.

### 84

Одамлар бор — кулоҳни ковуш этишар,  
Одамлар бор — ҳар куни рўза тутишар.  
Одамлар бор — етса-да боши кўкка,  
Гўёки гадо садақа-эҳсон кутишар...

### 85

Чизганларида тарҳини бу оламнинг,  
Боқишиган эмас истагига одамнинг.  
Ҳар қанча урин — кўп ёки кам бўлмас ризқ,  
Йўқ заррача фойдаси чекилган ғамнинг.

### 86

Дил кўргали юзингни дуо этгайдир,  
Етказ дея Ҳаққа илтижо этгайдир.  
Атрофда шакарлаблар агарчи кўпдир,  
Кўнглим ўзини сенга фидо этгайдир.

### 87

Эй дил, жондан гар хабаринг йўқ, нима ғам?  
Жон оламига гар сафаринг йўқ, нима ғам?  
Бас, ҳирсу ҳаво сенда бўлибди ғолиб,  
Үзга нимага гар назаринг йўқ, нима ғам?

### 88

Бечора дилим тополмайин ком қолди,  
Шодлик базмида бемаю жом қолди.  
Ёр орзусида қанча савдо пишди,  
Савдо пишди-ю, орзу-чи, хом қолди.

### 89

Сен қайдасану ақл қачон сенга етар?  
Ақл икки жаҳонда даргумон сенга етар.  
Устун турасан мадҳи санодан доим,  
Йўқ мадҳу саноки, бир замон сенга етар.

### 90

Дил орзусида икки жаҳондан кечгай,  
Ҳар икки жаҳонда наф-зийндан кечгай.  
Шамга ўзини урувчи парвона каби,  
Кўзингни кўриб, бир йўла жондан кечгай.

Дардингда дилим жуда паришон бўлди,  
 Кўргандек ўзинг, бошдан-оёқ қон бўлди.  
 Ҳажрингда жигарда зарра сув қолган эмас,  
 Зероки, кўзим ёшлари уммон бўлди.

Наргисни қара — бошида зар тож бордир,  
 Кўр бўлса-да, у кибру гуурurga ёрдир.  
 Қўлида асоси бор унинг зумраддан,  
 Ким кўр бўлса, чунки асо даркордир.

Мен бошлар бўлсан ҳижрон қиссасини,  
 Дил ўти чиқаргай юз шам ҳиссасини.  
 Шамдек ёниб, ўзимни ўзим шод қиласман,  
 Бир лаҳза унутай деб дил фуссасини.

Оҳ, топмади дил хабар сира дилдордан,  
 Гул узмади ҳеч висол деган гулзордан.  
 Умри бўйи ҳалқа урди-ю эшигига,  
 Ҳалқа каби қолди ташқари девордан.

Оlam мени ғам қўлида қурбон топди,  
 Қўзим тўла қон, дилимни бирён топди.  
 Ҳар шомки үтди — мени ғамгин кўрди,  
 Ҳар тонгки кулди — мени гирён топди.

Сочидаги мунча сехру жоду нимадан?  
 Ҳуммор кўзи ўғирлади уйқу нимадан?  
 Ҳеч ким уни гул барги билан урган эмас,  
 Қўмилди тулоб бўйига, бас, у нимадан?

Ишқингда балоларга дучор бўлдим, ёр,  
 Ғам-фуссанинг остида ҳаробу аброр.  
 Кўрди-ю юзинг Исо<sup>1</sup>, дилин бой берди,  
 Ечди-ю хирқасини, тақди зуннор.

<sup>1</sup> Исо — насроний динининг пайғамбари Исо Масих.

Ҳар лаҳза замин узра санам соя солар,  
Бутун вужудим рашку ҳасад қамраб олар.  
Бугун тилагингни ҳосил айла, эй кўз,  
Эрта на бу имкон, на бу фурсат қолар...


Бахтимдан минг доду фалакдан фарёд!  
Чарх айланиши қилди ҳаётим барбод.  
Эй дил, висол умидида кўп чопма,  
Чеккайсан алам-қайғую бўлмайсан шод.

Ёр хизматини қилмаса бир куни бу жон,  
Афсусу надоматда дилим бўлгуси қон.  
Бу банда гуноҳин оғир олма, эй дўст,  
Мен одаму одамга гуноҳ ёр бегумон.

Тупроқдек оёқ остида бўлсанг ҳам xor,  
Ўткинчи шамолдек ёки безътибор,  
Қолсангу аланга ичра, сенга нокас  
Тутқизса ҳаёт сувини, ичма зинҳор.

Сен бу тубан оламга сира дил берма,  
Ҳар яхши-ёмонига унинг қўл серма.  
Даргоҳига Оллоҳнинг етишни тиласанг,  
Мақсад гулидан ўзга бирор гул терма.

Майхонага, ўйламаки, май деб келдим,  
Ой юзли нигоримни кўрай деб келдим.  
Ёр менга кўза ташишни амр этса агар,  
Мен ҳам бунга кўза кўтарай деб келдим.



# СУЛТОН ВАЛАД

(1226 — 1312)

Султон Валад номи билан танилган Баҳоуддин Мұхаммад Валад Мавлоно Жалолиддин Румий хонадонида туғилған. Тасаввұф ва шеъриятта мұхаббат отасидан ўтған. Унинг сұхбатларида қатнашиб, илохиёт илми ва тасаввұф сирларини әгаллаган фозил ва маърифатли инсон бўлиб етишади. Румий асос солған мавлавия тариқатини ривожлантирган, унинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиб такомиллаштирган, Кўния ва бошқа шаҳарларда мавлавия жамоаларининг ташкил этилишига раҳнамолик қылған.

Валад тахаллуси билан форсий ва туркйда ижод этган, «у усмонли түрк адабиётининг асосчиси ҳисобланади»<sup>1</sup>. Фазал ва рубоийлари, «Валаднома» достони етиб келған. «Валаднома»да тариқат қоидалари ва тавҳид ғоялари бадиий талқин қилинганд. Орифона қарашлар билан сугорилған «Маориф» рисоласи таниқли олим, Шарқ мумтоз адабиёти ва тасаввұф фалсафаси билимдони Нажмиддин Комилов томонидан ўзбек тилига таржима қилинганд<sup>2</sup>.

1

Ҳар дардга ҳамиша мен даво күргайман,  
Ҳар қаҳру жафода бир вафо күргайман.  
Хоҳ ер юзию хоҳи фалак тоқидаги  
Ҳар нарсада аксинг доимо күргайман.

2

Куз фаслида май базмини қурсанг ярашар,  
Бир лаҳза ҳаёт гаштини сурсанг ярашар.  
Икки юзидан ўпсангу тишлиб-тишлиб,  
Икки лаби майидан симирсанг ярашар.

3

Ишқ асли азал жону қариндошим-да,  
Мангу тугамас давлат эрур бошимда.  
Ҳуснингни узоқ тушибди мендан, дейман,  
Ҳолбуки, юзинг хаёли йўқ қошимда.

4

Мен Ҳақ ила бирга, Ҳақ мудом менга ёр,  
Жонимда у — ҳар ёқни қидирманг бекор.  
Султонман ўзим, қизиқ туюлгай десам:  
Бошимда менинг ҳам яна Султоним бор!

<sup>1</sup> Комилов Н. Орифона ғоялар кўзгуси // Комил инсон ҳақида тўрт рисола. — Тошкент, 1997. 81-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Султон Валад. Маориф (Н.Комилов таржимаси) // Комил инсон ҳақида тўрт рисола. 83—108-бетлар.

# ШАЙХ БУЗФУШ<sup>1</sup> ШЕРОЗИЙ

## (вафоти 1280)

Шомдан Шерозга келиб яшаб қолган бой савдогарнинг ўғли бўлиб, исми — Али, лақаби — Нажибуддин. Бадавлат оиласдан бўлишига қарамай, фақирона турмуш тарзини одат қилиб, жундан тикилган чакмон кияр, оддийгина еб-ичар эди. Шайх Иброҳимнинг тавсияси билан Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий хизматига боради ва унинг кўлидан хирқа кияди. Шайхнинг ижозати билан Шерозга қайтиб, хонақоҳ очади ва мурид тарбиясига машғул бўлади. Ҳоли ва кароматлари халқ орасида машҳур. Суҳравардийга эргашиб ёзган гўзал шеърлари ва етук рисолалари мавжуд<sup>2</sup>.

Бир ёрки, чиройда йўқ тимсоли унинг,  
Дилки, холидан<sup>3</sup> айру эмас ҳоли унинг.  
Мен мадҳ этаман юзидаги холини-ей,  
Ҳолбуки, юзида йўқ эмиш ҳоли унинг.



<sup>1</sup> «Нафаҳот ул-үнс»да: Барғаш (97-бет).

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: *Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-үнс. С. 97—99; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 339—340-бетлар.*

<sup>3</sup> Ҳол — тасаввуфда илохий зотнинг ягоналиги тимсоли, ваҳдат нуқтаси. Йўқлик оламини ҳам англатади.

# ШАЙХ ИЗЗУДДИН МАҲМУД КОШИЙ

Шайх Шаҳобиддин Суҳравардийнинг тасаввуф оламида машҳур «Авориф ул-маориф» («Мърифат туҳфалари») асарини таржима қилган. Шайх ибн Форизнинг «Тоия» (радифда «то» ҳарфидан фойдаланиб ёзилган) қасидасини шарҳлаган, ҳақиқат ва мърифатга оид кўплаб нозик ва теран фикрларни баён қилган, ирфоний мазмунда рубоийлар ижод қилган<sup>1</sup>.

## 1


Қилди бу дилим илми ладунийни<sup>2</sup> ҳавас,  
«Ўргат, — деди, — ҳар не сенга мълум бу нафас».  
Дедимки: «Алиф». Деди: «Оғиз очма бўлак,  
Ҳақ бўлса кўнгилда, бир ҳарф етгуси, бас!»<sup>3</sup>

## 2

Кўзимга юзинг акси берар шуълаю нур,  
Кўзим шу нуринг билан юзингга тикилур.  
Дединг: «Қарама ўзгага мендан сира ҳам!»  
«Сендан бўлаги қачон хаёлимга келур?»

## 3

Эй дўст, орамиздаги жудолик токай?  
Биз бирмиз, етар, кибру ҳаволик токай?  
Мен сен туриб ўзгага боқарманми сира,  
Бас, ўзга билан синаш — риёлик токай?



<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 344-бет.

<sup>2</sup> Илми ладуний — Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларгагина берадиган илоҳий илм.

<sup>3</sup> Бу рубоий Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмудларга ҳам нисбат берилади.

# ШАЙХ АБДУЛЛОҲ БАЛЁНИЙ

## (вафоти 1285)

Шайх Абу Али Даққоқ муридларидан бўлиб, лақаби Авҳадиддин ва тариқат нисбати Шайх Абу Алига етади. Абу Алиниң хирқа силсиласи эса Шайх Абунажиб Суҳравардийга бориб туташади. Шайх Саъдий билан сұхбат тутган. Алишер Навоийнинг маълумот беришича: «Шайх Абдуллоҳнинг машраб<sup>1</sup> тавҳиди бағоят бийик<sup>2</sup> экандур, элнинг вусъига<sup>3</sup> сифмас. Сўзлар андин назму наср юзидин воқеъ бўлур эркандур»<sup>4</sup>.

То кўрмагунича Ҳақни шу икки кўз,  
Мақсад йўлидан сира ўтирамайман юз.  
Дерлар кўз ила Ҳақни кўриб бўлмайди,  
Ҳеч қайтара олмас мени аммо бу сўз.



<sup>1</sup> *Машраб* — 1) фоя, маслак; 2) баҳра, насиба; 3) хулқ-атвор, табиат.

<sup>2</sup> *Бийик* — буюқ, улуғ, юксак, олий.

<sup>3</sup> *Вусъ* (*Вусъат*) — 1) кенглик, катталиқ; 2) кудрат, имконият.

<sup>4</sup> *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 181—182-бетлар.

# АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ

(XIII аср)

Тасаввуф тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк назариётчи олим Азизиддин ибн Мұхаммад ан-Насафий Насаф (Қарши)да туғилган. Бошланғич маълумотни туғилган шаҳрида олиб, ўша замоннинг йирик илм-фан марказларидан бўлган Бухорои шарифда таҳсилини давом эттирган. Бу ерда у тасаввуф, фалсафа, қалом ва тиб илмларини чукур ўзлаштиради. 1243—1251 йилларда Хуросонга бориб, ўша даврнинг забардаст тариқат пири, Нажмиддин Кубронинг шогирди Саъдиддин Ҳамавийга қўл бериб, унинг воситасида тасаввуф йўлига киради. Нажмиддин Кубро ва Мұхъиддин ибн Арабий тариқатларини ўзаро уйғунлаштирган кубравия шайхларидан ҳисобланади. Элхонийларнинг Бухорога хужумидан сўнг (1273) илму ижод учун тинч жой қидириб Эронга кетган, Баҳробод, Исфаҳон, Шероз шаҳарларида яшаган. Олимнинг 100 йил умр кўргани ривоят қилинади. Язднинг Абркўҳ деган жойида вафот этган. Қабри ўша ерда.

Азизиддин Насафийнинг кўплаб асарлари бизгача етиб келган. «Кашф ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар кашфи»), «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Мақсад ул-ақсо» («Сўнгти мақсад»), «Инсони комил» («Комил инсон»), «Манозил ус-соирин» («Сайр этувчиларнинг манзиллари»), «Усул ва фуруъ» («Асос ва руқнлар»), «Баён ат-танзил» («Нузул этиш баёни»), «Мабда ва маъод» («Асл манба ва унга қайтиш»), «Мифтоҳ ул-асрор» («Сирлар қалити»), «Нафси инсоний» («Инсоний нафс»), «Ваҳдати вужуд» («Борлиқнинг ягоналиги») асарлари шулар жумласидандир. Техрон университети профессори Абдулризо Сайф унинг яна йигирмадан ортиқ нашр этилмаган асарлари рўйхатини келтиради<sup>1</sup>. Олам ва одам бирлиги ҳақидаги қараш олим асарларининг моҳиятини ташкил этади.

Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, Азизиддин Насафийни комил инсон таълимотининг событ тадқиқотчиси дейиш мумкин. Чунки олимнинг барча асарларида инсон, унинг фазилат ва қусурлари, уни камолотга етказиш масалалари ўзининг ҳар томонлама кенг ва чукур талқинини топган. Жумладан, у комил инсонда тўрт нарса: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва яхши маориф камолга етган бўлиши керак, деган қарашни илгари суради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Абдулризо Сайф. Азизиддин Насафийнинг ҳаёти ва ижоди. 15-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Комилов Н. Насафлик буюк мутафаккир. // Комил инсон ҳақида тўрт рисола (Форс-тоҷик тилидан Н. Комилов таржимаси). 109—110-бетлар.

Азизиддин Насафий номи ва асарлари ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган. 1665 йили А. Мюллер унинг «Мақсад ул-ақсо» асарини лотин тилида нашр этган. 1953 йили Ф. Мейер буюк тасаввуф олимининг ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотини эълон қиласди. 1931 йили Аҳмад Мехдабий «Кашф ул-ҳақойик» асарини Техронда, кейинроқ — 60-йилларда Море Жан Малье «Инсони комил» асарини Парижда нашр этганилар. Таникли шарқшунос олим А.Е. Бертельс «Зубдат ул-ҳақойик» асарининг танқидий матнини тайёрлаган<sup>1</sup>.

«Олим асарларининг XVI—XX асрларда кўчирилган қўллэзма нусхалари бугунги кунда Лондон, Лейден, Вена, Техрон, Калькутта, Санкт-Петербург, Душанбе шаҳарларидағи кутубхоналарда, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Қўллэзмалар жамғармасида сақланмоқда. Бу нусхалар файласуф олимнинг фақатгина мусулмон дунёсида эмас, балки жаҳонда ҳам катта шуҳрат қозонганидан далолатдир»<sup>2</sup>.

Нажмиддин Комилов Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойик» асарини таржима қылган<sup>3</sup>. Ҳамидjon Ҳомидий, Нажмиддин Комилов, Носир Муҳаммад каби олимлар унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мақолалар ёзганилар.

## 1

Ҳеч ким бу жаҳонда мен каби хор бўлмас,  
Бадбаҳту гарibu зору ночор бўлмас.  
На мулку на рўзгору на ёру на дил,  
Кофири-да бу қисматга гирифтор бўлмас.

## 2

Жамшид жоми деб қанча югурдим-елдим,  
Кундуз-кеча уни деб юракни тилдим.  
Таърифини устоздан эшитгач, ўзим  
Ул жоми жаҳоннамо эканман билдим<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Носир Муҳаммад*. Насаф ва Кеш алломалари (Тазкира). — Тошкент, 2001. 21-бет; *Абдулризо Сайф*. Азизиддин Насафийнинг ҳаёти ва ижоди. 15-бет.


<sup>2</sup> *Носир Муҳаммад*. Насаф ва Кеш алломалари. 21-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: *Азизиддин Насафий*. Зубдат ул-ҳақойик (Н. Комилов таржимаси). — Тошкент, 1996; *Азизиддин Насафий*. Зубдат ул-ҳақойик. // Комил инсон ҳақида тўрт рисола. 111—165-бетлар.

<sup>4</sup> Бу рубоий Шайх Рўзбекон Буқлийга ҳам нисбат берилади.

Бир қун ўчирад фано сели ёдимни,  
Хоким совуриб, бергуси барбодимни.  
Ёрим этагига тегмасин асло губор  
Ўтса кўйидан олиб гирбодимни<sup>1</sup>.

Эй, нусхасисан илоҳий номани ўзинг,  
Ҳақ ҳуснининг ойинасилик нурли юзинг.  
Йўқ ҳеч не жаҳонда сендан ташқарида,  
Ҳар не тиласанг, ўзингдадир — кўрса кўзинг<sup>2</sup>.



<sup>1</sup> Гирбод — айланма шамол, бўрон, довул.

<sup>2</sup> Бу рубой Маждиддин Бағдодий ва Нажмиддин Розийларга ҳам нисбат берилади.

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД

## (XIII аср ўрталари — 1322)

Хоразмнинг буюк маънавий тоғларидан бири — Пурёрвалий номи билан шуҳрат тутган енгилмас паҳлавон, ҳассос шоир ва машҳур авлиё Паҳлавон Маҳмуднинг отаси асли қўхна урганчлик бўлиб, мўғуллар кулини қўкка совурган она шаҳрини тарқ этиб, Хивага паноҳ излаб келаётганида йўлда хотинининг кўзи ёриди. Болага Маҳмуд деб исм қўядилар. У жисмонан бақувват, ақлан етук, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишади. Айниқса, унинг паҳлавонлиги овозаси узоқ-узоқларгача кетган эди. Эрон, Ҳиндистон каби кўплаб Шарқ мамлакатларидаги кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳамиша зафар қучган, бир умр кураги ерга тегмай, юртнинг биринчи рақамли полвони, паҳлавонлар пешвоси бўлган.

Васиятига кўра шогирдлари Паҳлавон Маҳмудни ўзининг пўстиндўзлик дўкони доирасига дағн этганлар. Кейинчалик у қабр устига мақбара тикланиб, авлиё пойига Қўнғирот уруғидан бўлган Хива хонлари қўмилган. Бу мақбара нодир меъморчилик ёдгорлиги сифатида, мана неча асрдирки, барчанинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Мақбара деворларига, пештоқларига ориф шоир рубоийлари дарж этилган. Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар бу буюк инсоннинг қабрини зиёрат қиласилар, ундан руҳий қувват ва маънавий мадад оладилар. Деярли барча манбаларда унинг «Канз ул-ҳақойиқ» номли маснавийси борлиги айтилади ва ундан парчалар келтирилади. Лекин Т. Жалоловнинг маълумот беришича, эронлик олим Саййид Муҳаммад Али Сафир 1967 йилда уни Маҳмуд Шабустарийга нисбат бериб нашр эттирган<sup>1</sup>. «Паҳлавон Маҳмуд дин назарияси, фикҳ, фалсафа ва мантиққа оид бир неча рисолалар ёзган»<sup>2</sup> бўлса-да, улар ҳозиргача топилган эмас.

Маълумки, жавонмардликка кўпроқ паҳлавонлар талабгор бўлганлар. Шу жиҳатдан, Паҳлавон Маҳмуд паҳлавонларни тарбияловчи устозгина бўлиб қолмай, балки жавонмардлик одобини ўргатувчи пир ҳам эди. Жавонмардларнинг шиори дунёдаги ёвузликнинг барча кўринишларига қарши ҳамиша, ҳамма ерда эзгуликни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу foялар Паҳлавон Маҳмуднинг кўпгина рубоийларида ўз аксини топган.

Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодини ўрганиш, рубоийларини топиб, ҳалқа етказишида таниқли олим ва забардаст мутаржим

<sup>1</sup> Жалолов Т. Гўзаллик оламида. — Тошкент, 1979. 145-бет.

<sup>2</sup> Ҳомидий Ҳ. Қўхна Шарқ даргалари. — Тошкент, 1999. 173-бет.

Тұхтасин Жалоловнинг хизматлари катта. Шоир рубоийларини, шунингдек, Муинзода, Васфий, Улфат, Бокир, М. Абдулжаким, Э. Очилов каби таржимонлар ҳам таржима қылғанлар. Ё. Исҳоқов, Ҳ. Ҳомидий, Н. Комилов, С.С. Бухорий, М. Ҳасаний, Й. Жума-боев, Ж. Маҳмудов каби олимлар бу буюк ватандошимиз адабий мероси ва таржимаи ҳолини маълум даражада тадқиқ этганлар.

## 1

Билган киши соғлиқ сирини тутди ниҳон,  
Ё сўзласа-да, қилмади ростини баён.  
Билмас кишининг барча деган сўзи хато,  
Билган киши қилмади нима билса аён.

## 2

Эй Худо, эл қўлида хор этма мени,  
Подшоҳу вазир олдида зор этма мени.  
Бердинг узун умр — қора соч оқ бўлди,  
Оқ соч билан энди шармисор этма мени.

## 3

Кўнглингда то рашку мардлигинг бўлса агар,  
Аҳли аёлинг пардада тутсанг ярашар.  
Ҳирсу тама кўзи-ла чунки қарашар  
Ҳар қайдада дараҳт шоҳлари девордан ошар.

## 4

Зулфинг, санамо, Чин<sup>1</sup> гўзалига офат,  
Кўзинг қиласи ноз ила динни форат<sup>2</sup>.  
Кўрсайди жамолингни аросатда Худо,  
Ўз қудратига ўқирди таҳсин фоят.

## 5

Эй ишқ, нечук ўтсанки, тутунинг йўқдир?  
Эй ғам, не навосан — сира унинг йўқдир?  
Эй ком, не ниҳолсанки, замининг йўқдир?  
Эй айш, ўзи бормисан, тайининг йўқдир?

## 6

Уч юз Кўхи Қофни<sup>3</sup> туйса тун-кун бедор,  
Дил қони билан кўкни бўяб чиқса зор,

<sup>1</sup> Чин — Хитой.

<sup>2</sup> Форат — талон-тарож, бузғунчилик.

<sup>3</sup> Кўхи Қоф — Қоф тоги: аждодлар тасаввурига кўра бутун дунёни ўраб олган топ.

Зиндонда азоб чекса-да юз йиллаб хор,  
Нодон билан ўлтиришдан афзал минг бор.

7

Фил бўлу чумолидек яша хору ҳақир,  
Ҳар икки жаҳон мулки билан мисли фақир.  
Кўрсанг-да ҳаётда айбини ҳар кишининг,  
Лозим бўлади ўзни тутиш кўру басир.

8

Оқил сира ҳис-туйғуга бўлмайди асир,  
Минг этса ҳасад, зар мис бўлиб қолмас, ахир,  
Номард иту мард эса мисоли дарё,  
Ит тегса-да, булғанмагай дарё барибир.

9

Дунёнинг иши асли азал жабру жафо,  
Кўрмайди вафо аҳлига меҳринираво.  
Мен ит бўлайин вафоси борга, чунки  
Ит яхши кишидан, йўқ агар унда вафо.

10

Ўз нафсига кимки бўлса шоҳ — мард ўшадир,  
Ҳеч ўзгани қилмаса паноҳ — мард ўшадир.  
Ким ўтса йикъилганни тепиб, мард у эмас,  
Ким бўлса заифга хайриҳоҳ — мард ўшадир<sup>1</sup>.

11

Ғаддор<sup>2</sup> бу фалак разилни қўллайди ҳар он,  
Эгрилигидан тўғрига бермайди омон,  
Жоҳил улуг, оқилнинг эса ҳоли ёмон,  
Бўлсин бу фалак остин-устун бегумон!

12

Эй дил, то ишқ дардини пайдо қилдинг,  
Халқ ичра ўзингни хору расво қилдинг,  
Гулчеҳралар ишқи ила савдо қилдинг,  
Ҳар кун бирига ўзингни шайдо қилдинг.

13

Эй дил, сира атлас тўнини қилма ҳавас,  
Ўз эски либосингдек у миннатсиз эмас.

<sup>1</sup> Бу рубоий Абу Абдулло Рудакийга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Ғаддор — 1) маккор, ҳийлагар; 2) хоин, алдамчи.

Енгил кечишини истасанг умринг агар,  
Ўзингни бирор олдида хор айлама, бас.

## 14

Кўнглинг бу жаҳонга бўлмасин мойил ҳеч,  
Киндан бўлак унда бўлмагай ҳосил ҳеч.  
Юз йил яшасанг-да, охири келгай ўлим,  
Юз мулкни эгалла, бариси ботил, ҳеч.

## 15

Дунёда мудом топғилу бир доно, ўтири,  
Ё излаю бир нозли санам, зебо, ўтири.  
Гар сенга мұяссар ўлмаса иккиси ҳам,  
Вақтингни совурма елгаю танҳо ўтири.

## 16

Сенинг бу хумор кўзингта кўз тегмасин-ей!  
Чўғдай бу лабинг ҳажр ўтини чекмасин-ей!  
Ёлғиз тилагим будир Ҳудодан доим:  
Қисмат юки қаддингни сира эгмасин-ей!

## 17

Шоҳлик тиласанг, гадоси бўл ҳалқингнинг!  
Ўзни унту фидоси бўл ҳалқингнинг!  
Бошига кўтарсинг, десанг, эл тож янглиғ,  
Қўлин ўпу хокипоси бўл ҳалқингнинг!

## 18

Кўпdir бу қиморхонада<sup>1</sup> риндлар, жоно,  
Йўқ ишлари эл гап-сўзи бирлан асло,  
Бу тоифа Ҳақ ишқида бўлиб расво,  
Ҳар икки жаҳон молига қилмас парво.

## 19

Моддий ҳамма ришталарни кестирганман,  
Бағримда қаноат гулин ўстирганман.  
Мен сабру қаноат тоғидан тош қўпориб,  
Нафсу таманинг оғзига бостирганман.

## 20

Ўтган кеча бекасам тўн эгнимда эди,  
Келин каби икки тизза қўйнимда эди.

<sup>1</sup> Қиморхона деганда бу ерда ёлғончи, айёр ва муттаҳам дунё кўзда тутилмоқда.

То тонггача юммадим күзимни асло,  
Остимда қулогим ёстиқ ўрнида эди.

## 21

Үзингдаги бу кибру адоватни йўқот,  
Нафсинг бутига сифинма, синдири уни, от.  
Дунё хаёлию бу хаёл занжиридан  
Узганда киши кўнглини топкуси нажот.

## 22

Сочингни кўлингдан ўзга бир қўл ўрмас,  
Бегона оёқ кўйинг йўлини сўрмас.  
Уздим назаримни мен кўзингдан, чунки  
Бу юзни кўзингдан ўзга бир кўз кўрмас.

## 23

Уч нарса бу дунёда бириктириди бош,  
Бечора одам саждага кирса деб кош.  
Ишқу маю жом — учаласи бир бўлди,  
Иблиснинг ибодатига бермай бардош.

## 24

Ишқ дафтарин ўқи бирма-бир, билдирма,  
Карвон кетидан от суру сир билдирма.  
Десангки, дилу диним саломат бўлсин,  
Кўп кўрсангу билсанг-да яшири, билдирма.

## 25

Дўст аҳдини, эй санам, қиёматтагча бил,  
Бизни қўйиб, энди боғлама ўзгага дил.  
Бир тонг эшигимизга сен ихлос ила кел,  
Гар битмаса ҳожатинг, ўшанда гина қил.

## 26

Беилму амал биҳишту ризвон тилама,  
Берўза намоз ҳеч дину иймон тилама.  
Ўтмоқ тиласанг пули сиротдан<sup>1</sup> осон,  
Мўминга азоб очигу пинҳон тилама.

<sup>1</sup> *Пулсиrot* — қиёмат куни жаҳаннам узра тортилган соч толасидан ингичка, қиличдан ўткир қилкўприк. Сирот, Сирот ул-мустақим деб ҳам юритилади.

Юз масжиду юз работни<sup>1</sup> обод этсанг,  
 Юз қулни сотиб олсангу озод этсанг.  
 Юз үйиллик ибодатингдан афзал юз бор  
 Бир дил ғамини аритсангу шод этсанг!

Ҳақ зикрини дил қиласа баён яхши эмиш,  
 Тоатни этиш тунда ниҳон яхши эмиш.  
 Қийналмай ўтишни пулсиротдан тиласанг,  
 Элдан аяма нонингни, нон яхши эмиш<sup>2</sup>.

Үткинчи экан жаҳон, қаландарлик соз,  
 Ошмас сира ризқ асли азал бўлса оз.  
 Ҳар қанча бу дунёда киярсан атлас,  
 Бўз тўнчалик у дунёда топмас эъзоз.

Ёлғиз иши ҳар турфа чама олмоқдир,  
 Давлат ўзи ёлғизлигича қолмоқдир.  
 Билсанг агар, эй дўст, хотин олмоқлик  
 Ўзингни жаҳаннам тубига солмоқдир.

Оллоҳга шукурки, на муридману на пир,  
 На толибу илму на мударрисман, ахир.  
 Фориг бу жаҳон аҳлидан — оқилу баланд,  
 Бир гўшада ёлғизману осуда бағир.

Ё Раб, мен агар гуноҳни беҳад қилдим,  
 Ўзим биламан ўзим учун бад қилдим.  
 Ҳар ишда сенинг розилигинг бўлмас экан,  
 Мен тавба қилиб ундан, уни рад қилдим.

Ҳақ тоатига тополмасам-да имкон,  
 Мен нафсу ҳаво йўлида бўлдим чақон.  
 Бас, қайси юзим билан узр айтарман,  
 Гўё бир умр бутга сифинган нодон.

<sup>1</sup> Работ — карвонсарой, мусофирихона; мажозан: дунё.

<sup>2</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

Бу уйда макон тутган эмиш аҳли вафо,  
Бу уйга ёғилгай Ҳақдан файзу сафо.  
Бу уйга қадам қўйса ким ихлос юзидан,  
Бўлсин қадамига жонимиз садқа, фидо!

Ҳар бир куни умрингни ёруғ юлдуздир,  
Ҳар бир кеча қадру<sup>1</sup> ҳар саҳар Наврўздир.  
Ҳар лаҳзасин эъзозла азиз умрингнинг,  
Ҳар қанча қадрласанг уларни оздир.

Ҳар бир дамидан ҳаётнинг олгил лаззат,  
Рўёби учун орзуларинг чек заҳмат.  
Аввал молу дунёга кўмарсан ўзни,  
Кейин уни тарқ этишга келгай навбат.

Кўнглимни бўлакка берганимга тавба,  
Олмай сени ёдга юрганимга тавба,  
Юз марта юзимни бурганимга тавба,  
Юз тавба қилиб ўтирганимга тавба.

Бир қайғу билан чарх агар бедод этади,  
Минг бор эвазига Ҳақ сени шод этади.  
Тупроқча хазон ели тўқар бўлса уруғ,  
Бир донасидан юз баҳор бунёд этади.

Эй дил, етар энди, бир иш бошини тут,  
Умрингни совурма елга кўп, қадрига ет.  
Тупроқ не улувларни кучоққа олмиш,  
Кўзингни очу ҳою ҳавас таркини эт.

Минг мартаба буздим, яна туздим тавба,  
Мен тавбани ҳатто дод дегиздим, тавба.  
Синдирган эдим кеча қадаҳ тавба қилиб,  
Олдим яна қўлга уни — буздим тавба.

<sup>1</sup> Қадр — рамазон ойининг 26-дан 27-га ўтар кечаси. Куръони карим шу кечада нозил қилинган. Бу кечада қилинадиган дуо-илтижо тезда ижобат бўлар эмиш.

Бу боқقا баҳор келгусиу кетгусидир,  
Бу шохга анор келгусиу кетгусидир.  
Бир иш бошини тутки, жаҳонга инсон,  
Наҳотки, бекор келгусиу кетгусидир.

Бу умр ўтар гоҳида шод, гоҳи караҳт,  
Бир қисмида ғам кўпдири бир қисмида баҳт,  
Боғлайди жаҳондан бир кун кўчгали раҳт<sup>1</sup>,  
Тенг наздида оқил кишининг тобуту таҳт.

Дунё чекига бебақо бўлмоқ тушти,  
Жондан айирар барчани қисмат мушти.  
Ҳеч кимса ҳаёт тоҗини киймас бошга,  
Ёстиқ бўлади охири мозор фишти.

Дунё дегани бошдан-оёқ ранжу алам,  
Шодлигу қувончи аслида андуҳу ғам.  
Оқил киши бунда этмагай роҳат умил,  
Чунки унинг охири йўқлик чинакам.

Нону сув билан ҳам, қара мард ҳимматини,  
Қондирса бўлар нафсингнинг ҳожатини.  
Бас, нега ўзингдан қуиға амр этмоқ,  
Қилмоқ ёки ўзинг кабилар хизматини.

Биз ўша илоҳий дур солинган сандик,  
Фарёд қиласиз най каби — бағри чандиқ.  
Ўлтирса ҳисоб этгали комил кишилар,  
Биз зарра каби ҳисобда йўқдирмиз, йўқ.

Бир ерда азизлар то бўлибдирсиз жам,  
Бас, бир-бирингиз қалрига етинг ҳар дам.  
Қимматли бу фурсатни ғанимат билинг,  
Қайтиб келадими ёки йўқ шу дам ҳам.

<sup>1</sup> Paxm — 1) нарса; 2) кийим.

Қылмокълик учун синиқ күнгилларни шод,  
Хар лаҳза жаҳон янги нақш айлар бунёд.  
Бу кўҳна лавҳ узра чизади ҳар хил нақш,  
Этсин дея ўтганни то келганлар ёд.

Қошингда юзим қора — гуноҳ кўп қилдим,  
Ўзинг менга лутф айла — уятдан ўлдим.  
Кексайдиму қолмади гуноҳ қилгали куч,  
Ночор эшигингта бош уришга келдим.

Тонг чоги кулиб, шом йифига ром бўлма,  
Ҳеч сийрати хосу сурати ом бўлма,  
Бўлсанг содиқ ошиқ, асири дом бўлма,  
Яхши ном изла, ҳеч ёмон ном бўлма.

Ойинаи офтобнамо рухсори,  
Ҳуснига қўшар ҳусн хати гулзори.  
Кўрган киши юзини хатидан сўйлар,  
Яхши йилнинг яхши келар баҳори.

Бу банда қазо сирин билишдан маҳрум,  
Тақдир битиги кишига бўлмас маълум.  
Етмиш икки йил туну кун фикр этдим,  
Мавхумлигича қолди бу қисса, мавхум.

Бизга ватану манзилу маъво шу замин,  
Биз гарчи ғанимат, боқий аммо шу замин.  
Юз йил яшасак-да шод унинг устида биз,  
Охир тушамиз остига, чин жо(й) шу замин.

Бу умр саҳифаси гуноҳларга тўлиқ,  
Биз айбу гуноҳ денгизида мисли балиқ.  
Андиша этиб қилмагану қилгандан,  
Ҳақ олдида кўп уятлидирмиз, во дариф<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> *Водариго* — эй воҳ, афсус, аттанг.

## 55

Бўлмайди бу дунёда бақо — кўргайман,  
Ўзимни фариби бенаво кўргайман.  
Қорун каби мол-дунёси кўп зотларни  
Мен охират уйида гадо кўргайман.

## 56

Минг айбу гуноҳ сабаб юзимдир қора,  
Ёмон феълу сўзларим учун дил пора.  
Кудс оламидан дилимга етказ бир файз,  
Тарк этса дилимни фосид ўйлар зора...

## 57

Капгир каби ёв ўқлари қилса абгор,  
Мансур каби умрингни басар этса дор,  
Юз йил ё такаббур қўлида бўлсанг хор,  
Аҳмоқ билан ўтиришдан афзал минг бор!

## 58

Ўт ичра тушиб, юз йил агар қоврилсанг,  
Айлансангу кулга ҳар тараф соврилсанг,  
Нокас ила бир дам ўтиришдан афзал,  
Нокас сўзи баттардир ўлимдан, билсанг!

## 59

Бузма сира тузгач аҳд ила паймонни,  
Дўст суфрасидан йўқса ушатма нонни.  
Бу Маҳмуди Пурёрвали сўзини эшиш:  
Синдирма тузини тугатиб туздонни!

## 60

Бешинчи кунида ойни(нг) маҳкум бўлма,  
Ҳеч сохта кумушни соф дема, ким бўлма.  
Эшкак билан эшкакчининг ҳаққини деб,  
Оlam шоҳи кўпригидан маҳрум бўлма.

## 61

Ботир қучини кўрсатади ҳар кишига,  
Юз қалъя ушалгай тоб бермай кучига.  
Юз йил туну кун намозу рўза қилсанг,  
Етмайди бир очни тўйғазишлик ишига.

## 62

Оллоҳим, ўзинг ҳам ошкор, ҳам пинҳон,  
На ақл сенга етар, на илму ирфон.

Боғлиқ юракларга-да дард бергайсан —  
Ишқинг ила қилгайсан уни андармон.

### 63

Сүфий каби покиза назар бўлмоқ шарт,  
Ҳар турли хаёлдан бехабар бўлмоқ шарт.  
Ҳар лаҳза сенга агарда минг фам етса,  
Ҳар лаҳза бўлак фамни тилар бўлмоқ шарт.

### 64

Мен каклик эмаски, жойи тоғ-тошда бўлар,  
Дарёдан ичарда сув наҳанг қошда бўлар.  
Эр бошига бир куни ажал етса агар,  
Йўл устидаю тани, боши тошда бўлар.

### 65

Тенг асли харобот кўйида дарвешу шоҳ,  
Тенг ягоналик йўлида тоату гуноҳ,  
Тенг кўҳна фалак буржидা офтоб ила моҳ,  
Тенг дарвеш юзи бўлса оқ хоҳу қора хоҳ.

### 66

Дарвеш кишидан қаҳру ғазаб бўлгай узок,  
Бўлмас кўзу ақли куфру дин ичра тузоқ.  
Ҳар икки жаҳондан кутулиб, Ҳақ нуридан  
Бехуд шу қадар — исми-да йўқ эсида, боқ...

### 67

Ёмон бўласанми, бўл ёмондан-да ёмон,  
Яхши бўласанми, бўл ягонаи замон.  
Бил, яхши-ёмоннинг ораси озгина йўл,  
Яхши бўлса олсанг, сира ҳам бўлма ёмон.

### 68

Дарвеш элининг бору йўғи диллир, дил,  
Ёдингиз улар ҳатто нафас олмас, бил.  
Бу тоифадан тушма сира қўрқувга,  
Бошини олар ким эса сендан ғофил.

### 69

Ҳар лаҳза сенга сабру чидам бўлсин ёр,  
Ҳар лаҳза ҳаётда камтарин бўл, хоксор.  
Кўп сўзлама то қолма уятга зинҳор,  
Эъзозла улуғларни, десанг, бўлмай хор.

Оғзингга тиқаверма ҳар ўн бармоқни,  
Кўй ҳар сўзидан элнинг айб ахтармоқни.  
Мехмонга чақирсалар адабни сақла,  
Ботирма таомга тўртала бармоқни.

Жонимни қилай фидо ким асл инсондир,  
Бундай кишининг йўлига бош қурбондир.  
Дўзах нафасин ёнингда туймоқ тиласанг,  
Дўзах бу жаҳонда суҳбати нодондир.

Овга ярамас шердан тулки маъкул,  
Аччиқми ҳаёт, битгани яхши буткул.  
Етказмаса элга манфаат ҳусну жамол,  
Юсуф<sup>1</sup> эса-да, чоҳда абал қолсин ул.

Пешво бўлиш истасанг, фурур этма ҳеч,  
Малҳам бўлу эл дардига, мушкулин еч.  
Десангки, ёмонлик етмасин ҳеч кимдан,  
Ёмон сўзу ёмон иш, ёмон ўйдан кеч.

Инсон умри қандай ўтиши маълум:  
Ўлгунча у дил қонин ичишга маҳкум.  
Хуррам бу жаҳонни эрта тарк этганлар,  
Осуда жаҳонга келмаган бўлса ким.

Яхши кишининг яхшилик ўнг-сўлидадир,  
Ким қилса ситам, ажал унинг йўлидадир.  
Гавҳарга баробар менинг ҳар сўзим:  
Ҳар сир Худованди карим қўлидадир.

Бизга мудом айлаб бевафоликни, санам,  
Солдинг бошимизга бу жудоликни, санам.

<sup>1</sup> Юсуф – Юсуф алайҳиссалом. Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилишича, Оллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Шунинг учун ҳам у мумтоз адабиётда гўзаллик тимсоли бўлиб келади.

Иш оқибати агар жудолик бўлса,  
Соз қўлмасанг эди ошноликни, санам.

77

Кўнглимни қўйиб ғамга, санам қилди сафар,  
Мен топмадим излаб изини зарра асар.  
Кўзим нури у — дардини кимга айтай?  
Жонимдан азиз у — борми бергучи хабар?

78

Гулнинг шохидек қадинг сенинг жилвагар-ей!  
Юзинг эса гулдан-да гўзал шу қадар-ей!  
Сўзга оғиз очганда шакар тўкилади —  
Ҳар икки лабинг мисоли лим-лим шакар-ей!

79

Маъно сири давлати ўзингда, эй дил,  
Орзулар ижобати ўзингда, эй дил,  
Сен изла эринмай вужудинг зулматидан —  
Оби ҳаёт ҳикмати ўзингда, эй дил.

80

Қутқарди ажалнинг қўлидан жонини ким?  
Ҳам кўшку сарою қасру айвонини ким?  
Ҳамроҳ экан иймон, бу ўлим тўй бизга,  
Мотам унга элтолмаса иймонини ким.

81

Дил қони билан бўлса кўзим нам яхши,  
Бу айшу суурурдан уқубат, ғам яхши.  
Ҳақ даргоҳи ичра лаҳзалик дил ҳузури  
Султонлигидан жаҳонни(нг) ҳар дам яхши.

82

Қилди ситами замона, кўру сўрама,  
Ёшимни анори дона, кўру сўрама.  
Махрам бўлсанг агарда дўстинг уйила,  
Қон бўлса то остона, кўру сўрама.

83

Эй лола, этагинг чоку дилинг тўла доғ,  
Бағринг ўтидан юзинг ёнар мисли маёқ.  
Тупроқни ёриб чиқдинг, айт, борми хабар —  
Гулданки, кеча бағрига олган эди хок?..

Дил ҳажру фироғинг ғамидан бўлди-ку чок,  
 Дийдоринг ҳасрати яна қилди ҳалок.  
 Ўлдик — қаҷон уздик умид васлингдан,  
 Кетдик — олди орзуимиз бағрига хок.

Бу дил бир дам мутеи Раҳмон эмас-ей,  
 Ёмон феълидан сира пушаймон эмас-ей.  
 Дарвеш бўлди, зоҳиду ҳам донишманд,  
 Қолди бир иш — фақат мусулмон эмас-ей!

Қирқ ёш кишини торттиради ҳушёр,  
 Эллик бешда қайғу-ғам айлар абгор.  
 Айш оби ҳаёти ичра ким сузгайдир  
 Олтмиш қўлида бўлса асиру ночор.

То кибру кина қўлида қулсан — пастсан,  
 То нафс асирию бутпарастан — мастан.  
 То дунё ўйию бу хаёл занжирини  
 Тарк этмай Ҳаққа бўлмагунг пайваст сан.

Сен бандага қуллик қилишинг айни хато,  
 Ҳар қанча вафо қилсанг унга, ажри жафо.  
 Гар ёйдаги ўқдек юз йил тўғри яшаб,  
 Бир бор хато қилсанг, бутун умринг хато.

Ҳар кимки бу дунёга гирифтор бўлди,  
 Ер қаърига кирди оқибат — хор бўлди.  
 Кўп ҳам ема ўз ғамингни, сену мендек  
 Дунёга келиб-кетувчи бисёр бўлди.

Беғам тутиш ўзни ҳусн аҳли ҳунари,  
 Ўз ошиқи бечорасидан йўқ хабари.  
 Дард ахлининг аҳволи улардан пинҳон,  
 Дард аҳли бўлак, ҳусн аҳли ўзга бўлар-е!

Равшанлигисан дийдаи гирёнимнинг,  
Ўчмас доғисан сийнаи бирёнимнинг.  
Излаб сени сарбасар жаҳонни кездим,  
Келгил янаки, боисисан жонимнинг.

Соҳибназарлар аҳлиданмиз биз ҳам,  
Ишқ лаззатига улар ҳамиша ҳамдам.  
Бедардларни бизга нисбат берма,  
Дардманд ўзга, бедард ўзга ҳар дам.

Фамдан ўзга йўқ сира умрим самари,  
Фамдан ўзга ишқ ичра йўқ дил хунари,  
Топилмади бир ҳамдаму ҳамроҳ асло,  
Фамдан ўзга йўқ бир ҳамдам хабари<sup>1</sup>.

То ушбу жаҳон бизга экан маъво бу кун,  
Бир луқма илинжида чопармиз куну тун.  
Бу тан қафасин жон қуши тарқ этганида  
Маълум бўлади кимлигимиз бус-бутун.

Тупроқ дегани тўзиб ётар дунёда, бас,  
Ҳеч кимса унинг тақдирини этмас ҳавас.  
Ҳар қанча азизлар қошига қўнса-да, ҳеч  
Гард нархи ошиб, қадри азиз бўлган эмас.

Ё Раб, қаноатни дилда гавҳар айла,  
Ирфон нуридан дилим мунаввар айла.  
Бечораю дилхаста бу қул ризқини ҳам  
Эл миннатисиз мудом мұяссар айла<sup>2</sup>.

Дилларни маърифатинг билан доно қил,  
Кўзларни Мұҳаммад нуридан рўшно қил.

<sup>1</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Бу рубоий жузъий ўзгаришлар билан Абусаид Абулхайрга нисбат берилган рубоийлар орасида ҳам учрайди.

Тупроқни ёриб чиқсан бир кун гулдек,  
Ул Мустафо равзаси<sup>1</sup> аро маъво қил.

98


Фазлинг билан, эй Худо, мени шод айла,  
Жисм уйи хароб гуноҳдан — обод айла.  
Мен қочган эдим кўп бора даргоҳингдан,  
Келдим яна тавба қилиб, имдод<sup>2</sup> айла.

99

Ё Раб, дилимизга раҳмат айлаб, жон бер,  
Дард аҳлини(нг) дардига мудом дармон бер.  
Бу бандя нима дейишни ҳам билмайди,  
Кўрсанг нимани лойиқ, уни чандон бер.

100

Эй Тангри, бутун элга мени айла ёмон,  
Бир ён бўлайин мен, бир ён жумла жаҳон.  
Кўнглимни тасарруф айлаю ҳар ёндан,  
Ишқингда уни бир ён айла бегумон.



<sup>1</sup> Равза — 1) боғ; 2) жаннат; 3) мозор, зиёратгоҳ.

<sup>2</sup> Имдод — мадад, ёрдам.

# МАҲМУД ШАБУСТАРИЙ

(1252 – 1320)

Саъдиддин Маҳмуд ибн Аминиддин Абдулкарим Маҳмуд Шабустарий Табриз яқинидаги Шабустар деган жойда туғилиб, Табризда таҳсил олган. Эроннинг кўплаб шаҳарлари, Хурсон, Миср, Шом, Ҳижоз каби ўлкаларда бўлиб, кўплаб улуф зотлар сұхбатига етишган. Зоҳирий ва ботиний илмларда юксак мақомларга эришган.

Тасаввуф назарияси ва амалиётидан баҳс этувчи, Амир Сайийд Ҳусайнининг ўнта саволига жавоб тарзида яратилган «Гулшани роз» маснавийси ниҳоятда машҳур. Бу асарга кўплаб шарҳлар ёзилган, у турли тилларга таржима қилинганд. «Саодатнома» маснавийси 3 минг байтдан иборат бўлиб, муаллифнинг сафарлари баёни ва мулоқотлари тасвиридан иборат. Бундан ташқари, шеърлар девони, «Миръот ул-муҳаққиқин» («Орифлар кўзгуси»), «Ҳақ ул-яқин» («Ишончли ҳақиқат»), «Рисолаи шоҳид» («Шоҳид ҳақида рисола»), «Минҳож ул-обидин» («Тақвадорлар йўли») каби насрый асарлари мавжуд. Уларнинг барчасида тасаввуф маърифати ва ҳақиқатларидан баҳс юритилган<sup>1</sup>.

1

Йўқ ишқ ўтидан ўзгаси дилда сира ҳам,  
Йўқ юзидан ўзга тунни ёритгучи шам.  
Шод бўлмаса дил агар бирор кун ғамидан,  
Умримдан ўчиб кетсин ўшал кун чинакам.

2

Майхонада на кўзаю на жом қолди,  
На бошу на сўнг маълуму на ком қолди.  
На пиру на таркидунёчи зоҳид<sup>1</sup> бор,  
Майхонаю масжиддан фақат ном қолди.

<sup>1</sup> Зоҳид — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўғирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан бехабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониши, Куръонда ватда қилинганд жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганилиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиласидилар.

# АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ

(1253 – 1325)

Машҳур форсийзабон шоир, мутафаккир олим ва валиюллоҳ Яминиддин Абулҳасан Амир Хусрав ибн Амир Сайфиддин Маҳмуд Деҳлавийнинг ота-боболари Кеш (Шаҳрисабз)нинг лочин уруғидан бўлиб, мӯгуллар истилоси вақтида туркий сулолалар ҳукмронлик қилаётган Ҳиндистонга кўчиб кетишган. Ёшлигидан алоҳида қобилияти билан ажралиб турган Яминиддин ўша замоннинг асосий фанлари бўйича кенг ва чуқур билим олиб, турк, форс, араб ва ҳинд тилларини мукаммал ўзлаштиради. Шоир, олим, бастакор сифатида танилган Хусрав Деҳлавий сарой хизматига жалб қилинади. У ўз ҳаёти давомида 9 та ҳукмдорни кўриб, шулардан 7 таси ҳузурида хизмат қилган. Ҳусусан, Жалолиддин Ферузшоҳ даврида у юқори мансабга кўтарилиб, Амир унвонига сазовор бўлган. Ҳусрав Деҳлавий умрининг охирида сарой хизматини тарк этиб, чиштия тариқатининг машҳур шайхларидан Низомиддин Авлиёга мурид тушади, тариқат босқичларини босиб ўтиб, валиюллоҳ мақомига эришади.

У Низомиддин Авлиёнинг оёқ томонига дафн этилган.

Сермаҳсул ҳаёти давомида ёзган улкан шеърий меросини умр фаслларига мослаб, 5 та девон тартиб берган шоир Шарқ адабиётида девон тузиш анъанасини бошлаб берди. Кейинчалик Жомий ва Навоий ўзларининг буюк салафлари анъанасини давом эттириб, девонларини шу тартибда туздилар. Бу девонлар «Тұхфат ус-сифар» («Ёшлик тұхфаси»), «Васат үл-ҳаёт» («Умр ўртаси»), «Фуррат ул-камол» («Камолот ибтидоси»), «Бақияи нақия» («Сараларнинг сараси»), «Ниҳоят үл-камол» («Камолот ниҳояси») деб аталиб, умумий ҳажми 32645 байт. Шоирнинг 2000 дан ортиқ ғазал, 273 қасида, 20 га яқин маснавий, 1200 дан зиёд рубоий, 500 тача қитъя ва бошқа жанрлардаги асарлари ушбу девонлардан ўрин олган. У ғазалда Саъдий, қасидада Саноий, Анварий, Хоқоний, достон-навислика Низомийни ўзига устоз деб билган.

Низомий Ганжавий «Хамса»сига жавоб ёзиш билан хамсанавислик анъанасини бошлаб берган. Унинг 1299—1302 йилларда ёзилиб, Алоуддин Хилжийга бағищланган «Хамса»си қуйидаги достонларни ўз ичига олади: «Матлаъ үл-анвор» («Нурларнинг чиқиши жойи»), «Ширин ва Ҳусрав», «Мажнун ва Лайли», «Оинаи Искандарий» («Искандар ойинаси»), «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат»). У Низомий достонларининг шакли ва сюjetи, образлар силсиласини сақлаган ҳолда, уларни ўзига хос талқин этди ва янги мазмун билан бойитди. Низомий достонлари шоир дунёқарашининг кенглиги ва билимининг теранлигини намойиш этса, Ҳусрав

Деҳлавий «Ҳамса»си руҳият теранлиги ва қалб бойлигини кўз-кўз қилади. Низомий достонларида тафаккур ва туйғу омухталигининг ажойиб нисбатини кўрсак, Ҳусрав Деҳлавий «Ҳамса»сида инсон қалбининг нозик тебранишлари ва бадиият уйғунлигининг ҳассос ва гўзал тасвирларига дуч келамиз. Айнан санъаткорона ишланганлиги учун ҳам Ҳусрав Деҳлавий «Ҳамса»си ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир кўрсатди. Халафлари ғоя ва мазмунда Низомийга эргашсалар ҳам, шакл ва бадииятда Ҳусрав Деҳлавийга издошлиқ қилдилар. Жомийнинг «Баҳористон»да эътироф этишича, ҳеч ким Низомий «Ҳамса»сига Ҳусрав Деҳлавийдан ўтказиб жавоб ёзолмаган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, у «Қирон ус-саъдайн» («Икки саодатли сайёранинг учрашуви»), «Мифтоҳ ул-футух» («Ғалабалар қалити»), «Дувалроний ва Ҳизрхон», «Нӯҳ сипеҳр» («Тўқиз фалак»), «Тўғлуқнома» достонларини ҳам ёзган. Беш рисоладан иборат «Эъжози Ҳусравий» («Ҳусрав мўъжизаси») насрый асари эса адабиёт назарияси масалаларидан баҳс этади. Унинг «Маноқиби Ҳинд» («Ҳинд маноқиби») ва «Тарихи Деҳли» («Деҳли тарихи») номли тарихий асарлар ёзганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бўлса-да, улар ҳозирча топилган эмас. Ўз даврининг нуктадон ва машҳур бастакори сифатида мусиқага бағишилаб ёзган рисоласи ҳам бизгача етиб келмаган. Кўплаб куйларни унга нисбат берадилар.

Ҳусрав Деҳлавий ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган машҳур сўз санъаткорлари жумласига киради. Шоир асарлари ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалган, «Ҳамса»си ва девонлари кўлёзмаси кўплаб кўчирилган. Ҳусусан, XV аср Ҳирот адабий мухитида у жуда машҳур бўлган. Ҳусайн Бойқаро Ҳусрав Деҳлавийнинг 18 минг байтдан иборат муҳтасар девонини кўчиртирган. Самарқанд ва Тошкентдаги шеърият мухлисларида ҳам шоир ижоди баҳсу мунозара объектига айланган. Зайниддин Восифий «Бадоев ул-вақоев» асарида 1515—1525 йилларда Тошкентдаги адабий давраларда Ҳусрав Деҳлавий ижоди хусусида қизғин тортишувлар бўлиб турганлиги хусусида ёзган. Навоий ўз «Ҳамса»сини яратища Низомий билан бир қаторда, Ҳусрав Деҳлавийдан ҳам кучли таъсирланган, ҳар бир достони муқаддимасида уни устозлари қаторида эҳтиром билан тилга олиб, ижодига юксак баҳо берган. «Девони Фоний»да 32 та ғазалига татаббубъ битиб, унинг таврида бир ғазал ёзган. Фалсафий-тасаввуфий мавзудаги «Дарёи аброр» («Пок кишилар дарёси») қасидасига жавобан «Туҳфат ул-афкор» («Тафаккур тухфаси») қасидасини яратган. Огаҳий «Ҳашт биҳишт» достонини насрда ўгирган. Кейинги даврда шоир асарларини Васфий, Чустий, Ш. Шомуҳамедов, Ж. Камол,

<sup>1</sup> Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. 88-бет.

Н. Мұхаммад, Ж. Сувонқұлов каби таржимонлар таржима қылғанлар. Ш. Шомуҳамедов, М. Имомназаров, Ҳ. Ҳомидий, М. Бақоев, Б. Мусаев, И. Низомиддинов, Ж. Мирсаидов, М. Кенжабек, Г. Түйчиева, Ф. Низомовалар шоир ҳәёти ва ижоди юзасидан турли даражада тадқиқотлар олиб борганлар. Шоир асарларидан намуналар ўзбек тилида бир неча марта чоп этилган.

## 1

Бог узра тўкиб булут сармоясини,  
Сут бергали юборди гўё доясини.  
Гул шунча латифу нозик, қўрқарман  
У кўтара олгайми булут соясини?

## 2

Бўстонни безатган гулу лола — қувноқ,  
Кўтарди, билурмисан, қаердан байроқ?  
Одамни ютишдан охири тўйди замин,  
Бир қонли юрак ҳар гулу лола мутлоқ.

## 3

Кўзинг менга киприкдан ҳикоят қилди,  
Кўзим ёшини у бениҳоят қилди,  
Жон эвазига бу дард иноят қилди,  
Борми киши бу дардни ривоят қилди?..

## 4

Ёрнинг юзидан кўзни олиб бўлгайми?  
Савдосини бир ёққа солиб бўлгайми?  
Юзини кўролмай азиз умрим ўтди,  
Бундан-да ёмон умр топиб бўлгайми?

## 5

Дедим: «Санамо, бир кечада қошимга кел».  
Деди у: «Дил ўртагувчи бир нола қил».  
Дедим: «Дастингдан мен бир оҳ чекаман»,  
Деди: «Менга деса, юз, минг оҳ чеккил!»

## 6

Дур шодаси бўйнидаю этганча шитоб  
Борарди хиромону хушу маству хароб.  
«Бу кечада тушимда сени кўрдим», — десам, у:  
«Ошиқ сира ухларми?» — дея қилди жавоб.

Фам гүшасиу хароб бу ҳолимга сабаб —  
Ойдек юзини бир куни күрсам, не ажаб!  
Йифлай-йифлай күр бўлишим фам эмас-ей,  
Фам шуки, кўришни қилмасам асти талаб.

Эй ёр, ситамингдан сира шод бўлмади дил,  
Васлинг багидан термадим-ей ҳаттоқи тул.  
Кўр бўлди кўзим кўйингда йифлай-йифлай,  
Юзингни кўрарга энди ҳеч қолмади йўл.

Бир кўриш учун юзингни, эй нозли санам,  
Ҳатто мижа қоқмай чиқаман тунлари ҳам.  
То тонгтча фарёл урибон бедорман,  
Бедор кечалар дастидан оҳ айласа кам.

Бор жабру жафо уругини экди санам,  
Бор дарду балони айлади менга рақам.  
Ҳар лаҳза менга ётса-да озору ситам,  
Бир лаҳза унга муҳаббатим бўлмади кам.

Гар жон тиласанг, пойингга нисор қилайн,  
Гар бош тиласанг, маҳкуми дор қилайн.  
Йўлингда нима бўлибди бир жон ила бош,  
Ҳар икки жаҳонни садқа, эй ёр, қилайн!

Мол-дунё ғамидан дилимиз қон бўлмас,  
Хирсу тама деб хаёл паришон бўлмас.  
Совуқ суву арпа нону хилват гўша,  
Бундан-да гўзал жаҳонда даврон бўлмас!

Бир куни жойинг шу қора тупроқ бўлади,  
Кўйлак сенга бир газ кафан ул чоқ бўлади.  
Ҳолим не бўлар, дединг, қоронги гўрда,  
Шошилмасанг у балки ёруғроқ бўлади.

## 14

Кунлар қувишиб бир-бирини ўтгусидир,  
Дилдан супуриб ғам кирини ўтгусидир.  
Дардингта даво бўлолмай умринг бехуда —  
Солгунча секин кўз қирини ўтгусидир.

## 15

Бордим мен азиzlар мозорига бир кун,  
Кун-кеча эдилар сафимиизда мамнун,  
Ҳар қанча фифон чекмайин энди дилхун<sup>1</sup>,  
Ҳеч биттасидан эшитмадим мен бир ун.

## 16

Боғда икки гул юзли хиром этгай эди,  
Сарв олдида ҳам бошни мудом этгай эди.  
Энди мозори ёнидан ўтсанг кўрасан:  
Гул дуо ўқиб, майса салом этгай эди.

## 17

Ҳирсу тама бўлди ҳоҳиши дил сенга,  
Ер ости, унутма, сўнгги манзил сенга.  
Тупроққа бутун ҳар нима эксанг, эй дўст,  
Эртан бўлади шу нарса ҳосил сенга.

## 18

Ким жабру ситам қилишни одат этди,  
Мазлум оҳи ўқ бўлиб дилига етди.  
Парвона отилди шамга — қуиди-кетди,  
Куйганга ким урса ўзни куймай нетди?

## 19

Хусрав шеъри қилди лолу ҳайрон элни,  
Тортар ўзига очибу пинҳон элни.  
Ўқу тифу найзадан-да ўткир қалами,  
Бир чўп ила ҳайдар мисли чўпон элни.

## 20

Бу жону дилим роҳати бўлган жонон,  
Ўтган кечаси уйимда бўлди меҳмон.  
Қўлимда тутиб бепоён сочини мен,  
Лутф айлар эдимки, тунга етди поён.

---

<sup>1</sup> Дилхун — дили қон бўлган, дилафгор, ғамгин.

Дедимки: «Юзинг». Деди: «Бало деб бўлмас».  
 Дедимки: «Лабинг». Деди: «Даво деб бўлмас».  
 Дедимки: «Сўзим». Деди: «У қандай бўлгай».  
 Дедимки: «Гўзал». Деди: «Расо деб бўлмас».

Кўзгуга қара, ой каби бу юзга эмас,  
 Жонимга бало солган у шўх кўзга эмас.  
 Сен мен сари хоҳи қара, хоҳи қарама,  
 Кўзимга менинг ўзинг нишон — ўзга эмас.

Дерлар менга тун пайтида ёт — уйқуни ол,  
 Шояд санаминг тушингда кўрсатса жамол.  
 Мен ухлаш учун кўзимни юммай ҳарчанд,  
 Ёшим сели очгай уни тўфон мисол.

Дилга хаму нимҳалқа<sup>1</sup> сочи ўт солди,  
 Сарғайди-ю юз, кўзимда ёшлар қолди.  
 Кечак юзини киприги тифини тортиб,  
 Урмоқчи эди менгаю уйқу олди.

Ёр келди-ю кечак, жон қўлимдан кетди,  
 Кўнглим-да ўшал замон қўлимдан кетди.  
 Қўлидан унинг оти инонини олиб,  
 Кўрдим юзини — инон қўлимдан кетди<sup>2</sup>.

Бу ерда мақом тутган эди зебо санам,  
 Бу ерга бугун етди, мана, бизни қадам.  
 Этган сари ёд ёр юрган йўлларни  
 Тўхтатмади қонли ёшини кўз сира ҳам.

Оҳ, мунча жафо менинг каби бир зорга,  
 Раҳм айла, ахир, бу дийдаи бедорга.  
 Юз дилни оёқ остига солди сочинг,  
 Бўлсанг-чи даво бирор дили беморга.

<sup>1</sup> Нимҳалқа — ярим ҳалқа.

<sup>2</sup> Бу ерда «инон» сўзининг жилов, тизгин ва ихтиёр маънолари асосида тажнис санъати ҳосил қилинган.

Ишқ ишида ҳар куни паришонроқмиз,  
Девонаю расво, ҳоли ёмонроқмиз.  
Некномлик<sup>1</sup> учун түзмаса-да бир қўйлак,  
Бадномлик учун юз тўн этган чокмиз.

Кўнглимни қачонгача, ситамгар қумрим,  
Нозингда ёқарсан — шуми ё ишқ амри?  
Ҳар кун менга йилга teng сенингсиз, ҳатто  
Ўлимга яқинлашди бу узун умрим.

Дейсан то қачонгача бу дўсту ҳамдам  
Кўйимда чекибди кўп азоб, дарду ғам.  
Бир тун мени айласанг ўзингга маҳрам,  
Минг кун ғами кетар эди дилдан, эркам.

Дил ҳаммадан уздим, дарду дөғингдан эмас,  
Юз ҳаммадан ўтиридим, сўроғингдан эмас.  
Кўзимни оёғинг остига солсам агар,  
Айбларману кўзимни, оёғингни эмас.

Айёми висолу мавсуми дилдорлик —  
Ўтди-ю, менга юзланди беморлик.  
Ёр васли билан бедор эдим мен тунлар,  
Бир уйқую туш экан ўшал бедорлик.

Ҳар қанча санам қилса жафо хоҳларман,  
Ўзни яна юз марта ризо хоҳларман.  
То кўз бор экан, сени мудом кўргим бор,  
То дил бор экан, сенга фидо хоҳларман.

Кулганда хумор икки кўзинг ноз қиласи,  
Гуллар очилиб юзингда, пардоз қиласи.  
Оғзинг ҳақида гунча сўз айтиш истар,  
Ел пардасини йиртару парвоз қиласи.

<sup>1</sup> Некном — яхши ном чиқарган, машхур, донгдор.

Бу бош, санамо, йўлингда қурбон бўлсин!  
 Бу кўз оёфинг остида гирён бўлсин!  
 Бошимдаги кўзни сенга айлай садқа,  
 Бошимда нима бор — сенга, эй жон, бўлсин!

Кўйингда чекармиди кўнгил оху фифон,  
 Фамза ўқини отмаса қошинг беомон?  
 Бечора дилим бўлди-ку кўйингта асир,  
 Кўзинг бу асир йўлини тўсмасми ниҳон?

Ишқи ғамидан дил ҳой-ҳойга тушди,  
 Иш чунки ситамгар қоши ёйга тушди.  
 Ёрнинг юзига кўзим менинг тушган он  
 Дил деди: булут сояси ойга тушди.

Дедим: «Лабинг учida шакарлар бордир»,  
 Деди у: «Кўзинг ичра гуҳарлар бордир».  
 Дедим: «Гадоман йўлингда». Деди: «Жим бўл,  
 Юзингдан аён-ку — сенда зарлар бордир».

Зулфини кўриб, дил узуну хушбўй дер,  
 Юзини кўриб, балойи жон бу, қўй, дер.  
 Ортида гапирган бу каби гапларни  
 Олдидা гапирса ҳам бўлар-ку, хўй, дер.

Ёлғиз тилагим будир жафокорлардан:  
 Кўнглимни қилинг ҳоли оху зорлардан.  
 Ҳолбуки, камаймас эди бир жойингиз  
 Олганда хабар биз — ҳоли абгорлардан.

Юзи ўтидан тушди-ю дилга учқун,  
 Дил тўхтамади ёниб-кўйишдан бир кун.  
 Ўлдирди, десам, дилимни у оби ҳаёт,  
 Дил: ўт ўчирувчи экан у, дер секин.

Юзингни бу рашки лолазорми дейман,  
Дебочай<sup>1</sup> номаи баҳорми дейман.  
Оқ дур тӯла оғзингга назар солганда,  
Балки бу наботи донадорми дейман.

Ёр ҳажрида юзимни мудом ювгай ёш,  
Оппоқ юзидан юзга заҳиллик йўлдош.  
Зулфинг каби қаддимни, десам, хам этдинг,  
Бошдан ҳали ўтмадим-ку, дер бағри тош.

Кўзинг фирибу ҳийлага маскан бўлсин,  
Кўзим эса қонли ёшга маҳзан<sup>2</sup> бўлсин.  
Кўзимга кела қол қилиб одамийлик,  
То кўз сени деб ёруғу равшан бўлсин.

Ҳар қанча дедим: дилимни бой бермасман,  
Бошимга балолар ортириб юрмасман.  
Бу Дехли гўзаллари девона қилди,  
Дил ўйнару бир ерда муқим турмасман.

Кетди мени ташлаб ёри худбин, не қилай?  
Йиртиб ёқа, дил топмаса таскин, не қилай?  
Ёнингга чакир деб мен ёздим нома,  
Номамни ўқимаса у лекин, не қилай?

Маъшуқа лаби ҳажрида жон оввора,  
Васли фириби дастидан дил бечора.  
Дедим: «Нимадан лабинг ёрилмиш?» Деди:  
«Ширинлигидан балки бўлибди пора».

Охуни уялтирас кўзинг нега, санам,  
Фунчани лабинг рашк ўтига ёқди бирам.

<sup>1</sup> Дебоча — асарларнинг кириш қисми, муқаддима; мажозан: бирор нарса-ҳодиса, иш-ҳаракатнинг бошланиши, бошлама.

<sup>2</sup> Маҳзан — ганж, хазина.

Кўзинг ўзи шундоғам юмуқдир — не учун  
Зулфинг яширап юзингни қилганча ситам?

### 49

Жон номининг ўзидан ҳузурга тўлади,  
Ким номини тутса, бол егандай бўлади.  
Ёр номи олинганми асалдан дейман,  
Номини асал ё ёр номидан олади?

### 50

Роҳат қиласади майни ичиб жону жигар,  
Келганда баҳор боғу чаманларни безар.  
Ҳар куни булат ўзгача ёмғир тўқади,  
Ҳар дам гулу лола ўзгача жилва қиласар.

### 51

Дунёни ғами менда — кел, ғам тиласанг,  
Хирмон-хирмон — андишани ҳам тиласанг.  
Бир лаҳза дилинг бўлмаса-да мен билан,  
Ҳар лаҳза дилим сен билан ҳамдам тиласанг.

### 52

Ёр зулфини деб бош устида қолди қўлим,  
Васлида шамолдан ўзга не олди қўлим?  
Ўлдиргали қўл қўйиш учун келгай у,  
Қўлига ўзин рози бўлиб солди қўлим.

### 53

Ғам-қайғудан ўзга менга ёр берган эмас,  
Ҳар не тиласам, уни нигор берган эмас.  
Дилдан ғами юкини кўтаргим келди,  
Лекин уни дил, қилдиму зор, берган эмас.

### 54

Наврўз ўтди — қилиб мудом ноз келади,  
Шодлик асбобини<sup>1</sup> қилиб соз келади.  
Гул кетди ўзидан ўтди деб Наврўзни,  
Бир йил ўтгач, ўзига у боз келади.

### 55

Тўлдир қадаҳинг — баҳор кириб келмоқда,  
Қоп-қора булатлар сузишар ҳар ёқда.

<sup>1</sup> Асбоб — бу ерда: восита, жиҳоз, керакли нарсалар.

Лола ўтидан тутун чиқар, ёққандай  
Анбарни сабо гүёки дашту боғда.

## 56

Хажрингда кўзим уйқуни тарк этди тамом,  
ЛАълинг ғамида кўзим ёши қонли мудом.  
Бир бора кўзим қорачигига қарагил:  
Сув одами бўлди йифидан унга мақом.

## 57

«Ёр ҳуснини мақтама — бу йўлингдан қайт,  
Чунки рақибинг таъна учун пойлар пайт», —  
Дерлар менга, мен-чи, билганим айтарман,  
«Эй шум рақибим, сен-да нима билсанг айт!»

## 58

Ҳолимни гўзал дилдорга кўрсатинг-ей!  
Ё ой юзини мен зорга кўрсатинг-ей!  
Берсам-да унга дил, яширишар мендан,  
Ўлсам жасадимни ёрга кўрсатинг-ей!

## 59

Дилдор мени эсламас фаромушлиқдан,  
Айттолмадим уни мен-да беҳушлиқдан.  
Бир гўшага солди мени бу хомушлик,  
Фарёд этаман мен энди хомушлиқдан.

## 60

Ҳажри ғаму йифини менга бахш этди,  
Кўзни хира, дилни пора қилди-кетди.  
Эй кўз, юзини кўриш тилагингми ҳануз?  
Эй дил, севасанми ҳали ё ишқ битди?..

## 61

Ишқинг мени ошуфтаю ҳайрон қилди,  
Дилни яра, ақлимни паришон қилди.  
Дил дардини айтиб тугатолмасман ҳеч,  
Ўчмайдиган ўтни дилда пинҳон қилди.

## 62

Ёр, шодлигу айш ичра мақоминг бўлсин!  
Бағрим қонидан қўлингда жоминг бўлсин!  
Май сенга ҳалол зеболигингдан, аммо,  
Менсиз уни ичганда ҳароминг бўлсин!

Мен зору асиру мубталоман сенсиз,  
 Ҳаттоқи ўлимга ҳам ризоман сенсиз.  
 Қандай яшаяпсан менсиз деб сўрама,  
 Ўз ҳолини билмас бедавоман сенсиз.

Мен ёрнинг агар жафосидан ўлгайман,  
 Ё ишқ ўйлида ризосидан ўлгайман.  
 Мен ўлсам агар, ишқида кўз очгайман,  
 Кўз очиқ экан, балосидан ўлгайман.

Чекдик ситамини мену ҳам шайдо дилим,  
 Мен-ку чидамасман, чидамас ҳатто дилим.  
 Билдим ўлимимдан сенга зарра ғам йўқ,  
 Бу ғамни кўтармайди бироқ асло дилим.

Мен ҳам сенинг аҳлинг — аччиқ сўз айтма,  
 Не келса тилингга, эй дилафрўз, айтма.  
 Оғзинг ўзи кичкинаю сўзинг катта,  
 Маъносига то етмас экан кўз, айтма.

Дил олдию кетди — меҳрибонлик қилмас,  
 Жон хастаю оҳ чекиб, ёмонлик қилмас.  
 Хуллас, мени ўлдирди-ю энди айтар:  
 «Менда не гуноҳ — ҳаёт омонлик қилмас».

Кетди кеча айта, қани, танҳо бўлсанг,  
 Кўп нола қил айрилиқда шайдо бўлсанг.  
 Излаб уни, эй жон, қани, тез туш йўлга,  
 Ёқмас менга ёнимда муҳайё бўлсанг.

Дардингда кўзимдан ёш бўлиб оқади дил,  
 Шунга қарамай, сен деб ўзин ёқади дил.  
 Дедингки: дилинг ўзга нимага банд эт,  
 Севгач сени, қандай ўзгага боқади дил.

Ҳижрон чоғида ҳамиша ёрсан, эй ғам,  
Билсам ғам эмас, менга мадорсан, эй ғам.  
Кўп айланасан атрофидан кўнглимнинг,  
Дунёда менинг учунми борсан, эй ғам?!

Кирдиму кўйингга, йўл эса, оҳ, йўқдир,  
Куйдиму дилим дардидан огоҳ йўқдир.  
Юз йилга чўзилса ҳам агар ҳижронинг,  
Ёддан чиқасанми сира, валлоҳ<sup>1</sup>, йўқдир.

Оппоқ юзини қачонки мен ёд этаман,  
Насрин<sup>2</sup> ила дил мулкини обод этаман,  
Шўх кўзларини эслаб агар дод этаман,  
Насринни олиб қўлга, ўзим шод этаман.

Мен ёд этаман бу умри беҳосилни  
Ҳам етгану етмаган неча манзилни,  
Ночор ҳолиму воқеайи мушкулни,  
Фамга кўмади булар бари кўнгилни.

Ёр васфини ҳар ерда кўнгил эшитади,  
Ўз қиссасини-да у нуқул эшитади.  
Минг андиша этаман мен ўз ноламдан,  
Орзум шуки, ноламни у гул эшитади.

Биз бошни қилиб ёрга нисор кетгаймиз,  
Қўйида чекиб нолаю зор кетгаймиз.  
Чунки қўлимиздан ўзга бир иш келмас,  
Бўйнига этиб жонни тумор кетгаймиз.

Ёр нега яширгай ой юзи — тозасини,  
Сабрим баланд этсин унинг овозасини,  
Синдириди бугун жон ҳам дарвозасини,  
Топди ўзининг мақоми — андозасини.

<sup>1</sup> Валлоҳ — Худо ҳаққи.

<sup>2</sup> Насрин — оқ хушбўй гул.

Ишқингда тириклигим гумон бўлгайдир,  
Борган сари дил ҳоли ёмон бўлгайдир.  
Эй жон, менга бу йўлда эмассан ҳамроҳ —  
Жондан нишон ошиққа қачон бўлгайдир?

На тоату тақво — дин учун ўлгайман,  
Мен бир бути нозанин учун ўлгайман.  
Айб этма бетартиб яшадинг деб асло,  
Мен шу умри бетайин учун ўлгайман.

Сўз-суҳбатимиздан бўлган бегона —  
Дилга ияги<sup>1</sup> ҳоҳи эмиш кошона.  
Эй тонг ели, ўтсанг кўрасан ҳолимни —  
Қандай асир этганин фаромушхона.

Ошиқ дилидан бу шам нишон келтиргай,  
Кўп куйганидан бўғзига жон келтиргай.  
Сидқ илиа куяр, бироқ, бир айби шуки,  
Дил ўтини тилга бегумон келтиргай.

Гул кеча гулоб туфайли ғаш бўлган эди,  
Куйдиргучи оташда талаш бўлган эди.  
Бағрида гулоб қайнагани боисидан  
Иссиқда суву ўт аралаш бўлган эди.

Эй сарв, ҳамиша зийнати бўстон бўл!  
Эй ел, қадаҳни чайқатиб, шодмон<sup>2</sup> бўл!  
Эй гул, чиқарма бошки, нарғис мастидир,  
Бир дам яна парда ичида пинҳон бўл.

Рўзада агар фойдаю қут бўлгайдир,  
Ўртаб вужудинг мисоли ўт бўлгайдир.

<sup>1</sup> Ияк (Занаҳдон) — тасаввуфда соликни абадий ҳоҳдан зулмат ҳоҳига соладиган маҳбубанинг қаҳромез итоби.

<sup>2</sup> Шодмон — хурсанд, шод, мамнун.

Мендан сўрашар ҳайит қачон келгай деб,  
Рўза тутаган куни ҳайит бўлгайдир.

## 84

Тушмиш ярашиб ёр ияги ичра хол,  
Бир сир яширин унинг тагида яққол:  
Чоҳга кўмишар агарда дон кўп бўлса,  
Бир кунжуту бир чоҳ — ажойиб бир ҳол!

## 85

Қисмат лабинг узра яратибди бир хол,  
Кўрган киши борки уни, қолгайдир лол:  
Бурнинг бамисоли тифу холинг бўлса,  
Боқ: томчилаган томчи қондир яққол.

## 86

Йўқ ранжу фамим охири, ёр, боқсанг-чи!  
Кўнглим ўтидан тилда шарор<sup>1</sup>, боқсанг-чи!  
Билмоқчи эсанг дилинг қаттиқлигини,  
Қаттиқлигига жонни бирор боқсанг-чи!

## 87

Эй фам, яратилдингми фариб кўнглим учун?  
Аччиқсану ёрлигинг учун менга ширин.  
Ёр мени висол базмига таклиф этди,  
Бу ҳақда фироқдан нима кенгаш сўрайин?

## 88

Сўзлашса кулиб ўзга билан ёrim агар,  
Кўзим ёши тўфон каби оламни тутар.  
Ёrim юзини бегоналар кўргай деб,  
Рашку ҳасадим ўзимдан ўзимни тўсар.

## 89

Сенсиз кўзим олдига қамар<sup>2</sup> келгайдир,  
Тишинг ёдида дурру гуҳар келгайдир.  
Белинг<sup>3</sup>, биласанми, нега кўздан пинҳон?  
У лутф юзидан кўзга магар келгайдир?..

<sup>1</sup> Шарор (*Шарор*) — учкун, ўт, аланга.

<sup>2</sup> Қамар — ой.

<sup>3</sup> Бел — комил инсоннинг фикру тахайюли. Ингичка (қилдай) бел — бу фикру тахайюннинг нозик ва теранлиги. Соликнинг вужуди ҳижобига ҳам ишора қилинади.

Күздан лола рангли ёш агар югуради,  
 Ёр масть күзи етказиб заар югуради.  
 Қадди ўқи жон ичра — унинг оғригини  
 Дил тортару күзда бу кадар югуради.


Ёримни кече мен кузатардим пинҳон,  
 Оқарди күзидан ёши мисли уммон.  
 «Кўзим ёшидан, — десам, — ҳазир бўл» унга,  
 «Кўркитма мени йифи билан», — дер жонон.

Ёр кетди-ю, қон ичра яшарман энди,  
 Фарёду фифон ичра яшарман энди.  
 Ҳажрида нима қилишни мен билмасман,  
 Қандай бу жаҳон ичра яшарман энди!

Ҳар лаҳза юзинг шами зиёда бўлади,  
 Ҳар лаҳза дилим ғами зиёда бўлади.  
 Айб этма дилинг куйган экан деб фоят,  
 Ҳар лаҳза кўзим нами зиёда бўлади.

Жазб этди ўзига дили шайдони ўша,  
 Боғлаб ўзига жони бенавони ўша.  
 Сўрсам сочини, деди: қадим сояси у,  
 Кўрган киши борми қора савдони ўша?

Бир боқиши бўлганча бўлдирди мени,  
 Кўнглим ишқу ҳайратга тўлдирди мени.  
 Ёр ўхшади золимгаю куйдирди дилим,  
 Ҳажр ўхшади қотилгаю ўлдирди мени.



# АМИР ҲАСАН ДЕХЛАВИЙ

(1254 – 1327/1338)

Ҳиндистондаги форсийзабон адабиёттинг забардаст намояндаларидан бири. Амир Ҳусрав Дехлавийнинг замондоши ва дўсти. Ислим Ҳасан, лақаби Нажмиддин. Лекин «Фавоид ул-фуод» («Дил фойдалари») асари дебочасида ўзини Ҳасан Алои Сажзий деб тақдим этади. Тазкиранависларнинг маълумот беришича Ало (ёки Алоуддин) отасининг исми бўлиб, Сажзий (ёки Сижзий) нисбаси аждодларининг сейистонлик эканини билдиради. Дехли шаҳри хожазодаларидан бўлиб, Ҳожа Ҳасан ва Амир Ҳасан номлари билан машхур. Дехлининг жануби-шарқидаги Бадоюн шаҳрида туғилиб, Дехлида нашъу намо топган. Чиштия тариқатининг пири муршиди Низомиддин Авлиёнинг муриди ва котиби бўлган<sup>1</sup>.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, шеъриятда Амир Ҳусравга издошлиқ қилган ширинкалом шоир бўлиб, тасаввуф руҳи ва саҳли мумтанеъ (осону мумкин эмас) услубидаги равон ва кўнгилга яқин шеърлари бор. Амир Ҳусрав сингари бор мол-мулки, кўнгли ва истеъододини пири Низомиддин Авлиё қадамига нисор этиб, факр тариқида мардона сулук қилган<sup>2</sup>.

«Тарихи Ҳинд» асари муаллифининг ёзишича, гўзал ахлоқ, сухбат одоби, сўз зарофати, соғлом ақл, тасаввуф тариқатидаги қаноат талаби ва эътиқод поклиги, таркидунёчилик ва ёлғизлик бобида, оламдан нима юзланса, очик ҷеҳра билан қарши олиш ва уни хушхурсанд ўтказиш борасида Амир Ҳасанга teng келадиган киши кам бўлган<sup>3</sup>.

Ҳасан Дехлавийдан бир мукаммал девон ҳамда «Фавоид ул-фуод» ва Муҳаммад Султон вафотига бағишланган марсия каби икки насрый асар бизгача этиб келган. «Фавоид ул-фуод» асари Ҳиндистондаги тариқат толиблари ва арబблари учун қўлланма вазифасини ўтаган. Шоир девони асосан қасида ва ғазаллардан иборат. Ғазаллари 800 атрофида. Абдураҳмон Жомийнинг эътироф этишича, ғазалда гўзал услугуб эгаси бўлган. Аксар оҳорли қоғиялар, гўзал радифлар, хушоҳанг вазнларни қўллаган. Натижада улар осон кўрингани билан ёзиш мушкул кўриниш ҳосил қилганки, адабиёт-шуносликда уни саҳли мумтанеъ дейдилар<sup>4</sup>. Ғазалнависликда Саъдий

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Саломатшоева Л., Бақоев М. Муқаддима // Ҳасани Дехлавий. Мунтахабот. — Душанбе, 1965. С. 3—4.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. — Техрон, 1960. С. 186.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдураҳмони Жомий. Нафаҳот ул-унс. С. 125.

<sup>4</sup> Қаранг: Абдураҳмони Жомий. Баҳористон // Осор. Жилди 7. — Душанбе, 1989. С. 404.

ва Амир Хусравга издошлик қылган. Ўз навбатида, унинг ўзи Камол  
Хўжандий, Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин  
Восифий, Абдураҳмон Мушфиқий каби шоирларга кучли таъсир  
ўтказган<sup>1</sup>.

1

Кўзим ёши ҳар хилда намоён бўлгай,  
Гоҳида суву гоҳи қизил қон бўлгай.  
Ёр ишқи тузогига асир бўлган жон  
Энди кутулолмай зору ҳайрон бўлгай.

2

Ёр ваъда қилас, аммо вафоси йўқдир,  
Жабру жафодан ўзга вақоси йўқдир.  
Кўз ёшига фарқ этма бу гулдек юзни,  
Қўклам булутининг бақоси йўқдир.

3

Бу чарху фалак кўнглимдан олди қувонч,  
Умрим бўйи бегона бўлиб қолди қувонч.  
Ўйлаб қарасам, фуссадан ўзга йўқ дўст,  
Қочқин канизак мисоли йўқолди қувонч.

4

Ўғри уйим атрофида жавлон қилди,  
Ифлос қараши бандани ҳайрон қилди.  
На бир дона арпа топди, на янги чопон,  
Бечоралигим дилимни вайрон қилди.

5

Ёр келди-ю, йўқдир унда ёр иси, нетай?  
Йўқ бу сувда ёр аригин туси, нетай?  
Гул дафтарини вараклабон кўрдим мен,  
Бир нусхасида бўлмаса ёр юзи, нетай?

6

Ҳажр оятини роса ўқидик, жонон,  
Қилдик дилу жонни қадамингга қурбон.  
Эй, кўнгли ўзининг қўлида бўлган зот,  
Сен ҳам дилинг орзусини айла пинҳон.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Саломатшоева Л., Бақоев М. Муқаддима. С. 5—12.

Кел, ёр, ўзингни ёрга пайванд айла,  
Бу бандани ҳам ёри билан банд айла.  
Сенсиз яшамоқ азобига қанча чидай?  
Ё ўлдир, ё васл ила хурсанд айла.

## 8

Бор дилу дину бош — сенга қай бири керак?  
Мос келса бири кош — сенга қай бири керак?  
Бизга нима хизмат — барига тайёрман,  
Хоҳ олгали жон шош — сенга қай бири керак?

## 9

Боқсанг-чи қиё — кўйингда хаста жонман,  
Акс толе сабаб чарх каби саргардонман.  
Бир бора десанг-чи: чекма ғам — мен биламан,  
Шодликдан айру, ғамда бағри қонман.

## 10

Булутга берар мадад бу қўзимдаги нам,  
Тонгга қилади асар бу бўғзимдаги дам.  
Дерлар менга ёрнинг ғамига сабр айла,  
Сабр этгани қўймайди бу қўнглимдаги ғам.

## 11

Кошки лаъл эмас, ёр лабидан ўргилсанг,  
Минг бор, қани, кўйида гадолик қилсанг.  
Дер у: рамазонда яхшимас бундай гап,  
Бир бўсада бир ой савоби бор, билсанг.

## 12

Эй ёр, ситаминг катта-кичикка етди,  
Зулминг қўли кўплар дилини қон этди.  
Шанба келаман деган эдинг, борми уят,  
Бу орада неча шанба ўтди-кетди.

## 13

Бу кўҳна жаҳонда ҳар нафас ғам кўрдик,  
Фамга ёр бўлган ёрни кам кўрдик.  
Сабр этагига ҳамиша қўл чўзган эдик,  
Эй қўл етмас сабр, сени ҳам кўрдик.

## 14

Мен ғам майидан маст ўтиарман, бехуд,  
Мен бедилу дил ҳазин — юрарман бехуд.  
Минг марта бехуд кўрдим ўзимни сенсиз,  
Эй ёр, сени қачон кўрарман бехуд?

## 15

Тут менга шароб масти хумор кўзларидан,  
Дил кетди муаттар сочининг изларидан.  
Зулфи ўшар номаи аъмолимга,  
Маҳшаргача бехабар киши сўзларидан.

## 16

Боғсира гўзаллик даъвосин қиласин-ей,  
Ёр ҳусни зухуридир у — керилласин-ей.  
Ёрдан сира у гўзал эмас, бас, гуллар  
Хандон уриб устидан унинг кулласин-ей.

## 17

Эшиглики ошиқ ёр ўтиб кетди шитоб,  
То тонгга қадар кўзларидан тўқди гулоб.  
Киприги билан тикарди уйку тўнини  
Кўз пардасидан чекиб фироқда у азоб.

## 18

Гул ҳусн даъвосини агар қиласа ҳавас,  
Бу кибру фууруни шамол билгилу бас.  
Дер сендагидек нафис либоси бордир,  
Ишонмаки, бундай бўлиши мумкин эмас.

## 19

Ёрнинг юраги юмшамагай ҳеч — биламан,  
Ҳар қанча кўзим ёши билан нам қиласман.  
Дейди у кўзинг ёшини қўп сел қиласма,  
Васлингга то етгунгача гирён бўламан.

## 20

Мен қанча дуо қилдиму ёр билган эмас,  
Шафқат юзидан зарра вафо қилган эмас.  
Дил қони билан юзимга ишқ қиссасини  
Ёзсан-да, санам тарафдан ўқилган эмас.

Ёр зулфидан ошиқ иши ҳал бўлган эмас,  
Дил ишқида менда ҳеч маҳал бўлган эмас.  
Мушк иси келар ёр ёдида жонимдан,  
Сотсанг ўша нарх — ўзга бадал бўлган эмас.

Тутдингми, дилим, бир гулни дўст, гапир,  
Ҳар нарсани, эй кўз, бекаму кўст гапир.  
Қадди каби бир сарвни кўрдингми сира,  
Шоҳга қўну тўғри ўтиру рост гапир.

Эй, бир назаринг давои bemorliklar,  
Бизмиз ўша дардингга гирифтторликлар.  
Фазлинг ила бор мушкулимиз осон қил,  
Фазлинг ила осон бари душворликлар.

Кўнглим ғам-аламда қон, афв эт — сўрама,  
Минг айбу гуноҳ пинҳон, афв эт — сўрама.  
Шарманда бўларман амалимни сўрасанг,  
Ўзинг Раҳиму Раҳмон, афв эт — сўрама.

Кўзим уйида кеча у қадди шамшод<sup>1</sup>  
Меҳмон эди-ю, дилим бу меҳмондан шод.  
Тонг отди-ю, ёр кетди — чекарман фарёд,  
Меҳмон билан экан ҳар хона обод.

Бу чарх ишида сира хато кетмайди,  
Умр оти имилламас — duo кетмайди.  
Ҳар қанча фироқ тузогини қурсак-да,  
Ҳақ амридан ўзга муддао кетмайди.

Ёр дардининг асли ярадори бошқа,  
Тақвою осудалик шиори бошқа,  
Икки иш бошин тутиш қарори бошқа,  
Берўза, намоз киши қатори бошқа.

<sup>1</sup> Шамшод — кичик ва хушбўй гулли, ҳамиша кўм-кўк яшнаб турадиган хушкомат ва чиройли дарахт.

# ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ

(вафоти 1316/1321)

«Силсилаи шариф»да ўн учинчи ҳалқанинг пири муршиди бўлган машхур авлиё, қутби замон Хожа Али Ромитаний Бухоро вилояти Ромитан туманининг Қўрғон қишлоғида туғилган. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавиййинг муриди бўлиб, Хожай Азизон номи билан шуҳрат тутган. Тўқувчилик қилиб кун кўргани учун Бухоро аҳли уни Хожай Нассож (тўқувчи Хожа Али) деб атаганлар. Касби тўқувчи бўлгани учун ҳам «Иймон нима?» — деб сўраганларида: «Узмоқ ва уламоқ», — деб жавоб берган экан, яъни бу дунёдан узилмоқ ва Ҳаққа уланмоқ. Хожа Али тўқувчиларнинг пири ҳисобланади. Мақомоти олий, кароматлари беҳад бўлган бу зотнинг довруғи Рум (Туркия)гача бориб, Мавлоно Жалолиддин Румий бир байтида агарда ҳол илми<sup>1</sup> қол илмидан<sup>2</sup> афзал бўлмаганида бухороликлар Хожа Нассожга эргашармидилар деб улуғлаган:

Гарна илми ҳол фавқи қол буди, кай шуди  
Банда аъёни Бухоро Хожай Нассожро<sup>3</sup>.

Хоразмда бир муддат яшаб, хонақоҳ очган ва мурид тарбиялаб, хожагон тариқатини бу ҳудудда ёйган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд «Биз ҳазрати Азизоннинг фарзандимиз» деб, ўзини унинг вориси, издоши ҳисоблаган ва муридлари билан суҳбатларда ҳамиша Хожа Алиниң ҳикмат ва кароматларидан гапириб юрган. У яна: «Ҳазрат Азизондан икки хил зикр бизга мерос бўлиб қолди: бири — зикри жаҳрия (баланд овоз чиқариб зикр қилиш), иккинчиси — зикри ҳуфия (овоз чиқармай зикр қилиш). Ҳуфия зикр кучли ва афзал бўлгани учун биз уни қабул қылдик», — деган.

Хожа Али Ромитанийнинг: «Агар ер юзида Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний фарзандларидан бири бўлганида Мансур сира дор остига бормас эди», — деган гапи машхур. Чунки хожагон-нақшбандия тариқати Қуръон ва суннатга асосланган бўлиб, унинг таълимоти билан қуролланган сўфий хатарли мақомлардан эсономон ўтар, бинобарин, машхур сўфий Мансур Ҳаллож ҳам дорга осилмас эди.

<sup>1</sup> Ҳол илми — инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган гаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл-атвор, хислатларнинг намоён бўлиши; ботиний илмлар, кенг маънода тасаввуф илми.

<sup>2</sup> Қол илми — тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зоҳирий илмлар. Шариат илми ҳам шунга киради.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 256-бет.

Бизгача улув пирнинг «Маноқиби Хожа Али Азизон Ромитаний» асари етиб келган. Унда Ромитанийнинг тасаввуф аҳлиниңг ахлоқодоби, хожагон тариқати қонун-қоидалари билан боғлиқ қарашлари, панд-насиҳатлари жамланган. Хожагон тариқатининг 10 шарти баён қилинган. «Рисолаи ҳазрати Азизон» номли кичик ҳажмли асар ҳам унга нисбат берилади<sup>1</sup>. Асар Г. Наврӯзова ва И. Қосимовлар томонидан таржима қилиниб, нашр этилган. Унинг «Маҳбуб ул-орифин» («Орифлар маҳбуби») деган китоби ҳам бўлган.

Икки ўғли бўлган: Хожа Муҳаммад (Хожа Хурд) ва Хожа Иброҳим. Хожа Муҳаммад ўз даврининг алломаси бўлган. Лекин Хожа Али иршод хатини иккинчи ўғлига берган.

Тўрт халифаси машхур: Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз, Хожа Муҳаммад Ҳаллож, Хожа Муҳаммад Бовардий, Хожа Муҳаммад Самосий.

Хожа Алиниңг 130 йил умр кўргани ривоят қилинади.

Қабри Кўҳна Урганчда (Туркманистон Республикасининг Тошқовуз вилояти)да бўлиб, устига маҳобатли мақбара тикланган. Бу табаррук зиёратгоҳ «Уч юз олтмиш пир» зиёратгоҳи деб аталади. Түфилган юритида — Ромитан туманининг Кўргон қишлоғида ҳам Хожа Алиниңг зиёратгоҳи мавжуд. Қабри устига мақбара қурилган, янги масжид, меҳмонхона, ҳовуз, дарвозахона бунёд этилган<sup>2</sup>.

## 1

Ўлтиранг бирор билану дил бўлмаса жам,  
Бир дам сени тарқ айламаса ташвишу ғам,  
Бундай кишининг суҳбатидан қоч, йўқса,  
Афв этмас азизлар<sup>3</sup> руҳи сени сира ҳам.

## 2

Сен Ҳаққа етай десанг, Ромитанга кел!  
Жон ёрга тутай десанг, Ромитанга кел!  
Бошингни оёқ қилиб, Азизон руҳини  
Ёду шод этай десанг, Ромитанга кел!

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. 358-бет.

<sup>2</sup> Бу маълумотлар ҳақида қаранг: *Фаҳрудин Али Сафий*. Раشاҳот (Оби ҳаёт томчилари). Нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқов. — Тошкент, 2003. 51—59-бетлар; *Садриддин Салим Бухорий*. Икки юз етмиш етти пир. 136—147-бетлар.

<sup>3</sup> Аслиятда бу сўз икки маънода келган: азизлар, Азизон — Хожа Али Ромитанийнинг лақаби.

### 3

Ҳақ зикри билан дилга бўлар дард ошно,  
 Ҳақ зикрини қилган киши бўлгай танҳо.  
 Ҳақ зикри агарчи ўт, совутгай дилни  
 Ҳар икки жаҳон муҳаббатидан аммо<sup>1</sup>.

### 4

Оллоҳ бу тану жонни яратган фурсат,  
 Ҳар аъзо учун тайинлади бир хизмат.  
 Этмасди оғиз зинданони ичра маҳбус  
 Гар кўрмаса тилда бир қусуру иллат.

### 5

Жон — тан қафаси ичра қамалган бир қуш,  
 Бу қушни авайлаш, эҳтиёт айлаш хуш.  
 Бу қушни тутолмайсан учиб кетса агар,  
 Боғла оёғидан борида ақлу хуш.

### 6

Бечора дилим юзингга ошиқ эди кўп,  
 Кўйингда кезибди кеча то тонггача хўп.  
 Ўйнайди отиб гоҳи ўёқ, гоҳи бу ёқ,  
 Зулфинг сени чавгону дилим бўлдими тўп?

### 7

Ҳар бир нафасингга бор қиёматда ҳисоб,  
 Кўп қилма гуноҳ — дўзахда чеккайсан азоб.  
 Отга минару қанча пиёда эрта,  
 Отлик бўлади пиёдаю ҳоли хароб.

### 8

Мен ичган майнинг руҳ паймонасидир,  
 Маст этган ёрнинг ақл девонасидир.  
 Дилга ўт уриб, кўкка оҳим етказган,  
 Ул ҳусни шамининг офтоб парвонасидир<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бу рубоий Абдулхолиқ Фиждувоний ва Нажмиддин Куброларга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

# АВҲАДИЙ МАРОФИЙ

(1274 – 1338)

Диний-тасаввуфий руҳдаги шеърлари билан шуҳрат қозонган Рукнииддин Авҳадий Марофий Исфаҳоний ўз даври адабий ва фалсафий илмларини чуқур ўзлаштириб, шофеъийлик мазҳабига майл кўрсатган. Эрон элхонлари саройига йўл топиб, уларга багишлаб қатор қасидалар ёзади. 1308 йили сафарга чиқиб, Султония, Ҳамадон, Исфаҳон, Карбало, Дамашқ, Куфа, Бағдод ва бошқа шаҳарларда бўлади ва 1311 йили Марофага қайтади. 1314 йили яна Исфаҳонга бориб, у ерда 20 йил яшайди ва кўплаб асарлар битади. 1333 йилдан умрининг охиригача Марофага яшайди.

Авҳадий Марофийдан шеърлар девони, «Даҳнома» («Ўн нома»), «Мантиқ ул-ушшоқ» («Ошиқлар мантифи») ва «Жоми Жам» («Жамшид жоми») маснавийлари етиб келган. Девони қасида, ғазал, қитъа, рубоий, таркибанд, таржеъбанд ва мураббаъ каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олади. Маснавийлари ирфоний мазмунда бўлиб, «Жоми Жам» Саноийнинг «Ҳадиқат ул-ҳақиқат» асарига эргашиб ёзилган<sup>1</sup>. Тасаввуфда Авҳадиддин Кирмоний издошлиаридан ҳисобланади. Девони машхур Эрон адабиётшуноси Сайд Нафисий томонидан чоп этилган. 180 та рубоий ёзган<sup>2</sup>.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, пок эътиқодли, ориф ва истараси иссиқ киши бўлиб, тасаввуф ва тариқатдаги камолию хулқи бекаму кўст эди. Улуғ авлиёлардан Авҳадиддин Кирмонийнинг муридидир. Авҳадий тахаллусини олиши ҳам шундан... «Жоми Жам» маснавийиси тариқат аҳли орасида ниҳоятда шуҳрат тутган. Девони 10 минг байтдан иборат бўлиб, орифона мазмунга йўғрилган<sup>3</sup>.

Девони ва «Жоми Жам» маснавийсига Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам юксак баҳо беришган<sup>4</sup>.

## 1

Дедимки: «Лабинг». Деди: «Шакар дейсанми?»

Дедимки: «Юзинг». Деди: «Қамар дейсанми?»

Дедимки: «Эшитдим — оғзинг<sup>5</sup> ҳам бор экан?»

Дер: «Кўрмаганингдан хабар дейсанми?»

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедия адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 49.

<sup>2</sup> Қаранг: Рубоий ва рубоийсароён. С. 157—158.

<sup>3</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. С.157—161.

<sup>4</sup> Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. С. 120; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 467-бет.

<sup>5</sup> Оғиз — сўғийлар истилоҳида илоҳий каломга, унинг чиқиши ўрнига ишора. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.

«Гамда, — дедим, — ўлдирма». Деди: «Бош устига!»  
 «Ҳажр ўтида сўлдирма». Деди: «Бош устига!»  
 Дедимки: «Кўзинг билан сирим фош этма,  
 «Дилни гамга тўлдирма». Деди: «Бош устига!»

Чўғдай лаби, оқ юзларидан ўпсам эди.  
 Ҳам маству хумор кўзларидан ўпсам эди.  
 Сочиқ каби сув юзига чиздим юз нақш,  
 Сочиқ каби қўл-юзларидан ўпсам эди.

Эй ой, сени севганим учун ор этма,  
 Ҳажрингда мени тунлари бедор этма.  
 Мен сенга азиз жонни фило айларман,  
 Сен ҳам мениню сўзимни ҳеч хор этма.

Шам ўз бошидан кечди-ю, озод куйди,  
 Гам оташида хандон уриб, шод куйди.  
 Мен бандасиман шамнинг — эл кўнгли учун  
 Ширинни қўйиб, мисоли Фарҳод куйди.

Тўғри юрсанг, жонга яқин олгайлар,  
 Эгри юрсанг, дилдан узоқ солгайлар.  
 Чанг тори каби ошиқлар даврасида  
 Қандай сени, рост бўлмасанг, чолгайлар.

Лаълидан ушалмас дилу жон орзуси ҳеч,  
 Бу орзу на фошу на ниҳон бўлгуси ҳеч.  
 Ўтган кеча тил учида ҳолим сўради,  
 Юз тил унинг узрини қила олгуси ҳеч.

Зулфини камайтирса-да, оширса-да хуш,  
 Рост қомати хоҳ ўтиrsa, хоҳ турса-да хуш.  
 Мен қомати васфини қиларман доим,  
 Рост бўлса қад ҳам, сўз ҳам — ҳар нарса-да хуш.

Дунё неъматидан насибам бўлди заҳар,  
 Ўлим ўқига бўлди нишон хаста жигар.

Мен қисқа сафарни кўзлагандим, лекин  
Бўлди менга узундан-узоқ ушбу сафар.

## 10

Одам бўлсанг, макру фирибни тарк эт,  
Гар бўри эмассан, сурув олдидан кет.  
Шон-шуҳрат учун қачонгача ғам чекасан?  
Бўйингни бу оғир юқдан қил соқит.

## 11

Авҳад, бу жаҳонда нима кўрдинг ҳечдир,  
Ҳар нима эшийтдингу гапирдинг ҳечдир,  
Умринг бўйи ўзим деб югурдинг ҳечдир,  
Бир гўшада охири ўтирдинг ҳечдир<sup>1</sup>.

## 12

Паймона узат — ошиги паймона ўзим,  
Домида замоннинг асири дона ўзим.  
Ақл олгучи майдан, қани, бир коса узат,  
Билсин элу халқ токи девона ўзим.

## 13

Шавқи майдан яна хуморсан, эй дил,  
Синди яна тавба — бекарорсан, эй дил.  
Йўқлик майдан зору хароб бўлдинг, бас,  
Шундай яша, қандайинки борсан, эй дил.

## 14

Дил дастидан кўксим тўла дарду алам,  
Кўксим ўтидан кўзимни(нг) йўқ уйқуси ҳам.  
Тўқ қонини, эй кўз, бу дилнинг, чунки  
Қолган эмас у туфайли сенда сира нам.

## 15

Сув бўйида ўлтирса баҳорлар на хуш-ей!  
Гул қошида булбул этса зорлар на хуш-ей!  
Хушёр номини олиб, эй мағрур юрган,  
Қайдан биласан айши хуморлар на хуш-ей!

## 16

Оҳ, сен жуда юксакда — қўлим етгайми?  
Чексиз шу қадарсанки, билим етгайми?

<sup>1</sup> Бобо Афзалда ҳам шундай мазмундаги рубоий бор.

Енгилтабиат бандани(нг) рози не бўлар?  
Оғир талабинг — жону дилим етгайми?

## 17

Афсуски, вафо қилмади умрим бир дам,  
Ёлғончи замонга эътимодим<sup>1</sup> ҳам кам.  
Тупроқ қатига тиқди чарх ўйнай-ўйнай,  
Келмай ҳали тупроқ ўйини вақти ҳам.

## 18

Гул сепди сафо сувини маҳваш юзига,  
Урган каби бўлди гўё оташ юзига.  
Дедим: «Нега оташ урдинг?» У қилди жавоб:  
«Бир дам қучоғим келган эди хуш юзига».

## 19

Юзингни севиб, ишқида ўртансам зор,  
Тутқазма тубан рақиб қўлига зинҳор.  
Тақдирда куйиш бўлса, ўзинг куйдиргил,  
Тақдирда кулиш бўлса, ўзинг кулдир, ёр.

## 20

Кўтарди келиб кеча сабо бошимни,  
Келтирди хату<sup>2</sup> қилди само бошимни.  
Бағримга босай десам ўпид, қўймали кўз  
Ҳам бўлгиси келмади жудо бошимни.

## 21

Ҳар яхши-ёмонни этма ёрга ошкор,  
Ҳар тун икки юз байт ёзиб бўлмас зинҳор.  
Энг мушкули шуки, иккимиз ҳам ошиқ,  
Ҳар иккала ишқ қиссаси ҳам бетакрор.

## 22

Дил бандаси гулнинг муаттар исининг,  
Жон чокари<sup>3</sup> гулнинг ёқимли юзининг.  
Юз мингта тикан терувчи банда бўлган  
Булбул қули гулнинг тикани тезининг.

<sup>1</sup> Эътимод — ишонч, суюнч, таянч.

<sup>2</sup> Ҳат (Нома) — мактуб. Тасаввуфда маҳбуби ҳақиқий билан ғойибона сирлашув.

<sup>3</sup> Чокар — хизматкор.

# ХОЖУ КИРМОНИЙ

(1281 — 1352)

Абулато Камолиддин Маҳмуд ибн Али ибн Маҳмуд Кирмон шахрида туғилган. Ҳожу таҳаллуси остида ёшлигидан шеърлар ёзиб, Ҳожу Кирмоний номи билан шухрат қозонган. У ўз даврининг буюк шоир ва орифларидан ҳисобланади. Язд, Бағдод каби кўплаб мамлакатларга саёҳат қилиб, охири Шерозда муқим бўлиб қолган. Бағдодда машҳур тариқат пири Алоуддин Симонийга қўл бериб, унинг муридлари сафига қўшилади. Ҳожудан қасида, фазал, қитъа, рубоий, таркиббанд, мустазод каби жанрдаги шеърларни ўз ичига олган мукаммал девон ва б маснавий (достон) бизгача етиб келган. Ижодда Саъдийга эргашган бўлса-да, шеъриятни янги мазмун, оҳорли ташбеҳлар, тасаввуфий талқинлар билан бойитиб, ўзига янги йўл очди, ўзига хос услугуб яратди. Ҳожу Кирмоний ўзидан кейинги Шарқ сўз санъати, жумладан, машҳур шоир, фазалчилик устози Ҳофиз Шерозий ижодига кучли таъсир кўрсатган<sup>1</sup>. «У Саъдий шеъриятнинг асосий жанрларидан бирига айлантирган фазални ривожлантириб, Ҳофизга етказди, кейин Ҳофиз уни мўъжиза даражасига кўтарди... Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган эди:

Устоди фазал Саъдист пеши ҳама кас. аммо,  
Дорад сухани Ҳофиз тарзи сухани Ҳожу.

Мазмуни: «Барчанинг наздида Саъдий фазалда устод саналади, лекин Ҳофиз ижоди Ҳожу шеърлари услубидадир»<sup>2</sup>.

1

Ширину шакар кулгиси мисли қанддир,  
Ҳалқа-ҳалқа зулфиға дил пайванддир.  
Холи қўзи остига тушибди — у магар  
Мушкин нофасига охунинг монанддир.

2

Зулфиннга сенинг гарчи шикаст<sup>3</sup> тушмишдир,  
Мендек домига юз ишқпараст тушмишдир.  
Олмасман узун зулфинндан асло қўлни,  
Бахт риштаси унга пайваст тушмишдир.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Рубоий ва рубоийсароён. С. 158; Гулшани адаб. Жилди 2. — Душанбе, 1975. С. 350.

<sup>2</sup> Очилов Э. Сўз сеҳргари (Сўзбоши) // Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. — Тошкент, 2006. 15-бет.

<sup>3</sup> Шикаст — синик, мажруҳ; бу ерда: хам, ҳалқа, чин.

### 3

Юзинг каби гул күрмади дунё чамани,  
Мехробда күзингдек ухлаган кимса қани?  
Сен умрсан — умрсиз яшаб бўлмайди,  
Сен жонсан — мушкул тарки жон дегани.

### 4

Дил кетди гирифтор айлаган ёр изидан,  
Жон кетди дили хаста, ярадор изидан.  
Ҳар икки кўзимдан оқди ёшим селдек,  
Дардимни қилиб кетди у ошкор изидан.

### 5

Бу дилни олиб кетди яна дилбаримиз,  
Қолди-ю на дил бизда ва на дилбаримиз.  
Бизнинг дилимиз ҳажрида қон бўлган эди,  
Тиф урди — равон қилди, мана, дилбаримиз.

### 6

Келгил яна — ёшлик замони ўтди,  
Шодлигу сафо, шухрату шони ўтди.  
Ўтдингу кўриб сени ҳазин жоним дер:  
Фофил қолдим — умр ниҳони(й) ўтди...

### 7

Дедим: «Нима лабдан тўкилар?» Дедики: «Қанд».  
Дедим: «Нима сочдан етишар?» Дедики: «Банд».  
Дедимки: «Бирор нарса дегил». Дедики: «Жим».  
Дедим: «Табассум эт». Деди: «Қўй, ема панд...»<sup>1</sup>

### 8

Қилди жигаримни қон — қон бўлсин дил,  
Бахтим каби қора бегумон бўлсин дил.  
Дил дастидан элга сирим ошкор бўлди,  
Ошуфтаю мендек, паришон бўлсин дил.

### 9

Қилнинг бели бор балкию ёрнинг бели йўқ,  
Доим яширас юзини — менга дили йўқ.  
Дедим: «Паришон нега сочинг бошдан-оёқ?»  
Деди: «Паришон асли сўзинг — манзили йўқ».

<sup>1</sup> Бу рубой Камол Хўжандийга ҳам нисбат берилади.

Ўтган кеча шерозлик алиф қадли<sup>1</sup> санам,  
Зулфининг ҳар тори бир дор чинакам,  
Зулфини бутун тун бўйи ўйнаб чиқди,  
Ўйнаб чиқар эканми қуёш кечаси ҳам?!

Ноғора дер оламни кўтариб бошга:  
«Етар овозим ҳатто ою қуёшга!»  
Бир урди-ю бошига таёқ, деди: «Ўчир,  
Туткун бўлади бошқаю эркин бошқа!»

Шам бағрини ёқсан ўтни парвона билар,  
Ринд аҳли дили дардини майхона билар.  
Маҳбуба паричехраю мен девона,  
Сўз моҳиятини асли девона билар.

Ҳамдард киши йўқ — дарду ғамим сўрса қани?  
Ҳажри ўқидан қадди ҳамим сўрса қани?  
Чиқмоғини оҳ, нафас эмас бўғзимдан,  
Ёинки ёши дам-бадамим сўрса қани?

Пухта бўлсанг агар, майи хом иста,  
Тўнингни шаробга алмашу жом иста.  
Бас қил Фаридуну<sup>2</sup> Ҳотам<sup>3</sup> афсонасини,  
Бор, адлу атога аҳли ислом иста.

Кўнглимга дедим: «Кўзимда қондир дарё,  
Қилдинг жигаримни яна қон ҳар асно».  
Дил деди: «Кўзинг қони бу асли гавҳар,  
Кўзингга жигаргўшамиз илгандир то».

<sup>1</sup> Алиф қадли — тик ва келишган қоматли.

<sup>2</sup> Фаридун (Афридун) — пешодийлар сулоласига мансуб олтинчи подшоҳ. У адоловат тимсоли ҳисобланади.

<sup>3</sup> Ҳотам — хайру саҳовати билан машҳур бўлган араб қабила бошлиғи. Нажд вилоятининг Тай қабиласидан бўлганлиги учун Ҳотами Тай номи билан шуҳрат қозонган.

## 16

Дил умиди маҳрамдану маҳрамдир Ўзи,  
Жон бехабар ҳамдамдану ҳамдамдир Ўзи.  
Аслида у оламдан эмас ташқарида,  
Холи эмас оламдану оламдир Ўзи.

## 17

Ушалса агар дилингдаги орзу-ҳавас,  
Хурсанд бўлавер, бу дунёда сенга шу бас.  
Сен ҳар нафасингни ғанимат бил, қарасанг,  
Оlam нафасу шу нафасингдир у нафас.

## 18

Сен чарху фалакка ҳеч суюнма — дор у,  
Мол-дунёга қилма орқа — бўлмас ёр у.  
Бол деб бу замон тутгани аслида заҳар,  
Ўстиргани гул деб асли тикан — хор у.

## 19

Уйғонади май ичгани май масти сахар,  
Ўзини санамлар сочи дорига осар.  
Эндиғина юз очган у гулларни қаранг:  
Теккан каби музга ўт оташ уфурар.

## 20

Майдан дилга ишрат ўти етгусидур,  
Кўрганда қадаҳни ақл тарқ этгусидур.  
Тарқ этмаса ким ичишни тарқ этганни,  
Оқил киши уни тарқ этиб кетгусидур.

## 21

Жон ёр лабини ўпид, ишқ ўйнар эди,  
Отиб кўзи ғамза ўқини, қийнар эди.  
Сўфий каби шундай икки кўз қораичи  
Дил қонига ботганча намоз айлар эди.

## 22

Соқий, олу тўнимни, узат майни қатор,  
Маст айла уннуттириб нимадир йўғу бор,  
Қўлингда қадаҳ бўлсину қўйнингда ниғор,  
Майхона пирига айла жонингни нисор.

## 23

Кундан нолидим. «Нолима, — деди, — кун учун».  
Тундан нолидим. «Қилма, — деди, — сўзни узун».

«Зулфингни тутай», — десам, «Илондир у», — деди.  
Холин тиласам дер: «Үйнама мухра<sup>1</sup> үйин».

## 24

«Юзинг нима истайди?» — десам, деди: «Назар».  
«Кўйинг талаби нима?» — десам, деди: «Хатар».  
Дедимки: «Фаминг тугарми ҳеч?» Деди: «Сира».  
Дедим: «Нима йўл кўрсатасан?» Деди: «Сафар»<sup>2</sup>.

## 25

Ҳажрингда қачонгача паришон бўламиз,  
Дил қони уриб, юzlари алвон бўламиз.  
Билмайди киши эрта нима бўлишини,  
Нақд айши билан бугунни(нг) шодон бўламиз.

## 26

Соқий, қани тут қадаҳни — биз маству хумор,  
Дил булбули шодлик боғида топди қарор.  
Бизни бу жаҳонда хасчалик билмасалар,  
Биз ҳам бу жаҳонни биламиз хас каби хор.

## 27

Қон бўлди жигар — тўйиб-тўйиб май ичайин,  
Кўнглимдаги бор ғам тутунини ечайин.  
Қўзғолса агар қатлим учун олам эли,  
Мен май ичайину барчасидан кечайин.

## 28

«Ўхшар нима кипригингга?» «Ўқ», — деди шу он.  
Дедим: «Нима қаддимга қиёс?» Деди: «Камон».  
Дедим: «Нима олиб кетасан?» Дедики: «Дил».  
Дедим: «Нима берсам қоласан?» Дедики: «Жон»<sup>3</sup>.

## 29

Дедим: «Нима истасанг берай?» Дедики: «Жон».  
Дедим: «Тиламайсан нимани?» Деди: «Имон».  
Дедим: «Оғушимга кир». Деди: «Хом бу хаёл»,  
«Жисмим каби не?» — дедим. Деди: «Белим, аён».

<sup>1</sup> Мухра — соққа; шахмат ёки нард доналари.

<sup>2</sup> Бу рубоий Камол Хўжандийга ҳам нисбат берилади.

<sup>3</sup> Бу рубоий Камол Хўжандийга ҳам нисбат берилади.

## 30

Булбул боғда бошлади достон, достон,  
Күнгил тиласи бўлди бўстон, бўстон.  
Тонг чоғи боғ атрофида ёлғиз мастилар  
Кезгай қадаҳи қўлида мастан<sup>1</sup>, мастан.

## 31

Дедим: «Нима ғамни даф этар?» Дедики: «Май».  
Дедим: «Нима кўнгилни ёзар?» Дедики: «Най».  
Дедимки: «Дилим сендами?» Деди: «Қани у?»  
Дедим: «Оласанми жон?» Деди: «Ўзга нетай?»

## 32

Ёрнинг лаби бир ганжи ниҳондир — қайда?  
Май дил учун оташи равондир — қайда?  
Жон чехрасини унда кўрарман равшан,  
Жом аслида ойинаи жондир — қайда?

## 33

Маст аҳли мудом ҳавои майхона қилар,  
Аҳдини бузиб, азми бутхона қилар.  
Кошонани май суви билан тупроқ қил  
То бир куни тупроғингни кошона қилар.

## 34

Эй дил, талаб айла дарду дармон бил,  
Жон олами ичра қадами жонон бил.  
Иймону куфр пардасидан кеч, аммо,  
Куфр сурати ичра маъниий иймон бил.

## 35

Бир кун бу жаҳонни тарқ этсан дилтанг,  
Умрим қадаҳи синса, тегиб харсанг,  
Тўксин кўзёш қабримда ёлғиз жон,  
Чексин нола жанозада ёлғиз чанг.

## 36

Бу жон қадаҳи ичра шароб бўлгани соз,  
Май оташидан жигар кабоб бўлгани соз.  
Тут кўлга қадаҳни — бу хароб дунёда  
Бу умр асоси-да хароб бўлгани соз.

<sup>1</sup> *Мастан* (*Мастона*) — мастиларча, мастилардек.

Бу тоиға даъвои дили зор қилишар,  
Захмат чекиб, ўзни лойиқи ёр қилишар.  
Орқангни деворга берганингда фикр эт:  
Бир кун сени(нг) хокингни-да девор қилишар.

Ҳар икки жаҳонда топганим шавқу суурп,  
Беишқ тирикликда бўларми сира нур?  
Маъшуқа агар сен бўлсанг, ошиқ ким?  
Ҳар иккиси сен бўлмасанг, унда ким эрур?!

Эй банда, қачонгача шароб истарсан?  
Жом дастидан ўзингни хароб истарсан?  
Ҳар тонгда у ой юзли санамни чорла,  
Даъват қилишин гар офтоб истарсан.

Жон шодлигидир ғаминг — ғамингдан жон шод,  
Тил маърифатинг шарҳин этолмас бунёд.  
Ҳар кимки, сенинг билан ҳаёт — ўлмас ҳеч,  
Ким ўлмаса йўлингда, ўликдир умрбод.

Исо каби тақводан урарсиз дамни,  
Мусо каби кутиб соҳиби оламни.  
Лойимни қориб май сувига, гишт ясанг,  
Майхона учун зое этмай дамни.

Ҳақ мақбули бўлган топади умри абад,  
Ҳақ кўйида йиғлаган бўлар шод беадад.  
Ишқ тифидан ўлган ёнидан ўтса агар,  
Тинглаб қадами сасини тиклайди у қад.

Мен ўлсам агар жом йиғлаб, ёш тўқади,  
Faccol<sup>1</sup> жасадимни май сувига ювади.  
Қабрим тупроғидан агар унса тикан,  
Маҳшаргача қон рангидаги гул тугади.

<sup>1</sup> Faccol — ўлик ювадиган киши, ювғучи.

# ХОЖА МУҲАММАД АЛИ ТАҲУРИЙ

(вафоти 1350)

Йирик тасаввуф олими ва комил ориф Хожа Муҳаммад Али Тахурӣ Шайх Ҳованд Тахур авлодидан бўлиб, Хожа Аҳрор Валийга қариндош ҳисобланади. «Диний маслакларнинг соликлари ва яқиний мамлакатларнинг моликлари жумласидан бўлиб, гоҳо илоҳдан келган маъноларни назм ипида адо қилган»<sup>1</sup>.

Қабри Тошкентнинг Шайҳонтоҳур (Шайх Ҳованд Тахур) даҳасида.

Кўзгу нуридек ёр юзи ошкор бу кеча,  
Эй ой, қил ибо, кўринма зинҳор бу кеча,  
Ҳаттоқи, рақиб бермади озор бу кеча,  
Тонг, отма, тўяй ҳуснига бир бор бу кеча.




<sup>1</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб (Форс тилидан И smoил Бекжон таржимаси). — Тошкент, 1993. 93-бет.

# ХОЖА ҚУТБИДДИН ЯҲЁ НИШОПУРИЙ

(вафоти 1340)

Абулфазл лақаби билан танилган бу зот зоҳирий ва ботиний илмларда тенгсиз ва машхур эди. Шайх Рукниддин Алоуддавла, Шайх Садриддин Ардабилий ва Шайх Шарофиддин Даргузий сұхбатига етган. Етти марта ҳаж қилган. Қабри Ҳиротнинг Ферузобод дарвозаси ташқарисида<sup>1</sup>.

Қилганда олиб ёримни бўстонга сафар,  
Гулга назарим тушибди ўзим бехабар.  
Ёр таъна этиб деди: «Уялмайсанми?  
Ёнингдаману сен коласан гулга назар!»<sup>2</sup>



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 409-бет.

<sup>2</sup> Бу рубоий Жалолиддин Румийга ҳам нисбат берилади.

# НОСИР БУХОРИЙ

(1300—1371)

Шоҳдарвеш ва Дарвеш Носир номлари билан машхур бўлган. Бухорода таҳсил олиб, Хурросон, Озарбайжон ва Ироққа сафар қилган. Таниқли форс-тожик шоири Салмон Соважий билан дўстона муносабатда бўлган. Тазкираларда уларнинг ўзаро мушоиралари келтирилади<sup>1</sup>. Ҳофиз Шерозийга эргашиб, ироқий услубда ғазаллар битган. Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Абдуғани Мирзоев номидаги Шарқшунослик институтида шоир куллиётининг мукаммал нусхаси сақланади. У тахминан 7 минг байт ҳажмидаги қасидаю ғазаллар ҳамда орифона мазмундаги «Ҳидоятнома» маснавийсини ўз ичига олади<sup>2</sup>. Кўп йиллардан бўён Носир Бухорий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланиб келаётган таниқли адабиётшунос олим Солеҳжон Курбоновнинг ёзишича эса, шоирнинг 10 минг байтдан ортиқ шеърий мероси сақланниб қолган<sup>3</sup>.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Носир Бухорий фозил ва дарвеш киши бўлиб, шеърлари ҳолдан холи эмас ва сўзларидан дилга фақр ҳиди етади. Дарвешлик хирқасида саёҳат қилиб, кигиздан тикилган кулоҳ ва бўз тўндан бўлак бу дунё бойлигидан ҳеч вақоси йўқ эди<sup>4</sup>. Абдураҳмон Жомий ҳам «Баҳористон»да Носир Бухорий Мовароуннаҳрдан бўлиб, шеърларида тасаввуф руҳи мавжудлигини қайд этиб ўтган эди<sup>5</sup>. Алишер Навоий эса «Маҳбуб ул-кулуб» асарида уни шеърларида мажозий йўналиш устун бўлган шоирлар жумласига киритади<sup>6</sup>. С. Курбоновнинг ёзишича, унинг «ижодида дунё гўзаллиги илоҳий ҳусннинг инъикоси ёки сояси сифатида талқин этилади» ва у «ваҳдат ул-вужуд» фалсафий оқими позициясида маҳкам туради. Унинг учун олам ва одам, яъни руҳ ва жисм, вужуд ва маъни биргадир<sup>7</sup>.

Солеҳжон Курбонов, Садриддин Салим Бухорий каби олимлар Носир Бухорий ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқотлар олиб бор-

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Давлатшоҳ Самарқандий*. Тазкират уш-шуаро. С. 203; *Фаҳрийдигι Али Сафий*. Латофатнома (Латойиф ут-тавойиф). Форсчалан Ҳожи Сотимхон Ҳожа Инъом таржимаси. — Тошкент, 1996. 83—84-бетлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 478.

<sup>3</sup> Қаранг: *Курбонов С. Замонасининг фозил фарзанди* // «Сино» журнали, 25-сон (2007, Баҳор), 19-бет.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: *Давлатшоҳ Самарқандий*. Тазкират уш-шуаро. С. 203.

<sup>5</sup> Қаранг: *Абдураҳмони Жомий*. Баҳористон. С. 465.

<sup>6</sup> Қаранг: *Алишер Навоий*. Маҳбуб ул-кулуб. 25-бет.

<sup>7</sup> *Курбонов С. Замонасининг фозил фарзанди*. 20-бет.

гандар<sup>1</sup>. Самандар Воҳидов шоир ғазалларидан намуналар таржима қилган<sup>2</sup>.

## 1

Ёр сочини тутдим: «Эй ҳаётим нақши,  
Ўнглагил ишим, дилимнинг фараҳбахши!»<sup>3</sup>  
Деди: «Қўю сочимни, лабимни иста,  
Бир лаҳзалик айш узун умрдан яхши!»<sup>4</sup>

## 2

Гар биз каби сен ҳам асири дом бўласан,  
Токай хароби бодаю жом бўласан?  
Биз ошику ринду масти оламсўзмиз<sup>5</sup>,  
Бизларга қўшилма сира — бадном бўласан!<sup>6</sup>

## 3

Келгай эди — ҳар ёққа назар солгай эди,  
Ширин лабидан бол тўкилиб қолгай эди.  
Бизларга-да ташлаб гоҳида нозли назар,  
Дарҳол қўзини бошқа тараф олгай эди.

## 4

Фарқ эканини кеча қуёшда кўрдим,  
Фунча ила ҳуснини талошда кўрдим.  
Мен ҳусни билан жаҳонни кўрдим — шундан  
Кўз қорачишини тўла ёшда кўрдим.

## 5

Ёр васлига етган кечалар тенгсиз эмиш,  
Бахтингга ғанимлар ҳасади сўнгсиз эмиш.  
Эй шам, сўна қол, эй ой, фалакни тарқ эт,  
Ёр бўлса қучоқда, кеча ҳам кундуз эмиш.

<sup>1</sup> Қаранг: *Қурбонов С. Носир Бухорий ғазаллари*. // «Сино» журнали, 15-сон (2004, Куз), 33—35-бетлар; *Қурбонов С. Носир Бухорий ва Шарқ мумтоз адабиёти намояндалари*. // «Сино», 18-сон (2005, Ёз), 16—19-бетлар; *Қурбонов С. Замонасининг фозил фарзанди*. 19—21-бетлар; *Садриддин Салим Бухорий. Ҳазрат Носир Бухорий*. // Икки юз етмиш етти пир. 168—170-бетлар.

<sup>2</sup> *Носир Бухорий. Ғазаллар*. // Бухорийлар бўстони (Форс-тоҷик тилидан С. Воҳидов таржималари). — Тошкент, 1998, 15—19-бетлар.

<sup>3</sup> *Фараҳбахш* — хурсанд қилувчи, шодлик бағишловчи.

<sup>4</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

<sup>5</sup> *Оламсўз* — оламга ўт қўювчи, исёнкор.

<sup>6</sup> Бу рубоий Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

# ИМОД ФАҚИҲ КИРМОНИЙ

(1310 — 1371)

Хожа Имодиддин Кирмоний — Имод Фақиҳ Кирмон, Шероз ва Язд мадрасаларида таҳсил олган. Адабиёт илмида тенгизсиз бўлган. Шайх Озарий «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар жавоҳири») ва Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарларида унинг фазлу дониши ва шоирлик маҳоратига юксак баҳо берганлар. Алишер Навоийнинг ёзиича, важду ҳол соҳиби бўлиб, хонақоҳи ва муридлари бўлган ва самовъ сұхбатига кўп мойил экан. Макка сафари вақтида Шерозга йўли тушиб, Ҳофиз Шерозий билан учрашган ва уни дуо қилган, ҳаждан қайтгунича шоирнинг шуҳрати оламни тутган эмиш<sup>1</sup>. Имод Фақиҳ сермаҳсул шоир бўлиб, ундан 6 маснавий ва бир шеърлар девони қолган. У 16 минг байт шеърни ўз ичига олади.

Достонлари: 1) «Тариқатнома», 2) «Сафонома», 3) «Сұхбатнома», 4) «Мұхаббатнома», 5) «Даҳнома» («Ўн нома»), 6) «Тұхфат ул-ихлос» («Ихлос тұхфаси»). Уларнинг барчаси ирфоний мавзуда. Ижодий меросида ғазал асосий ўрин тутади. 26 қасида ва 107 та рубоийси ҳам мавжуд<sup>2</sup>.

1

Эй дил, тариқатинг-ку мардоалиг-ей,  
Бас, нега ишинг элдан бегоналиг-ей?  
Сұхбат этагидан олма талаб қўлини,  
Ёлғиз юришинг боиси девоналиг-ей.

2

Биз бирла фалак қилмаса жанг, бўлгай ажаб,  
Ёғдирмаса бошимизга санг<sup>3</sup>, бўлгай ажаб.  
Муфти нега май қилди харид бангни<sup>4</sup> сотиб?  
Масжидда агар бўлмаса банг, бўлгай ажаб.

3

То ёру муганнию маю соқий бор,  
Мен ошиқу ринду ҳароботий, хуммор.  
Ёшларга насиҳат айлама кўп, эй пир,  
Юрмасмиз бизлар-да бекордан-бекор.

<sup>1</sup> Карап: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 478—479-бетлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қарап: Энциклопедия адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 503.

<sup>3</sup> Санг — тош.

<sup>4</sup> Банг — ҳинд нашаси, канопи.

Кўз ёши билан юзингни пок айла, пок,  
Юв қўлни агар кўрсанг дил фамдан чок.  
Хирқамни кўзингга тўтиё<sup>1</sup> айлама ҳеч,  
Бу хирқани поклашга керак суву хок.

Давлат боис кибру фурур ёт менга,  
Макру фириб — иллату қусур, ёт менга.  
Дерлар менга: қайта-қайта кел зор айлаб,  
Ошиқману зор эмас, ахир, ёт менга.

Гоҳи тиригугоҳи ўламиш шамдек,  
Гоҳ ёш тўкамиз, гоҳи куламиш шамдек.  
Ишқ оташию ҳажр ўтида ҳар тун  
Юз бор куямишу юз сўламиш шамдек.

Дарё тўла дур-гавҳару ғаввос камдир,  
Дунё тўла чолғувчию раққос камдир.  
Бўлгайми ижобат бу дуолар ёки йўқ,  
Чунки дуохонда сидку ихлос камдир.

Очмайди бирор кишига ёр оғушини,  
Тарқ этмаса то давлату дилу ҳушини.  
Бехуда экан бу гап — сўзим бўлса-да дур,  
Ёр тингламади кўриб қўлимнинг бўшини.

Ҳар бир киши сенга эл бўлавермайди,  
Ҳар бир киши қўлу бел бўлавермайди.  
Ҳар қандайин ерда ҳам бўлавермас сув,  
Ҳар қайси эшикда ел бўлавермайди.

Майхона кўйида нангутондан кечдик,  
Ринд бўлдигу обрў-эҳтиромдан кечдик.  
Тунлар кўзимиз ёшига гарқ бўлдигу биз,  
Тўн, салла, ёпинчиқ каби домдан кечдик.


<sup>1</sup> Тўтиё — кўзни равшан қилиш учун ишлатиладиган мураккаб дори, сурма тоши. Тўтиё қилимоқ — кўзга суртмоқ, эъзозламоқ.

Бизнинг кўзимиз тўккан ҳар ёш шундай  
Кўзлар қадаҳига томчилар худди май.  
Мен уни авайлагум жигаргўшамдек,  
Кўзинг ёши ҳам чунки болангдек бўлгай.

Чўз барчага ёрдам қўлини — жон бўласан,  
Жон бўлсанг агар, лойиқи жонон бўласан.  
Меҳмони Сулаймоннинг бўлишдан афзал  
Чумолига гар уйингда мезбон бўласан.

Бизу маю маъшуқ яратилдик бирга,  
Шодлик шами даврамизни кўмгай нурга.  
Раҳмат бу жаҳонда бор қувонч кўйлагини  
Бизнинг қадимизга мослаган тақдирга<sup>1</sup>.

Бир күшки, унинг нахчирдан<sup>2</sup> озори кам,  
Учган маҳалида бўлади боши қадам.  
Топсанг агарда вужуди таркибини,  
Ҳайвону гиёҳу кон эмиш унда баҳам.



<sup>1</sup> Заҳир Форёбий ижодида ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

<sup>2</sup> Нахчир — охуга ўхшаш чўл ҳайвони.

# САЙИД АЛИ ҲАМАДОНИЙ

(1314 – 1384)

Ҳамадон шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Аввал отаси, кейин тоғаси Алоуддин унинг тарбиясига жиддий эътибор берадилар. Математика, астрономия, тиббиёт, Шарқ мамлакатлари географияси ва бошқа аниқ ва табиий фанларни ўзлаштириб бўлгач, Маҳмуд Маздақоний ва Али Дўстий каби замонасининг машхур шайхларидан тасаввуф таълимоти бўйича таълим олади. Шундан кейин 21 йиллик узоқ сафарга чиқади. Шарқнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, машхур олим ва орифлар сұҳбатини олади. 1372 йили Хатлон вилоятининг Алишоҳ қишлоғига келади ва бола-чақа қилиб, шу ерда яшаб қолади.

Амир Темур маслаҳатига кўра 1374 йили 700 шогирдини олиб Кашмирга борган ва у ерда ваъзлар ўқиб, исломни тарқатиша катта хизмат қилган. Ундан араб ва форс тилидаги шеърларини ўз ичига олган девон, «Шайхлар одоби», «Нафс маърифати», «Жавонмардлик асослари», «Давлатни бошқариш қоидалари» каби юздан ортиқ катта-кичик рисолалар мерос бўлиб қолган<sup>1</sup>.

## 1

Дардим кўпу дийдоринг эмиш дармоним,  
Гар бўлмаса гул юзинг замон — зиндоним.  
Ҳеч дилга яқин келмасину ҳеч танга,  
Бу дарду балоки, чекди хаста жоним<sup>2</sup>.

## 2

Дил тўла ғаму бир қуни битгай бу ғам,  
Мен ҳам кетаман шоду умидвор, хуррам.  
Ҳеч ким бу улуғ даргоҳ остонасидан  
Кетганмас умидсизу умидвор мен ҳам.

## 3

Ёр бўйига хилватда етарман ҳар дам,  
Бир четга шунинг учун кетарман ҳар дам.  
Ишқ ўтининг асли йўқ чету ораси ҳеч,  
Бу ўтдан омон топмай ўтарман ҳар дам.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 169–170-бетлар.

<sup>2</sup> Бу рубоий Жалолиддин Румийга ҳам нисбат берилади.

# БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

(1318 – 1389)

Машхур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси Мұҳаммад ибн Мұҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро яқинидаги Қасри хиндувон (кейинчалик унинг шарафига Қасри орифон деб аталған) қишлоғида туғилған. У увайсий бўлиб, Абдулхолиқ Фиждувоний руҳидан тарбия топған. Үнга қабул назари Хожа Мұҳаммад Бобойи Самосийдан етган, тариқат одоби таълим мини Амир Саййид Кулоддан ўрганған<sup>1</sup>. Яна Мавлоно Ориф, Халил ота, Қусам шайх каби тариқат устозларидан сабоқ олган. Дехқончилик ва кимхобга нақш (гул) солиш билан фақирона кун кечирған. Шундан нақшбанд номини олиб, Ҳазрат Баҳоуддин, Хожаги Бузруг (Буюк Хожа), шоҳи Нақшбанд, Баҳоуддин балогардон номлари билан машҳур бўлған. Ўз таълимотини яратишида Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Фиждувоний фояларига асосланған. Маълумки, Абдулхолиқ Фиждувоний устози Юсуф Ҳамадоний таълимотини ҳар томонлама кенгайтириб ва чуқурлаштириб, хожагон тариқатининг 8 рашҳа — қоидасини ишлаб чиққан эди (Кейинги тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, бу рашҳаларнинг дастлабки тўрттаси Юсуф Ҳамадонийга тегишли). Бу 8 рашҳага Баҳоуддин Нақшбанд яна 3 рашҳа қўшиб, уларнинг ададини 11 тага етказади. Бу 11 рашҳа хожагон-нақшбандия тариқатининг тамали бўлиб хизмат қилған.

«Дил ба ёру даст ба кор» — «Дил ёрдаю қўл ишда бўлсин» шиорини таълимотига асос қилиб олган Баҳоуддин Нақшбанднинг «таркидунёчилик қилмай, демакки, бу дунё ишларидан очик-ошкор қўл силкимай туриб ҳам Оллоҳга етишиш мумкинлиги ҳақидаги фояси мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади»<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Фахриддин Али Сафий, Заҳириддин Мұҳаммад Бобур, Маждуми Аъзам, Убайдуллоҳон, Махтумкули каби кўплаб улуғ зотлар нақшбандийликни қабул қилибгина қолмай, уни ривожлантирганлар ва тарғиб қилғанлар.

Манбаларда «Далойил ул-ошиқин» («Ошиқлик далили»), «Ҳаёт-нома» каби тасаввуфга оид рисолалари бўлғанлиги ҳақида маълумот берилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 261-бет.

<sup>2</sup> Ислом. Энциклопедия. 47-бет.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: *Амир Қамолиддин Ҳусайн Гозургоҳий*. Мажолоси ул-ушшоқ. (Тазкираи урафо). Ба эҳтимоми Фуломризо Таботабоий Мажд. Чопи дуввум. — Техрон, 1998. С. 194.

Йўқ ҳеч нимамизу ҳеч нимамиз кам эмас,  
Бор-йўқ ғами ҳеч қачон биз учун ғам эмас.  
Боқ; елкада — жандар, орқада — қабристон,  
Бир кун бу жаҳондан кетсак, мотам эмас.

Майхонада масть — хуморлигим қўрқитгай,  
Ўткинчи жаҳонда борлигим қўрқитгай.  
Ўзингга ўзингни кўрсатар ул дамда  
Ҳар лаҳза гууруга ёрлигим қўрқитгай.

Кўнглимга яна ишқ оташи сочилди,  
Қаршимда ҳақиқат эшиги очилди.  
Оллоҳни кўрувчи кўзга маккор бу хаёл  
Парда бўлади деб ундан қочилди<sup>1</sup>.

Дил қонидан икки кўздаги нам афзал,  
Айшу ишратдан аламу ғам афзал.  
Ҳақ даргоҳида бир лаҳза дил ҳузури  
Жумла олам давлатидан ҳам афзал<sup>2</sup>.

Ё Раб, не қиласай, ҳеч бир эшик очилмас,  
Гуноҳ кўпидан тилимга сўз ҳам келмас.  
Оlamда мени бир чақага олмаслар,  
Ё Раб, не матоман — харидор топилмас?!

Эй Тангри, дилимни ўраган пардани оч,  
Эл миннатисиз йўлимга ризқимни-да соч.  
Лутфингни дариф тутма сира ҳам токи мен  
Бўлмай кишига ташвишу бош оғриғи ҳеч.

<sup>1</sup> Кейинги икки рубойй «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасининг «Ҳикояти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд» фаслида муаллифи кўрсатилмаган ҳолда келтирилган (194—195-бетлар).

<sup>2</sup> Бу ва кейинги рубоййлар Сайфиддин Сайфуллоҳнинг «Ҳазрати Нақшбанд рубоийлари» (Тошкент, 2009) китобидан олинди.

# КАМОЛ ХҮЖАНДИЙ

(1318/23 – 1401)

Машхур форс-тожик шоири ва етук тасаввуф шайхи бўлган Камолиддин Масъуд Хўжандда туғилган ва бошлангич таълимни шу ерда олган. Кейин Самарқанд, Хоразм ва Тошкентда таҳсилни давом эттирган. Араб тили ва адабиётини чуқур ўрганиб, ўз даврининг фиқҳ, қалом, ҳикмат, тафсир, ҳадис, тасаввуф каби асосий илмларини ўзлаштирган, ҳатто деҳқончилик ва боғдорчиликдан ҳам хабардор бўлган. XIV асрнинг ўрталарида ҳаж нияти билан сафарга чиқиб, қайтишда Табризда яшаб қолади. 1375—1383 йилларда Ироқ ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилган Султон Ҳусайн Жалойир Табриз яқинидаги Волиёнкӯҳ мавзеидан бир боғ тухфа қилган. У богини обод қилиб, уни Биҳишт деб атайди ва топган даромадини бева-бечораларга тарқатади. 1385 йили Дарбанд ва Табризни истило қилган Даشت Қипчоқ шоҳи Тўхтамишхон Камол Хўжандийни ҳам ўзи билан Олтин Ўрда пойтахти Сарой шаҳрига олиб кетади. У шоҳнинг яқинлари қаторидан ўрин олиб, саройда осуда яшайди ва Тўхтамишхоннинг ҳарбий юришларида ҳам иштирок этади. У 11 йил Сарой шаҳрида яшаб, 1396 йили Табризга қайтади<sup>1</sup>. Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумот беришича, Камол Хўжандийнинг валийлик ва иршодлик даражаси юксак бўлиб, шоирлик салоҳияти шайхлиги даражасида эмас<sup>2</sup>. Алишер Навоий ҳам унинг шеъриятга майл кўрсатиши ўз ҳолини шеър пардасига ўраш учундир дейди<sup>3</sup>.

Темурнинг ўели Мироншоҳ билан яқин бўлиб, у шоир учун ҳар ойда 10 минг динор маош тайинлаган экан<sup>4</sup>.

Девони 4 қасида, 917 фазал, 101 қитъя, 1 мустазод, 37 рубоий, 1 мўъжаз маснавий, 11 муаммо ва 7 пароканда байтдан иборат бўлиб, жами 7335 байтдан иборат. Шеърлари содда тил, равон услубда ёзилган, бадиий санъатларга бой бўлиб, ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсири кўрсатган.

Камол Хўжандий шеърлари ўзбек ўқувчиларига ҳам маълум. Улар Васфий, Шоислом Шомуҳамедов, Жонибек Сувонқуловлар томонидан таржима қилинган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С. 8—9.

<sup>2</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. 126-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 473-бет.

<sup>4</sup> Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. 139-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Камол Хўжандий. Девон (Васфий таржимаси). — Тошкент, 1962; Камол Хўжандий. Фазаллар, қитъалар, рубоийлар (Ш.Шомуҳамедов таржимаси) // Инжулар уммони. 358—368-бетлар.

## 1

Шириң бу лабинг олдида шаккар ҳечдир,  
Мушкин бу сочинг олдида анбар ҳечдир.  
Сүз чиқди қаердан агар оғзинг йўқдир,  
Эл дер уни торлигидан аксар ҳечдир.

## 2

Кўнглимга менинг қачон қиласан парво?  
Бир куни тугарми ҳеч бу жабру жафо?  
Халқа-халқа, тугун-тугун сочингдек  
Кўнглимда ғаминг қават-қават, эй жоно.

## 3

То дил бор экан, хастаю зоринг бўлсин!  
Кўнглингни олиш учун нисоринг бўлсин!  
Фам ўтида куймоқ менга расму одат,  
Фам ўтида куйдириш шиоринг бўлсин!

## 4

Бир куни етармиз ўша сунбул соча биз,  
Созу май ила дил чигилини очамиз.  
Кўз ёши билан йўлларига сув сепиб,  
Хоки қадамига мушку анбар сочамиз.

## 5

Дедим: «Май ичибсан». Деди: «Амри Худо».  
Дедим: «Кетма». Деди: «Кеч имкон бор то».  
Дедим: «Яна кел». Деди: «Унут бу савдо».  
Дедим: «Кетдим». Деди: «Келма асло».

## 6

Эй сарв, сени агарчи тўбо биламиз,  
Саркаш дея ўз жойингга банди қиласиз.  
Ёр бўйига ўхшатма ҳадеб ўзингни,  
Биз аслингу ўрнингни яхши биламиз.

## 7

Эй нозику дилрабою мавзуну гўзал,  
Нону асалу қаймоқ келтир бу маҳал.  
Қаймоқ сутдек шу оқ юзингдан бўлсин,  
Бўлсин лабингу оғзингдан нону асал.

## 8

Бу Мир самоъ чоғида айлар туғён,  
Эчки каби ит юзли қули гиргиттон.

Эл энди ниш урган туки бор дейди уни,  
Тук қайда, жуволдиз каби санчилган он.

9

Эл күнглини жалб этди бу сүзу газал,  
Күйлатди чап усулида чангингки, гүзәл.  
Гүзәллар зулфи чангидектир<sup>1</sup> чангинг,  
Шундан уни синдиришга ўч барча азал.

10

Сүз қасрини ақлим кучи бунёд қилди,  
Сүз мулкига берди равнақ, обод қилди.  
Сүз додга келиб эди таъби йўқлардан,  
Сүз додини бердим — энди сўз дод қилди.

11

Хаттинггни сенинг дейдилар хатти райхон,  
Сунбулга йўқ амридан чиқишига имкон.  
Чин сурати юзингга гар эгри боқса,  
Мил тортар унинг кўзиға наққош шул он.

12

Гул қуллуқ учун жойидан турса, шу чоқ  
Тонг ели унинг юзига тортар шапалоқ.  
Тик сарвни боғда ўтқазарлар шундай,  
Қаддинг қошида у бош уриб, буккай оёқ.

13

Сен отдан учиб тушган бўлсанг-да агар,  
Ҳеч ким сени айб этмас — уялма бу қадар.  
Сен гўё гул барги, отинг — боди сабо<sup>2</sup>,  
Бас, боди сабо гулни учирса ярашар.

14

Гар солса келишган қоматингга қўзини,  
Сувдай югуран сарв тута олмай ўзини.  
Юзинг қошида боди сабо гулнинг, боқ,  
Тортиб шапалоқ, қизартиради юзини.

15

Шеър орзусида бу кун ким у хат битмас?  
Бир ҳарфи хатингнинг юз фазалга етмас.

<sup>1</sup> Зулфи чанг — хам, ҳалқа, қайрилма зулф.

<sup>2</sup> Боди сабо — тонг ели.

Бекитди гўзал хатинг сўз айбин гўё,  
Хусн аҳли хати иякни ошкор этмас.

## 16

Ёпишди тишимга мени бир дарди ниҳон,  
Бу дарди ниҳон дастидан оғрир дилу жон.  
Дунёдаги барча дардга дармон шу лабинг,  
Тиш остига олсам, тузаларман шу замон.

## 17

Ёр кеча менинг уйимда пайдо бўлди,  
Ҳақ неъмати қаршимда муҳайё бўлди.  
Зоғора эди ҳалво кеча наздимда,  
Зоғора бу кун мисоли ҳалво бўлди.

## 18

Дедим: «Нима еб-ичай?» Деди: «Қон туну кун».  
Дедим: «Не бўлар ҳоли дилим?» Деди: «Жунун».  
Дедимки: «Қачон ўлдирасан?» Деди: «Бугун».  
Дедим: «Бу тушовдан қочаман». Деди: «Қийин».

## 19

Дедим: «Нима истасанг берай?» Дедики: «Жон».  
Дедим: «Нима бергайсан Ўзинг?» Деди: «Имон».  
Дедим: «Қучофимга кирасанми?» Деди: «Ҳа».  
Дедим: «Қай аъзо хуш?» Деди: «Белим бегумон».

## 20

Дедим: «Не қилай ғамингда?» Деди: «Чеккил оҳ».  
Дедим: «Келасанми?» Деди: «Тик йўлга нигоҳ».  
Дедимки: «Фамингни дастидан қайга борай?»  
Дер: «Изла ўту сувидан ҳаммомни паноҳ».

## 21

Дедим: «Санамо». Деди: «Гапир бўлсанг мард».  
Дедим: «Мардман». Деди: «Бўл унда жўмард»!  
Дедимки: «Кўзим». Деди: «Қуриб ётгай у».  
Дедим: «Нафасим». Деди: «Совуқ у бедард».

## 22

Дедим: «Тор оғзинг мени ҳеч қилмади шод,  
Бир бўса бериб, дилимни айла обод».

---

<sup>1</sup> Жўмард — олийжаноб, ҳиммати баланд, сахий, танти.

Дер: «Йўқдек эса-да торлигидан оғзим,  
Хеч бир киши дастидан унинг қилмади дод».

### 23

Дедимки: «Куним». Дер: «Уни деб қилма фуур».  
Дедимки: «Туним». Дер: «Сўз узун бўлса қусур».  
Дедим: «Зулфинг». Деди: «Илондан қочгил».  
Дедим: «Холинг». Деди: «Кўп кетма чукур».

### 24

Офтобда сенинг юзинг каби юз бўлмас,  
Моҳтобда сенинг юзинг каби юз бўлмас.  
Мехробга юзинг кўриш учун бош қўйсам,  
Мехробда сенинг юзинг каби юз бўлмас.

### 25

Дедим: «Нима даф қилас ғамимни?» Деди: «Май».  
Дедим: «Нима дил қулфини очар?» Деди: «Най».  
Дедим: «Юрагимни олдинг». Деди: «Кани?»  
Дедим: «Бераман ғамингда жон». Деди: «Нетай?»

### 26

Сочингга юракларни яралаш одат,  
Кулгай улар устидан мудом бешафқат.  
Мен шунча яқинман сенга, эй Чин гўзали,  
Мен сенми ё сен мен деб этарман ҳайрат.

### 27

Эй шеърият оламида бўлдинг машхур,  
Айниқса, рубоийларинг элга манзур.  
Кўрса Абу Бакр бу рубоийларни,  
Ҳайрон бўлар эди: сенми ё мен мазкур?

### 28

Хеч борми нажот бу дунёи тангдан?  
Бир кун қутуларманни номусу нангдан?  
Тош сени халос этар, десанг, бу ғамдан,  
Парвона бўлиб, ўргилайн харсангдан.

### 29

Бегона эмас сенга ҳеч битта ҳунар,  
Ўтган куни бердик сенга от ҳақда хабар.  
Отнинг ўзини бериш бу ҳимматдан эмас,  
Отнинг ёнига қўшмаса эшшакни агар.


Дўстлар баргдек узилишим исташади,  
Гўёки қалам бир-икки айб излашади.  
Дерлар фалокат қўпар<sup>1</sup> қаерга борсам,  
Ноҳақ мени шумқадам дея сўзлашади.

Дедимки: «Кўзим». Дедики: «Кўрмайдими ҳеч?»  
Дедим: «Жоним». Деди: «Уни эслама — кеч».  
Дедим: «Ақлим». Дер: «Устидан кулма сира».  
Дедимки: «Таним». Деди: «Менга айлама дуч».

Дедимки: «Юзинг». Деди: «Сира узма нигоҳ».  
Дедимки: «Лабинг». Деди: «Умид сенга паноҳ».  
Дедим: «Яна кел». Деди: «Яна қайтардинг».  
Дедим: «Мардман». Деди: «Жондан бўл огоҳ».

Зулфини эшитмадимки, то бўлмиш хам,  
«Дол» бўлса-да кўлида, бироқ тик ҳар дам.  
Қошинг сени то «нун»у оғзинг «мим»дир,  
Иккиси хаёлидан кўзим ёшдан нам<sup>2</sup>.

Бу орада сендан ўтар дилдор йўқ,  
Бу порада сендан ўтар дилдор йўқ.  
Қаҳрида аён бўлса гўзаллар меҳри,  
Бу борада сендан ўтар дилдор йўқ.



<sup>1</sup> Кўпмоқ — кўзғалмоқ.

<sup>2</sup> «Дол», «нун», «мим» — араб алифбоси ҳарфлари: «дол» ва «нун» эгиклиги жиҳатдан зулф, қош ва қадга, «мим»нинг кичкина ҳалқаси жажжи, тор оғизга ташбех этилади.

# ШАМСИДДИН КЕШИЙ

(XIV аср)

Абдулхолиқ Фиждуоний асос соглан хожагон тариқатининг Қашқадарё воҳасидаги машҳур намояндаси, Амир Сайид Кулолнинг шогирди Шамсиддин Кулол Кешда туғилган. Бир муддат Бухорода яшаб, Амир Сайид Кулол ҳузурида тариқат сабогини олган. У Амир Темур ва унинг отаси Амир Тарагайнинг пири бўлган. Унга ҳурмат-эҳтироми баланд бўлган Соҳибқироннинг кўрсатмаси билан 1373 йили пирнинг Шаҳрисабздаги қабри устига гумбаз барпо этилган ва Амир Тарагайнинг хоки ўша ерга кўчириб ўтказилган<sup>1</sup>.

Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» («Оби ҳаёт томчилари») тазкирасида маълумот берилшича, у пиёда ҳаж сафарини ҳам амалга оширган. Ироқнинг машҳур шайхлари билан суҳбат тутган. Уларнинг қарашларини Мовароуннаҳрга ёйган. Ҳол масаласида дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд билан зиддиятга киришган бўлса ҳам, кейинчалик бу келишмовчилик орадан кўтарилиган.

Ҳар нақшки, борлик лавҳи узра пайдо,  
Ул зот сурати — нақшга берган оро.  
Тўлқин уради ҳар нафас эски дарё,  
Тўлқинни кўрарлар, сабаб дарё, аммо.



<sup>1</sup> Қаранг: *Nosir Muxammad*. Насаф ва Кеш алломалари. 25—26-бетлар.

# ЛУТФУЛЛОХ НИШОПУРИЙ

(1325 – 1413)

Нишопурда таҳсил олиб, бир муддат Сабзавор, Байҳақ, Самарқанд ва Ҳиротда ҳам яшаган. Шеъриятдаги устози машхур қитъанавис шоир Ибн Ямин Фарюмадий. Ўз даври ҳокимлари саройи билан боғланиб, уларга қасидалар бағишилаган. Умрининг охирида хилватга чекиниб, тасаввуф билан машғул бўлган. Девони қасида, газал, қитъа ва рубойи каби жанрлардан иборат бўлиб, 4 минг байт ҳажмида<sup>1</sup>.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумот беришича, у донишманд ва фозил киши бўлиб, ўз замонасида шеър айтишда ҳеч ким унинг олдига тушолмаган, бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланишда ва шеъриятнинг барча жанрларида етук мақомга эришган. Кашфу кароматдан bonaсиб бўлиб, дунё ишларига майл кўрсатмаган<sup>2</sup>.

1

Ўтган куни Марвда лолани ўт олди,  
Кеча нилуфар Балҳда сув ичра қолди,  
Бугун Нишопур ерида гул кўз очса,  
Эрта дейишар: Ҳиротда суман сўлди...

2

Лутфу карамига ғарқ этиб мени бу тун,  
Майхонада кўнглим олди ёрим яширин.  
Қўлимга қадаҳ тутди-ю, деди: «Қани, ич!»  
Рад этган эдим, «Ол, — деди у, — кўнглим учун»<sup>3</sup>.

3

Ўтган куни гул кўк зириҳини<sup>4</sup> ечди,  
Кеча лола қизил совутидан кечди.  
Бугун чаман тезласа яшил ханжарини,  
Нилуфар ёқут найзасига ўт тушди...

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С.114.


<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Давлатшоҳ Самарқандий. Таъзириат уш-шуаро. С. 238.

<sup>3</sup> Бу рубойи Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> Зириҳ (Зирҳ) — совут.

Йүқтөгганимиз баҳт ариғида сув эди,  
 Ё орзу-умид зулфидаги инжү эди.  
 Бу ишқ баҳориу ёшлик даври,  
 Бир лаҳзала ўтди — гүё уйқу эди...

Дод чарху фалакданки, адолатсиз экан,  
 Қолмас у сабаб на янги, на эски деган,  
 Бир кун бу жаҳондан ўтадирман бекафанд,  
 Ҳолимни қилар у балки бундан-да тубан...



# ХОФИЗ ШЕРОЗИЙ

(1326 — 1389)

Хожа Ҳофиз номи билан жаҳоний шуҳрат қозонган машҳур форс-тоҷик шоири Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий Шерозда туғилган. Зеҳни ўткир бўлганилигидан ёшлигидан фиқҳ, ҳадис, араб тили ва адабиёти, Куръон ва унинг тафсирини мукаммал ўзлаштиради. У, хусусан, Куръон қироатида маҳорати том ҳосил қилиб, уни 14 усулда тиловат қиласи. Маърака-йигинларда Куръонни, қиссаҳонлик кечаларида ҳалқ китобларини ёқимли овозда ўқиб бериб, рӯзгор тебратади. Шунинг учун ҳам уни Ҳофиз деб улуғлайдилар ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий таҳаллусига айланаб кетади. У моҳир хаттот ҳам бўлиб, тирикчилик учун турли китобларни кўчирган, Куръонни китобат қилган. Ҳофиз кўчирган Ҳусрав Дехдавий «Ҳамса»сининг «Ҳусрав ва Ширин», «Искандарнома», «Ҳашт биҳишт» достонларининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2179-рақами билан сақланади<sup>1</sup>. У ўзи севган Мусалло боғига дағн этилган ва унинг шароғати билан кейинчалик бу боб Ҳофизия номини олиб, жаҳон илму адаб аҳлининг зиёратгоҳига айланган.

Ҳофиздан бор-йўғи бир девон мерос қолган. Шуни ҳам унинг ўзи тузмаган. Бу ишни Ҳофиз вафотидан 30—40 йил кейин шоирнинг дўсти ва шогирди Муҳаммад Гуландом амалга оширган. Лекин шу биргина девони билан ҳам у ярим дунёни эгаллади. Гуландомнинг шоир девонига ёзган муқаддимасида айтилишича, хосу авомнинг мажлиси, дину давлат арబбларининг хилватдаги сухбатлари, сўфий ва риндаларнинг давралари Ҳофиз ғазалларисиз қизимасди — у ҳаётлигига ёқ барча тоифанинг хос шоирига айланаб ултурган эди.

Ҳофиз бир умр Шерозда яшади. У фақат бир мартағина XVII асрнинг 70-йиллари бошида қисқа мuddат Исфаҳон ва Яздда бўлган. Шоирнинг шеърлари Шероздан ташқарида ҳам машҳур бўлганилигидан Бангола ҳукмдори Султон Фиёсиддин, Дақан подшоҳи Шоҳ Маҳмуд Баҳманийлар Ҳофизни ўз саройларига даъват қилиб, совфа-саломлар юборганлар. Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойирий уни Бағдодга ҳам таклиф қилган. Лекин ўз ватани ва ҳалқини бекиёс муҳаббат билан севган Ҳофиз на саройга борган, на бошқа мамлакатларга.

<sup>1</sup> Ҳасаний М. Ҳофиз қўли билан кўчирилган «Ҳамса» // «Сино» журнали, 2001, 3-сон (Куз), 17-бет.

Ҳофиз ҳаммаёқни вайронага айлантирган мўгуллар ҳукмронлиги инқирозга учраб, майда хонликлар ўртасидаги ўзаро тожу тахт талашлари авж олган, бундан ҳалқнинг тинкаси куриб, аҳволи ҳароб бўлган бир даврда яшаб ижод этди. Унинг даврида Шероз 5 марта ана шундай жанглар гирдобига тортилиб, ўзи вайрон, ҳалқи қатли ом қилинди. 50 йил (1338—1388) мобайнида 6 марта подшоҳ алмашгани ҳам шоир яшаган даврнинг нотинчлигини кўрсатади. Бу подшоҳлардан фақат маърифатли ва шеърият муҳлиси бўлган Шайх Абуисҳоқ Инжугина (1342—1353) Ҳофизни қўллаб, унга ҳомийлик қилган. Ундан кейин тахтга ўтирганлар билан шоирнинг муносабати яхши бўлмаган. Уни ҳатто қувғин қўлмоқчи бўлганлар, лекин Ҳофизнинг Шероздан ташқарида ҳам машҳурлиги бунга монелик қилган.

Ҳофиз ўзбек адабиётига ҳам кучли таъсир ўтказган. Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Амирий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза каби барча давр шоирлари Ҳофизни ўзларига устоз билганлар, ундан таъсирланиб шеърлар битганлар. Навоий «Девони Фоний»да Ҳофиз ғазаллари татаббуъида — 211, унинг таврида — 20 та ғазал ёзган.

Ўзбекистонда Ш. Шомуҳамедов, Н. Комилов, Ҳ. Ҳомидий, А. Қуронбеков, М. Азимов, А. Ҳайитметов, Р. Каримов, Э. Очилов ва бошқалар Ҳофиз ҳақида тадқиқот олиб борганлар. Шоир шеърлари Абдулла Авлоний, Хуршид, Чустий, Муинзода, Васфий, Ш. Шомуҳамедов, Ж. Жабборов, Э. Воҳидов, Ж. Қувноқ, М. Кенжабек, С. Саид, О. Эркин, Э. Очиловлар томонидан таржима қилинган.

## 1

Жонон бу кечани мен билан ўтказди,  
Бу бахтни менга Худо ўзи етказди.  
Ўлим фами йўқ энди менга, чунки санам  
Жонбахш лабидан оби ҳаёт тутқазди.

## 2

Ул шамъи Чигил дардини айтиб бўлмас,  
Куйган бу кўнгил дардини айтиб бўлмас.  
Шундан юрагимда фамки, йўқ маҳрами роз,  
Ҳар кимсага дил дардини айтиб бўлмас!

## 3

Душманнинг жафосидан мудом қоч, эй дўст!  
Яхши кишиларга қучоғинг оч, эй дўст!

Одам санама, қўлингни юв нокасдан,  
Меҳринг ҳунар аҳли<sup>1</sup> бошидан соч, эй дўст!

4

Турк чеҳрали ул фаришта жон қасди эди,  
Кўздан яширин ҳур каби бўй-басти эди,  
Тор бўлмаса мунча оғзинг — йўқдек-ку, десам,  
Куйманг-да қилиб тамай хом асти, деди.

5

Эй баҳт, фақирга қани бир ёр бўлсанг,  
Мажруҳи замон — дилга мадалкор бўлсанг.  
Ёшлиқ-ку чиқиб кетди жиловдек қўлдан,  
Кексалик узанги каби пойдор бўлсанг...

6

Бўлса эди бир шўх санаму барбату най,  
Хилват ва фароғат, яна бир шишада май,  
Майдан қизибон тандаги бор томиру пай,  
Бир арпа умид қилмас эдик, Хотами Тай!

7

На давлати дунёни(нг) ситамга арзир,  
На лаззати мастиликни(нг) аламга арзир,  
На шодлиги дунёни неча минг йиллик  
Ул бир неча кун меҳнату ғамга арзир.

8

Улфатлар аро қай куни дил қилди хитоб:  
Гул мавсумида тарқ этайин бодаи ноб.  
Булбул чаман ичра қичқириб берди жавоб:  
Фофил, бу нима — фасли гулу тарки шароб?!

9

Мен ҳақдаги фикрингни, сабо, сўзла ниҳон,  
Оз бўлса-да ишқ изҳорига мингта забон,  
Оҳиста сўз оч сўз орасинда, токи  
Севгимни малол олмасин ул қоши камон.

10

Ҳарчанд фироқ сендан узоққа солсин,  
Сабримни юзинг ҳажри дилимдан олсин,

<sup>1</sup> Ҳунар аҳли — фазилат эгалари.

Бир бор назарим тушса бўлак юзга агар,  
Хуснинг тузи ҳаққи, кўзларим кўр бўлсин!

## 11

Келмайди хаёлимга ўйингдан ўзга,  
Йўл борини билмадим кўйингдан ўзга.  
Хар дийдага уйқу ёқар, аммо менинг  
Кўзимга кўринмайди бўйингдан ўзга.

## 12

Май майдалаб ўлтиrsa, на соз, сув бўйида,  
Дунё фаму ташвишини қўй — бехуда.  
Гул умри каби ҳаётимиз ўн кундир,  
Бил ҳар дамини унинг фанимат жуда.

## 13

Аввалда вафо қилди тутиб жоми висол,  
Маст этди-ю, ҳажр аро сўнг отди у ҳилол,  
Хар икки кўзим ёшга, дил оташга тўла,  
Тупроқ каби жоним йўлида бўлди увол...

## 14

Дерларки, биҳишт эшигига етгаймиз,  
Май — қўлда, малак — кучоқда аиш этгаймиз.  
Бас, биз маю маъшуқни десак, не бўпти?  
Иш оқибати шундай экан, нетгаймиз?!

## 15

Шоҳ тахтида ўлтиrsa-да тўкиб ёшини  
Гул зорланади: «Кўринг бу дунё ишини:  
Гар шунча куяр мен каби шаффоғ хилқат,  
Вой, ҳолига мингвой гуноҳкор кишининг!»

## 16

Тонг ели, ўшал сулувга хушторлигим айт,  
Бир кўргали ой юзини минг зорлигим айт,  
Тунларни ширин уйқуда ўтказгувчи ул —  
Бегамга қачондан бери бедорлигим айт.

## 17

Дедимки: «Лабинг?» Деди: «Лабим — оби ҳаёт».  
«Оғзинг-чи?» — дедим. Деди: «Бу — бир дона набот».  
Дедимки: «Сўзинг?» Дедики: «Ҳофиз айтмиш:  
«Сўз пирларини дуо билан айланг ёд!»

Мардликни сўра фотиҳидан Ҳайбарнинг<sup>1</sup>  
 Ҳиммат сирини хожасидан Қамбарнинг<sup>2</sup>  
 Ҳақ файзини, Ҳофиз, тиласонг астойдил,  
 Сўр манбани соқийсидан Кавсарнинг<sup>3</sup>

Эй дўст, ғаним жафосига қўл силта!  
 Майдан ўзга сафосига қўл силта!  
 Ҳақни билу ўзингни — бу олам элининг  
 Ҳар яхши-ёмон баҳосига қўл силта!

Бир моҳки, қади сарвга менгзар, оё,  
 Кўзгу қўлида — ўзига бергай оро.  
 Дер менга кулиб рўмолча пешкаш этсам:  
 «Васлим тиладингми? Ҳом хаёлинг, аммо!»

То тонггача юммадим ғаминг ичра кўзим,  
 То тонггача ёш тўқдим — кўп дилда сўзим.  
 Дардингни бировга сира айтиб бўлмас,  
 То тонггача гаплашдим ўзим бирла ўзим.

Создир неча дилни май билан шод этсак,  
 Ётган билан кетганни-да кам ёд этсак  
 Ҳам бир йўла зиндан омонат жонни  
 Бир лаҳза ақл қўлидан озод этсак...

Кўнглим қуши то тушди ғаминг домига-ей,  
 Бўлди у йўлиққан каби тиф комига-ей,  
 Дунё қадаҳин шарбатидан безорман,  
 Тўлди жигарим қони ғаминг жомига-ей.

<sup>1</sup> Ҳайбар фотиҳи — Ҳазрат Али.

<sup>2</sup> Қамбар — Ҳазрат Алиниң қули, хизматкори.

<sup>3</sup> Соқийи қавсар — Ҳазрат Али. Үнга жаннатдаги Қавсар ҳовузининг соқийлиги марҳамат қилинган. Қиёматда у одамларга оби қавсар улашади.

# ШОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ

(1329 — 1431)

Машҳур форс-тожик шоири, тасаввуфдаги неъматуллоҳия тариқати асосчиси Сайд Нуриддин ибн Мир Абдуллоҳ Кирмоний Суриянинг Ҳалаб шаҳрида туғилган. Сайд ва Неъматуллоҳ таҳаллуслари остида ижод қилган, Шоҳ Неъматуллоҳ Валий номи билан машҳур бўлган. Болалигиде оиласи билан Кирмон шаҳрига келиб, шу ерда таълим олади. Балофат<sup>1</sup> илми, қалом, фикҳ, ҳикматни ўрганиб, 24 ёшида ҳаж зиёратига бориб, 7 йил Маккада яшаб қолади. Кейин Балх, Марв, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Язд, Табриз, Миср, Мадина, Карбало, Шероз ва бошқа шаҳарларга саёҳат қилиб, тасаввуф таълимотини ўрганиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланади ҳамда ҳалқ орасида катта шуҳрат қозонади. У тасаввуфга оид араб ва форс тилларида 100 дан ортиқ рисола ёзган<sup>2</sup>. Ундан ғазал, қасида, таржеъбанд, маснавий, қитъа, рубоий, дубайтий, фард каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олган салмоқли девон етиб келган<sup>3</sup>. Валий шоир ижодида илоҳий ишқ тараннуми устувор бўлиб, асарлари асосан тасаввуф ҳақиқатларидан баҳс этади.

Кирмоннинг Моҳон деган жойида вафот этган.

Неъматуллоҳия тариқатида Ҳаққа етишнинг 6 мақоми қабул қилинган: таслим (тавба), вараъ (парҳез), муҳаббат, фақр, ризо, фано. Унда хожагон тариқатидаги каби хилват дар анжуман, жунайдиядаги саҳв — хушёрлик қоидалари ҳам илгари сурилган, меҳнат билан ҳалол ризқ топиш, зикрдан узилмаган ҳолда пок яшаш силсила аъзолари учун шарт қилиб қўйилган. Неъматуллоҳиянинг марказлари Эрон ва Ҳиндистонда бўлиб, фаолияти икки тарихий даврга бўлинади: биринчиси — Шоҳ Неъматуллоҳ давридан XVIII аср бошларигача, иккинчиси — XVIII аср охиридан ҳозиргacha.

«Зоҳирию ботиний улумида комил ва зуҳду тақво билан ораста» (Алишер Навоий) Шоҳ Неъматуллоҳ ҳукмрон доиралар билан яқин бўлиб, жумладан, темурийлардан Шоҳруҳ Мирзо ва Искандар Султон, Ҳиндистондаги Дакан вилояти ҳокими Аҳмадшоҳ I Баҳманий каби подшоҳлар уни фаол қўллаб-куvvatlab туришган. «У ҳатто Ҳирот вилояти амири Имодиддин Ҳамза Ҳусайн ал-Ҳиравийнинг қизига уйланган ҳам эди. Шоҳ Неъматуллоҳ Валий

<sup>1</sup> Балофат — нозик, оҳорли ва чукур мъяноларни маҳорат билан ифодалаш, сўз санъаткорлиги; етуклик, мукаммаллик.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. С. 449.

<sup>3</sup> Қаранг: Девони Шоҳ Неъматуллоҳ Валий. — Техрон, 2002.

барча табақалар, хусусан, туркий халқлар орасида муқаддас қутб, кароматли авлиә сифатида ниҳоятда улуғланган»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий ҳам «Насойим ул-муҳабbat» тазкирасида ёзади: «Замоннинг салотини<sup>2</sup>, хусусан, Ҳиндустон мулкининг маликлари<sup>3</sup> анга муриду муҳлис эрмишлар. Ва туҳфа ва назри бениҳоят ул мулкдин Кирмонга — Мир хизматига юборурлар эрмиш. Мир назмға даги машғул бўлур эрмишлар. Ва девонлари даги бор»<sup>4</sup>.

## 1

Матлубни<sup>5</sup> ўзингдан тила, толиб, доимо,  
Ўзингни танию қўлга ол ўзни, аё.

Бирни сира икки дема чин ошиқ эсанг,  
Коғир бўлади бир демаса, кимки, Худо!

## 2

Ўзингни тани — Худо дея бўлма адо,  
Ўздан тила — сендан жудо бўлмайди Худо.  
Топ аввал ўзингни, шунда иқрор бўласан  
Худони Худолигига ҳар лаҳзада то.

## 3

Дарвеш Худога азиз мудом подшодан,  
Озоддир у факру давлати дунёдан.  
Тарқ этса, қаёққа борар, оламни дема,  
Оллоҳга борар — келган эди Оллоҳдан.

## 4

Поклайди илм кибру гуурурдан доимо,  
Хулқ ичра малакдай бўлади марди Худо.  
Айтиш тилагинг бўлса фақат пок сўзни,  
Дунёга этак силкию бўл Ҳаққа фидо.

## 5

Сен жоми жаҳоннамога бир ташла назар,  
Ундан вужудинг борасида изла ҳабар.  
Бегона хаёли бўлса кўнглингда агар,  
Жаҳд айлаю кўнглингдан уни айла бадар.

<sup>1</sup> Бу маълумотлар ҳақида қаранг: Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳарининг қисқача изоҳли лугати (2-китоб). — Хўжанд, 2002. 21—22; 36—37-бетлар.

<sup>2</sup> Салотин — сultonлар, подшоҳлар.

<sup>3</sup> Малик — сulton, подшоҳ, ҳукмдор, ҳоким.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳабbat. 429-бет.

<sup>5</sup> Матлуб — маҳбуб, маъшуқ, севилган зот. Тасаввуф адабиётида матлуб, маҳбуб ва маъшуқ дейилгандა кўпинча Оллоҳ таоло, Муҳаммад алайҳиссалом ва пири комил кўзда тутилади.

## 6

Берди бу жақонда құлу ҳам дил бизга,  
Бегона киши бўлмади мойил бизга,  
Биз денгизу мухлисларимиз кўпикдир,  
Ким бизни севар, бўлгуси восил<sup>1</sup> бизга.

## 7

Ишқи ўтини ўшал шўху саркашимиз  
Солди дилимизга — ёнди ичу ташимиз.  
Бизни тушунар бағри қуюк парвона,  
Қайдан билади бағри бутун оташимиз?

## 8

Тингла сўзимизни — ҳар бири дурдона,  
Магзини чақу бўлсин уйинг майхона.  
Бас, менман риндлигу хароботи мугон<sup>2</sup>,  
Мастона сўзимнинг бариси риндана.

## 9

Күш саҳродаю балиқ эса дарёда,  
Кун кечиради ҳар бири бир маъвода.  
Ўт ичра самандар хушу хуррам яшаса,  
Күшлар териб ейди ризқини ҳавода.

## 10

Ўз лутфи билан ўзига жазб этди Худо,  
Дардимга унинг қарамидан етди даво.  
Баҳш этди бу бандага улуғликни ўша,  
Ҳам Ҳақни, ҳам ўзни танимоқ бизга раво.

## 11

Наргису қўзинг, наргис иши уйқу эмиш,  
Оташ лабинг — оташ оқибати су(в) эмиш.  
Лолаю юзинг, лола бош-оёқ рангдир,  
Сунбулу сочинг, ҳар торида жоду эмиш.

## 12

Эй, асли азалдан эди бу дунё сароб,  
Туш ёки хаёл каби қылар масту хароб.  
Кўриб мени қўзим ёшининг уммонида,  
Бу оби ҳаёт чашмаси деб айла ҳисоб.

<sup>1</sup> Восил — етишиш, эришиш.

<sup>2</sup> Хароботи мугон — оташпаратлар ибодатхонаси; мажозан: майхона.

Йўл ранжи — оёқдан нолисам, бўлмас ажаб,  
Бу жабру бу доғдан нолисам, бўлмас ажаб.  
Ул подшоҳи олам ҳузурида ёлғиз  
Шу жоду қароқдан нолисам, бўлмас ажаб.

Ўзингдан ўту нури Худони иста,  
Ирфон йўлида аҳли ризони иста.  
Тавҳид уйининг сultonини изла мудом,  
Дил дардига ундан давони иста.

Бир ойинадирки мазҳари<sup>1</sup> зоту сифот,  
Унда сира акс этмади бегонаю ёт.  
Соқий менга тутган ҳар бир май қадаҳи  
Бир жоми жаҳоннамо — тўла оби ҳаёт.

Ойинада гарчи акс этади файрат<sup>2</sup>,  
Сенсиз уни тарк этиб кетади файрат.  
Ҳақ хилвати бўлган дилнинг хонаси ҳеч —  
Файратсиз эмас, унга етади файрат.

Куфр оламидан динга қадар бир нафас,  
Шак манзилидан чинга қадар бир нафас.  
Хор этма азиз бу бир нафасни, чунки  
Умринг ўзи ўлгунга қадар бир нафас<sup>3</sup>.

Ҳақ дини дарахти шохи тўрт бўлса гўзал,  
Ҳар тўртала шох мева билан тўлса гўзал,  
Аввалгиси ҳам бу тўртдан бўлса гўзал,  
Кейингиси ҳам бу тўртдан бўлса гўзал.

Бизнинг бу бадеъ илми<sup>4</sup> баёни ўзга,  
Бизнинг бу илм гавҳари кони ўзга.

<sup>1</sup> Мазҳар — кўриниш, акс. Бирор нарсанинг зуҳур этадиган ери.

<sup>2</sup> Файрат — 1) рашик, ҳасад; 2) саъӣ, ҳаракат.

<sup>3</sup> Бу робоий Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмудларга ҳам нисбат берилади.

<sup>4</sup> Бадеъ илми — бадиий санъатлар ҳақидаги илм.

Сархуш кишилар ҳикояси бермас завқ,  
Сархуш кишилар сўзи, забони ўзга.

## 20

Мол-дунё багишласа у, мол-дунё гўзал,  
У кўрса раво қашшоқлик ҳатто гўзал.  
Эҳсонни ман этса, истамайман мен ҳам,  
Эҳсонни буюрса, биламан аммо гўзал.

## 21

Дил мисли кабутару шоҳид боздир,  
Сен қилма гумонки, шайхи шоҳидбоздир<sup>1</sup>.  
Боқсанг ҳақиқат кўзи билан шоҳидга,  
Чиндан сенга дийдори у шоҳид боздир.

## 22

Гар изламасанг мастилиги майхонани, ҳайф!  
Гар сўзламасанг қаломи мастанани, ҳайф!  
Ошиқлар майхонаси — бизнинг уйимиз,  
Сен истар эсанг косаю паймонани, ҳайф!

## 23

У барча эшикларни менга очган эди,  
Шодлик уруғин дил боғига сочган эди.  
Ҳақ бандалиги қилар жаҳондан озод,  
Чин бандадир у жаҳондан ким қочган эди.

## 24

Бизнинг ҳолимиздан ёр агар топса хабар,  
Бизга етар ундан ҳамиша ўзга назар.  
Биз дарё лабида ташналабларданмиз,  
Дарё лаби ташна аммо биздан-да батар.

## 25

Биз ташнамиз онқадарки, дарё бизда,  
Бор қатраси уммоннинг пайдо бизда.  
Ишқ келди-ю, олди дилимиз таҳтини у,  
Ишқ келди-ю, ақл қолмади асло бизда.

<sup>1</sup> Дунёвий гўзаликдан баҳраманд бўлишга иштиёқманд шайхларни шоҳидбоз деб айтганлар. Аммо уларнинг бу муҳаббатлари ҳирсий-жинсий интилишлардан холи бўлиб, гўзал юз улар учун илоҳий жамол акс этган мазҳар тимсоли бўлган, яъни гўзал инсонларда илоҳий ҳуснни мушоҳада этиш, ундан лаззатланиш, мазҳарга муҳаббат тарзида кечганидан бу шоҳидбозлик-покбозлик деб ҳам аталган.

Ҳақ бобида гарчи айласанг-да сұхбат,  
Бегона билан бўлса, у мисли гийбат.  
Бегонани қўю Ҳаққа бўл ҳамсуҳбат,  
Бегонанинг суҳбати хатодир албат.

Шоҳ сояси гар бошда мудом бўлғусидир,  
Ҳар икки жаҳон бизга гулом<sup>1</sup> бўлғусидир,  
Биҳишту фаришталар-да ром бўлғусидир,  
Чунки бизга Арш мақом бўлғусидир.

Бир томчисидир қадаҳимизнинг дарё,  
Бир гўшаси мамлакатимизнинг дунё.  
Биз худди сочимиз каби савдозадамиз<sup>2</sup>,  
Доим бошимизда бизни қизғин савдо.

Бўлди кўзда хаёли нақши пайдо,  
Равшанлиги ошди кўзнинг шу асно.  
Ҳар ёққа назар солса, Худони қўради,  
Бундай равшан кўз кишида йўқ асло.

Дил манзили доим ишқ майхонасири,  
Ишқ дарди унинг давоси, ҳамхонасири.  
Оlam тўла Оллоҳ номига бошдан-оёқ,  
Асли у қўнгил мулкини(нг) дурдонасири.

Дедим: «Жаннат». Дедики: «Бўстон сизга».  
Дедим: «Дўзах». Дедики: «Зиндан сизга».  
Дедимки: «Макони икки олам шоҳининг».  
Дер: «Хаста кўнгил макони султон сизга».

Ҳақ дўстлари Ҳақнинг ўзига мансубдир,  
Ҳақ дўстлари қошида бари маҳбубдир.

<sup>1</sup> Гулом— қул, банда, хизматкор, чокар.

<sup>2</sup> Савдозада — телба, девона, ошиқ, гирифтор.

Сен сурату маънога назар сол батамом,  
Шунда биласан ким толибу матлубдир.

### 33

Ўзингдан эмиш йўқотишу топиш ҳам,  
Хоҳ ботилу хоҳ Ҳақ — бари ўзингда жам.  
Дейсанки, йўқолган санамни топдим,  
Бу топганинг йўқотганингдир ҳар дам.

### 34

Ойинаи ҳазрати илоҳий бу кўнгил,  
Ҳақ гавҳари кони — даргоҳи бу кўнгил.  
Дил баҳри муҳиту тенги йўқ дур унда,  
Сен дур тиласанг, дур кони шоҳи бу кўнгил.

### 35

Султони жаҳон гавҳарининг кони дилинг  
Ҳам лутфи илоҳий мазҳари — жони дилинг.  
Сен бу вужудинг камолоти мажмуини —  
Дилдан тила, ҳар нарсанинг имкони дилинг.

### 36

Гулшан ичида нолай булбул на гўзал!  
Май иссангу тутсанг сочи сунбул на гўзал!  
Ҳақ йўлида тоат қилишинг яхши дема,  
Май ичсаю шод бўлса бу кўнгил, на гўзал!

### 37

Бир ринд кўрдим — ринд аҳлига у султон,  
Ҳар икки жаҳонни кўзга илмас бир он.  
Бу кунжи фанодаги<sup>1</sup> бақо ганжи<sup>2</sup> ўшал,  
Ҳар икки жаҳон кўнглида унинг пинҳон.

### 38

Фам ёмғири биз учун фаровон доим,  
Кин ёмғиридан дил уйи вайрон доим.  
Мен ҳам сенга ёрман, эй сайидим, дейсан,  
Шундай бўлади дўсту қадрдон доим.

<sup>1</sup> Кунжи фано — фано бурчаги, яъни бу дунё.

<sup>2</sup> Бақо ганжи — боқий олам давлати; бу ерда: у дунё одами.

Ул кўздаки, ёр ҳусни намоён бўлса,  
Тонг йўқ, ўша моҳияти инсон бўлса,  
Бизнинг кўзимиз кўзгусида акс этар у,  
Айб сенда кўзингдан гар у пинҳон бўлса.

Дил тахтини забт этган ўшал шоҳимдир,  
Бир шоҳки, камолда шоҳи дилҳоҳимдир.  
Ул саййиду мен бўлсан унинг бандасиман,  
Бу саййиду банда Неъматуллоҳимдир.

Саккиз ҳарф ифодалар номин шоҳимнинг<sup>1</sup>,  
Бир шоҳки, у мазҳари Оллоҳимнинг.  
Икки юзу учу бирни бирга сана  
Билмоқчи эсанг номини дилҳоҳимнинг<sup>2</sup>.

Бу етти фалак устуни ўтли оҳим,  
Аршу фалаку сайёralар ҳамроҳим.  
Бу мен мен эмас — Ҳақ сўзини айтарман,  
Дедим нима деган бўлса Оллоҳим.

Майхонанинг изми дўсту ёронимда<sup>3</sup>,  
Ҳар риндки бор, меҳри менинг жонимда.  
Фармон беришимнинг сабаби соқийга —  
Майхонада соқий менинг фармонимда.

Ошуфта кўнгил дарди менга дармондир,  
Бу дард мисоли жисмим ичра жондир.  
Мен жон фидо этганим сочи куфрини  
Кофири дейишар, менга нури иймондир.

<sup>1</sup> Араб ёзувида Неъматуллоҳ номи 8 та ҳарфдан иборат.

<sup>2</sup> Маълумки, араб ёзувида ҳар бир ҳарф муайян рақамни ифода этади. Бу ерда эса шоир рақамлар орқали ҳарфларга ишора қилмоқда: 200 — «р», 3 — «ж», 1 — «о» ҳарфларини билдириб, уларнинг бирикишидан «рижо» (ракжо) сўзи ҳосил бўладики, унинг маъноси «умид»дир.

<sup>3</sup> Ёрон — дўстлар.

Дардинг маҳрами дилу жоним менинг,  
Зикринг эса ошкору ниҳоним менинг.  
Ўз-ўзи билану ошиқ, элдан озод,  
Сен шундай эсанг, қайда маконим менинг?

Илмим бу хаёлда гавдаланган сурат,  
Оғзиму тилимда ундаги бор лаззат.  
Ҳар қанча чуқур кетса-да бу йўлда ақл,  
У ориф эмас — Юсуфни билмас албат.

Восилман ўзимгаю висолим шулдир,  
Ҳол ичра менинг ҳамиша ҳолим шулдир.  
Зот ойинасида бир мисолим бордир —  
Тимсоли жамоли бемисолим шулдир.

Ошиқ элига ишқ ўти жон баҳш этади,  
Ишқ нуридан офтобга ёруғлик етади.  
Ҳар нарсаки ғайб ичраю бўлса ошкор,  
Ишқ унга сабабчи бўлмасдан нетади?!

Бизнинг кўзга икки жаҳон ойинадир,  
Жонон — намоён бўлувчи, жон ойинадир.  
Бир кўзки у — ботинан намоён этади,  
Ҳарчанд ўзи зоҳирان ниҳон ойинадир.

Эй дил, ошиқлиқда азал йўл бирдир,  
Ишқ оламида подшо билан қул бирдир.  
Тарқ этмагунингча иккиликни токи,  
Билмай ўтасан — бу Неъматуллоҳ бирдир.

Тонгу саҳару булбулу гулзор бирдир,  
Маъшуқаю ишқу ошику ёр бирдир.  
Ҳар қанча бу ўй ичига боқмай — қўраман:  
Ул доираю нуқтаю паргор<sup>1</sup> бирдир.

<sup>1</sup> Паргор — циркуль.

Ишқ мазҳабида муҳибу маҳбуб бирдир,  
Рағбат не қилар — роғибу<sup>1</sup> марғуб<sup>2</sup> бирдир.  
Дерлар менга ўзини фақат айла талаб,  
Беҳуда талаб — толибу матлуб бирдир.

Май ичмаса, мастилиги бўларми чандон?  
Бу мастилиги таърифга сифарми ҳеч он?  
Мастилик майдан эмасми, бу — маҳмурлик,  
Тут қўлини — ошиқ бўлар ундан ион.

Ишқинг тифи ўлдирса мени ҳеч ғам йўқ,  
Юзинг ҳавасида ўлсам, мотам йўқ.  
Гар келса ҳалойик додга дастимдан,  
Лутфида Худованди каримнинг кам йўқ.

Фоғил кишининг тоати бир васваса-да,  
Йўқ завқу висол ҳукми бирор мадрасада.  
Сен ориф эмас ҳандасаю<sup>3</sup> мантиқда<sup>4</sup>,  
Ишқ ҳужжату далили бари ҳандасада.

Бу сўз жуда нозик — келу айла таҳқиқ<sup>5</sup>,  
Мендей киши билмаса уни нолойик.  
Сен сурату маъносига боқ синчиклаб,  
Шунда биласан: Юсуфу кўйлак янглиг<sup>6</sup>.

Зоту сифоту феъл Ҳақ имконидадир,  
Оlam элининг барчаси фармонидадир.

<sup>1</sup> Роғиб — рағбат қилувчи, хоҳловчи, мойил, толиб.

<sup>2</sup> Марғуб — рағбат ва майл қилинувчи, маҳбуб.

<sup>3</sup> Ҳандаса — геометрия.

<sup>4</sup> Мантиқ — мантиқ илми, логика. Тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

<sup>5</sup> Таҳқиқ — текшириш, тадқиқ қилиш, нарсанинг моҳиятини билиш, ҳақиқатга этиш. Тасаввуфда банданинг ҳақиқатни кашф этиш учун қиласидаган саъю ҳаракати.

<sup>6</sup> Бу ерда Юсуфнинг уч кўйлаги ҳақида гап бормоқда: биринчиси — ўгай акалари уни ўлдига чиқариб, қўйнинг қонига булғаб оталарига келтириб кўрсатган кўйлаги; иккинчиси — Зулайхонинг таклифига кўнмагани учун у орқасидан тортиб йиртган кўйлаги; учинчиси — кўзи очилиши учун Мисрдан отасига юборган кўйлаги.

Олам жамъияту<sup>1</sup> паришонлиги ҳам  
Ҳақ мартабаси — жамъ<sup>2</sup> паришонидадир.

## 58

Май жоми каби ринл аҳли наздида жаҳон,  
Соқиу қадаҳу ёр — бари рамзу нишон.  
Дарёю кўпигу мавж — бизда бари жам,  
Сувдан кўпигу жом холи бўлибди қачон?

## 59

Рад этса У кимни рад бўлар буткул ўша,  
Кимни қабул айласа, бўлар маъқул ўша.  
Ҳақ борлиғидан бўлак борлиқ борми?  
Ҳақ борлиғидан бўлгуси ҳосил ўша.

## 60

Тавҳиди унинг ширки қабидир биз учун,  
Танҳолиги иккиликка ўхшайди бутун.  
Кеч ваҳдатидану бирлиғиданки, унинг  
Мендан эмину сендан фориғлиги чин.

## 61

Май завқини бўлмайди топиб ичмай, аён,  
Бу завқни уйғотмас ҳеч шарҳу баён.  
Биз топганимиз ошиқлик лаззатини  
Дунёни тўкин сүфраси ҳам бермас, ишон!

## 62

Ишқ келди-ю, ақлу ҳушни олди-кетди,  
Ваъдалигича ваъдаси қолди-кетди.  
Кўрдики, подшо кирди маству аласт,  
Бечора гулом бошини солди-кетди.

## 63

Бедард киши мансуби Ҳайдар<sup>3</sup> бўлмас,  
Куфр йўлини тутмаган қаландар бўлмас.  
Ким ранжи фано чекмаса, йўқ кунжи бақо,  
Бундай кишилар бизга биродар бўлмас.

<sup>1</sup> Жамъият — 1) одамлар гурӯҳи, мажлис аҳли; 2) хотиржамлик, осудалик.

<sup>2</sup> Жамъ — гурӯҳ, жамоат.

<sup>3</sup> Ҳайдар — Ҳазрат Алининг лақаби: шер.

## 64

Ул зот назаримизда на жуфту на ток,  
Сўз ёрдамида бу дур тешилмайди бироқ.  
Киммиз сену мен — агарда Уни танисак,  
На ўзлигу на оламимиз қолгай у чоқ.

## 65

Гар биз каби ёрнинг ёши дарё бўлгай,  
Бизга қўшилиб, манзили маъво<sup>1</sup> бўлгай.  
Бир нуқта қошидан айланиб циркулдек,  
Бир доиранинг ичига у жо бўлгай.

## 66

Ҳар икки жаҳонда ринд танҳо бўлади,  
Йўқлик олами ичра у шайдо бўлади.  
Соқий сёги остига бошини қўйиб,  
Чекмай қадам олдимизда пайдо бўлади.

## 67

Ёрингда агар лутфи илоҳий бўлгай,  
Ҳар икки жаҳоннинг дилҳоҳи бўлгай.  
Ул ҳазрати султонга гадодир ҳарчанд,  
Ишқ оламининг у подшоҳи бўлгай.

## 68

Ёр суҳбатини бу дили зор истайди,  
Соқийга қилиш жонни нисор истайди.  
Гулшанда кезар мисоли бир маст булбул,  
Гўё ўзига бир гульузор истайди.

## 69

Ёр қошида кимнингки, мақоми бордир,  
Ҳар икки жаҳонда эҳтироми бордир.  
Ёр ишқи йўлида кимки бадном бўлса,  
Бадном дема, асли эзгу номи бордир.

## 70

Ишқ келди-ю, берди шамини парвонага,  
Ринд олди-ю, топширди уни майхонага.  
Бир куни дегайлар Неъматуллоҳ бугун  
Маст кетди-ю, жон берди ўшал жононага.

---

<sup>1</sup> *Маъво* — ҳужра, ибодатхона маъносида ҳам келади.

Шўхлар йўлида жонни фило қилгайман,  
Ҳар не тиласа, шу өн адо қилгайман.  
Ориф дер: агар ринд ичса май маъзурдир,  
Бу сўзга амал мен доимо қилгайман.

Бу даврада майни тарк этиб бўлмайди,  
Ҳақ ишқига ақл ила етиб бўлмайди.  
Ҳар нарса вужудининг ҳақиқати Удир,  
Бу борада ҳеч чуқур кетиб бўлмайди.

Ҳар ойинаки, кўз олдимииздан ўтгай,  
Бир лаҳза жамолини намоён этгай.  
Тимсоли хаёлийдир агар, зоти бироқ  
Ойинада бир нишона бериб кетгай.

Созанда агарчи созни яхши чалади,  
Соз бўлмаса сози қўлидан не келади?  
Мен ойинаману мени Оллоҳ ясади,  
Шундан Ҳақ хусни менда жилва қилади.

Дил кеча Худо лутфидан ургай эди дам,  
Дунёда қурарди шоҳлик қасрини ҳам.  
Дил борлигининг заҳматидан озодман,  
Деб ўзни унутганча дам урарди бирам.

Жон хаста экан, қилса даво соз бўлади,  
Кор қилса даво, ишинг бажо, соз бўлади.  
Биз гар тикан эксак, ҳосили гул бўлмас,  
Бас, яхшилик этса доимо соз бўлади.

Қатра тутару сув эса боқий қолади,  
Қўза синару ҳамиша соқий қолади.  
Аттор Ҳурсонда агар машҳур эди,  
Ўрнига бутун Шайх Ироқий қолади.

Мулкингда агар Ҳожа Ироқий бўлгай,  
Шак-шубҳаси йўқ — шоҳ моли боқий бўлгай.  
Гар май тиласанг, жам бўлишар ринд аҳли,  
Шоядки, улардан бири соқий бўлгай.

Оллоҳ биру сифатлари бисёрдир,  
Ошиқларига ҳар сифати бозордир.  
Ҳар бир сифатига ким агарда ёрдир,  
Ёрлиги унинг сайидимизча<sup>1</sup> бордир.

Ҳар бир ҳолда бизга ато этгусидир,  
Ҳақ лутфига ҳар битта гадо етгусидир.  
Султон бенаволарга муруват этган —  
Давлатни улашмайин Ҳудо нетгусидир?

Ҳақ йўлида жонингни нишон қилмоқ шарт,  
Ҳақ хилватида ўзни ниҳон қилмоқ шарт.  
Ҳол баҳри муҳити ичра бир ҳолга кириб,  
Қолни унутиб, осуда жон бўлмоқ шарт.

Дардим дориси токи дармон бўлди,  
Хорлигим улуғу қуфрим иймон бўлди.  
Жону дилу тан менга ҳижоб бўлган эди,  
Тан дилу дил жону жон-чи, жонон бўлди.

Эй ақл, йўқол — хулқим илоҳий бўлди,  
Ишқ келди-ю, зуҳд йўли боқий бўлди.  
Майхона мудом қизгину риндлар комил,  
Ўз-ўзидан унда султон соқий бўлди.

Оlam тўла нури субҳоний<sup>2</sup> бўлди,  
Ҳақ зоти ичида барча фоний бўлди.

<sup>1</sup> Сайид — 1) улуғ, сарвар, пешво; 2) Мұхаммад алайхиссаломни ҳам мусулмонлар сарвари маъносида сайид дейилади. Масалан: Сайид ул мурсалин — пайғамбарлар сарвари.

<sup>2</sup> Субҳоний — илоҳий.

Ким бўлса илоҳий иноятга ноил,  
Оlam ичра олами раббоний<sup>1</sup> бўлди.

## 85

Ишқ қудратидан вужуд ҳувайдо<sup>2</sup> бўлди,  
Жон оби ҳаёт туфайли пайдо бўлди.  
Ўлди десалар Сайид, ишонманг асло,  
Боқий олам ичра унга маъво бўлди.

## 86

Ким жону дили билан бу сўзни тинглар,  
Ориф сўзининг моҳиятини англар.  
Ойина агарчи кўрсатар тимсолни,  
Зотини қаровчини биларми денглар?..

## 87

Гар қолмаса-да гадо, у султон қолади,  
Куфр қолмаса наздимизда, иймон қолади.  
Бу хожа ўшандай ҳамон, ҳар нарса —  
Ўзгармаса, ўз ҳолича ҳар он қолади.

## 88

Ишқингда қувончиму ғамим қолмади-ей,  
Васлингда тўйиму мотамим қолмади-ей.  
Биргина тажаллийинг нури қилди чунон —  
Яхшию ёмон, кўпу камим қолмади-ей.

## 89

Боқ: тупроғу сувдан яратиб бир олам,  
Сўнг тутдилар унда ўзлари манзил ҳам.  
Гар ўзлари сўзлаб, ўзлари эшитади,  
Лекин кўришар сиздану биздан ҳар дам.

## 90

Бош ургуси пойингга улуғ зотлар ҳам,  
Ишқингда кечар хонумонидан ҳар дам.  
Бу масту хумор кўзинг учун риндана  
Майхонада тутдилар ватан, йўқ шубҳам.

<sup>1</sup> Олами раббоний — илоҳий олам.

<sup>2</sup> Ҳувайдо — аён, ошкор, равшан.

Ёндирилар ишқ оташи билан бир шам,  
Куйдирилар ошиқ аҳлининг жонин ҳам.  
Ёқиб дил удини кўксинг манқалида<sup>1</sup>,  
Ўргатдилар ўтга-да ошиқни кам-кам.

Дунёю малаклар яратилди бирга,  
Йўғрилди илоҳий деб аталган нурга.  
Тилсимланди жамолу камол дарҳол,  
Айланди-ю ганж эшигига занжирга.

Қай кун майхона тупроғин эладилар,  
Лой қилиш учун сувга қориб, беладилар.  
Ой юзли санамлар сочининг хушбўй иси  
Бу лойга қўшилгандир агар биладилар.

Кимнинг илми таълими илоҳийдир,  
Қўлида унинг хазинаи шоҳийдир.  
Шундай ўқиса толиби илмлар илм,  
Ҳақ лутфи бу тоифани(нг) ҳамроҳидир.

Бир ерда бўлишса барча золимлар жам,  
Бир-бирларини қўлламас улар ҳеч ҳам.  
Йил ҳам асад<sup>2</sup>, ой ҳам асад — Оллоҳ шери  
Ер бу бўриларни чиқиб индан шул дам.

Дарвеш кишига мартабаи хон на керак?  
Май бўлса етар унга мудом, нон на керак?  
Жонон қошида севимли бўлган ёрга,  
Эй жони азиз, сўйла ўзинг, жон на керак?

Ринд аҳли тириклик ғамидан мустасно<sup>3</sup>,  
Ўздан кечару худбинлик этмас аммо.

<sup>1</sup> Манқал — хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш.

<sup>2</sup> Асад — 1) шер, арслон; 2) ўн икки бурждан бешинчиси; 3) шамсий йилнинг бешинчи ойи.

<sup>3</sup> Мустасно — истисно, одатдаги тартиб, ҳолатдан ташқари; бу ерда: озод, холи.

Мүг қавми хароботи аро риндона<sup>1</sup>  
Доим май ичару мастлик этмас асло.

98

Англанмагай инсон исмисиз мусаммо<sup>2</sup>,  
Ном бўлмаса қандай қилинар фарқ ашё<sup>3</sup>.  
Ҳар қанча мукаммалу етук бўлсин ақл,  
Оллоҳни у англамас агар йўқ асмо<sup>4</sup>.

99


Оlam дегани аслида бир нақшу<sup>5</sup> хаёл,  
Яхши маълум таҳқиқ аҳлига<sup>6</sup> бу ҳол.  
Ўткинчилигидан, энг қизиги, олам,  
Чиндан-да бўлар нақшу хаёлга у мисол.

100

Оқилга аён нима тавҳиди авом,  
Орифга аён хослар тавҳиди мудом.  
Орифлар орифи тавҳидини изла,  
Яхши маълум ориф аҳлига бу мақом.

101

Дедим: «Менман». Дедики: «Олдингда ҳижоб».  
Дедим: «Мен эмасман». Деди: «Бўлдингми хароб?»  
Дедимки: «Висолингни топай қайдан мен?»  
Деди: «Бу хаёлинг бари уйқую сароб».



<sup>1</sup> Риндона — риндлардек, риндларга ўхшаш.

<sup>2</sup> Мусаммо — исм берилган, номланган.

<sup>3</sup> Ашё — нарсалар, буюмлар, жонсиз мавжудот.

<sup>4</sup> Асмо — исмлар. Бу ерда асмои хусна — Оллоҳнинг гўзал исмлари кўзда тутилмоқда — улар 99 та.

<sup>5</sup> Нақш — бу ерда: 1) раэм, сурат, тасвир; 2) шакл, тимсол, кўриниш.

<sup>6</sup> Таҳқиқ аҳли — ҳақиқатни изловчилар: орифлар.

# ФАЗЛУЛЛОҲ НАИМИЙ

(1340 — 1396)

Фазлуллоҳ ибн Абумуҳаммад Наимий Астрободий (баъзи ман-  
баларда Табризий) тасаввуфдаги ҳуруфийлик тариқатининг асос-  
чиси, машҳур шоир ва мутафаккир. Буюк озарбайжон шоири  
Имодиддин Насимиининг устози. Машҳад ва Табриз мадрасаларида  
замонасиининг барча илмларини ўзлаштириб, Исфаҳон, Ҳоразм,  
Озарбайжон ва Нахичеванга сафар қилиб, бу мамлакатлардаги илму  
адаб аҳли билан сұхбатлар қуради. Ҳуруфия ғояларини тарғиб қилгани  
учун уламолар уни күфрда айлайдилар. Зиндонга ташланиб, охири  
қатл қилинади<sup>1</sup>.

Ҳуруфия — ҳарфлар дегани. Ҳуруфийлар араб ҳарфларини  
илоҳийлаштириб, «бутун оламнинг пайдо бўлиши, нарса-ҳоди-  
саларнинг номланиши ва маъноларини ҳарфлар билан изоҳламоқчи  
бўлдилар...

Ҳуруфийлар таъсирида шеъриятда ҳатто ҳарф санъати ривож-  
ланган»<sup>2</sup>.

«Маҳрамномаи Сайид Исҳоқ» асарида ва Наимийнинг «Жови-  
доннома» рисоласида ҳуруфийлик таълимотининг асосий ғоялари  
баён қилиб берилган. Ҳуруфийлар «олам абадий, инсонда Ҳудонинг  
қиёфаси акс этади. Оlam тараққиётининг ҳар бир босқичида Ҳудо  
қиёфаси инсонда мужассамланиб намоён бўлади»<sup>3</sup> каби ғояларни  
илгари сурадилар.

Наимийдан ҳуруфийлик ғоялари билан сугорилган шеърлар  
девони, «Навнома» («Янгинома») номли саргузашлар китоби,  
ҳуруфийлик ақидаларига бағищланган «Жовидоннома» («Боқийлик  
сири»), шунингдек, «Аршнома» ва «Мұҳаббатнома» асарлари етиб  
келган.

## 1

Ул нуқтаки, маркази жаҳондир — сенсан,  
Ул қатраки, асли кун-факондир<sup>4</sup> — сенсан,  
Ул ҳарфки, исмдан баёндир — сенсан,  
Ул исмки, Зотдан нишондир — сенсан<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Каранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 417.

<sup>2</sup> Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. 2-китоб.  
42-бет.

<sup>3</sup> Ислом. Энциклопедия. 316-бет.

<sup>4</sup> Кун-факон (Кун-фаякон) — олам.

<sup>5</sup> Бу рубоий Имодиддин Насимиига ҳам нисбат берилади.

Дилбар узатар қўлини шамшир сари, бок,  
Бошингни оёғи остига ташла бу чоқ,  
«Қўлингдан ичай ўлимдан аввал шарбат», —  
Деб ҳурмату эҳтиром кўрсат беадоқ.

Май мастини мен қадаҳ изинда кўраман,  
Соқий суратини жом юзинда кўраман.  
Ул жоми жаҳоннамоқи, Ҳақ мазҳаридир,  
Ҳақ борлигини унинг ўзинда кўраман.

Ҳақ нури вужуд ичига киргай яширин  
Ўз аксини унда ҳар замон кўрмоқ учун.  
Дейди: кўтарилса орадан бир куни тан,  
Мен қолгуму мен қолгуму мен қолгуму мен<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Бу рубойй Имодиддин Насимийга ҳам нисбат берилади.

# ИБН НАСУҲ

(XIV аср бошлари — 1391/1399)


Ўз даврининг фозил кишиси ва форс оқсуякларидан бўлган<sup>1</sup> Ибн Насуҳ Шерозда туғилиб, шу ерда таҳсил олади. Сўнг Табризга бориб, жалойирийлар саройига хизматга киради. Шеъриятда Салмон Соважийнинг шогирди, тариқатда Алоуддин Симонийнинг муриди. Ибн Насуҳ Форсий ва Ибн Насуҳ Шерозий номлари билан ҳам машҳур. Ундан мукаммал девон қолган бўлиб, қасида, газал, таркиббанд, таржеъбанд, маснавий, рубоий жанридаги шеърлар ҳамда «Даҳнома» («Ўн нома») номли ишқий достонни ўз ичига олади. Бу достон адаб аҳли ўртасида кенг шуҳрат қозонган. Қасида ва газалда ҳам ўз даври шоирларининг пешқадами бўлган<sup>2</sup>.

1

Муҳтожу фақирликда ҳазон қилди мени,  
Беёру бедўсту bemакон қилди мени.  
Қайси амалим учун яқин дўстларининг  
Юксак бу мақомига нишон қилди мени?<sup>3</sup>

2

Эй дўст, дилим қилдингу зор ўлдирдинг,  
Келмай сира, айлаб интизор ўлдирдинг.  
Дил бердиму сенга жигарим қон қилдинг,  
То бўлдингу жоним минг бор ўлдирдинг.



<sup>1</sup> Қаранг: *Давлатшоҳ Самарқандий*. Тазкират уш-шуаро. С. 169.

<sup>2</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 482.

<sup>3</sup> Бу рубоий Абдуллоҳ Ансорий, Нажмиддин Кубро ва Сайфиддин Боҳарзий-ларга ҳам нисбат берилади.

# ШАЙХ МАГРИБИЙ

(тажминан 1350—1405/1407)

Мулло Мұхаммадширин Мағрибий Табризий Исфаҳоннинг Ноин деган жойида туғилиб, Табризда таҳсил олган ва асосан шу шаҳарда яшаган. Камол Хўжандий билан яқин муносабатда бўлган. Мағриб (Африканинг шарқу шимоли)га сафар қилиб, машҳур тасаввуф олими шайх Мұхъиддин ибн Арабийга мурид тушган ва «ваҳдат ул-вужуд» таълимотини тарғиб этган. Ризоқулихон Ҳидоят таъбири билан айтганда, барча шеърларида тавҳид ҳақиқатларини баён этган. Ўзини илоҳий зот намоён бўлишининг кўринишларидан бири ҳисоблаган. Яъни илоҳий зот бир уммон бўлиб, дунёдаги барча мавжудот, жумладан шоирлар ҳам унинг мавжларири. Ундан араб ва форс тилидаги шеърларини ўз ичига олган мукаммал девон қолган бўлиб, қасида, ғазал, қитъа, руబоий, таржеъбанд жанрларидаги асарлардан иборат.

Қабри Форс вилоятининг Истаҳбонот деган жойида<sup>1</sup>.

1

Мен айшу сафо созини ҳар дам чоламан,  
Муғ аҳли хароботига ўзни соламан,  
Тун бўйи қиморхонада ҳатто қоламан,  
Бор неъматидан ҳаётни(нг) баҳра оламан.

2

Ҳар нағмаки, булбулдан агар эшитасан,  
Аслида чамандан у келар, эшитасан,  
Ҳар нолаки, асли у этар, эшитасан,  
Маст тилидан сенга етар, эшитасан.

3

Мен донасиман — зулфи экан доми унинг,  
Мен ойина — акс этар гуландоми унинг,  
Дардини олувчи майиман — коми унинг,  
Ҳам жоми жаҳоннамою ҳам жоми унинг.

4

Мақсад йўлида тонгга уламай шомни,  
Ўзлик оёғидан ҳали ечмай домни,  
Хослар тўнига ўраб вужуди хомни,  
Бадноммизу истаймиз эзгу номни.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Гулшани адаб. Жилди 3. — Душанбе, 1976. С. 27; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 201.

# АБУЛВАФО ХОРАЗМИЙ

(вафоти 1432)

Илмий-адабий манбаларда Хожа Абулвафо Хоразмийнинг «Лавойиҳи асрор» («Равшанлик сирлари») ва «Наср ул-жавоҳир» («Наср дурданалари») номли илмий-тасаввифий руҳдаги рисолалар ёзганлиги тўғрисида маълумот берилади. Лекин у кўпроқ рубоийлари орқали машҳур бўлган. Таниқли афғон олими Нажиб Мойил Ҳиравий Техронда нашр этилган «Дар шабистони ирфон» («Ирфон хилватхонасида») асарида Хожа Абулвафо ҳақида ҳам муҳтасар гапириб, унинг 146 та рубоийсини илова тариқасида келтиради. Бу рубоийлар Техрон Миллий кутубхонасида 306 рақами остида сақланаётган «Жунги асрори ирфон» («Ирфон сирлари дафтари») тўпламидан олинган<sup>1</sup>. Техронда 1994 йили чоп этилган «Рубоийнома» тўпламида эса шайх-шоирнинг 98 та рубоийси берилган<sup>2</sup>.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Хожа Абулвафо Хоразмийни алоҳида хурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Чунончи, «Мажолис ун-нафоис»да ўқиймиз:

«Хожа Абулвафо Хоразмий кибори авлиёдиндур. Хоразм ҳалқи фоят малакий сифотлиғидин Ҳожани «ер фариштаси» дерлар эрди ва Хожа улуми зоҳирий ва ботинийни<sup>3</sup> такмил қилиб эрди. Ва тасаввифда яхши мусаннофоти<sup>4</sup> бор ва машҳурдурким, улуми гариба<sup>5</sup> ҳам билур эрди, аммо андин зоҳир бўлмас эрди, балки фояти таважжух<sup>6</sup> ва истиғроқдин<sup>7</sup> парво ҳам қилмас эди. Адвор<sup>8</sup> ва мусиқий илмида дағи маҳорати бор эрдиким, рисоласидин маълум бўлур...»<sup>9</sup>.

Абулвафо Хоразмий рубоийлари ваҳдат ул-вужуд таълимотининг шеърий ифодаси ҳисобланади. У тасаввиф назарияси талаб-қоидаларини шеърий усулда баён қилиб берган. Бу дунёning ўткинчилиги, нафс ва жисмнинг Ҳақ йўлида тўсиқлиги, ҳақиқий ҳаёт

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Абдуллаев Ҳ.* Хожа Абулвафо Хоразмий ва Алишер Навоий // Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумал аҳамияти. Илмий-назарий анҷуман маъruzalari. — Тошкент, 2001. 42—43-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Рубоийнома. С. 55—57; 440—449.

<sup>3</sup> Улуми зоҳирий — дунёвий фанлар, диний илмлар. Улуми ботиний — тасаввиф илми.

<sup>4</sup> Мусаннофот — асарлар, китоблар.

<sup>5</sup> Улуми гариба — каромат илми.

<sup>6</sup> Таваёжжух — майл, диққат, эътибор.

<sup>7</sup> Истиғроқ — ўзни унутиш.

<sup>8</sup> Адвор илми — мусиқа назарияси.

<sup>9</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. — Тошкент, 1997. 13-бет.

Оллоҳ ҳузурида эканлиги, бунинг учун камолот касб этиб, хулқини поклаб, комиллик мартабасига эришиш зарурлиги, Оллоҳ ҳақиқатлар ҳақиқати эканлиги, уни ақл билан англаб бўлмаслиги, фақат юксак мақомга кўтарилган кўнгил ҳоли билан уни таниш мумкинлиги, Оллоҳ эҳтиёжсиз зот эканлиги, бу дунёни ошкор қилиб, ўзини пинҳон тутганлиги, банда кўнглига илоҳий ишқ Оллоҳнинг ўзи томонидан солиниши, ўзини билган ҳою ҳавасга кул бўлмаслиги, дарвешлик, завқу талаб, дардмандлик, фақру фано, Ҳақ йўлида ўзни унтиш, ному нишонсизлик ва бошқалар Абулвафо Хоразмий робоийларининг асосий мавзулари ҳисобланади. Хос сўғифийлардан бўлган шайх-шоир робоийларида илоҳий ишқ тараннуими етакчи, мажозий муҳаббат тасвирини деярли учратмаймиз.

## 1

Иш аввалида кечиш керакдир жондан,  
Кўнгилдаги барча орзую армондан.  
Ҳар икки жаҳонни(нг) мақсуди бўлгайсан,  
Пок бўлсангу кўнгил узмасанг жонондан.

## 2

Ҳар кимса асири нангу номдир ҳануз,  
Ишқ йўлида, билки, нотамомдир<sup>1</sup> ҳануз.  
Бир дил бу фақирда борки, ишқ оташида  
Йиллар оша ўрганса-да, хомдир ҳануз.

## 3

Ул кимса тирикликка экан то банди,  
Севги майи завқининг эмас пайванди.  
Рақс айла кутулган эсанг ўз нуқсингдан,  
Қарсак чал агар қолмаса ўзлик банди.

## 4

Тун ярмида ёр ҳаёли бўлди меҳмон,  
Дедим: «Дилу жон сенга фидодир, жонон!»  
Деди: «Дилу жон, ахир, сенинг мулкингмас,  
Ҳиммат қилиш ўзгалар молидан осон».

## 5

Биз минг ишку ишрат қонини сочгаймиз,  
Ранжу бало, фақру дардга дил очгаймиз.

<sup>1</sup> Нотамом — қусурли, комил эмас.

Күйганимиз-ей андоқки, куйиш лаззатидан  
Жаннат тўридан дўзах сари қочгаймиз.

6

Ул кимсага бандаман — балодан қочмас,  
Ишқ масти бўлиб, айш қонини тўккай, бас.  
Қўзғолса замину чўкса-да чарху фалак,  
Бузмас пинагини сира, парво қилмас.

7

Дармон тилама, дард қидир, эй мискин,  
Дард бўлмаса, дармонни топилмоғи қийин.  
Мискинлигу номуродлигу дард изла,  
Мискинлару дардмандлар ила бўл яқин.

8

Дармонни нетарсан, аввало дард сўра,  
Бедардлик азал бедаво дарддан қўра.  
Дил олгучига дилингни измини бера,  
Ишқ атрофида кезишни бас қилма сира.

9

Кўз ёшинг агар кумуш, юзинг зар бўлса,  
Жам мулки билан тахти Сикандар<sup>1</sup> бўлса,  
Сендан-да хотиржам киши йўқ оламда,  
Ҳақ ҳукми билан амну<sup>2</sup> ризо гар бўлса.

10

Эл расму русумидан бўлибман озод,  
Шундан мурод вақфидаги<sup>3</sup> кўнглим обод.  
Зоҳирда кўринсанам-да агарчи ғамгин,  
Ботинда эрурман аммо мамнуну шод.

11

Қалб қўзи-ла боқсанг эзгудир бор олам,  
Чунки йўқ Ўзидан ўзга ёту ҳамдам.

<sup>1</sup> Сикандар (*Искандар*) — Шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр Македонский (милоддан аввалигі — 356—323).

<sup>2</sup> Амн — тинчлик, омонлик, осойишталик.

<sup>3</sup> Вақф — масжид ва хонақоҳларга фойдаланиш учун хайр-эҳсон йўли билан бериладиган мулк ёки нарса; мажозан: бағишлиш. Мурод вақфи — мақсад манзили.

Биз деб қарасак жаҳонни — ҳаммаёқ ғам,  
У деб қарасак жаҳонни — барча хуррам.

## 12

Сен сояга боқ; шуъладан излайди висол,  
То соялигича қолса у — васл маҳол.  
Гар соя вужуд зулматидан топса ҳалос,  
Нур бўлғуси, қолмай нуқси топғуси камол.

## 13

Бор гарчи қулоғимиз — балиқдек кармиз,  
Кўзимиз очигу кўрдан баттармиз.  
Бас, уйқую бедорлигимиз бир хилдир,  
Сувратни севиб, моҳият истармиз.

## 14

Ишқ — менга имом бўлса, сукут сақлаш — дин,  
Топдим шу сукут орқасидан нури яқин<sup>1</sup>.  
Оғзимни қаро тупроққа тўлдиринг-ей,  
Сўз айтгали очсам оғиз шундан-да кейин.

## 15

Бегонаю хешга сўзлама ишқ дардин,  
Элтар у зиёд таъна-маломат гардин.  
Йўқ сабрдин ўзга чораси дил дардин,  
Таслиму ризо деб англа најот шартин.



---

<sup>1</sup> Нури яқин — ҳақиқат нури.

# ҚОСИМ АНВОР

## (1355 – 1433)

Темурийлар давридаги тасаввуфнинг йирик намояндадаридан бўлган Амир Сайд Қосим Анвор Табризий ёшлигидан Шайх Садриддин Ардабилийга мурид тушиб, кейин Шайх Бадриддин Али Яманий сұхбатига етишган. Араб ва форс тилларидан ташқари, юонон ва туркий тилни ҳам билғанлиги ва уларда шеърлар ёзғанлиги нақл қилинади. Алишер Навоийнинг маълумот беришича, унинг тариқатдаги мақоми шеъриятдаги даражасидан баланд бўлган. Асли озарбайжонлик бўлиб, устози Ардабилийнинг даъвати билан Ҳурросонга келган. Асосан Ҳиротда яшаб, кейин хуруфийликда айбланиб, Самарқандга сургун қилинган. Унинг ваъзлари ва шеърлари Ҳиротда ниҳоятда машҳур бўлган. Ёш Алишер ўқиган ва ёд олган илк шеърлар ҳам Қосим Анвор қаламига мансуб эди. Чунончи:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,  
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок<sup>1</sup>, —

байтини уч ёшли Алишер ёд айтиб, ҳаммани қойил қолдиргани маълум<sup>2</sup>.

Қосим Анворнинг Эронда Сайд Нафисий томонидан чоп этилган куллиёти шайх-шоирнинг ғазал, таржеъбанд, марсия, қитъа, рубоий, маснавий жанрларидаги шеърлари, «Амир Темурни кўриш воқеаси баёни» манзумаси, «Сад мақом дар истилоҳоти сўфия» («Тасаввуф истилоҳларидаги юз мақом»), «Анис ул-орифин» («Орифлар дўсти») маснавийлари, «Рисолаи саволу жавоб» («Савол ва жавоб рисоласи»), «Рисолаи дар баёни илм» («Илм баёни ҳақида рисола») рисолалари ва туркий муаммоларини ўз ичига олади<sup>3</sup>.

### 1

Дил кўзингга ошуфтаю мастона сенга,  
Сен шамсану олам аҳли парвона сенга,  
Жону дилимиз ошиқу девона сенга,  
Дил хонаси бўлдинг сену дил хона сенга.

<sup>1</sup> Маъноси: «Жаҳонга ўт қўювчи ёқаси чок ошиқу риндлармиз. Сенинг ғаминг давлати турганда дунё ташвиши билан зарра ишимиз йўқ».

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: *Абдураҳмон Жомий*. Нафақот ул-унс. С. 105; *Алишер Навоий*. Мажолис ун-нафоис. 10—11-бетлар; Буюк сиймолар, алломалар. 2-китоб. — Тошкент, 1996. 76—78-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Куллиёти Қосим Анвор. Бо тасҳеху муқобилаву муқаддимаи Сайд Нафиси. — Техрон, 1959.

Ошиқлик шавқидан то масур бўласан,  
Ошиқлар раҳнамоси — Мансур бўласан,  
Ўзликни унутсанг бир дам ҳур бўласан,  
Нурга чўмиб, оқибат ўзинг нур бўласан.

Сўйдирди мени нозлари ширини унинг,  
Кўйдирди мени соchlари мушкини унинг.  
Деди: ким ўзинг — йўлимда бўлдинг пайдо?  
Мен бир нотавон ошиқи мискини унинг.

Ошиқки, самандарми эмас, бойқуш ўшал,  
Сўфийки, қаландарми эмас, тобе азал.  
Ринд аҳли агар порсо<sup>1</sup> эмас, номарддир  
Зоҳиднинг агар маҳбуби йўқ, ҳез у тугал.

Ҳеч инону ихтиёрни қўлдан берма,  
Зулфини севикли ёрни қўлдан берма.  
Мавжудлигингга кун-фаякон амри сабаб,  
Ҳақ зотига иқрорни қўлдан берма.

Ҳар қайда юзини очса ёр, мен шунда,  
Дийдори нурини сочса ёр, мен шунда.  
Ишлар қиласман қизиқ-қизиқ бундан ҳам,  
Нодон дея четга қочса ёр, мен шунда.

Биз маърифат излаб, бекиёс кон кўрдик,  
Бир ломакон<sup>2</sup> отлиф улуғ уммон кўрдик.  
Чекдик жуда кўп машаққату қайгу то  
Зулматда оби ҳаётни пинҳон кўрдик.

Мастлар йўлинни тутса у сочи сунбул,  
Ошиқликда ўзини билса булбул.  
Ҳеч узма умидингни — унинг даргоҳида  
Осон бўлади охирида ҳар мушкул.

<sup>1</sup> Порсо — тақводор, художўй.

<sup>2</sup> Ломакон — ваҳдат олами бўлиб, у зуҳур этадиган жой ирфон соҳибларининг соф кўнгилларидир.

Хар қанча бу дунёда яқин маҳрам йўқ,  
Дўстлик уйи пойдевори мустаҳкам йўқ,  
Биз ёр ғамидан ҳамиша шодмиз, чунки  
Фам бўлса омон, бизда бўлак бир ғам йўқ.

## 10

«Минг дил ила сени севаман! — десам агар,  
«Маъкул бу ишинг», — деди солиб нозли назар.  
«Висол йўли кимдан бошланиб, кимга етар?» —  
Десам, деди: «Бу йўл дўстдан дўстга қадар».

## 11

Юзингта сенинг бандаман, эй бодапараст,  
Жонимни хумор шу кўзларинг айлади масти.  
Бир куни юзинг нури намоён бўлса,  
Мен жон бераман бир оҳ уриб масти аласт.

## 12

Жондан оғиз очсан, қадими Мажнунингиз,  
Дил бўлса, ҳамиша бандай мискинингиз.  
Ҳар икки жаҳон ҳалқи бўлиб мафтунингиз,  
Хоҳ кофиру мўмин, дини сизнинг динингиз.

## 13

Ошиқлар кўйи то экан манзилимиз,  
Бўлгай азалу абад сири ҳосилимиз,  
Ишқ нашъасига омухта суву гилимиз,  
Ному номалар сиридан огоҳ дилимиз.

## 14

Бир дам дилим ишқ майдан эмас ҳушёр,  
Ҳушёр кишилар менга сира бўлмас ёр.  
Елкамдаги юкни торта олмас масти фил,  
Лутф айлади бу юкни менга Бирубор.

## 15

Иш моҳиятидан ким бўлди огоҳ,  
Маълум унга еру қўқ сири ҳар гоҳ.  
Ихлос билан интилса, бўлиб ёр Оллоҳ,  
Дунё сирига ҳам ета олгай ногоҳ.

## 16

Ишқ андуҳи, эй дил, сени доно қилгай,  
Сен истаганингдан кўра аъло қилгай,

Хижронида ўртаб қаддинг ё(й) қилгай,  
Ёр дарди сени охири расво қилгай.

## 17

Күнглим кокилингнинг хуш исидан хуммор,  
Жоним лабинг орзусида бўлди бемор,  
Ҳар икки жаҳон жони бўлиб қул ошкор,  
Юз фотиҳаҳонлар бир оминингта зор.

## 18

Ҳар қанча ақл пири менга қилди панд:  
Ишқ ишини кўй, бўлма бировга пайванд,  
Солмай қулоқ, ёр дардидаги бўлдим дардманд,  
Хижрон тоғи йиқди мени мисли Алванд<sup>1</sup>.

## 19

Бу чарху фалакни бино қилган куни ҳам,  
Тўққиз қават осмонни яратган ўша дам,  
Бор эди на оламу на оташу на шам,  
На боғлагали бизни сенга ип-да, санам.

## 20

Бу тоифа ҳажру ғамда сарсондирлар,  
Ошуфтаю телбаю паришондирлар,  
То зебо юзингта маству ҳайрондирлар,  
Кўйингда қиёматгача гирёндирлар.

## 21

Эй дунё шоҳи, сендан етмас озор,  
Донодилу олимсану баҳти бедор,  
Йиқилдим эшигингта зору бемор,  
Лутф айлаю тут қўлимни, қўйма ночор.

## 22

Ҳақ лутфи туфайли биздаги ҳусну жамол,  
Оlam эли ташна, биз эса оби зилол.  
Биз аҳли камолдирмизу ҳар дам сизни  
Юз зикру дуо қиласмиз, эй аҳли камол.

## 23

Ҳақ лутфи билан бу кун саройга етдим,  
Чолғувчига чал дея ишора этдим.

<sup>1</sup> Алванд — Ҳамадон шаҳри яқинидаги тоғ.

Эй шодлик, қайта бошдан ол навбатни,  
Эй ғам, жуда эскирдинг — ўт орқага жим...

## 24

Сен хоҳла замоннинг шоҳи бўл, хоҳи вазир,  
Хоҳ лочину хоҳ чумчукни овла, эт асир,  
Хоҳ масти тариқатсану хоҳ пок, барибир,  
Ҳақ йўлини тутмасанг, ишинг кибру гуур.

## 25

Ечсанг-да малоҳат либосин афзунсан,  
Ўз ҳусну жамолингга мудом мафтунсан.  
Хоҳ шундаю хоҳ шундай эмассан, хуллас,  
Қай ҳолда кўринсанг-да, гўзал, мавзунсан.

## 26

Ишқинг ўти айлади ажаб шайдойи,  
Сен барча кўрар кўз нури, муддаойи.  
Ҳар ерга кўзим тушса, жамолинг кўраман,  
Бўлдим шу сабабдан, эй санам, ҳар жойи.

## 27

Эй бўстон сарви, ошнолик сенда,  
Эй Тироз гўзали, рўшнолик сенда.  
Исбот этаман десанг буни, бўлгин ринд,  
Эл барча унугтан порсолик сенда.

## 28

Фоний бу жаҳон саҳнасини тарқ этдик,  
Боқий у жаҳон остонасига етдик.  
Тан мамлакатидан жуда бўлиб безор,  
Жон мамлакати тарафга қараб кетдик.

## 29

Май тутди ғаним зўрлабу «Ичсанг-чи!» деди,  
Ичдик уни хоҳ софу хоҳ қуйқа эди.  
Майхона узуми асли майхўрни диди,  
Май бизлар учун — бошқага ёқмайди ҳиди.

## 30

Гар мартабада баланду ё паст турамиз,  
Деманг сира сиз кетасизу биз юрамиз.  
Султонми, гадоми — ҳаммамиз ҳам, хуллас,  
Бир куни фано кўйи сари от сурамиз.

Мавқеда агар мисли чумоли хормиз,  
Биз ҳам бу жаҳон саҳнаси узра бормиз.  
Бир лаҳза гадодирмизу бир дам султон,  
Ўз ҳолатимизга ўзимиз иқрормиз.

## 32

Ҳам жоми жаҳоннамои олам бизмиз,  
Ҳам ойинани поклагучи ҳам бизмиз.  
Бир лаҳза дамилиздан агар жон топсанг,  
Билки, бу замонда асил одам бизмиз.

## 33

Кўзимда мудом ёшим селоб<sup>1</sup> — раҳмат қил,  
Шаффоффир у худдики гулоб — раҳмат қил,  
Бу жону дилим бўлди хароб — раҳмат қил,  
Багрим тўла нола-изтироб — раҳмат қил.

## 34

Раҳмат айла бу йигиу зоримга,  
Раҳмат айла бу ҳоли ночоримга,  
Раҳмат айла нолай бедоримга,  
Раҳмат айла факру ҳоли хоримга.

## 35

Кўрсатди қилиб девор юз супурги,  
Эшиги қошида ёр юз супурги,  
Дил уйига урдим зор юз супурги  
Баҳт бўлди Яманда хор юз супурги.

## 36

Истар эдим у ҳазрати султони қадим  
Бир жом май узатса — мен маст бўлса эдим.  
То эсламасам бу дунё шарти нима,  
У дунёда ёки нима одату удум?

## 37

Хоҳ кофиру мўмин — уммати динингман,  
Хоҳ яхши-ёмон — баңдаи мискинингман,  
Мен ихлос ила хутбаи тамкинингман<sup>2</sup>,  
Бўлсам фотиҳа боиси оминингман.

<sup>1</sup> Селоб — кўз ёши.

<sup>2</sup> Тамкин — виқор, улуғлик, вазминлик.

Ҳар қанча сени биларман аҳли иймон,  
Бу борада ҳужжатим бор — эмас пинҳон:  
Ҳақ ишқи дилу жонда агар бўлмас экан,  
Мен кофирман, агарда сен мусулмон.

Ёр юзини бир кўриш учун зорим бор,  
Ишқ бодасидан бошимда хуморим бор.  
То кўрмас экан зулфу юзингни туну кун,  
Кўнглим паришону ҳоли ночорим бор.

Ўз ёридан айрилиқда юрган менман,  
Фам оти борки, тотиб кўрган менман,  
Топмай тилагин елиб-юурган менман,  
Охир бу жаҳондан юз ўтирган менман.

Эй дилбари дилдор, талабгоринг ўзим,  
Эй манбаи нур, ёр, талабгоринг ўзим,  
Эй солики атворт, талабгоринг ўзим,  
Эй воқифи асрор, талабгоринг ўзим.


Эй жони жаҳон, Гilon қизи жони жаҳон,  
Гул юзини кўрсатиб, дилим олди ниҳон.  
Дарди булути сабаб тўкар ёш Қосим,  
Гilonни олиб кетар бу ёшлар бегумон.

Бу ерга ўз оёғинг олиб келди сени,  
Бошингга балони ўз қўлинг солди сени.  
Бир лаҳза вужуд ҳиссини тарк этсанг агар,  
Бил, Ҳақнинг ўзи мададкоринг бўлди сени.

Ҳақ қилди узун бу шоҳнинг эҳсон қўлини,  
Ҳақ ёрлақаган бу шоҳнинг берсин йўлини.  
Фил ким унинг олдида? Жаҳон шоҳлари ҳам  
Чопарлар оёқяланг тутиб ўнг-сўлини.

Маъшукә қилар турфа кўринишида зуҳур,  
 У зулмат аро поку ёруғликда-чи, нур.  
 Ошиқ эса бир сифат билан васф этилар:  
 Дин ичра у шоҳу ҳалқ эса унга асир.

Бу дунёга асли сен учун келганман,  
 У дунёга сен деб кетишим билганман.  
 Борликда зуҳур этмасанг, борлик сири  
 Ботил бўлишини мен хаёл қилганман.



# ЯЬҚУБ ЧАРХИЙ

(1363 — 1447)

Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бўлган Усмон ибн Мухаммад Яъқуб Чархий Фазна шаҳри яқинидаги Чарх қишлоғида туғилган. Бошланғич таълимни Чархда олиб, Фазнада таҳсилини давом эттиради. Кўнглига тасаввуф ишқи тушиб, Бухорога келади ва Баҳоуддин Нақшбандга мурид бўлади. Нақшбанд унга зикр айтиш (вуқуфи ададий)<sup>1</sup> қоидасидан таълим бериб, «улчаким биздин санга етишубтуур, Худойи таолонинг бандаларига етурғил, то сабаби саодат бўлғай» дейди<sup>2</sup> ҳамда шогирди ва күёви Хожа Алоуддин Аттор тарбиясига топширади. Устози вафотидан кейин бир муддат Бадахшонда, сўнг Алоуддин Аттор даъвати билан Чагониёнда яшайди. Хожа Аҳрор Валий зоҳирий ва ботиний илмларда тенгсиз Яъқуб Чархийнинг довругини эшитгач, унга шогирд тушади. Аттор вафот этгач, умрининг охиригача Ҳисор яқинидаги Ҳалғату қишлоғида яшаб, нақшбандия ғояларини тарғиб қилган ва ўнга яқин рисола ёзган. Шундан 7 таси бизга етиб келган бўлиб, уларнинг 4 таси тасаввуфга, қолганлари фикҳ, тафсир ва давлатчиликка оид: «Рисолаи қудсия» («Муқаддас сўзлар ҳақидаги рисола»), «Рисолаи абдолия» («Валийлар ҳақидаги рисола»), «Шарҳи асмоуллоҳ» («Оллоҳ исмлари шарҳи»), «Рисолаи унсия» («Дўстлик ҳақида рисола»), «Тафсири Чархий» («Чархий тафсири»), «Китоб ул-фароиз» («Мерос тақсимоти ҳақида китоб»), «Рисола дар маноқиб ва ақойид» («Маноқиб ва ақойид илми ҳақида рисола»)<sup>3</sup>.

Гавҳар тилаган бир куни конга етади,  
Васл орзулаган оромижонга етади.  
Бас, мендан эшит бир ҳаётий ҳикматни:  
Ўқ йўлдан адашмаса, нишонга етади!

<sup>1</sup> Вуқуфи ададий — Оллоҳ исмини ёки таҳлилни ҳар бир нафасда тоқ айтиш.

<sup>2</sup> Фахрулдин Али Сафий. Рашаҳот. 97-бет.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. 283-бет; Буюк сиймолар, алломалар. 2-китоб. 45—46-бетлар.

# ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ

(1365/1375 – 1436)

Хожа Фахриддин Исматуллоҳ бинни Масъуд Исмат Бухорий Бухоро шаҳрида туғилган. Давлатшоҳ Самарқандий унинг улуғлар наслидан бўлиб, фозил ва билимдон киши экани ҳақида маълумот беради<sup>1</sup>. Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, ўз даврининг фозил кишиси дараҷасига етишган. Ислом дини йўлидаги хизматлари учун Фахриддин — диннинг фахри деб улуғланган. Шеър илми, аruz ва иншода тенгиз бўлган. Исмат ва Носирий таҳаллуслари билан ижод қилган шеърлари Шарқ мамлакатларида шуҳрат тутган. «Хожа Исматнинг ошиқона ғазаллари, орифона сўзлари Шоҳруҳ сulton замонида шу қадар зўр шуҳрат топдики, ҳалқ бошқа шоирлар шеърларини қўлга олмай қўйди»<sup>2</sup>, — деб ёзади бу ҳақда Давлатшоҳ.

Хожа Исмат Бухорийдан бизгача 8000 байтдан иборат девони ва 1035 байтли «Иброҳим Адҳам» достони етиб келган. Девони қасида, ғазал, мухаммас, таркиббанд, қитъа, рубоий, маснавий, муаммо, марсия, ҳажвия каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олади. Шоир шеърларида тасаввуфий руҳ устувор. Ахлоқ-одоб мавзуидаги, табиат манзаралари гўзал ва бетакрор тасвирланган шеърлари ҳам бор. Абдураҳмон Жомий унинг кўпроқ Амир Ҳусрав Деҳлавийга татаббуъ этганлигини таъкидлайди. 1405—1409 йилларда Самарқандда ҳукмронлик қилган Амир Темурнинг невараси, Мироншоҳнинг ўғли Халил Султонга ва Мирзо Улуғбекка бағишлаб қасидалар ёзган.

Исмат Бухорий Абу Абдулло Рудакий ва Носир Бухорийлардан кейин Бухорода «сўз қадрини, шеър шуҳратини қайтадан юксак даражаларга кўтарди»<sup>3</sup>. Мирзо Улуғбек даврида Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий томонидан туркийда яратилган илми бадеъга бағишланган илк туркий асар — «Фунун ул-балоға» («Етуклик илмлари»)да шеърларидан бир неча иқтибослар келтирилгани, Алишер Навоий томонидан ижоди юксак баҳолангани унинг маҳоратли ва машҳур шоир бўлганлигини кўрсатади.

«Хожа Исматуллоҳ валиюллоҳ эдилар. Оллоҳ таоло у кишига каромат ато этганди. Тери касаллигига чалингнлар Хожа Исматуллоҳ ҳузурларига келиб, у ердаги чашма сувига ювинса, чашма

<sup>1</sup> Қаранг: Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. 146-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 147-бет.

<sup>3</sup> Султоннурод Олим. Хожа Исмат Бухорий // «Бухоро мавжлари», 2008, 2-сон, 33-бет.

лойидан олиб ярасига суртса ва Оллоҳ таолодан дардига шифо тиласа, бешак, Оллоҳ таоло унинг дардига шифо ато этади<sup>1</sup>.

Хожа Исмат Бухорий мақбараси пештоқига саййиллардан бири томонидан битилган қўйидаги тўртлик дарж қилинганд экан:

Бу кавсаросо чашма олдида аввал таҳорат қил,  
Кейин пир Хожа Исмат қабрини кириб зиёрат қил.  
Агар икки жаҳондан истаганинг бўлмаса ҳосил,  
Бу саҳрора келу бечора саййидни ҳақорат қил<sup>2</sup>.

Тожи Қораев, Раҳим Воҳидов, Фарҳод Қосимов, Садриддин Салим Бухорий, Султонмурод Олим каби олим ва адиллар Хожа Исмат ҳақида тадқиқотлар олиб борганлар. Таниқли шоир ва таржимон Самандар Воҳидов унинг ғазал ва рубоийларидан намуналар таржима қилган.

## 1

Ҳақ йўлида ҳар яхшию ёмонни унут,  
Содиқ ошиқ бўлсанг агар, жонни унут.  
Ўтгай бу жаҳоннинг ғами ҳам, шодлиги ҳам,  
Май ич, аламу азобу армонни унут.

## 2

Кирган бўлса қўлингта мулку давлат,  
Озор берма бировга истаб иззат.  
Мазлум киши урган ўтли оҳча бўлмас,  
Юз зулм тиги қўлса жаҳонни горат.

## 3

Кибр уйқусидан ҳар киши бедор бўлмас,  
Ишқи чин эмас, у маҳрами ёр бўлмас.  
Бир томчиси ҳам ишқ майининг маст қилади,  
Ишқ масти қиёматгача хушёр бўлмас.

## 4

Кетдингу йўлингта кўз бўлиб зор қолди,  
Дил куйди фироқда, жон гирифтор қолди.  
Ҳар киши ҳар ёққа сафарга кетди,  
Үйда ғаминг мен билан бўлиб ёр қолди.

<sup>1</sup> Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. 210-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Султонмурод Олим. Хожа Исмат Бухорий. 34-бет.

Айш ўтини ёқди ўзгалар ҳар соат,  
Юзланды уларга юз балою офат.  
Дўстлар эса дардингга сазовор бўлди,  
Ошиқ бўйига ишқ тўни мосдир фоят.

Жаврингча эмас хуш ўзгалар қилса вафо,  
Қаҳрингдан эмас хуш ўзгалар қилса дуо.  
Бу хусну бу хулқингга ярашмайди сира  
Ётларни яқин тутсанг этиб менга жафо<sup>1</sup>.

Шодлигу қувонч боиси ҳар он бу ғаминг  
Ҳам мангу ҳаётдан афзал, эй жон, бу ғаминг.  
Сўйлайди дилимга ҳуснинг сирларидан  
Ҳол тили билан ҳамиша пинҳон бу ғаминг<sup>2</sup>.

Дедим: «Юрагим». Дедики: «Қон қилдик уни».  
Дедим: «Жигарим». Деди: «Ёмон қилдик уни».  
«Қонимни тўка қол» десам, деди: «Жўна,  
Ким ошиқдир, озод шу замон қилдик уни».

Бизмиз ўша юз хона қилиб вайрона,  
Ишқ кўйида тиклаган ягона хона.  
Бўлсак-да гадо горатидан ҳуснингнинг,  
Юз бойлигимиз бағишладик мардона.

Ўзликни унтиши кўчаси бизга ватан,  
Бечоралигу бадбаҳтлик қисмат экан.  
Элнинг дилига ваҳима солган дўзах —  
Пайдо юрагимдан учган бир шуъла билан.

Бир лаҳза секинлашса юрагимнинг ўти,  
Боғлайди нафас йўлини дил дарди дуди<sup>3</sup>.  
Кўзимда мудом ёш айланиши сабаби:  
Сендан ўзга суратни ювиб турсин эди.

<sup>1</sup> Жалолиддин Румий иходида ҳам шунга яқин мазмундаги рубоий мавжуд.

<sup>2</sup> Бу рубоий Фахриддин Ироқийга ҳам нисбат берилади.

<sup>3</sup> Дуд — тутун.

# ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙ

(1368/69 — 1435/36)

Мавлоно Ҳусайн Хоразмий ҳаёти ва ижодини маҳсус тадқиқ этган америкалик шарқшунос олим Девин Девиснинг изланишларидан маълум бўлишича, у тахминан 1368—1369 йилларда туғилган, 1420—1430 йилларда унинг таъсири ва шуҳрати ўзининг энг юқори чўққисига чиққан, 1435—1436 йилларда фожиали ўлим топган<sup>1</sup>. Отасининг исми Ҳасан бўлган. Ўз асрларида у нисбасини камтарлик билан Ҳусайн ибн Ҳасан Хоразмий деб қўйган. Хоразмнинг темурий хукмдори Амир Шоҳмалик ва унинг ўғли Иброҳим саройида маслаҳатчи бўлиб хизмат қылган. Амир Шоҳмалик ва кўчманчи ўзбек султонлари орасида тинчлик-дўстлик муносабатларини ўрнатиш учун элчилик хизмати билан Даشتி Қипчоққа ҳам борган<sup>2</sup>.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маълумот беришича, Мавлоно Ҳусайн Абулвафо Хоразмийнинг «зоҳир илмида шогирди ва ботин илмида муриди»дир. Ўз замонида ниҳоятда шуҳрат тутган. «Мақсадал-ақсо» («Энг сўнгги мақсад») асарини ёзган. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»си ва ислом оламида машҳур «Қасидаи бурда»га «хоразмийча туркий тил била шарҳ битибдур». Ахлоқи ва фазилатлари тасаввудаги юксак мақомига муносиб. Шоҳруҳ Мирзо замонида:

Эй дар ҳамин олам пинҳон туиву пайдо ту,  
Хар дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту, —

(«Эй бу дунёда пинҳон ҳам ўзинг, пайдо ҳам, ошиқ дилига дард ҳам ўзинг, даво ҳам») матлаъли ғазали учун куфрда айблаб, Ҳиротга олиб келадилар. Аммо донишманд ва ориф киши бўлгани учун бўйнига қўя олмайдилар ва Хоразмга қайтиб кетишига рухсат берадилар<sup>3</sup>.

Девин Девис Мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг қуйидаги асарлари ҳақида маълумот беради:

1. «Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор» («Сирлар жавоҳири ва нурлар жилваси»). Ҳусайн Хоразмийнинг «Маснавийи маънавий»га

<sup>1</sup> Абдулла Аҳмедов шайх 1426 йили шайбонийлар қўлида шаҳид бўлганлиги ҳақида маълумот беради (Қаранг: Аҳмедов А. Шайх Ҳусайнбобо тарихи. — Тошкент, 2006, 9-бет).

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Девис Д. Ҳусайн Хорезми: среднеазиатский суфий начала XV века // Из истории суфизма: источники и социальная практика. — Ташкент, 1991. С. 49—58.

<sup>3</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 13—14-бетлар.

ёзган машхур шарҳи (1430—1431). Лекин у асарнинг фақат ярми—дастлабки уч дафтари нишондаган. Бу унинг сўнгги асари бўлгани учун вафоти туфайли якунланмай қолган бўлиши мумкин.

2. «Кунуз ул-ҳақойиқ фи румуз ул-дақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси ва нозик маънолар рамзи»). Бу алломанинг «Маснавийи маънавий»га ёзган дастлабки шарҳи.

3. «Йанбу ул-асрор ва насойиҳ ул-аброр» («Сирлар чашмаси ва яхшилар насиҳати») ёки «Насиҳатномаи шоҳий» («Шоҳлик насиҳатномаси»). Хоразм ҳукмдори Амир Шоҳмаликнинг тажриба ва ҳулосаларини ўз ичига олган панднома йўналишидаги асар (1428—1429).

4. «Шарҳи мухаххас» («Мухтасар шарҳ»). Астрономияга оид бу рисола Ҳусайн Хоразмий билим кўламигининг чуқур ва изланишлар доирасининг қанчалик кенг бўлғанлигини кўрсатади.

5. «Мақсад ал-ақсо». Араб тилидаги пайғамбар тарихининг форсий таржимаси. Бу муаллифнинг энг машхур асари бўлиб, Навоий ва Ҳондамирлар томонидан ҳам тилга олинган.

6. Девон. Луи Массиньоннинг маълумотига қараганда, Ҳиндистонда Мансур Ҳаллож номидан эълон қилинган девон аслида Ҳусайн Хоразмийницидир.

7. «Кашф ал-худо» («Ҳақиқатлар кашфи»)<sup>1</sup> номли фалсафий асар.

## 1

Қисмабди Ҳудованд ақл сармоясидан,  
Безабди у фитратинг<sup>2</sup> ақл поясидан.  
Ёш бўлсанг ҳам, илм оламида пирсан,  
Толибди дилинг тарбият ақл доясидан.

## 2

Сен Ҳақнинг агарчи боғлаган нақхисан-еӣ,  
Ишқига қаноат айласанг яххисан-еӣ.  
Мол-дунёнг агар сенга вафо қилмас экан,  
Ҳар икки жаҳонда бўл Ҳақ жонбахши сан-еӣ.

## 3

Ишқ куйини биз-да доирадек чоламиз,  
Чин бандаларингнинг сафидан жой оламиз,  
Чалсанг най этиб, жаҳонга ўтлар соламиз,  
Чалмасдан агарда қўйсанг, жим қоламиз.

<sup>1</sup> Қаранг: *Девин Девис. Ҳусайн Хорезми... С. 58—69.*

<sup>2</sup> *Фитрат* — яратилиш, табиат, туғма табиат.

# ИМОДИДДИН НАСИМИЙ

(1370—1417)

Сайид Имодиддин Насимий Ширвон вилоятининг Шамоҳи шаҳрида туғилган. Асли исми — Али, лақаби — Имодиддин. У ўз даврига нисбатан мукаммал таҳсил кўрган. Форс, араб тиллари ва адабиётини чуқур ўрганганди. Бундан ташқари, мантиқ, риёзиёт, табиат ва астрономия фанларини ўзлаштирганди.

Хуруфийлик тариқатининг асосчиси, машҳур шоир ва муғафак-кир шайх Фазлулоҳ Насими 1394 йили Ширвонга келади ва Насими билан учрашади. Унинг хуруфийлик қарашлари Насими га кучли таъсир қилади ва уни қабул этиб, Фазлулоҳни ўзига муршид билади. Насими га ҳамоҳанг Насими тахаллусини олади.

1394 йили хуруфийлар таъқиб остига олиниб, Фазлулоҳ Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ томонидан қатл этилади, Қосим Анвор эса Шоҳруҳ томонидан сургун қилинади. Ҳам ўзини қутқариш, ҳам хуруфийлик ғояларини ёйиш мақсадида Насими Озарбайжондан чиқиб кетади, у Бағдод, Онадўли, Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшайди, охири Ҳалабда қарор топади. Миср сultonи Муайяддин Насимиини даҳрийликда айблаб, қатл этишга эришди — 1417 йили унинг тириклайн терисини шилишади.

Алишер Навоий «Ҳолоти Паҳлавон Мұҳаммад» асарида: «Сайид Насимиининг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур»<sup>1</sup>, — деб ёзади. Дарҳақиқат, шоир ўз шеърларида кўпроқ илоҳий маҳбубани ёниб куйлади, ўзи мансуб хуруфийлик ғояларини улуғлади.

Насими ўзидан кейинги туркий адабиётга, жумладан Шоҳ Исмоил Хатоий, Халилий, Фузулий, Воқиф, Сурурий, Туфайлий каби озарбайжон, Лутфий, Навоий каби ўзбек, Шайхий, Зотий, Нажотий каби турк, Махтумкули, Дурди каби туркман шоирлари ижодига кучли таъсир кўрсатган. Ўзбек тилида Насимиининг Миртемир, Холид Расул ва Асқар Қосимовлар озарбайжончадан таржима қилган мўъжазгина шеърлар тўплами босилиб чиққан<sup>2</sup>.

## 1

Дин илмини билса ким, шариат шулдир,  
Гар қўшса амал билан, тариқат шулдир.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. — Тошкент, 1999. 116-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Насимий. Асарлар. — Тошкент, 1977.

Ким илму амални Ҳақ ризосин истаб,  
Ихлос ила жам этса, ҳақиқат шулдир<sup>1</sup>.

## 2

Эй, ваъдани кўп қилдингу йўқ зарра вафо,  
Кўрмайди бу шевани вафо аҳли раво.  
Майхона тавофидан бирор наф борми?  
Дин ва шижоат бўлмаса, йўқ сидқу сафо.

## 3

Соқий, бу кеча берма менга ўзга шароб,  
Хуммор кўзинг қилди мени масти хароб.  
Кўзимни қорачиқлари тарк айладилар,  
Шундан бу кеча ҳамнафасим оташу об<sup>2</sup>.

## 4

Шу мулки олам ичида мавжуд У,  
Ҳар икки жаҳонда мақсаду мақсул У.  
То бўлмас экан эътиқод уйи вайрон,  
Мен фош қиласман сенинг учун маъбуд У.

## 5

Мен мазҳари нутқу нутқи Ҳақ зотим эрур,  
Шу икки жаҳонда менинг исботим эрур.  
Тонггидан азалнинг то абад шомигача  
Ҳар нарса вужудга келса, заротим эрур.

## 6

То бўлмас экан ўзликдан фонию фард,  
Буткул ювилиб кетмас кўнгилдаги гард.  
Бўл нафсу ҳаводану жаҳондан озод,  
Қоч турфа ёмонликдан агар бўлсанг мард.

## 7

Дил дардисиз етмайди киши дармонга,  
Ҳақ жазбаси<sup>3</sup> бўлмай, етмагай Раҳмонга.  
Юзинг сени Ҳақ раҳматининг кўзгусидир,  
Етмас уни ким англамаса Куръонга.

<sup>1</sup> Бу рубоий Шоҳ Нематуллоҳ Валийга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Оташу об — ўт ва сув. Бу ерда: кўнгил ўтию кўз ёши маъносида.

<sup>3</sup> Жазба — ўзига тортиш, тортиш; дилбарлик, дилраболик.

Аслида юзим аксицир ойинаи Жам,  
Қоп-қора сочим зухури тун зулмати ҳам.  
Гар қоба қавсайн<sup>1</sup> сирини билсанг боқ;  
Қошимда қилингандир улар шарҳи рақам.

Менман ломакон ганжи — маконга сифмам!  
Юксак бу руҳим — жисм ила жонга сифмам!  
Инсондаги бор ваҳму хаёл менда эса,  
Босмас ваҳима, ақли аёнга сифмам!

Жонбахш нафасинг аслида бу боди сабо,  
Сочинг ҳидидан майину хушбўй бу ҳаво.  
Бу хушни олувчи соч унинг соясидир,  
Бу чеҳра эса ойинаи зоти Худо<sup>2</sup>.

Эй «покиза май чашмаси»дир<sup>3</sup> номи лабинг,  
Ҳар қатраси бир оби ҳаёт жоми лабинг,  
Ҳаттоқи малаклар дурдошоми<sup>4</sup> лабинг,  
Ошиқ қонини тўкиш эмиш коми лабинг.

Ёр кўйи тавофида хаёл — ёдимдир,  
Ёр ҳуснини васф этиш муножотимдир.  
Сўзимни эшит: ҳар киши Ҳақни тиласа,  
Ҳақ зотининг ойинаси исботимдир.

Бир ҳикмати файб ногоҳ пайдо бўлди,  
Ким англаса маъносини, шайдо бўлди.  
Не базму не анжуманки, тавҳид майдан  
Дарё — қатра, қатра-чи, дарё бўлди.

<sup>1</sup> Қоба қавсайн — икки ёй оралиғи. Меъроҳ кечаси қурб манзилида Оллоҳ таоло ва Мұхаммад алайхиссалом ёки йўлда Пайғамбар ва Жаброил фаришта ораларидаги масофани билдиради. Икки қошнинг ёки кўз оку қорасининг бирбирига яқинлигига ҳам ишора қилинади.

<sup>2</sup> Тасаввуф истилоҳига кўра, соч — бу дунё, юз — у дунёни билдиради.

<sup>3</sup> Аслиятда: «Сақоҳум Раббуҳум». Бу Қуръони каримнинг 76-сураси («Инсон» сураси), 21-оятига ишора бўлиб, унинг маъноси «Парвардигорлари уларга ниҳоятда покиза шароб ичиради» демакдир.

<sup>4</sup> Дурдошом — майнинг қўйқасини ичувчи, ўтакетган майхўр. Тасаввуф истилоҳида якранг сўфийлар ва баъзида маломатийлар маъносида келади.

## 14

Беш рукни<sup>1</sup> илохий муроди жондир,  
Борлиқ сири белида унинг пинҳондир,  
У ҳукм этару мен ижро — шу иймондир,  
Менинг вужудим бошдан-оёқ Қуръондир!

## 15

Бу ел бир Исонафас<sup>2</sup> таратган дамдир,  
Ҳар бир дами жонимга ҳузур, малҳамдир,  
Эшигига ҳар зарраки, жоми Жамдир,  
Ишқинг масти шу жумлаи оламдир.

## 16

Эй дил, вужудингни қўйма топмоққа завол,  
Олдингда ариқ тўлиб оқар оби зилол.  
Мендан келади сенга келар барча ваҳий,  
Ҳеч чулғамасин сени бўлак ваҳму хаёл.

## 17

Барқ урди азал қуёши тан дарчасидан,  
Кўрсин дея юзини шу нур парчасидан.  
Бу дарча агарда орадан йўқ бўлса,  
Бир мен қоламан нишон бўлиб барчасидан<sup>3</sup>.

## 18

Май маст этишининг сабаби аслида жом,  
Соқий юзи акси кўринар унда тамом.  
У жоми жаҳоннамоки, Ҳақ мазҳаридир,  
Ҳақ борлиги унда қилади жилва мудом.

## 19

Бизнинг вужудимиз «коф»у «нун»дан<sup>4</sup> пайдо,  
Бўлди «коф»у «нун» моҳияти бир хил то,  
Этди ўзини унда намоён асмо,  
Ашё бари у бўлди, у бўлса ашё.

<sup>1</sup> Рукни — асос, устун. Исломда ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз саналган беш вазифа: калимаи шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаж.

<sup>2</sup> Маълумки, Исо Масиҳнинг кўли теккан — силаган ўликка жон кирап экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-масиҳ — силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маҳбуба ҳам кўзда тутилади.

<sup>3</sup> Бу рубоий Фазлуллоҳ Наимийга ҳам нисбат бериллади.

<sup>4</sup> Араб алифбосидаги «коф» (қ) ва «нун» (н) ҳарфлари бирикмасидан «кун» — «бўл» сўзи ҳосил бўлади. Бу олам Худонинг биргина «Бўл!» деган сўзи билан вужудга келган. Бу ерда шунга ишора қилинайти.

Кашф айладинг, эй ишқ, сен асрори вужуд,  
 Ботинда сенингдек бўлсин ёри вужуд.  
 Чехрангда сифат нақшин аён этсанг агар,  
 Қолмабди экан эшигу девори вужуд.

Наққоши азал бошлаганида пардоз,  
 Жон олами узра эшитилди овоз:  
 «Хой, чизма бу нозанин хаёлини яна  
 Дўконига ҳар вужудни то айлаб ноз».



# ХАЁЛИЙ БУХОРИЙ

## (вафоти 1441)

Хожа Исматуллоҳнинг шогирди бўлган<sup>1</sup> Мавлоно Хаёлий Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, бир. муддат Ҳирот ва Ҳўжандда ҳам яшаган. Шунинг учун баъзи тазкираларда у Хаёлий Ҳиротий ёки Хаёлий Ҳўжандий сифатида ҳам зикр этилади<sup>2</sup>.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, «истеъоддли ва хуштаъб киши бўлиб, дарвешона, равон ва покиза шеърлари бор. Девони Мовароуннаҳр, Бадахшон ва Туркистонда ниҳоятда шуҳрат тутган»<sup>3</sup>.

### 1

Эй ёр, эшитсанг етказай сенга хабар,  
Оlam тўла одам — яхшироқ ташла назар.  
Бешубҳа бу дунёда мусоғир кабидир  
Ҳар кимки вужуд мулки сари қилса сафар.

### 2

Кимнинг дилида ишқ отли гавҳар бўлгай,  
Ҳар лаҳза унинг руҳи мунаvvар бўлгай.  
Ҳар икки жаҳонда хотири жам ўшадир  
Ишқ лангарида<sup>4</sup> кимдаки лангар бўлгай.

### 3

Сендан тиг уриш, бошни тутиш мендандир,  
Сендан яралаш, лутф кутиш мендандир.  
Дил берсанг агар, жонни қиларман қурбон,  
Кўйингда ўзин фидо этиш мендандир.

### 4

Огоҳ ошиқлар суҳбатидан қочма,  
Ўзингдан кечу тўғри йўлдан кечма.  
Етмоқ тиласанг ошиқлик маънисига,  
Ўз ақлинг ила зинҳор чоҳга тушма.

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 17-бет.


<sup>2</sup> Қаранг: Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. 214-бет.

<sup>3</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. С. 317.

<sup>4</sup> Лангар — 1) кемани тўхтатиб туриш учун занжирга биринтириб, сув остига ташланадиган оғир темир чангак; 2) карвонсарой, меҳмонхона, хонақоҳ, тўхташ жойи.

Диллар сари то ёр назарини солди,  
 Юз фитна жақонда қоши деб күзголди.  
 Худо ҳақи, күп қылма ситам, раҳм айлаб,  
 Күлла мени, дил ғаминг ичидә қолди.

Босган бу жақон ошхонасин ис ва тутун,  
 Токай бору йўқ қайғуси фикрингда бутун.  
 Бир арпа камаймасин молимдан дейсан,  
 Мол кимга қолар, фойдаси-ку сенда бу кун?



# ШАЙХ ОЗАРИЙ ТУСИЙ

## (1380 — 1462)

Тўлиқ исми — Шайх Жалолиддин Али Ҳамза ибн Малик Ҳошибий Байҳақий Исфароний Марвазий. Бир муддат Тусда яшаганлиги учун Тусий тахаллуси билан шуҳрат қозонган. Ёшлигига шеъру шоирлик билан шугулланиб, Шоҳруҳ Мирзо саройининг малик уш-шуароси<sup>1</sup> бўлган ва унга бағишлаб қасидалар ёзган. Шу ерда Шайх Муҳиддин Физолий Тусийга шогирд тушиб, унинг хузурида ҳадис ва ҳикмат ўрганади. У билан бирга ҳаж сафарига чиқиб, қайтишида Ҳалабда Шоҳ Нематуллоҳ Валий муридлари ҳалқасига қўшилади ва иккинчи марта Каъба зиёратига боради. Маккадан Ҳижоз йўли билан Ҳиндистонга бориб, Дакан ҳукмдори Аҳмадшоҳ Валий Баҳманий саройида катта эътибор қозониб, бу сулола тарихига бағишланган «Баҳманнома» маснавийсини яратади. Кейин ватанига қайтиб, Бойсункур Мирзо саройида хизмат қиласди. 1436 йилдан хилватга чекиниб, бутун бойлигини илм толибларига бўлиб беради. У ўз даврининг забардаст шоирларидан бўлиб, қасида ва ғазаллар девони 30 минг байтга яқин. «Баҳманнома», «Имомия», «Самарот» («Натижалар»), «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар жавоҳири»), «Мафотиҳ ул-асрор» («Сирлар калитлари») каби маснавийлари ҳам бор. «Саъй ус-сафо», «Таърихи Каъба», «Туғрои Ҳумоюн» («Муборак туғро (белги)»), «Фаройиб уд-дунё ва ажойиб ул-аъло» («Дунё гаройиботлари ва само ажойиботлари») асарларини араб тилидан таржима қилган<sup>2</sup>.

Алишер Навоий ҳам Шайх Озарийнинг шеърлари ўз даврида шуҳрат топгани, хусусан, Ҳиндистонда кўп улуғлар ва машойихлар хизматига мушарраф бўлгани, ҳинд эли унга мурид ва ихлосманд бўлганликлари ҳақида маълумот беради<sup>3</sup>.

### 1

Кўз қон тўкишини ҳеч қачон билмас эдим,  
Дил ғамда куйишини ниҳон билмас эдим.  
Мен ишқни тасаввур этмагандим бу қадар:  
Қолдирди на ному на нишон — билмас эдим.

### 2

Балки топасан мен каби лойиқ ошиқ,  
Давлат ва чиройда ҳатто ортиқ ошиқ.

<sup>1</sup> Малик уш-шуаро — шоирлар сultonи.

<sup>2</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 496—497.

<sup>3</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 14-бет; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 475—476-бетлар.

Хар қанча жағонни кез, топилмас лекин,  
Мендек садоқат бобида содиқ ошиқ.

3

Сенда сира топилмагуси меҳру вафо,  
Дунёда висолингсиз йўқ айшу сафо.  
Васлинг мен учун оби ҳаётдир, лекин,  
Топмоқ уни бўлмайди бу дунёда раво.

4

Сен кетдингу, ёр, қолдим мен ўзга билан,  
Қандай сени мен алмашайн ўзга билан.  
Ишқ мазҳабида равоми ҳеч, инсоф қил,  
Дил сендаю мен сенсизу сен ўзга билан.

5

Жамшид жомидан қуйилган ул май қани?  
Ул икки юзи мисоли қундай қани?  
Ўтди рамазон ойи — ҳайит келди яна,  
Бир бўса ҳайитлик айла бундай қани!

6

Лоф урсам агар ёр меҳрибон деб — ёлғон,  
Йўқ аҳду вафосида гумон деб — ёлғон.  
Десам уни деб эл менга душман, аммо,  
Дўст эмас ўзи-да ҳеч қачон деб — ёлғон.

7

Бу тоифада аҳд ила паймон бордир,  
Дўстга қилишар вафони то жон бордир.  
Сен ҳар киши сўзига қулоқ солсанг агар,  
Сўз барча ҳасадгўйда фаровон бордир.

8

Офтобсану аста чамандан ўтасан,  
Гул, лолаю насрину сумандан ўтасан.  
Жонимсану тарқ этишни истайсан лек,  
Умримсану сўрмай сира мандан ўтасан.

# БОБО АЙНУЛМУЛК

## (XVI аср)

Бухорода туғилған. Ўз даврининг улуғ мартабали ва машхур кишиларидан бўлган<sup>1</sup>. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, Бобо Айнулмулк «мўътабар мажзублардан ва муқаррар бузруклардандир<sup>2</sup>. Ҳожат аҳли зиёрат учун қабрига борадилар ва пурфутуҳ руҳини<sup>3</sup> мурод ҳосил қилишда восита деб биладилар. Ул зотнинг латиф табби гоҳида шеърга илтифот кўрсатган экан...»<sup>4</sup>

### 1

Сендан кўра, эй муфти, биз зўрроқмиз,  
Сендан кўра ҳушёrmиз, агар тўрроқмиз.  
Сен ҳалқ қонини ичасан, биз ток қонини,  
Инсоф билан айт: қайсимиз қонхўрроқмиз?<sup>5</sup>

### 2

Бечора дилимни ишқинг тутди ватан,  
Сочинг каби синдирма уни, сарви суман<sup>6</sup>.  
Дил боғига эк вафо ниҳолини ўзинг,  
Ё ташла кўпориб уни илдизи билан.



<sup>1</sup> Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 279—280.

<sup>2</sup> Бузрук — улуғ.

<sup>3</sup> Пурфутуҳ руҳ — пок руҳ.

<sup>4</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 100-бет.

<sup>5</sup> Бу рубоий Умар Ҳайёмга ҳам нисбат берилади.


<sup>6</sup> Сарви суман — гўзал ва баланд бўйли маҳбуба.

# МАВЛОНО МУҲАММАД АМИН

## (XVI аср)

Донишманд ва тақводорлиги туфайли улуг мақомларга эришган киши бўлиб, суҳбатларида Куръон ва ҳадисдан ўзга нарсанинг зикри кам ўтар эди. Аксарият Ҳақ таолонинг лутфу марҳаматию бандаларга шафқат-муруввати ва гуноҳкор кишиларнинг афву раҳматидан умидворлиги борасида ояту ҳадислар ўқирди. Навоийнинг ёзишича, «ноумид кишилар суҳбатига етса эрди, умидвор чиқар эрди»<sup>1</sup>. Юз йилдан зиёд яшаган. Ўз даврининг кўплаб машойихлари билан суҳбат курган, айни пайтда, жумлаи машойих унинг суҳбатини табаррук билар эди. Қабри Ҳиротнинг Зиёратгоҳ даштида.

Ел эсди-ю, сочи исини келтирди,  
Дардимни у янгилаб, дилим тилдирди.  
Дил: «Ёр бўйи бор сенда — сира бегонанинг  
Атрофида айланма кўп, эй ел!» — дерди.



<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 437-бет.

# ДАРВЕШ МАНСУР

(1406/14 – 1456)

Асли сабзаворлик бўлиб, Ҳиротга келиб Ҳофиз Али Жомийдан тасаввуф илмини ўрганган. Тариқат йўлида кўп риёзатлар чеккан тақводор ва дарвеш киши эди. У машҳур олим ва шоир ҳам бўлиб, аruz ва бадиият илмида Яхе Себакнинг шогирди. Аруз ҳақида икки рисола ёзиб, Салмон Соважийнинг маснуъ<sup>1</sup> қасидасига жавоб айтган. Ирфоний гояларини рубоийда, ошиқона кечинмаларини ғазалда ифода этган. Шеърларидан пароканда байтлар Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Фахри Ҳиротийнинг «Радойиф ул-ашъор», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарлари орқали етиб келган<sup>2</sup>.


Алишер Навоийнинг маълумот беришича, пок хулқли соликлардан бўлиб, Шайх Ҳасан Журийнинг мурилларидан эди ва кўп вақтини рўза тутиб ўтказарди<sup>3</sup>. «Фақир арузни Дарвеш қошида ўқибмен, — дейди яна улуғ шоир. — Ва дарвеш қирқ билан эллик ёш орасида оламдин ўтти ва қабри Ҳожаи Тоқдадур»<sup>4</sup>.

## 1

Оlamдаги ҳар заррада Ҳақ этди зухур,  
Фоғил кўзига сира кўринмайди бу нур.  
Ҳар бир дараҳт айтганда «Аналлоҳ»<sup>5</sup> сўзини,  
Мансур-да «Аналҳақ» деса, бўлгайми қусур?!

## 2

Ҳеч бир зарра мавжуд эмас ўз-ўзича,  
Ҳақ моҳияти эмас ҳеч элнинг сўзича.  
Ҳақ истамаса, бирор-бир иш бўлган эмас,  
Ҳақ истадими, рад этиб бўлмас ўзича.



<sup>1</sup> *Masnuъ* — бадиий санъатлар воситасида маҳорат билан ёзилган шеър.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 385.

<sup>3</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 438-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 41-бет.


<sup>5</sup> *Аналлоҳ* — Куръони карим «Тоҳо» сураси 14-оятига ишора: «Мен — Оллоҳман...»

# ПИРИ СЕСАДСОЛА

## (XV аср)

Алишер Навоийнинг келтиришича, Дарвеш Ҳусайннинг набираси, Мавлоно Муҳаммад Чохунинг ўғли. Тариқатни табобат билан омухта қилган. Гўё дард риёзатини чеккан соликларга «Муту қабла ан-тамуту» — «Ўлимдан бурун ўлинг» ҳадисини иршод қиласр эмиш<sup>1</sup>. «Ҳақ ошиқлари учун ушбу ҳадис ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган» бўлиб, бу билан у «нафсни енгишни, яъни соликларга руҳоний ҳаёт ва завқу шавқ ила яшаш сирларини кўрсатган»<sup>2</sup>. Имом Раббоний таъбирига кўра, бу сўфийлик аввалида ҳосил бўладиган камол даражаси бўлиб, фано ҳоли валоят<sup>3</sup> мартабалари сари ташланадиган илк қадамдир<sup>4</sup>.

Кўрсатма сира ўзгага ҳуснингни санам,  
Жонимни олар тандан рашик ўти шу дам.  
Мен халқ кўзининг қорачифи бўлса эдим,  
То кўрмаса мендан ўзга ҳуснинг сира ҳам.



<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 133-бет.

<sup>2</sup> Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. 109—111-бетлар.

<sup>3</sup> Валоят — валийлик.

<sup>4</sup> Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. 112-бет.

# МАВЛОНО МУҲАММАД ХУРОСОНИЙ

(XV аср)

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний қўлида тавба қилиб, унинг раҳнамолигида тариқат одобини ўрганади, риёзатлар чекиб, арбаинлар<sup>1</sup> ўлтиради ва кушойишлар<sup>2</sup> топади. Пиёда ҳаж сафарига бориб келади. Узлатга чекиниб, ибодат билан машғул бўлади<sup>3</sup>.

Дўстлардан агар лаҳза жудо бўлгайман,  
Минг дарду азобга мубтало бўлгайман.  
Дўсту ошно қилгунича ёр ўзига,  
Бегонай дўсту ошно бўлгайман.



<sup>1</sup> Арбаин — қирқ кун хилватда чилла ўтириш.

<sup>2</sup> Кушойиш — очилиш, омад, муваффақият.


<sup>3</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 140-бет.

# МАЗОҚИЙ ИСФАҲОНӢ

(вафоти 1473)

Риндлик ва паҳлавонлиқда машхур бўлиб, бўз тўқиб сотиш орқали фақирона тирикчилик қилган. Шоирлиқда маҳорати баланд бўлиб, ўз даврининг забардаст сўз усталаридан ҳисобланган. Умри асосан дўконида ҳамда адабиёт мухлислари ва дарвешу қаландарлар даврасида ўтган. Кўплаб ўзигирдлар етиштирган. Шеърлари содда, равон ва бадиий санъатларга бой<sup>1</sup>.

Ёдинг-ла қачонгacha ҳамогуш<sup>2</sup> бўламан?  
Ё ўю хаёлинг ила хомуш бўламан?  
Хавфим шуки, чўзилиб фироқ айёми,  
Бир йўла дилингдан фаромуш бўламан.



<sup>1</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 133.

<sup>2</sup> Ҳамогуш — кучоқлашиш, бағрига олиш.

# АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

(1414 — 1492)

Форс-тожик адабиётининг олтин даврини яқунлаган забардаст сўз санъаткори, улуғ мутафаккир, нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида руҳоний оиласида туғилиб, Ҳиротда яшаган ҳамда шу ерда машхур шоир ва мутафаккир бўлиб етишган. У Ҳиротда Хожа Алоуддин Али Самарқандий, Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармий каби алломалар қўлида таҳсил олади. Самарқанддаги Улугбек мадрасасида Мирзо Улугбек, Қозизода Румий, Али Кушчи каби қомусий олимлар мързузаларини эшитишга мусассар бўлади. Машхур мударрис Фазлуллоҳ Абуллайсдан Фикҳ, Куръон, ҳадис ва араб тили бўйича сабоқ олади.

Алишер Навоийнинг ёзишича, Жомий гарчи зоҳир юзидан Саъдиддин Кошғарий муриди бўлса-да, аслида увайсий бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидан тарбия топган, замона машойихи Хожа Муҳаммад Порсо назарига тушган, Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Муҳаммад Кусавий, Мавлоно Боязид Пуроний, Мавлоно Муҳаммад Асар, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний, Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий ва Мавлоно Муҳаммад Амин Кўҳистоний каби ўз даврининг улуғ шайхлари билан мулоқот қилган<sup>1</sup>. Хожа Аҳрор Валий билан яқин муносабатда бўлган.

1476 йили Алишер Навоий унга мурид тушиб, расман нақшбандия тариқатига киради.

Абдураҳмон Жомий Алишер Навоий маслаҳати билан ўз шеърларидан 3 та девон тузади: «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»), «Воситат ул-иқд» («Ўртадаги дур») ва «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси»). Шунингдек, у «Нафаҳот ул-унс» («АЗизлар нафаси») тазкираси, «Рисолаи мусиқий» («Мусиқа ҳақидаги рисола»), «Рисолаи муаммо» («Муаммо ҳақидаги рисола») каби ўндан ортиқ асарини дўстининг тавсияси билан ёзган.

Жомий 7 та достон ёзib, уларни «Ҳафт авранг» («Етти тахт») номи билан атаган: «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжирлар»), «Тухфат ул-аҳрор» («Яхшилар тухфаси»), «Сибҳат ул-аброр» («Тақводорлар тасбеҳи»), «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол», «Хирадномаи Искандар» («Искандар пандномаси»).

Жомий асарларининг умумий сони 100 га яқин деб тахмин қиладилар. Алишер Навоий ўзининг устозига бағишлиб ёзган «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» («Беш ҳайрат») асарида уларнинг 38

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 480—481-бетлар.

тасини санаб кўрсатади. Унинг Ибн Ҳожибининг «Ал-Кофия» асарига ёзган шарҳи («Шарҳи Мулло» номи билан машҳур бўлган), шунингдек, панднома йўналишидаги «Баҳористон» асари асрлар давомида мадрасаларда асосий дарслуклар сифатида ўқитилган.

Тасаввуфга доир ҳам кўплаб асарлар ёзган: 1) «Нафаҳот ул-унс» тазкираси — унда 616 та шайху авлиё ҳақида маълумот берилган; 2) «Ашиъят ул-Ламаъот» — Фахридин Ироқийнинг «Ламаъот» асари шарҳи; 3) «Шарҳи Рубоиёт» («Рубоийлар шарҳи») — бунда ўзининг 46 та ру보ийсини тасаввуф истилоҳлари асосида шарҳлаган; 4) «Нақд ун-нусус фи шарҳи Нақш ал-фусус» («Танқидий далиллар ва маънолар нақши шарҳи») — Муҳиддин Арабийнинг «Нақш ул-фусус» асари шарҳи; 5) «Шарҳи қасидаи Ҳамрия («Ҳамрия<sup>1</sup> қасидаси шарҳи») — араб шоири Ибн Форизнинг «Ҳамрия» қасидаси шарҳи; 6) «Шарҳи қасидаи «Тоия» — Ибн Форизнинг «Қасидаи Тоия»си шарҳи; 7) «Рисолат фи-л-вужуд» («Борлик ҳақида рисола»); 8) «Лавоех» («Лойиҳалар») ва бошқалар<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, С. Фаниева, Ш. Шомуҳамедов, Ҳ. Ҳомидий, Н. Комилов, О. Усмон, Р. Воҳидов, И. Ҳаққул, Г. Наврӯзова, С. Олим, Ж. Ҳолмўминов каби кўплаб олимлар Абдураҳмон Жомий ҳаёти, ижоди, адабий ва фалсафий қарашлари ҳақида тадқиқотлар олиб боргандар. Шоир асарлари F. Ғулом, Ҳабибий, Васфий, Чустий, Улфат, Боқир, Анисий, Ш. Шомуҳамедов, Ж. Камол, Ж. Қувноқ, Т. Қаҳдор, Э. Очилов, Ҳ. Мухторовалар томонидан ўзбек тилига ўтирилган<sup>3</sup>.

## 1

Ер сатҳини бир текис яшиллик тутди,  
Ер дафтари бетига яшил хат битди.  
Ер остида ётган кишилардан гүё  
Ер устидагиларга нафис хат етди.

## 2

Ғаддор бу жаҳон айвонида кексами, ёш,  
Бир луқма учун юз балога ургуси бош.

<sup>1</sup> Ҳамрия — май мавзуидаги асарлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А., Шомуҳамедов Ш. Жомий. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. — Тошкент, 2002. 621—622-бетлар; Буюк сиймолар, алломалар. 2-китоб. 63—71-бетлар; Ҳолмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. — Тошкент, 2008.

<sup>3</sup> Қаранг: Абдураҳмон Жомий. Асарлар. — Тошкент, 1971; Абдураҳмон Жомий. Юсуф ва Зулайҳо. — Тошкент, 1983; Абдураҳмон Жомий. Маҳсуди дил. — Тошкент, 1989; Абдураҳмон Жомий. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. — Тошкент, 1989; Абдураҳмон Жомий. Ламаъот // Абдураҳмон Жомий (Тўплам). — Тошкент, 1989. 26—48-бетлар; Абдураҳмон Жомий. Гулшанингда сўлмасин гул. — Тошкент, 2008 ва бошқалар.

Бир томчи сут истаса етим бола агар,  
Юз томчи түкар камида күздан ўша ёш.

3

Топдингми даво дардингта, доғни сўрама,  
Товусни тамошо қилу зонги сўрама.  
Сўзловчига боқма, яхши сўз бўлса эшил,  
Эй содда, узумни ею боғни сўрама.

4

Келди-ю баҳор, ғам мени ўлдирди бироқ,  
Бўлди жигарим қабобу кўзим ирмоқ.  
Гул борки, кўтарди бошини тупроқдан,  
Бағрига менинг гулимни олди тупроқ.

5

Кўзимда аён экансану мен ғофил,  
Кўнглимда ниҳон экансану мен ғофил.  
Мен жумла жаҳондан асаринг излардим,  
Сен жумла жаҳон экансану мен ғофил.

6

Кетди ғами мангуга қувончимни ола,  
Дилдан сира кетмас доғи мисли лола.  
Дил тўла ғами билан қабрга кирсам,  
Чиққуси гилимдан лола, дилдан нола.

7

Ҳар дам мени айлагил ҳимоя, эй дил,  
Ҳар дамни қилиш керак риоя, эй дил.  
Ҳақни танимас кимсани сен ҳам танима,  
Ҳақни таниганга шу кифоя, эй дил.

8

Соз кибру гурур қўймаса ҳеч кимга тузоқ,  
Дилтанглигу қўл қисқалиги бўлса узоқ.  
Фоний бу жаҳон азоблари битса абад,  
Боқий у жаҳон сафолари очса кучоқ.

9

Ҳар дам ғаминг, эй моҳи Чигил, айтгайман,  
Жабринг чека қон бўлди кўнгил, айтгайман.  
Бир маҳрами роз топилмади оламда,  
Қоғозу қаламга дарди дил айтгайман.

Дунё тарихи катта-кичик қисса, аён,  
Бўлмиш шоху ботирлар иши унда баён.  
Ҳар бир варагини ўқи — тақдир қалами  
Битмиш унга: ўтди фалону кетди фалон.

Кўклам чоғи гул чиқса заминни ёра,  
Куйган юрагим менинг бўлар юз пора.  
Қабрингта келарман чиқсан бўлса-чи деб,  
Гулга қўшилиб менинг ёrim ҳам зора.

Номингни унутиб бўладими ҳеч ҳам,  
Кўнглимда тутунлар ечилар зикр этсам.  
Такрор этаман мен уни бор овозда,  
Тилдек то қулоқ-да баҳра олсин ҳар дам.

Эй, дилда неча муаммо, мушкил элдан,  
Мушкил сенга тинч ўтирмоғи дил элдан,  
Дил ичра паришонлик ҳосил элдан,  
Топширу бирорвга дилни, уз дил элдан.

Кошки билсам — мен ўзи қандай инсон?  
Дунёда нима деб бу қадар саргардон?  
Ёр бўлса агар баҳт — яшасам хуш-хандон,  
Ёр бўлмаса, йигласам тўйиб беармон<sup>1</sup>.

Минг хилсану, эй ишқ, аниқ шаклинг йўқ,  
Ҳеч битта қиёс келмади сенга лойик.  
Етмиш икки миллат нима деса — тўғри,  
Лекин сен уларнинг барчасидан ортиқ.

Қиши фасли булат бағридан ёқсан каби қор,  
Кўклам ели гулларни сочар масту хумор.  
Боқсанг, гулу қор бир-бирига ўхшар экан:  
Қор — қиши гулию гул-чи, баҳор қорича бор.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино, Авҳадиддин Кирмоний ва Алишер Навоий (Фоний)-ларда ҳам шу мазмундаги робоий мавжуд.

Кўз кўрган эмас бу хожа дастурхонини,  
Синдирган эмас ҳеч киши унинг ионини.  
Ундан тилаган эди гадо бир кафт ун,  
Ун қилди уриб тишлари хандонини.

Оқил кўзи сурмаси кўйинг тупроғи,  
Ориф дили бир умр юзинг муштоқи,  
Биз кўнгли синикларда бу ишқинг доғи,  
Йўқ кўнгли бутунларда унинг қийноғи<sup>1</sup>.

Фируза<sup>2</sup> либос кийибсан, эй ёр, гулдек,  
Лола-да сенга бўлди гирифтор гулдек.  
Ажратма қўлимдан этагингу бўлма —  
Мағрур омонат ҳуснингга зинҳор гулдек.

Дунё на мусибат уйи, на айшу тараф,  
Юз ранжу азобда киши бир орзу сабаб,  
Умр ўтади кунни тун, тунинг кунга улаб,  
Касб этгали нафс камоли, таҳсили адаб.

Бу ҳуснни кўрса, лол бўлар ҳар одам,  
Олдига тушолмас асти гўзаллар ҳам,  
Хукм айлабу ижро этибон мунтазам,  
Турсин бу жамол мамлакати мустаҳкам.

Бошда хоки пойинг кўрмасам бормасман,  
Остонада жойинг кўрмасам бормасман.  
Кўз ичра сенинг учун яратдим маъво,  
Гар унда чиройинг кўрмасам бормасман.

Кўркувда фалак ҳам қудратинг қошида, чин,  
Қалқон каби айланар бошингдан куну тун.

<sup>1</sup> Тасаввуда кўнгли бутунлик — илоҳий ишқдан бехабарлик, кўнгли синиклик — илоҳий ишқ дардига мубталоликни билдиради.

<sup>2</sup> Фируза (Феруз) — кўк тусли қимматбаҳо тош.

Келса қўлидан мих қилиб ҳар юлдузни,  
Қалқонингга офтобни иларди у бу кун.

## 24

Кўз ёши бу кеча кўзларимдан оқди,  
Ёр қошида бу иши жуда ҳам ёқди.  
Хилватда мену дилдор эдик — ҳайронман:  
Қайдан у хабар топди, қаердан боқди?..

## 25

Бир куни кулиб толе, битар дил чоки,  
Юз банди замоннинг очилар ҳатточи.  
Бошингни оёғу курси қил тиззангни,  
Мақсад этагига қўлинг етсин токи.

## 26

Кўпдан кўра, озга сабр қилган яхши,  
Дунё ишида орқада қолган яхши,  
Ҳар ишда оқибатни билган яхши,  
Умр охирида дарвеш бўлган яхши.

## 27

Менга бу талаб йўли атайдан холи,  
Шодлик уйи чолғувчию найдан холи.  
Тўлдирса-да даврон қадаҳимни майдан,  
Кўлим қадаҳу қадаҳ-чи майдан холи.

## 28

Рашкига ширин лабингни сўз лутфи сабаб,  
Ул эски танишлар интилар сенга қараб.  
Комим ҳамиша ширин лабингдан, уни, бас,  
Қошинг чимириб, қилма заҳар, эй лаъли лаб!

## 29

Ўлим тўшагидан қутулиш истаймиз,  
Юксакни қўйиб, тубан тушиш истаймиз.  
Жон мевасини ҳали етилмай туриб,  
Вужуд дараҳтидан узиш истаймиз.

## 30

Жой олди дилу жонинг ичиндан дунё,  
Оч кўзни — баҳиллик ила бўлма расво.  
Бер нарса қўлинг тутар кишига ёки  
Ит олдига сол — олмасин оёқдан то.

Яшнатди юзимизни юзинг хуршиди,  
Тегрангда кезиб, сенга фалак ҳам муте.  
Ёфdir караминг булутини то унсин  
Кин аҳлининг шўр ерида ҳам меҳр ўти.

Кўнглимдагидек эмас фасоҳатда сўзим,  
Кўнглимдагидек тутмади шухрат-да сўзим.  
Ёзгим, ўқигиму тинглагим келмайди,  
Кўнглимдагидек эмас балофатда сўзим.

Зикрингни бас этмасин-да бир лаҳза тилим,  
Фикрингни унутмасин-да бир лаҳза дилим.  
Ҳар узви қулоққа айланар жисмимнинг,  
Сўз борса қаерда сен хусусингда, гулим!

Ҳеч кимни маломат айлама оламда,  
Танъ этганидек қудсийлар<sup>1</sup> Одамга<sup>2</sup>.  
Сиз менга аён сирни сира билмассиз, —  
Дейди, бу бани башарга Ҳақ ҳар дамда.

Эй макру фириб тифи билан қилган адо,  
Мен товадаги балиқ каби ҳижрон аро.  
Мен гарку жигар қонига, сен ўзга билан  
Ҳамёстигу ҳамхона қилиб айшу сафо.

Ҳажрингда кўзим тўкар булутдек инжу,  
Васлингда яшин каби лабимда кулгу.  
Жонимсан, ахир, келмагу кетмоғингдан  
Гар ўлсаму тирилсам, ажаб бўлмас бу.

Видо камарин боғладингу шу асно  
Оёғу қўлим бормади ишга асло.

<sup>1</sup> Қудсийлар — малаклар, фаришталар.

<sup>2</sup> Одам — Одам алайҳиссалом.

Оҳ, қўл йўқ, тутиб этагинг кетма десам,  
Оёқ қани, қол десам бориб, эй жоно!

### 38

Кўз юмсам агар, суриб хаёлинг шодман,  
Кўз очсан агар, қўриб висолинг шодман.  
Хоҳ уйкуда бўлсан, хоҳ бедор юрсан,  
Қаршимда мудом кўриб жамолинг шодман.

### 39

Сен мен сари, эй жону жаҳон, кеч келасан?  
Тез жон оласан, шунга бу ён кеч келасан.  
Номингни умр десам, ё жон, йўқдир ажаб,  
Тез ўтиб умрдек, мисли жон кеч келасан.

### 40

Бир кун кўрасанки, мен жаҳондан тўйган,  
Кўксимни ажал ханжари чок-чок ўйган.  
Жон қуши бақо оламига юз бурган,  
Тан бўлса, ўлим тўшагига бош қўйган.

### 41

Гар Ҳаққа етолмасанг, ҳаётинг бекор,  
Ҳақ амрини тутмаган кўролмас дийдор.  
Сен эртага қўйма ҳеч бугунги ишни,  
Ким эртага етса, ким етишмас зинҳор.

### 42

Ўтди ярим умрим айшу ишрат ичида,  
Ярми эса шарм ила хижолат ичида.  
Ҳар лаҳзаси бир дунёга тенг умрим, боқ:  
Ўтмоқда не ҳийлаю не ҳолат ичида.

### 43

Ўткинчи жаҳон айшини соз тарк этсанг,  
Излаб абадий ҳаёт йўлини етсанг.  
Интилсангу ҳар нарсани билмоққа, кейин  
Илмингни амалга татбиқ айлаб кетсанг.

### 44

Ҳар неки касаллик келтирап, юз бургил,  
Нодон табиблардан узоқроқ юргил.

Овқатга ўтирма токи қорнинг бўшамай,  
Қорнинг тўймай яна ўриндан турғил.

45

Жомий нима ёзган бўлса то шу нафас,  
Ҳеч бир кишидан маъно қарз олган эмас.  
Дўкони матога тўла бўлса кишининг,  
Қилмайди бирор молига даллоллик у, бас.

46

Дунёда китобдан-да азиз ёр йўқдир,  
Фамхона замонда чин мададкор йўқдир.  
Қолганда киши танҳо китоб-ла доим  
Юз роҳат етару сира озор йўқдир.

47

Бу сўфинамо идроку ҳушдан бехабар,  
Ўткинчи хаёл, дер, бу жаҳонни сарбасар.  
Тўғри, бу жаҳон хаёлдир, аммо унда  
Боқий ҳақиқат ҳар нафас жилва қиласар.

48


Ман ҳажри ғамида, дил-чи, дийдорига шод,  
Тан ҳажри ғамида, дил-чи, дийдорига шод.  
Эй кўз, тўкасан қачонгача ғам ёшин,  
Сан ҳажри ғамида, дил-чи, дийдорига шод.

49

Ким бўлмаса ошиқ, унга ёрдан нима завқ?  
Ким бўлмаса муштоқ, дийдордан нима завқ?  
Дунёни кўрувчи икки кўз йўқ кўрга,  
Бу турли-туман нақшу нигордан нима завқ?

50

Эй кўнгли куюгу этаги чок лола,  
Багри ўтидан юзи оташнок лола.  
Ер бағридан энди чиқдинг, борми хабар –  
Ул гулдан, бўлиб эди кеча хок, лола.



# БОБО ФИГОНИЙ

(вафоти 1519)

«Хофизи соний» — «Иккинчи Ҳофиз» номи билан ҳам улугланган Бобо Фигоний Шерозда майфуруш оиласида туғилган. Дастлаб Саккокий, кейин Фигоний тахаллуси билан ижод қилган. Тахминан 30 ёшларида саёҳат мақсадида сафарга чиқиб, Ҳиротга келади ва Абдураҳмон Жомий билан мулоқотда бўлади. Бу ердан Озарбайжонга кетиб, Узун Ҳасаннинг ўғли Яъқуб Оққуонли саройига яқинлашади. Табризда 17 йил яшаб, яна Хуросонга қайтади — Абивард ва Нисо шаҳарларида маскан тутади. Табриздаги нотинчликлар туфайли аввал Шероз, кейин Машҳадга кўчади ва умрининг охиригача шу ерда қолади. Девони асосан ишку ошиқлик мавзуидаги ғазал, рубойй, шунингдек, қитъя, қасида, таркиббанд ва таржеъбанд каби жанрдаги шеърларни ўз ичига олиб, умумий ҳажми 6 минг байтдан иборат. Шеърлари содда, равон, халқона<sup>1</sup>.

1

Соқий, май узатки, майпаст кетгим бор,  
Ташлаб бу жаҳонни маст-аласт кетгим бор.  
Келганда жаҳонга ҳеч нима билмас эдим,  
Энди яна шу хил ақли паст кетгим бор.

2

Май жомию айш базмию хумморлар,  
Жаннатга етар амал билан ҳушёрлар,  
Сарв, аргувон гаштию дўсту ёрлар,  
Ошиқлару фикри оташин рухсорлар.


3

Боғлар яна тилларанг келиб фасли ҳазон,  
Майдан қизариб юрса юзинг ҳуш бу замон.  
Тупроқ қатидан не гулозу сарвқадлар  
Келгайлару ел каби ўтарлар бегумон.

<sup>1</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 280; Пўлатжон домулла Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. 1-китоб. — Тошкент, 2006. 32-бет.

Бу қавм ниҳон тутиб азалнинг сирини,  
Дил пардаси ичра тешди ваҳдат дурини.  
Рашк этмаса Ҳаку бўлмаса тарки адаб,  
Айтар эдилар қолдирмай ҳеч бирини.

Майхонада юрсам, дейишар аҳли жунун<sup>1</sup>,  
Бутхонага борсам, қилишар хору забун.  
Майхона четида тавба синдирсам агар,  
Бўяшди жигар қонига кипприкни бутун.




---

<sup>1</sup> Аҳли жунун — ошиқлар, девоналар. Тасаввуфда Оллоҳдан боҳабару ўзидан бехабар ошиқлар, дарвешларга жунун аҳли дейилади.


# ШАЙХ ЖАЛОЛ

(1479 — 1549)

Бухорода яшаган машхур тасаввуф олими. Қабри шаҳарнинг Хиёбон мавзеига яқин ерда.

Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумот беришича, у «жуда ширин-калом ва муаддаб<sup>1</sup> киши эди. Мажлис аҳлини ҳадис билан ром қиласарди ва маънолар мағзини чақишида тенгсиз эди. Дейдиларки, одатдан ташқари ишларидан бири шу эканки, сўзни қанчалик такрор айтса ҳам, малол чангини эшишувчиларнинг дил ойнасидан шунчалар кўпроқ кетказаркан... сўз тадқиқида ҳеч нарсани унутиб қолдирмасди. Баъзан битта ҳадис маъносида олти ой сўз айтаркан... Яхши таъб эгаси бўлиб, гоҳида файбий фикрлар дурини назм ипига териб, дил сафҳасига тўкарди»<sup>2</sup>.

Бу тоифа ишқ шаробидан маст бўлди,  
Кўрмай юзини адамга пайваст бўлди.  
Максад йўлида қўйди қадам боши билан,  
Дил аҳли изида ер каби паст бўлди.



<sup>1</sup> *Муаддаб* — одобли, хушмуомала.

<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 42—43-бетлар.

# КАМОЛИДДИН АБУЛХАЙР

(1480 — 1550)

Мавлоно Камолиддин Абулхайр Самарқанд Сўғди — Миёнколда туғилган. У Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, 1498 йили Ҳиротга келади ва Ошиқ тахаллуси остида ёзган шеърлари билан шоир сифатида танилади. 1507 йили Ҳирот шайбонийлар қўлига ўтгач, Мовароуннаҳрга қайтиб, Миёнкол ва Бухоро шаҳарларида яшайди. У ҳозиқ табиб ҳам бўлганлигидан Убайдуллохон ҳамиша уни ўзи билан бирга олиб юрган. Шундай сафарлардан бирида — 1534 йили Камолиддин Абулхайр Нишопурга келади ва ҳарбий юришда иштирок эттаётган Убайдуллохоннинг амакиваччаси Жонибек Султоннинг ўғли, Балх ҳокими Кистон Қаро уни ўзи билан Балхга юборишини сўрайди. У шу тариқа Балхга келиб қолади<sup>1</sup>.

Балхда Султон Аҳмад Ҳузравия мозори ёнида дафн этилган.

Ҳасанхожа Нисорий Камолиддин Абулхайрнинг ўз даврининг барча илмларини эгаллаган фозил киши бўлганлиги, замон ҳукмдорларининг эътиборини қозонгандиги ҳақида маълумот беради:

«Муллонинг латиф таъби жуда нозик эди. Зарофат ва латифада бир нуктани ҳам қуий индирмасди...

Мавлоно настъалиқ хатини яхши ёзарди ва иншони ҳам хўб битарди. Марғуб қасидалари бор...

Ва бу рубойиси ошиқлар орасида оламшумул шуҳратга эга».<sup>2</sup>

Дунёни на боғию на гулзори қолар,  
Ҳурларни на ҳуснию на озори қолар.  
Ўткинчи жаҳонда ҳеч нима боқий эмас,  
На маъшуқа нози, на ошиқ зори қолар.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб (Изоҳлар қисми). 326-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 175—176-бетлар.


# АБДУЛЛАТИФ ЖОМИЙ

(XVI аср)

Аҳмади Жом авлодидан бўлиб, Жомда туғилган, шу ерда таҳсил олиб, шуҳрат қозонган. Ўз даврининг барча илмларини эгаллаган. Кўплаб Шарқ мамлакатларига сафар қилиб, илму адаб ва машойих сұхбатига етишган. Форсий ва туркйда ижод қилган. XVI аср адабиёти тараққиётида ўзига хос ўрин тутади<sup>1</sup>.

«Гариқатда пири Шайх Ҳожи Муҳаммад Ҳомушонийдир. Анча вақт пири хизматида сулукка машғул бўлиб, кўп мужоҳада кўрсатди ва мушоҳада давлатига етишди, сўнг халафлик улуғворлиги билан эъзозланиб, иршодлик тахтида ўлтирган эди»<sup>2</sup>.

Дўст ҳусни қуёши то нурафшон<sup>3</sup> бўлди,  
Пок шуғласидан жаҳон гулистон бўлди.  
Кўз ташла: бу дунёдаги ҳар бир зарра  
Дўстнинг юзи нуридан дурахшон<sup>4</sup> бўлди.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 11.

<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 194-бет.

<sup>3</sup> Нурафшон — нурли, нур сочувчи.

<sup>4</sup> Дурахшон — порлоқ, ялтироқ.

# АБДУЛЛОҲ МЕҲНАЙӢ

(XV аср)

Орифлар султони Абусаид Абулхайр авлодидан бўлиб, кўп илмларда ўз даврининг ягонаси эди<sup>1</sup>. Алишер Навоийнинг маълумот беришича, «Агарчи мажнуншиор кишидир, аммо чун салим<sup>2</sup> фитрати бор, гоҳ-гоҳ тилига назмлар ўтар»<sup>3</sup>. Асосан fazal ёзиб, ижодидан жуда оз намуналар етиб келган<sup>4</sup>.

Ҳажрида бирор кечаки йўқ, мотам эмас,  
Ёрсиз бу ҳазиннинг куни тундан кам эмас.  
Сўзимни унга айтгали бир маҳрам йўқ,  
Сўзимни унга айтган эса маҳрам эмас.



<sup>1</sup> Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 156-бет.

<sup>2</sup> Салим — соғлом.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 135-бет.

<sup>4</sup> Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 15.

# ИСОМИДДИН ИБРОҲИМ

(XVI аср)

Исомиддин Иброҳим ибн Муҳаммад Арабшоҳ Исфароиний Ҳусайн Бойқаро даврида Шоҳруҳ Мирзо мадрасасида мударрис бўлган. У Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳам ҳурмат-эҳтиромини қозонган. 1520 йиллари Бухорога келиб, Убайдуллоҳон атрофидаги олимлар сафига қўшилади.

Убайдийнинг бир куни пешиндан кейин бадиҳа тарзида айтган араб тилидаги сўфиёна рубоийси шарҳига бағишлаб намозшомгача бир рисола тасниф этиб, унинг «Ҳар бир мисраси бобида олти юз эллик маънно айтган» экан<sup>1</sup>. Илмнинг жуда кўп соҳалари билан шуғулланиб, қатор рисолалар ёзган. Ўз даврининг ягоналаридан бўлиб, баҳсу мунозарага ниҳоятда ўч эди. Ҳасадгўйлар Убайдуллоҳон билан Мавлоно орасига ихтилоф солиб, Бухородан уни чиқариб юборишга эришадилар. У Самарқандга келади-ю, лекин кўп ўтмай вафот этади. Ҳожа Аҳрор Валий мозори ёнига дафн этилган.


3000 байтдан ортиқроқ адабий мероси бизгача этиб келган<sup>2</sup>.

## 1

Одоб бу — одобсиздан ўзинг четга олиш,  
Одоб бу эшитса яхши сўз, дилга солиш.  
Одоб бу одобсизга одобсизликмас,  
Одоб бу одобсизга-да одобли бўлиш.

## 2

Жисми заифим агар талабгоринг эмас,  
Таън айламаки, бу жон гирифторинг эмас,  
Ул эл менга ёт — дили харидоринг эмас,  
Биз, кўрдинг Ўзинг, маҳрами дийдоринг эмас<sup>3</sup>.



<sup>1</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 172-бет.

<sup>2</sup> Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди I. С. 523.

<sup>3</sup> Абдуллоҳ Анзорийда ҳам шунга яқин мазмундаги рубоий мавжуд.

# МИРШАЙХ ПУРОНИЙ

## (XVI аср)

Хиротлик бўлиб, хаттотлик санъати ва адабиёт илмини такомилга етказиш мақсадида Мовароуннаҳрга келиб, Бухорода яшаб қолади. Етти хил ҳуснихатда тенгсиз бўлган. Бухоро Жомеъ масжидидаги ёзувлар унинг қаламига мансуб<sup>1</sup>.

Алишер Навоийнинг ёзишича: «Шайх Абусаид Пуронийнинг халафидур<sup>2</sup>. Икки пуштидин валоят анга маврусийдур<sup>3</sup>. Ва ўз зотида ҳам қабулият кўпдур. Оз фурсатда хутутни<sup>4</sup> андоқ битидиким, ул фан устодлари ўттиз йилда онча битимайдурлар. Ҳоло таҳсилфа машғулдур, дерларким, рушд<sup>5</sup> осори зоҳирдур»<sup>6</sup>.

Миршайх Пуроний ҳақида Ҳасанхожа Нисорий ҳам маълумот берган: «Кўп илмларни мутолаа қилган киши эди ва баъзиларида таснифлари ҳам бор. Бошқа фазилатлардан ҳам тўла хабардор эди. Айниқса, ҳуснихатни шу қадар зўр битар эдики, эътирозига сўз толиб бўлмасди. Олтин билан безаш ва бошқа ҳар хил нақ-қошлик ишларида ҳам тенги йўқ санъаткор эканлигини намойиш қиласди...

Миршайх Пуроний шаҳар (Бухоро — Э.О.) ичкарисидаги Чорсу масжидида мударрислик қиласди. Шариф таъби шеър бобида ҳам машғулотга банд бўларди...

Ёши етмишдан ошганда вафот этди. Хожа Исфаҳоний қабри ёнида дафн этилган»<sup>7</sup>.

### 1

Ҳажрингда менингдек дили қат-қат ғам йўқ,  
Фам ичра муруватингга муҳтоҷ ҳам йўқ.  
Бу дарду ғамимни шарҳ этиш истайман,  
Аммо, не қилай, бирор яқин ҳамдам йўқ.

### 2

Ҳар икки кўзим тинмаса — ёшим кетса,  
Дил оқса бўлиб қону қуёшим кетса.  
Бошимни итинг қадамидан олмасман,  
Майлига, вафо йўлида бошим кетса.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. С. 295.

<sup>2</sup> Ҳалаф — 1) фарзанд; 2) ўринбосар.

<sup>3</sup> Маврус — мерос, меросга мансуб.

<sup>4</sup> Ҳутут — хатлар.

<sup>5</sup> Рушд — етуклик.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 127—128-бетлар.

<sup>7</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб 154—155-бетлар.

# МАВЛОНО АМИР НОТИҚИЙ

(XVI аср)

Бухорода туғилган. Шу ерда таҳсил олиб, камолга етган. Бир муддат Ҳурсонда ҳам яшаган. Абдураҳмон Жомийга эътиқод қўйган. Умрининг охирида хилватга чекиниб, дарвешлик йўлини тутган. Махдуми Аъзам муридларидан бўлиб, хожагон-нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан. Оҳорли ташбеҳу тимсолларга бой гўзал шеърлари билан илму адаб аҳлининг назарига тушган. Фазал ва рубоий жанрларида маҳорат кўрсатган. Ижодидан намуналар адабий манбаларда учрайди<sup>1</sup>.

Юз узра хатинг бир қора занжир гўё,  
Рум йўлидаги ҳабашни(нг)<sup>2</sup> карвони ё?  
Ҳусн ояти ё шаънингта нозил бўлган,  
Юз мусҳафи<sup>3</sup> устидами ё «бисмилло»<sup>4</sup>



<sup>1</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 483; Ҳасанхомса Нисорий. Музаккири аҳбоб. 108—109-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳабаш — қора танли, занжи.

<sup>3</sup> Мусҳаф — Қуръон.

<sup>4</sup> Бисмиллоҳ — Оллоҳ номи билан.

# ШАЙХ ИМОДИДДИН

## (XVI аср)

Шайх Имодиддин Фазлуллоҳ Мұҳаммад Ҳабушонийнинг етук халифаларидан бўлиб, у ҳали силсилага уланмай туриб, ижозат хати олиб, толибларни Ҳаққа даъват этишга киришган экан. Унга иршод хати 1492 йили Мөхнада ёзилган. Ҳожагон тариқатига эътиқоди ниҳоятда баланд бўлиб, бу тариқат шундай вужудга келганки, соғлом ақлнинг уни қабул қилишдан бошқа чораси йўқ деб лутф этган. Унинг каромати шу даражада эканки, сира кўрмаган ва таърифини ҳам эшитмаган кишиларнинг аҳволини бир синчиклаб қараш билан батафсил айтиб берган. Ҳаттоқи кўриниши, ёши, ўлимига сабаб бўладиган касаллигини бехато айтиб бера олар экан. Шаҳодат шарбатини ичаётган маҳалида қўйидаги икки рубойни ўқиган экан:<sup>1</sup>

### 1

Ишқ қўйида ёмонни мудом сўймаслар,  
Ориғу хунукларни тамом сўймаслар.  
Содиқ ошиқ бўлсанг, ўлимдан қочма,  
Ҳар нарса агар бўлса ҳаром сўймаслар.

### 2

Ишқинг йўлида мумтозлик одати шу,  
Ошиқ элининг бандалиги, хизмати шу.  
Бошимни жудо қилди танимдан тифинг,  
Ошиғига маъшуқни, наҳот, шафқати шу?!



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 124—126-бетлар.

# **АМИР АСАДУЛЛО**

## **(XVI аср)**

Исфаҳоннинг Ҳусайнин сайдларидан бўлган Амир Асадулло зуҳд ва художўйликда машхур бўлган. Айтишларича, ҳар кун еру сувининг ўзидан минг оқ танга даромад қилиб, уларнинг ҳаммасини Худо йўлига бахшида этар экан. Бой ва амалдор бўлишига қарамасдан, фақирлик йўлини тутган. Таъби назми ҳам бўлиб, яхши шеърлар ёзган. Лекин улардан жуда оз намуналар бизгача етиб келган.

Мен шам каби базмингда сенинг зору асир,  
Ошиқ жонини олишда сен танҳо, ахир.  
Куйсин дема рашқ ичра рақиб бирла бўлиб,  
Ўлсин дема ғамда — бизга ҳам бир юз ўгир.



# МАВЛОНО СУЛТОНАЛИ ЎБАҲИЙ


## (XVI аср)

Мавлоно Сайд Ҳусанхожа Султонали Ўбаҳий Хурросонда туғилиб, олим, шоир, ҳофиз, бастакор, мусиқашунос, машшоқ, наққош ва хаттот бўлиб етишган. Унинг мусиқа ва қироат илми бўйича ёзган кўпгина асарлари бизгача етиб келган.

Ўз даврининг фозилларидан бўлиб, шажараси бир неча авлод орқали Муҳаммад алайҳиссаломга бориб боғланиши ривоят қилинади. Бухордаги ҳурматли кишиларнинг кўпчилиги унинг суҳбатига етишган. Ҳожа Аҳрор Валийга ғойибона иродати бўлган. Яхшигина таъби назм эгаси ҳам эди.

109 ёшида Ҳожа Порсо хонақоҳида вафот этган.

Бу лаъл лабинг олдидা ёқут<sup>1</sup> музтар,  
Оғзинг садафу ичи лаболаб гавҳар.  
Билгилки, ҳилол эмас фақат қошинг ўзи,  
Ҳар бир туки уни бир ҳилолга ўхшар.



<sup>1</sup> Ёқут — қизил, сарик, кўк, яшил ва оқ тусли қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг ол лабига, ошиқнинг қонли кўз ёшига, қизил майга нисбат берилади.

# ХОЖА ҚОСИМ МАВДУД

## (XVI аср)

Хожа Мавдуд авлодидан бўлиб, кўп вақтини сайру саёҳатда ўтказган ва фақирликда яшаган. «Ўтириб-туриши фозиллар билан кечарди ва шеъру шоирликка ҳам илтифоти бор эди. Бир рубоий битган эдики, унинг ҳар бир мисрасида одам аъзоларидан 2 таси зикр этилганди, аммо, шу аъзолар такрорланишини жойиз кўрмай, ким шундай шеър ёзиб, бир мен айтган аъзоларни ишлатмаган бўлса, минг танга мукофот нақд, деб шоирларни шеър ёзишга чақирган эди»<sup>1</sup>.

Мана ўша рубоий:

Сочу белидан кўзу дилим пок бўлади,  
Зикрини этиб, оғзу тилим пок бўлади.  
Албатта, тили лабга тегиб, поклар жон,  
Албатта, тилидан жон-дилим пок бўлади.




<sup>1</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 177-бет.

# ШАЙХ МУФЗИЛ МЕҲНА

## (XVI аср)

Меҳнада таҳсил олиб, ўз даври илмларини эгаллаган. Адабиётдан ҳам яхшигина хабардор бўлиб, шеърни жуда нозик тушунар эди. Шеърлари оҳорли тимсолу ташбеҳлар, рангин туйгулар, теран хаёлотга бой. Ижодида рубоий асосий ўрин тутади. Умрини Насафда ниҳоясига етказиб, шу ерда дафн этилган<sup>1</sup>. Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумот беришича, Шайх Муфзил Меҳна «Жуда хушчақчақ ва очиқ чеҳрали киши эди, шу туфайли қаерга борса, хурсандлик палосини ер узра ёйиб ташларди. Шунингдек, бошини тафаккур ёқаси ичра тортиб, сўз сирларини англашга ҳаракат қиласарди ва дил китобини хаёл жилди билан қопларди. Яхши сўzlари ва ёқимли хаёлотлари бор...»<sup>2</sup>

Эл дейди: қуёшdir ёки ой бу рухсор,  
Бу ташбеҳ асослимас, ўринсиз зинҳор.  
Ё зулғу қадинг сунбулу сарвга менгзар<sup>3</sup>  
Кимнингки заиф ақлию фаҳми ночор.



<sup>1</sup> Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С. 355—356.

<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 178-бет.

<sup>3</sup> Менгзар — ўхшар.

# МАВЛОНО БАҚОЙ

(вафоти 1535)

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида келтирилишича, Мавлоно Бақой «камонгарликка машхур ва ўзини муаммоийлиққа ҳам шуҳрат берди... Сўнгра шеър айта бошлади. Аммо гариб хаёллар қилур, аммо таркибни реш боғлар»<sup>1</sup>.

Ҳасанхожа Нисорий ёзади:

«Мулло Бақой жуда хушсуҳбат ва одобли, камтар киши эди. Убайдуллохон хизматига яқинлиги ҳам бор эди. Форсий, туркий тилларда ёзган шеърлари кўп ва жуда яхши ҳамдир. «Нозу ниёз» номли маснавий битган»<sup>2</sup>.

Балхда вафот этиб, Султон Аҳмад Хузравия мақбарасига дафн этилган.

Бўлди бу маломат кўйи қисмат бизга,  
Иймон йўли бўлмади иноят бизга.  
Дунёга этак силкиган дарвешлармиз,  
Шу бўлди насиба то қиёмат бизга.



<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 85-бет.


<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 190-бет.

# МАТЬСУМХОЖА

## (XVI аср)

Самарқандда туғилиб, шу ерда таҳсил олган. Машхур шайх Мұхаммад Содиқ ибн Абулҳасан шайх ибн Илөс шайх ибн Мұхаммад шайх ибн Худойқули шайх Ишқийнинг наслидан бўлиб, тариқат нисбати Боязид Бистомийга бориб тақалади. Кеш (Шаҳрисабз)да яшаб, Бухорода ҳам бўлгани ва ҳаж зиёратида Маккада вафот эттани Ҳасанхожа Нисорий томонидан нақл қилинади. Зуҳду тақвода замонасининг ягонаси бўлиб, шариатдан ташқари қадам қўймаган. Куръонни ёддан тажвид билан қироат қиласиган ҳофизи Куръон бўлган. Шоирлик истеъоди ҳам баланд эди<sup>1</sup>.

Бермиш сенга икки нарсани қодир Эгам,  
Ҳар иккиси ҳам кишига зийнат чинакам.  
Ул биттаси эзгу хулқ — сурсан элни,  
Ул биттаси эзгу юз — сурлар сени ҳам<sup>2</sup>.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 195—197-бетлар.

<sup>2</sup> Бу рубоий жузъий ўзгаришлар билан Абусаид Абулхайр ва Фахриддин Ироқийлар ижодида ҳам учрайди.

# МАВЛОНО ЖОНИЙ ЯТИМБОН

## (XVI аср)

Машхур муаррих Абулфазл Байқақийнинг маълумот беришича, Мавлоно Жоний Ятимбон (Ятиммон) Кобулда Ҳумоюн Мирзо хизматида бўлган ва Ҳиндистондаги форс-тоҷик адабиётига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган<sup>1</sup>.

Ҳиндистонда вафот этган.

Ҳасанхожа Нисорий унинг машрабтабиат киши бўлиб, факр йўлини тутгани ва яхши шеърлар битгани ҳақида ёзади<sup>2</sup>.

Юз узра хатинг туфайли ҳайрондирмиз,  
Зулфинг кўйида ошигу сарсондирмиз,  
Сочинг ҳидидан бир дили вайрондирмиз,  
Дастидан уларни кўп паришондирмиз.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 329-бет.


<sup>2</sup> Ўша ерда. 200-бет.

# МИРЗО МАПХАДИЙ

## (XVI аср)

Авлод-аждодлари анча илгари Мовароуннахрга келиб қолишиган. Қисқа муддат Термизда яшаб, умрининг қолганини Бухорода ўтказган. Бухоро адабий мұхитидә машхур бўлиб, ғазал ва робой ёзишда маҳорат кўрсатган<sup>1</sup>. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича: «Мансаб ва бойликка эга бўлишига қарамай, фақирлик расми билан яшайди. Гоҳо шеърга ҳам илтифот қиласди»<sup>2</sup>.

Бир ноз ила лўливачча қурбон қилди,  
Ғамза ўқин отиб, горати жон қилди.  
Доирасига дил терисин парда этиб,  
Кўзимни унга ҳалқаи гардон<sup>3</sup> қилди.



<sup>1</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. С 265.

<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 232-бет.

<sup>3</sup> Гардон — айланадиган, айланма.

# МАВЛОНО ЯҚИНИЙ

(XVI аср)

Мавлоно Яқиний хожа Миршоҳ Жўйборийнинг ўғли бўлиб, Яқиний тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Машхур «Салосили арбаъя» («Тўрт силсила») асарини шеърга соглан. Фақиру дарвешлик йўлини тутган. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, «яхши таъби бор, назми ҳолотлардан<sup>1</sup> холи эмас, гаройиб воқеалар, ажиб воридотлар<sup>2</sup> кўнглига йўл топиб туради, бу ҳол гўё дарвешлик билан машғуллиги таъсиридан эрмиш»<sup>3</sup>.

Тонг елидан хуш бўйингни топгайдир дил,  
Гулда юзингу хўйингни топгайдир дил.  
Тенг келмагай оламдаги ҳеч мушк-анбар,  
Қай лаҳза агар кўйингни топгайдир дил.



<sup>1</sup> Ҳолот — ҳоллар, кайфиятлар.

<sup>2</sup> Воридот — хаёлдан ўтадиган, кўнгилга келадиган нарсалар. Тасаввуфда маънолар, сирларнинг қалбга оқиб кириши.

<sup>3</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 239-бет.

# ШАЙХ ХАЛИЛУЛЛО

## (XVI аср)

Шайх Халилулло Бадаҳшон вилоятидан бўлиб, Ҳусайн Хоразмийга иродат нисбати бор — бир неча йил унинг хизматида бўлган. Ҳасанхожа Нисорийнинг лутф этишича, «нафис нафасини хилват қолибида мужоҳада<sup>1</sup> сайқали билан тазкия<sup>2</sup> қилиб, дил ойинасини мушоҳада сайқали билан тасфия<sup>3</sup> айлаб, уни руҳоний сирлар манбаига айлантириб, яширин автор мазҳари ва файбий файблар учун нурлар жилогоҳи этиб, ҳалофат<sup>4</sup> маснадида<sup>5</sup> бехилоф равишда муқим ўтирибди»<sup>6</sup>.

Замона ҳукмдорлари, жумладан, Шоҳруҳ Мирзонинг унга эътиқоди баланд эди. Кўплаб мамлакатларда муридлари бўлган. Шеърга ҳам майл кўрсатиб, гўзал нарсалар ижод қилган.

### 1

Ҳақ ҳусни ойинаси — нишони бизмиз,  
Ҳақ ҳурларининг мажмуи, кони бизмиз.  
Ердан то само — барчаси бизда пинҳон,  
Ҳақ ҳукмидаги икки жаҳони бизмиз.

### 2

Кўп кетма тубан маст этиб шуҳрат жоми,  
То босмасин оламни жаҳаннам шоми.  
Инсон қонига бўялди юз карра замин  
Чиқсин деб фалон ибни фалоннинг номи.

### 3

Ҳеч кимга нафи теккан эмас — кўп емам,  
Оқил кишининг қисматидир ранжу ситам,  
Тор айлама дунёни ўзингга сира ҳам,  
Бўлмас емам еган билан насибанг кўпу кам.

### 4

Кекса кишилардаги мақому ҳурмат  
Ёшлари улуғлиги учунмас фақат.  
Боиси уларга бу ҳароб дунёни  
Тарк этгали келгай сал аввал навбат.

<sup>1</sup> Мужоҳада — саъӣ-ҳаракат, жидду жаҳд, нафси енгиш йўлида курашиш.

<sup>2</sup> Тазкия — поклаш.

<sup>3</sup> Тасфия — поклаш, мусаффо қилиш.

<sup>4</sup> Ҳалофат — ҳалифалик, ўринбосарлик.

<sup>5</sup> Маснад — ўрин, тахт.

<sup>6</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 253-бет.

# ШАЙХ РУБОИЙ

(XVI аср)

Машҳадлик бўлиб, хилватда фақирлик мақомини тутган. Фақат рубоий жанрида қалам тебратгани учун Шайх Рубоий номи билан машҳур бўлган.

1


Мушк исли муаттар сочи шайдосиман-ей,  
Сочидек ўпид пойини расвосиман-ей.  
Дард аҳли муносиб эмиш лутфига фақат,  
Дард аҳлининг энг олдиман — пешвосиман-ей<sup>1</sup>.

2

Гул шаклидаги ўт кабидир рухсори,  
Атрофида анбар исли зулфи тори.  
Гўзал юзи хусни ўтидан тез қиласи  
Кўш зулфини ошсин учун ошиқ зори.

3

То дилда экан ёр ғами — ёр ҳам дилда,  
Фам дилда эканми, ғамгусор ҳам дилда.  
Дил қони берибди юзга нақшу нигор,  
Аслида ўшал нақшу нигор ҳам дилда.



<sup>1</sup> Пешво — сарвар, раҳбар, етакчи.

# МАВЛОНО ВОСИЛИЙ

(XVI аср иккинчи ярми — XVII аср бошлари)

Асли марвлик бўлиб, тириклик важидан Бухорога келиб қолган. Ҳасанхожа Нисорийдан шеър илмлари бўйича таҳсил олади. Мутибиий ўз тазкирасида уни бетакрор шоирлардан бири сифатида зикр этади. Умрининг охирида Ҳиндистонга бориб, Ҳумоюн Мирзо ҳузурида эътибор топади. Ижодидан пароканда шеърлар бизгача етиб келган<sup>1</sup>. Нисорийнинг ёзишича: «Ёлғизлик либоси ва узлат палосида умр кечиради. Жами жонли жонивор ва бани башар зотига меҳру шафқат билан назар қиласи. (Унинг ҳам) яхши сўзлари борлиги нақл этилади»<sup>2</sup>.

Лола гулу насрин гулу райхон гулдир,  
Кўз ташлама қай тарафга, ҳар ён гулдир.  
Гул бош чиқарар фунча ёқасидан, бас,  
Бошдан то оёғигача жонон гулдир.



<sup>1</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 335.

<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. 256-бет.

# ШАЙХ БАҲОЙ

(1547 — 1622)

Мұхаммад ибн Ҳусан Баҳоуддин Омулий Шайх Ҳусайннинг ўғли бўлиб, Исфаҳонда яшаган. Баҳоий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Манбаларнинг маълумот беришича, фикҳ, қалом, риёзиёт, адаб<sup>1</sup>, мусиқа, нужум, араб тили ва адабиёти каби кўплаб илмлардан яхши хабардор бўлиб, тахминан 90 та китобу рисола тартиб берган. Шеърлар девонидан ташқари, «Нону ҳалво», «Ширу шакар» («Сут ва шакар») маснавийлари, «Хулосат ул-ҳисоб», «Ташреҳ ул-афлок» («Фалаклар шарҳи») рисолалари, «Арбаин қашкул» («Қирқ қашкул»<sup>2</sup>) мажмуаси мавжуд<sup>3</sup>.

1

Эй масъала<sup>4</sup> соҳиби, эшиг ушбуни то:  
Таҳқиқ шуки, билсанг, ломакон асли Худо.  
Бу маъни сенга қашф бўлишини тиладинг,  
Жон танда экан, қаерда у бўлгуси жо?

2

Мен дарду ғаминг дастидан, эй ҳурилиқо,  
Билмай қолдим бошу оёқ фарқини то.  
Дедим: дилу динни ўйнасам ғам кетади,  
Кетди дилу дину қолди ғам, дарду бало.

3

Эй ақл, сенга ор жуда нодонлигимиз,  
Эл тинчин ўғирлади паришонлигимиз,  
Кўйинда буту саждага чаққонлигимиз,  
Кофирини-да кулдирди мусулмонлигимиз.

4

Кирди эшигимдан кеча ул лола ниқоб,  
Тўйгунча кўролмадим бирок — кетди шитоб.  
Дедим: «Кўраман қачон яна?» Қилди жавоб:  
«Тонг олди тушингда қўрасан мисли сароб».

<sup>1</sup> Адаб — бу ерда: адабиёт илми.

<sup>2</sup> Қашкул — дарвешларнинг кема шаклидаги косаси.

<sup>3</sup> Қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 254; Қаюмов П.Д. Тазкират уш-шуаро. 1-китоб. 50—51-бетлар; Куллиёти ашъор ва осори форсийи Шайх Баҳоий (Бо муқаддимаи Саид Нафисий). — Техрон, 2005. С. 9—86.

<sup>4</sup> Масъала — баҳс, мунозара, тортишув.

**5**

Бу йўл зиёрат йўлидир, юз бурма,  
 Қиши соуги деб уни кейинга сурма.  
 Қор парқуга айланар, тикан пўстинга,  
 Кўллаб улуғлар руҳи — шак этиб юрма.

**6**

Ширинадо<sup>1</sup> ёрнинг лабидан жон тўкилар,  
 Ёйик сочидан куфри ҳар он тўкилар.  
 Гар шайх сочи куфри сари қўйса қадам,  
 Иймони бошига қоп-қора қон тўкилар.

**7**

Қиздириди кеча пири мугон сухбатни,  
 Куйдирди имоним уйготиб шафқатни.  
 Бир парча узиб олди-ю куфр хирқасидан,  
 Иймон енгига тикди қилиб ҳимматни.

**8**

Дунё дея дунё қулининг кўнгли реш,  
 Дардила адо хоҳи бою хоҳ дарвеш.  
 Дунё ниши хавфлидир ўлим шарбатидан,  
 Билсанг, шакарига заҳари доим эш.

**9**

Ҳеч ким ола олмас молу дунё бу — илм,  
 Ҳаққа сени етказувчи танҳо бу — илм.  
 Илм иста бу оламда фақат, илм иста,  
 Умрингга бағишлагувчи маъно бу — илм.

**10**

Дунё ғамида агарчи кўнглинг зордир,  
 Бошдан-оёғи ранжу алам, озордир.  
 Бир арпага арзимас унинг давлатию,  
 Номини тутиш-да ақли борга ордир.

**11**

Кимни хафа қилсам, юзини ўтириди,  
 Мендан у кечиб кетишни афзал кўрди.  
 Бу дунё экинзорига эксам не экин,  
 Ўзимга насиб қилмади — душман ўрди.

---

<sup>1</sup> Ширинадо — ширинсўз.

Дардида дилим қон бўлди-кетди, кўринг,  
Кўзим ёши уммон бўлди-кетди, кўринг.  
Ишқ орзуисида эди — бўлиб унга дучор,  
Бир Лайлига қурбон бўлди-кетди, кўринг.

Бир баҳтли кечা — санам эшикдан кирди,  
Бағримни тилишга қўлида тиф эрди.  
Кўп бўлди хижил кўриб ғариб ҳолимни,  
Бир лаҳза кўнгил сўраш учун ўлтириди...

Қилдиму қаландарлик кўйини тавоб,  
Зуннор ипидан юз хирқа куйди ҳисоб.  
Олган бўлса кечा сабоқ пири мугон,  
Минг масъалага муфти бугун топди жавоб.

Инсонга экан жаҳон яшаш манзили то,  
У айбу гуноҳ қиласу Ҳақ лутфу ато.  
Шундай эди дунёю шу хил қолгайдир,  
Йил яхши келар бўлса баҳори аъло.

Каъбани тавоф этгали ҳожи чопгай,  
Бу яхши ният, майли муродин топгай.  
Бир камчилиги шуки, у дўстнинг йўлида  
Курбон этиб ўзгани, гуноҳин ёпгай.

Майхонада зоҳидни кечা кўрдим маст,  
Бўйнида тасбеҳ, қўлига жом пайваст.  
Дедим: «Нега майхонага келдинг?» Деди у:  
«Майхонада ҳам Ҳақ сари йўл бор сарбаст»<sup>1</sup>.

Ҳар бир гул агар чаман учун зийнат экан,  
Кўзингга гулу терай десанг, мисли тикан.  
Кўз ташла узоқдан, олдига бормаки, шам  
Нурдек кўринару куйдирар ўти билан.

<sup>1</sup> Сарбаст — бу ерда: пинҳон, яширин.

## 19

Ким мени ёмон деса, унинг ўзи ёмон,  
Ким яхши деса, яхши ўзи ҳам бегумон.  
Маълум сўзидан ҳоли мутакаллимнинг<sup>1</sup>,  
Жомда нима бор — бўлар қуйилганда аён.

## 20

Шоҳ бўлса илм, таҳсил унинг ҳосилидир,  
Ўргимчагу тан, дил-чи, қаноту қўлидир,  
Илм — болари уйи, қўл олар ундан асал,  
Ундан яласа пашша, жаҳоннинг филидир.

## 21

Кўксимга яқинларим уришди ханжар,  
Халқ жабру жафоси юрагимни ўртар.  
Бегонани бегона билан ҳеч иши йўқ,  
Ўзингники доим ўзагингни қирқар.

## 22

Тоатим ерида қолмади зарра гиёҳ,  
Қўлимда менинг қолгани нола билан оҳ.  
Умр хирмани борида мен уйқуда эдим,  
Қолибди сомон кўзимни очсан, эвоҳ...

## 23

Дил нақдини охири сара айладим-ей,  
Ишқ олдида ақлни масхара айладим-ей.  
Расмий илм китоблари бетларини —  
Йиртиб, уларни панжара<sup>2</sup> айладим-ей.

## 24

Ҳар сўзки, санам лабларидан учгусидир,  
Ошиқ дилига қайғу бўлиб тушгусидир.  
Ҳар шишаки синса — қиммати қолмас унинг,  
Дил шишаси синса, қиммати ошгусидир.

## 25

Ошиқ ёридан ўзгадан ор этгусидир,  
Гарчи ғами ҳасрати безор этгусидир.  
Ким жаннат илинжиха ибодат қилса,  
У ошиқ эмас, ўзини ёр этгусидир.

<sup>1</sup> Мутакаллим — илоҳиёт олими.

<sup>2</sup> Панжара — 1) дераза, дарича, 2) қафас.

Ринд аҳли гоҳи мулки жаҳонни ўйнар,  
Гоҳи қарасанг, дил ила жонни ўйнар.  
Бундай қимор қандаю қанча бўлади?  
Йўқ фарқи: ҳар ошкору ниҳонни ўйнар.

Кўнглимга дедимки: «Бу тубан оламда,  
Бездим-ку, қачонгача яшаймиз ғамда?»  
Дил дер: «Ема ғам — саноқли умринг қолди,  
Бечора удир — туғилди у шу дамда».

Илм истар эсанг, кўй мачиту мадрасани,  
Таҳсили усулу<sup>1</sup> ҳикмату<sup>2</sup> фалсафани.  
Ҳақ зикридан ўзга барчаси васвасадир,  
Ҳақдан уялу кўй бехуда васвасани.

Кўрдингми, Баҳоий ғамини унутди,  
Масжидни кўйиб, майхонани дўст тутди.  
Расмий илм китобларини йиртиб,  
Боқ, ҳолва ўраб сотгали қофоз этди.

Ёрданки, дил ишқидан гар оташ бўлади,  
Ҳар қанча гапирсалар-да, дилкаш бўлади.  
Кам эшитасан ошиқлар қиссасини,  
Ҳолбуки, уларни(нг) қиссаси хуш бўлади.

Эй бевафо, жабрингни кўнгил хоҳлайди,  
Жабрингни чекишни муттасил хоҳлайди.  
Ишқингда, мана, бедилу бедин қолдим,  
Кўнглинг шуни чунки ою йил хоҳлайди.

Дил дарду балои ишқи кўп бўлсин дер,  
Ёр бўлса, дилимни қон билан тўлсин дер.  
Қандай қилиб ундан узр сўраш қасдида дил,  
Ёр бўлса, фироқимда куйиб ўлсин дер.

<sup>1</sup> Усул — ҳар қандай илмнинг негизи, асосий қоидалари, муҳим қисми.

<sup>2</sup> Ҳикмат — 1) физика; 2) фалсафий илмлар.

### 33

Хаж орзусини қиласар эдим йиллар зор,  
Бир тонг қулоғимга эшитилди гүфтор:  
«Қай юз ила Каъбага борар ул кишиким,  
Бутхонаю коғир айласа ундан ор?!»

### 34

Дедим: «Сенга айласам шу жонимни нисор,  
Васлингни менгараво күрарсанми, нигор?»  
Дер: «Худа-бехуда сўзларинг қилма қатор,  
Жонинг меники, топ ўзга тухфа, қани, бор!»

### 35

Ошиқ эли оҳидан наво топ, эй дўст,  
Ёр дарду ғами ичра даво топ, эй дўст.  
Ёр манзилидан сенгача то бир қадам-ей,  
Кўй ушбу қадамниу сафо топ, эй дўст.

### 36

Эй шам, сенинг олдингда манам зору асир,  
Ошиқ элинни ўлдирасан мисли басир.  
Ён дея ҳасадда ёт билан сўзлашасан,  
Үл дея ғам ичра менга боқмайсан, ахир...

### 37

То келса қўлингдан ўйламай, дўсти киром<sup>1</sup>,  
Элдан узилиб, узлатни айла мақом.  
Инсон шаклидаги бу маҳлуқлардан  
Ўзингни олиб қоч, олиб қоч мудом.

### 38

Мен урдим зуҳду тақво шищасига тош,  
Қолди гуноҳлар тоги остида бу бош.  
Кўриб бу мусулмонлигим ислом аҳли  
Куфр аҳли қошида уялиб, бўлди одош.

### 39

Бу мадрасада фақат жигар қони ҳалол,  
Бир осуда дил топиш маҳол унда, маҳол.  
Таҳсил олгач унда жигар қони билан,  
Ҳар икки жаҳон жумла уволдир, увол.

<sup>1</sup> Киром — азиз, қадрли.

Мен дарду ғам ўқига нишонман бир умр,  
Бечоралигимдан паришонман бир умр.  
Бой бўлса агар қанча Худованди карим,  
Мен шунча фақир — ҳоли ёмонман бир умр.

Оlam ғамидан юрак тўла ғам бизда,  
Дард денгизидан кўз тўла нам бизда.  
Оlamдаги бор сабр-чидам лозимдир,  
Чунки бору йўқ ғами оlam бизда.

Даъво қиламиш: биз авлиёмиш — ёлғон,  
Ё сўфийи суффиаи сағомиз — ёлғон.  
Зоҳирга берармиз зебу ботин-чи, ҳароб,  
Бас, барча талаб ҳам илдаомиз ёлғон.

Кўп мадрасаларда чарх уриб юрдик биз,  
Комил киши ахтариб, савол сўрдик биз,  
Қолди бежавоб ишқ иси омухта савол —  
Излаб уни кўп мадрасага бордик биз.

Зоҳид гуноҳ этмас, сабаби — Қаҳҳорсан<sup>1</sup>,  
Биз гарқи гуноҳмиз, сабаби — Faффорсан.  
Қаҳҳор билади у сению биз — Faффор,  
Қайси ном ўзингга ёқар, эт изҳор Сан?

Эй ошиқи хом, Ҳақдан узоқда юрсанг,  
Ҳар қанча ҳаракат айлама, маъзурсан.  
Сен жаннат илинжида ибодат қиласан,  
Бас, ошиқ эмас, бир савдогарсан, сурсан.

Зоҳид қилади риё билан тақвони,  
Билдим: бор унинг на дини, на иймони.  
Ўз ҳолини билмай мени таъна қиласан,  
Кофири бўлайин майли, бўлай насроний.

<sup>1</sup> Қаҳҳор — Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: барчани бўйсундирувчи, голиб.

Эй чарх, мудом нодонни құлларсан,  
Фазл ахлига доимо алам йүлларсан.  
Күнглимда менинг ҳам ғам-алам сен боис,  
Оқыл дея, балки мени ҳам ўйларсан.

Умринг бүйи Ҳақ йўлига қўймасдан оёқ,  
Шарманда бўлибон Ҳақдан тушинг узоқ.  
Юз марта олиб никоҳга тавба қизини,  
Қилдинг-ку талоқ етмайин орзунгга бироқ.

Сен мадрасадан майхонага олдинг йўл,  
Зуҳд аҳли қолиб, ринд ахлига бердинг қўл.  
Шундай бўлиши керак эди иш асли,  
Майхонада яхшилик азал бўлгай мўл.

Бўлмай то ақл тушовидан бегона,  
Сир олами сенга бермагай нишона.  
Жон Лайлисига агарда етмоқ тиласанг,  
Минг Мажнундан бўлиш керак девона.

Бўлсанг-да малоҳат элида афсона,  
Кўнглимга сенинг дарду ғаминг бегона.  
Эй шам, сенга ҳеч қачон қиё боқмасман,  
Ёнимда кўп айланма бўлиб парвона.

Үйғону саҳар чогида чек нолаю оҳ,  
Тавба қилишинг сўрайди ҳар битта гуноҳ.  
Дарҳол кўради ўзгалар айбини қўзинг,  
Ўз айбу гуноҳингга-да бир ташла нигоҳ.

Май ичса, санамнинг юзи лола бўлар-ей,  
Шабнам каби терлари шалола бўлар-ей.  
Кимки қўлидан унинг пиёла олса,  
Ўлса уни(нг) тупроғи пиёла бўлар-ей.


Биз ўз-ўзимизга гүё чоҳ қилган эдик,  
Тоғдай-тоғдай айбу гуноҳ қилган эдик.  
Йўқ ҳаттоки оқ нуқта амал дафтарида,  
Шундан кеча-кундуз оҳу воҳ қилган эдик.

Юзингни кўролмай тўкади қон бу кўзим,  
Билмас йигидан ўзгани гирён бу кўзим.  
Хавфим шуки, кўзимда қолиб дийдоринг,  
Колмас ўзи айлаб мени ҳайрон бу кўзим.

Юрсак тўлатиб кўча-кўю бозорни,  
Билмайди дема булар сира миқдорни.  
Бор бизда ҳам Осафга аён бўлган сир,  
Бўлмайди очиб барчага бу асрорни.

Эй ёр, қиласан менга мудом жабру жафо,  
Ҳеч билган эмассан — нимадир меҳру вафо?  
Курбон бўлайин сенга дегил лутф юзидан,  
Кўнглимни ёритсин то менинг нуру сафо.

Яхши бўлишини Ҳақ тилар барча ёмон,  
Ҳар йўлдан адашган уни топсин бегумон.  
Ҳеч узма умидингни гуноҳим кўп деб,  
Ҳақ марҳамати қошида ҳечдир у, ишон.



# ШАВКАТ БУХОРИЙ

## (XVII аср 20-йиллари — 1695/1699)

Бухорода таҳсилини камолга етказиб, етук шоир сифатида шаклланади ва тирикчилик вожидан ота касби саррофлик<sup>1</sup> билан шуғулланади. Ҳиротга келиб, шаҳар ҳокими Сафоқулихон Шомлу ва унинг вазири Мирзо Саъдуддин хизматида бўлади. Дастлаб Нозик тахаллуси билан шеърлар ёзган, кейин Мирзо Саъдуддин унга Шавкат тахаллусини беради. Бу ҳукмдорлар билан муносабати бузилгач, Исфаҳонга кетади. Бир муддат Машҳадда ҳам яшайди. Манбаларда шоирнинг Ҳиндистонга ҳам сафар қилгани айтилади. Умрининг охирида узлатга чекиниб, Исфаҳон яқинидаги шайх Али ибн Сұҳайл мозорида истиқомат қиласди. Бухоронинг аштархонийлар сулоласидан бўлган ҳукмдори Абдулазизхон Исфаҳонга келганида довруқли шоирни сўроқлатади. Харобазордан топиб келинган шоир Абдулазизхоннинг бирга ҳаж қилиш ҳақидаги таклифига рози бўлиб, унинг ҳузуридан чиққанича қайтиб келмайди. Дарвешлик йўлини тутиб, уч кунда бир марта оғзига бир бурда нон солади. Хурросондан кийиб келган жун ҳирқасини умрининг охиригача эгнидан ташламайди ва уни ўзига кафан қиласидар.

Шавкат Бухорий ўз даврининг етук шоири, ҳинд услубининг забардаст намояндаларидан бўлган, нафақат замондош, балки ўзидан кейинги шоирларга ҳам кучли таъсир кўрсатган. Чунончи, Исфаҳонда у билан 7 ой давомида мuloқотда бўлган Малеҳо Самарқандий «Музаккир ул-асҳоб» тазкирасидан ўрин олган 202 шоир ичидан фақат Шавкат Бухорийга батрафсил ва юксак баҳо беради. Ҳар байти оҳорли маънолари туфайли фикр хаёлхонасининг тилсими, ҳар етук мисраси шоирлар тасбехининг зикридир, деб лутф этади. Шеърда маҳорати том ҳосил қилганилигини айтади. У анъанавий услубни янгилаган, оҳорли ва гўзал ташбехларни ўзига хос усуlda бадиий юксак ифодалаган шоир сифатида форсий адабиётда баланд мақомга эга.

Девонининг нусхалари Тошкент, Душанбе, Москва, Санкт-Петербургдаги қўлёзма фонdlарида сақланади. Меросининг асосий қисмини қасида, ғазал, қитъя ва рубоийлар ташкил этади. 6221 байтдан иборат шеърий мероси тўпланиб, 1987 йилда Душанбеда нашр қилинган. Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Қ. Тўхсанов 50 га яқин янги ғазалини топган.

Анъанавий ишқ мавзуи билан бирга, шоир ижодида таржимаи ҳол руҳидаги, ватандан ва дўстлардан жудолик, дунё, замон ва одамлардан шикоят оҳангидаги шеърлар етакчилик қиласди. Ёт

<sup>1</sup> *Сарроф* — пул алмаштирувчи.

эллардаги сарсон-саргардонлик шоир шеърларига ўз муҳрини босган. Ҳаётсеварлик, қаноатмандлик, панду насиҳат ва бошқалар ҳам шоир ижодининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Шоир шеърияти ҳәётийлиги, реал инсоний туйғулар тасвирига бағишиланғанлиги, самимияти билан ажралиб туради.

3. Ризаев, М. Аҳмадов, Ш. Шукuroв, Қ. Тўхсанов каби ўзбек ва тожик адабиётшунослари шоир ҳәёти ва ижодини тадқиқ этгандар. Истеъоддли шоир ва моҳир таржимон С. Воҳидов шоир ижодидан намуналар таржима қилган.

## 1

Сўфий бўлсанг, ўйлама кўпу камни,  
Яхши таниб ол оламу ҳам одамни.  
Оlam сени унубиб қўйишидан қўрқ,  
Ўзинг сира унутма бироқ оламни.

## 2

Қақнус каби, Шавкат, ўтлидир барча сўзим,  
Ишқ ўқи тегиб, бағри тўла қонман ўзим.  
Дунёда дилим лола каби доғ бўлди  
Бир ўтли қалам деб — шу экан ризку рўзим.

## 3

Ойдек юзини қилди намоён элга,  
Киприк ўқини урди беомон элга.  
Маст келди-ю, кўз учи билан боқди қиё,  
Маст айлади-ю, солди галаён элга.

## 4

Сен ерга ўтири, бўйлама кўп осмонни,  
Ўзингта яқин тут хоксор инсонни.  
Остонаси — ўртаси жаҳон даврасининг,  
Кўй пойгагу тўрни, ўртага тик жонни.

## 5

Толиб ёр васлига талабгор бўлгай,  
Кетса ўзидан, бунга сабаб ёр бўлгай.  
Доира сари мойил бўлса нуқта,  
Доира ичига у гирифтор бўлгай.

## 6

Орифга бўлар ҳамиша сидқи ҳамроҳ,  
Ваҳдат сиридан касрат<sup>1</sup> ичиди огоҳ.

<sup>1</sup> *Касрат* — кўплик, мўллик.

Юз шам ёнади агарчи түгри йўлда,  
Битта бўлиб аммо кўринади ногоҳ.

7

Мақсад сенга сарву гулу лола — ўйна,  
Дастингдан этар куфру дин нола — ўйна.  
Каъбада палахмон тошидек саргашта,  
Оташкадада мисоли шуъла ўйна.

8

Курган каби бу кеча базм Жамшиду Кай<sup>1</sup>,  
Ҳар бир бўғиним нола қилар худдики най.  
Бир ёнда турар рақибу бир ёнда ҳабиб,  
У — дўзаху бу — жаннату мен — Хотами Тай.

9

Бу нусха гўзаллик бобида мисли чаман,  
Гўёки чаман саҳни тўла гул, ёсуман<sup>2</sup>.  
Ўҳшатса бўлар уни чаман саҳнига, бок:  
Гўёки чаман саҳни тўла гул, ёсуман<sup>3</sup>.

10

Бу нусха варақ-варақ мисоли гулдек,  
Гул терга ботар рашку ҳасаддан, билдик.  
Юзта варағи бўлса гулистонда унинг,  
Юз гулга сабоқ ҳар варағини қилдик.

11

Иффат кибру ҳаё ҳақирдир ғоят,  
Аслида-ку инсонга шулардир давлат.  
Комил қўлинин туттан комил бўлади,  
Иффат ва ҳаё натижаси бу албат.

12

Боғ гулларининг барчаси ҳам йўлга қарап,  
Нодон киши ўйлайдики, бир ерда турар.

<sup>1</sup> *Кай* — асл, адолатли, ёқимли маъноларида ҳам келадиган бу сўз қадимги Эрон подшоҳларидан Кайковус, Кайхусрав, Кайқубод, Кайлакросиплар учун умумий, муштарак ном сифатида ҳам ишлатилиди.

<sup>2</sup> *Ёсуман* — хуш исли, оқ-сарик тусли гул, жасмин.

<sup>3</sup> Аслиятда худди шундай — иккинчи ва тўртинчи мисра бир хил келган.

Бир кун күрасанки, бу қизил кийганлар  
Бир ерда туриб ҳам бир куни Ҳаққа етар.

### 13

Бечора бу жон ғамингни қилди ошкор,  
Дилнинг чокидан йўллар очилгач, тор-тор.  
Бас, ихтиёринг тасарруфингдан чиққач,  
Узук кўзидек йўлни тутарсан noctор.

### 14

Одам зотини хафа қилишдир диним,  
Ўзимни севиб, ўзгага бордир киним.  
Ҳатто қарилик қилмади ўздан озод,  
Кўзгуда ўзимни кўраман бетиним.

### 15

Юлдузу қёшу ой — барини тарк эт,  
Элдан кутқар ўзингни, хилватга ет.  
Ҳамсуҳбат агарда деву даддир<sup>1</sup>, чўчима,  
Нокас кишидан бироқ узокроққа кет.

### 16

Ҳар бир саҳифа номи билан тўлди бутун,  
Гул тўла чаман этагида у бор учун.  
Ундан бу жаҳонда ҳеч нима холи эмас,  
Ҳар зарра қўлида у узукдек яширин.

### 17

Ўткинчи жаҳонда этма кўп кибру гурур,  
Қоқар у губордек этагидан барибир.  
Сув сингари тупроқ қатига сингсанг агар,  
Сўлак каби ташқари чиқаргай яна ер.

### 18

Умринг бўйи комиллик учун солик бўл,  
Бу дунёning айшига яна молик бўл.  
Аслида тириклик талаби шу бўлади:  
Дунёни(нг) қувончу ғамига шерик бўл.

### 19

Умрим бўйи, Шавкат, сочига бўлдим асир,  
Занжир кўрсам, сочи хаёлимга келур.

<sup>1</sup> Дад — йиртқич, ёввойи ҳайвон.

Солар мени изтиробга ҳар бир келиши,  
Дил қон бўлару юзимда қон қолмас, ахир.

## 20

Мард оғзини сўзга очса, дил хуш бўлади,  
Ҳам ўзга, ҳам ўз ғами фаромуш бўлади.  
Олмас тилига қулоққа ёқмас сўзни,  
Руҳ тортару енгил мисли куш бўлади.

## 21

Май хуми узумзор кўкининг юлдузидир,  
Биллур кўза дур тўла садафнинг ўзидир.  
Май базмида йўқ бир-бирига бегона,  
Соқий токнинг ўғлию май-чи, қизидир.

## 22

Ўзини бирор агарчи катта тутади,  
Айб этма, агар барчадан иззат кутади.  
Ҳар кимнинг ўз ўрни бўлар ер қаърида ҳам,  
Ҳар киши ўзига мос мақомга етади.

## 23

Маржон оғанинг дарду ғамидир иймон,  
Ҳуснихатидан қаламга ҳам киргай жон.  
Куръон китобати мисоли уммон,  
Маржон қўли маржон терар ундан ҳар он<sup>1</sup>.

## 24

Биз дунёдан ортигу юрамиз камдек,  
Бўлсак-да қуёш, кўринамиз шабнамдек.  
Олисадаги суратдек кўринсанк-да кичик,  
Аслида улуғмиз жуда ҳам — оламдек.



<sup>1</sup> Бу рубоий Маржон исмли хаттотга бағишлиб ёзилган.

# ИМЛО БУХОРИЙ

(1688 — 1749)

Мулло Мұхаммад Имло ибн Алоуддин ибн Азиз ибн шайх Юсуфиддин ибн Хорунхожа Араб Афғонистоннинг Сангорак деган жойида туғилиб, Бухорода таҳсил олган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолган. Мукаммал девони мавжуд бўлиб, фазал, рубоий ва бошқа жанрдаги шеърларни ўз ичига олади. Шеърлари асосан ирфоний руҳ ва мазмунда<sup>1</sup>.

Кубравия, нақшбандия, ишқия ва жаҳрия каби тўрут тариқатнинг муршиди бўлгани учун жомеъ ус-сулук — сулуклар мажмуаси деб улуғланган. «Эшони Имлонинг кубравия сулукидаги пирлари Мирзо Баҳодир Ширбудуний, нақшбандия сулукидаги пирлари Ҳожа Подшоҳ Салим Балхий, ишқия сулукидаги пирлари Мавлоно Шайх Усмон Азизон қудисса сирруҳулар бўлган»<sup>2</sup>.

Садриддин Салим Бухорий, Дилором Каримова каби олимлар Имло ҳаёти ва ижодини тадқиқ этганилар<sup>3</sup>. Самандар Воҳидов шоирнинг фазал ва рубоийларидан намуналар таржима қилган<sup>4</sup>.

1

Ёр зулфига кўнгил беру бўл девона,  
Бир жом ила масти шод этар майхона.  
Имло, ўтири ишқ майқадаси эшигига,  
Ҳар икки жаҳон мақсадидир бу хона.

2

Кўнглим қушига холингни айла дона,  
Юзинг нуридан олсин улуш парвона.  
Имло гадолардек эшигингта келмиш,  
Кўрсат йўлини — қаерда у майхона?

3

Ёр одати ўжарлигу ноз, жабру жафо,  
Мендан талаби бандалигу сидку вафо.  
Имло сира иш қилмагай ўз истагича,  
Ҳар ишки қиласар, бор унда фармони Худо.

<sup>1</sup> Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 1. С. 503.

<sup>2</sup> Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. 273-бет.

<sup>3</sup> Қаранг. Садриддин Салим Бухорий. Эшони Имло. Ҳалфа Ҳудойод (Тарихий рисола). — Бухоро, 2002; Каримова Д. Имло Бухорийнинг назмий гулдастаси. — Тошкент, 2005.

<sup>4</sup> Қаранг: Бухорийлар бўстони. 62—66-бетлар.

Савдоси унинг қилди мени девона,  
Бўлди мақомим савмаю бутхона.  
Хоҳиш қани Имлода — бажаргай яккаш<sup>1</sup>  
Ҳар неки буюрса кўзлари мастона.

Ёр юзи шами мени парвона қилар,  
Манзилу маконимни вайронга қилар.  
Солиб мени, эй Имло, харобот ичра,  
Бир нашъа билан асири паймона қилар.

Ишқ айлади то ҳамнафасу ёр мени,  
Дунё ишидан айлади бекор мени.  
Шодлигу сафога ўчлигимни кўриб у,  
Майхонага қилди-ку гирифтор мени.

Бизларга назар қилмади жононамиз-ей,  
Ахволи харобу дили девонамиз-ей.  
Бошдан то оёқ аланг-оташ бўлдик,  
Ҳар икки жаҳонни тутди афсонамиз-ей.

Ишқинг ўтида куйди паришон дилимиз,  
Соврилди бақо гирдибодида кулимиз.  
Эй тавбани синдиргучи, сен этдингу тарк,  
Фам ўти кабоб қилди, оқизди селимиз.

Зоҳид, қани, тарк айла бу майхонани-ей,  
Бехуд қилар — ичма майи мастонани-ей.  
Биз шунча бўлибмиз май ичишда машхур,  
Мастлар фақат излаб келар оstonани-ей.

Майхона сари — сеҳрли девор сари шош,  
Мансур каби бош бериш учун дор сари шош.  
Ой юзли париваш юзи ёдини қилиб,  
Имло, мачиту майхона, бозор сари шош.

---

<sup>1</sup> Яккаш — нуқул, ҳамиша, доим.

## 11

Ринд аҳлидан орому ҳаловат тилама,  
Зиндондагилардан айшу роҳат тилама.  
Эй Имло, ҳаробот аҳлидан ибрат ол,  
Зоҳид зотидан асло маърифат тилама.

## 12

Кибру ғурур аҳли ёту бегона менга,  
Афзалдир улардан маю паймона менга.  
Эй Имло, қаерда бўлса бир хонахароб,  
Ҳамсояю ҳамкосаю ҳамхона менга.

## 13


То ишқ ғаму дардидан хабардор бўлдим,  
Афсонай ҳар кўчаю бозор бўлдим.  
Соқий менга бир қатра шароб тутган эди,  
Мансур каби, Имло, асири дор бўлдим.

## 14

Ишқинг доғи кўнглим безагидир ҳар он,  
Дардинг эса хаста вужудимга дармон.  
Қандай кўрай ўзгалар жамолин сенсиз,  
Кўз гавҳаридир чунки юзинг, эй жонон!

## 15

Келди-ю ситамгар санамим қошимга,  
Ёпди ғаму қайгу түнини бошимга.  
Майса унади ўлсам тупроғимдан,  
Ҳар тонг ювади юзини кўз ёшимга.



## **БОСИТИЙ**

### **(вафоти 1747)**

Ҳинди斯顿нинг таниқли адибларидан бўлиб, исми Банда Алихондир. Лакҳнав шаҳрига бориб, шайх Абдулбоситга мурид тушганидан кейин Боситий тахаллусини олган. Щеър ёзиш билан бирга, шоирлар ҳақида «Тазкираи Боситий» номли тазкира ҳам тузган<sup>1</sup>.

Гул юзли у шўх жононни келтиринг-ей,  
У лола лаби хандонни келтиринг-ей.  
Ё ёр қадамига етказинг жонимни,  
Бошимга ё меҳрибонни келтиринг-ей.




<sup>1</sup> Қаранг: Қайюмов П.Д. Тазкират уш-шуаро. 1-китоб. 35-бет.

# МАВЛОНО ҚУРБАТ

(1868—1948)

Мавлоно Мир Мұхаммад Амин Қурбат Бухоро шаҳридаги Ҳожа Зомуча гузарыда уламо оиласида туғилған. 5 ёшидан мактабға қатнағ, қори Ҳабибуллоҳдан сабоқ олади. Араб тили ва диний илмларни домла Абдушукурдан ўрганади. 18 ёшидан Мир Араб мадрасасида таҳсил олади. Қурбат (маъноси — яқинлик, маҳрам) тахаллуси билан ўзбек ва тоҷик тилларида қалам тебратган. Девони ғазал, мухаммас, таржеъбанд, қитъа, рубоий каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олади. Заҳир Форёбий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедилларга пайравлик қилған<sup>1</sup>.

Эй Шарқ, сенинг Жомию Навойинг бордир  
Ҳам Бедилу Саъдию Санойинг бордир.  
Оч кўзни бу гафлат уйқусидан, кўзгол,  
Ўтди-кетди қанча даҳойинг бордир...



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. 90—92-бетлар.*

## МУНДАРИЖА

Эргаш Очилов. Тариқат ва шेърият .....	3
Боязид Бистомий .....	8
Абулқосим Бишр Ёсин .....	11
Абулаббос Қассоб .....	12
Абулҳасан Ҳарақоний .....	13
Бобо Қўйи .....	16
Абусаид Абулхайр .....	18
Носир Хисрав .....	30
Абдуллоҳ Ансорий .....	34
Дарвеш Муҳаммад Чаргар .....	52
Шайх Ҳасан Намадпӯш .....	53
Юсуф Ҳамадоний .....	54
Шайх Аҳмади Жом .....	56
Муҳаммад Фаззолий .....	59
Аҳмад Фаззолий .....	61
Абулҳасан Бустий .....	65
Айнулкуззот Ҳамадоний .....	66
Ҳаким Саноий .....	74
Абдулхолиқ Фиждувоний .....	80
Сайд Ҳасан Фазнавий .....	86
Имодий Шаҳриёрий .....	90
Шайх Рӯзбекон Буқлий .....	93
Низомий Ганжавий .....	96
Нажмиддин Кубро .....	101
Маждиддин Бағдодий .....	108
Фаридиддин Аттор .....	113
Шаҳобиддин Суҳравардий .....	121
Заҳир Форёбий .....	124
Синжоний Ҳавофий .....	129
Авҳадиддин Кирмоний .....	131
Камолиддин Исмоил .....	145
Разииддин Али Лоло .....	158
Шамсиддин Табризий .....	159
Сайфиддин Боҳарзий .....	161

Саъдиддин Ҳамавий .....	166
Бобо Афзал .....	170
Саъдий Шерозий .....	177
Жалолиддин Румий .....	183
Нажмиддин Розий .....	191
Фахриддин Ироқий .....	194
Султон Валад .....	210
Шайх Бузгуш Шерозий .....	211
Шайх Иззуддин Маҳмуд Коший .....	212
Шайх Абдуллоҳ Балёний .....	213
Азизиддин Насафий .....	214
Паҳлавон Маҳмуд .....	217
Маҳмуд Шабустарий .....	233
Амир Ҳусрав Деҳлавий .....	234
Амир Ҳасан Деҳлавий .....	250
Хожа Али Ромитаний .....	255
Авҳадий Марофий .....	258
Хожу Кирмоний .....	262
Хожа Муҳаммад Али Тахурый .....	269
Хожа Қутбиддин Яҳё Нишопурый .....	270
Носир Бухорий .....	271
Имод Фақиҳ Кирмоний .....	273
Саид Али Ҳамадоний .....	276
Баҳоуддин Нақшбанд .....	277
Камол Ҳўжандий .....	279
Шамсиддин Кеший .....	285
Лутфуллоҳ Нишопурый .....	286
Ҳофиз Шерозий .....	288
Шоҳ Неъматуллоҳ Валий .....	293
Фазлуллоҳ Наимий .....	310
Ибн Насуҳ .....	312
Шайх Мағрибий .....	313
Абулвафо Хоразмий .....	314
Косим Анвор .....	318
Яъқуб Чархий .....	326
Хожа Исмат Бухорий .....	327
Хусайн Хоразмий .....	330
Имодиддин Насимий .....	332
Хаёлий Бухорий .....	337
Шайх Озарий Тусий .....	339
Бобо Айнулмулк .....	341
Мавлоно Муҳаммад Амин .....	342
Дарвеш Мансур .....	343
Пири Сесадсола .....	344

Мавлоно Мұхаммад Хурсоний .....	345
Мазоқий Исфаҳоний .....	346
Абдураҳмон Жомий .....	347
Бобо Фигоний .....	356
Шайх Жалол .....	358
Камолиддин Абулхайр .....	359
Абдуллатиф Жомий .....	360
Абдуллоҳ Мәҳнай .....	361
Исомиддин Иброҳим .....	362
Миршайх Пуроний .....	363
Мавлоно Амир Нотиқий .....	364
Шайх Имодиддин .....	365
Амир Асадулло .....	366
Мавлоно Султонали Ўбаҳий .....	367
Хожа Қосим Мавдуд .....	368
Шайх Муфзил Мәҳна .....	369
Мавлоно Бақой .....	370
Маъсумхожа .....	371
Мавлоно Жоний Ятимбон .....	372
Мирзо Машҳадий .....	373
Мавлоно Яқиний .....	374
Шайх Халилулло .....	375
Шайх Рубоий .....	376
Мавлоно Восилий .....	377
Шайх Баҳоий .....	378
Шавкат Бухорий .....	387
Имло Бухорий .....	392
Боситий .....	395
Мавлоно Курбат .....	396

## **ДОНИШМАНДЛАР ТУХФАСИ**

### **Рубоийлар**

Мұхаррир *Л. Игамова*

Бадиий мұхаррир *Р. Зуфаров*

Техник мұхаррир *Т. Харитонова*

Мусаҳихлар *Н. Умарова, Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Кулназарова*

Босишига рухсат этилди 14.12.2009. Бичими  $60 \times 90 \frac{1}{16}$   
Таймс гарнитурада оғсет усулда босилди. Шартлы босма  
табоги 25,0. Нашр табоги 16,86. Нусхаси 3000.  
Буюртма № 09-24.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30